

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEK LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	--

**2018
№3**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

- Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – ю.ф.д., профессор.
- Рахимов Фахри Хайдарович** – ю.ф.д., профессор.
- Адилходжаева Сурайё Махкамовна** – ю.ф.д., профессор.
- Оқюлов Омонбой** – ю.ф.д., профессор.
- Имомов Нурилло Файзуллаевич** – ю.ф.д., доцент.
- Эсанова Замира Нормуратовна** – ю.ф.д., профессор.
- Шодманов Фурқат Юсупович** – ю.ф.д., профессор.
- Самарходжаев Ботир Билялович** – ю.ф.д., профессор.
- Шамухамедова Замира Шаисламовна** – ю.ф.д., доцент.
- Эргашев Восит Ёқубович** – ю.ф.н., доцент.
- Холмўминов Жуманазар Тоштемирович** – ю.ф.д., профессор.
- Файзиёв Шухрат Хасанович** – ю.ф.д., профессор.
- Махкамов Отабек Мухтарович** – ю.ф.д.
- Зуфаров Рустам Ахмедович** – ю.ф.д., профессор.
- Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович** – ю.ф.д., профессор.
- Тошев Бобоқул Норқобилович** – ю.ф.д., профессор.
- Рустамбеков Исламбек Рустамбекович** – ю.ф.д., доцент.

Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш сўралади: Гулямов Саид Саидахарович, Рустамбеков Исламбек Рустамбекович ТДЮУ, Халқаро тижорат ҳуқуқи кафедраси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36
"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.
Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди. 2018 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университети тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва қўлайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университети мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**
 Нашриёт муҳаррири: **Н. Ниязова**
 Техник муҳаррир: **Ш. Ҳўжаев**
 Лицензия № 02-0074
 Босишга рухсат этилди – 08.10.2018
 Нашриёт ҳисоб табоғи – 5
 «IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди
 Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ**

3/2018

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ

М.Нажимов	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экспертизасини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари5
Х.Хайитов	Адолатли қонунлар қабул қилиш қонун ижодкорлигининг бош мезонидир9
А.Бабаджанов	Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокининг устувор йўналишлари12
М.Абдуллаева	Конституциявий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари16
Б.Умаров	Номақказлаштириш концепцияси ва унинг давлат бошқарувини демократлаштиришдаги ўрни20
Ж.Азамов	Инновацион ривожланиш шароитида ҳуқуқни қўллаш соҳасини моделлаштириш ва прогностлашнинг зарурлиги24
Х.Ботиров	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар билан боғлиқ муносабатларнинг тартибга солиш масалалари29
С.Султанова	«Ақлли тартибга солиш» моделини қўллаш орқали норма ижодкорлиги фаолиятининг сифатини ошириш32
Ш.Хайитов	Норма ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш – мукамал қонунчилик тизимини шакллантиришнинг муҳим шarti36
И.Турабоев, Э.Раҳматов	Норезидент юридик шахслар даромадига солиқ солиш: муаммолар ва таклифлар39
И.Эргашев	Солиқ назорати ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш солиқ маъмуричилигининг муҳим кўрсаткичи сифатида42
ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ	
Д.Қараходжаева	Ўзбекистон Республикасида ерга бўлган хусусий мулкни ислоҳ қилишнинг долзарблиги46
О.Камалов	Маҳсулот етказиб бериш шартномаси олди-сотдининг бир тури сифатида48
М.Болтаев	Тадбиркорлик фаолиятини ихтиёрий тугатишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари51
Б.Хамроқулов	Шартномавий муносабатларда маънавий зиёни қоплашни қўллашнинг хусусиятлари54
О.Дадаходжаев	Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш субъектлари59
У.Сайдахмедов, Б.Худайбергенов	Банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиётини такомиллаштириш62
ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ	
И.Джураев	Ривожланган хорижий мамлакатларда прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари65
А.Пулатов	Рақамли иқтисодиётда солиқлардан бўйин товлаш масалалари69
М.Уразалиев	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил қилишда бир қатор хорижий мамлакатлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг иштироки74
И.Ачилов	Жиноят объекти тушунчаси ва унинг жиноят таркибида тутган ўрни78
К.Ҳакимов	“Оғир ҳақорат” тушунчаси ва унинг аффект ҳолатида содир этилган жиноятларни квалификация қилишга таъсири80
Ф.Худайкулов	Жиноят таркибининг объектив томон факультатив белгилари жавобгарлиқни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида83
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР	
И.Рустамбеков	Арбитраж келишуви арбитражга мурожаат этиш асоси сифатида87
У.Суёнов	Трансчегаравий банкротлик билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш усуллари91
А.Якубов	Ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш: Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикалари мисолида95
Э.Ахунджанов	Халқаро тижорат арбитражлари амалиётида қўлланадиган ҳуқуқни танлаш101
А.Ибрагимова	Экспортни қўллаб-қувватлаш: миллий ва хорижий тажриба106

EDITORIAL BOARD

GENERAL MANAGER:

Dr. Gulyamov Said – Professor, Doctor of Sciences in Law.

MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:

Mrs. Akhmedshaeva Maviyuda – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Rakhimov Fakhri – professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Adilkhodjaeva Surayo – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Okyulov Omonboy – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Imomov Nurillo – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Esanova Zamira – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Shodmanov Furqat – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Samarkhodjaev Botir – professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Shamukhamedova Zamira – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Ergashev Vosit – associate professor, candidate of sciences in law

Mr. Kholmuminov Jumanazar – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Fayziev Shukhrat – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Makhkamov Otabek – doctor of sciences in Law.

Mr. Zufarov Rustam – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Mukhitdinov Fakhridin – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Toshev Bobokul – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Rustambekov Islambek – associate professor, doctor of sciences in Law.

For further information please contact:

Mr. Gulyamov Said,
Mr. Rustambekov Islambek
35, Sayilgoh Street, Tashkent,
TSUL, Department of "International commercial Law",
Council of Young Scientists
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-66-36

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at www.lawreview.uz

The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2013.

The findings, conclusions and interpretations expressed in the journal are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the Tashkent State University of Law.

Published in 2018.

Copyright by Tashkent State University of Law. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Tashkent State University of Law, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan.

ISSN 2181-8118

General Secretary: **I.Rustambekov**

Publishing editor: **N.Niyazova**

Technical editor: **Sh.Khujaev**

License No. 02-0074

Authorized to issue – 08.10.2018

Bulk – 5

Printed in «IMPRESS MEDIA» Printhouse

Number of copies – 100

SCIENTIFIC-ANALYTICAL JOURNAL

3/2018

CONTENTS

STATE LAW AND MANAGEMENT

M.Najimov Organizational and Legal Issues of the Examination of Legal Acts.....	5
H.Hayitov The Adoption of Fair Laws is the Main Criteria in Lawmaking.....	9
A.Babadjanov Priority Areas for the Participation of Political Parties in the Activities of Representative Bodies of State Power in the Places.....	12
M.Abdullayeva The Concept of Constitutional Offence and Special Features.....	16
B.Umarov The Concept of Decentralization and Its Role in Democratization of Public Administration.....	20
J.Azamov The Need for Modeling and Forecasting in the Field of Law Enforcement in the Context of Innovative Development.....	24
H.Botirov Regulation of Relations Related to Taxes and Other Mandatory Payments.....	29
S.Sultanova Improving the Quality of Rulemaking Through the Use of the "Smart Regulation" Model.....	32
Sh.Hayitov Improving the Process of the Norm of Creativity - the Main Condition for the Formation of a Perfect Legislative System.....	36
I.Turaboyev, E.Rahmatov Taxation of Income of Non-resident Legal Entities: Problems and Suggestions.....	39
I.Ergashev Improving the Legal Framework of Tax Control as an Important Criterion for Tax Administration.....	42

CIVIL LAW AND CIVIL PROCESS

D.Karahodjaeva The Relevance of the Reforms of the Institution of Private Ownership of Land in the Republic of Uzbekistan.....	46
O.Kamalov Contract of Delivery of Goods as Kind of Purchase and Sale.....	48
M.Boltayev Issues of Legal Regulation of Voluntary Liquidation of Business Activities.....	51
B.Hamrokulov The Peculiarities of the Compensation for Moral Damage of Contractual Legal Relations.....	54
O.Dadahodjayev Subjects of Obligatory Insurance of Civil Liability of Carrier.....	59
U.Saydahmedov, B.Hudaybergenov Improvement of Judicial Practice on Bankruptcy Cases.....	62

CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS

I.Djurayev Matters of Coordination of Activities for Prevention of Crimes by Bodies of Prosecutor's Office in the Developed Foreign Countries.....	65
A.Pulatov Tax Avoidance Issues in Digital Economy.....	69
M.Urazaliev Participation of Local Authorities of State Power of Some Foreign Countries in Law Enforcement Activity.....	74
I.Achilov The Concept of Object of Crime and Its Position in the Corpus Delicti.....	78
K.Hakimov The Concept of "Grave Offence" and Its Impact in the Classification of Crimes Committed in the Heat of Passion.....	80
F.Hudaykulov Facultative Signs of the Objective Side of the Crime as Aggravating (Qualifying) Signs of Criminal Offenses.....	83

INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS

I.Rustambekov Arbitration Agreement as a Base for Arbitration Request.....	87
U.Suyunov The Methods of Legal Regulatingrelations Connected with Cross-Border Bankruptcy....	91
A.Yakubov Regulation of Foreign Economic Activity: on the Example of Uzbekistan and South Korea.....	95
E.Ahundjanov The Choice of Applicable Law in Practice of the International Commercial Arbitrations.....	101
A.Ibragimova Supporting Export: National and Foreign Experience.....	106

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

Гулямов Саид Саидахарович – доктор юридических наук, профессор.

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – д.ю.н., профессор.

Рахимов Фахри Хайдарович – д.ю.н., профессор.

Адилходжаева Сурайё Махкамовна – д.ю.н., профессор.

Оқюлов Омонбой – д.ю.н., профессор.

Имомов Нурилло Файзуллаевич – д.ю.н., доцент.

Эсанова Замира Нормуратовна – д.ю.н., профессор.

Шодманов Фурқат Юсупович – д.ю.н., профессор.

Самарходжаев Ботир Билялович – д.ю.н., профессор.

Шамухамедова Замира Шаисламовна – д.ю.н., доцент.

Эргашев Восит Ёқубович – к.ю.н., доцент.

Холмўминов Жуманазар Тоштемирович – д.ю.н., профессор.

Файзиев Шухрат Хасанович – д.ю.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович – д.ю.н.

Зуфаров Рустам Ахмедович – д.ю.н., профессор.

Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович – д.ю.н., профессор.

Тошев Бобоқул Норқобилович – д.ю.н., профессор.

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – д.ю.н., доцент.

Для получения информации просим обращаться:

Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
ТГЮУ, кафедра Международное коммерческое право.
Республика Узбекистан, Ташкент, 100047,
ул. Сайилгох, 35. Тел.: 233-66-36 (1073).

Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте:
www.lawreview.uz

Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2013 г.

Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения Республики Узбекистан или Ташкентского государственного юридического университета.

Опубликовано в 2018 г.

Авторские права принадлежат Ташкентскому государственному юридическому университету. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Ташкентского государственного юридического университета. По вопросам воспроизведения обращаться в Ташкентский государственный юридический университет. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35.

ISSN 2181-8118

Ответственный секретарь: **И.Рустамбеков**

Издательский редактор: **Н.Ниязова**

Технический редактор: **Ш.Хужаев**

Лицензия № 02-0074

Подписано к печати – 08.10.2018 г.

Уч.- изд. лист. – 5

Отпечатано в типографии «IMPRESS MEDIA»

Тираж – 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ**

3/2018

СОДЕРЖАНИЕ

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО И УПРАВЛЕНИЕ

М.Нажимов Организационно-правовые вопросы осуществления экспертизы нормативно-правовых актов	5
Х.Хайитов Принятие справедливых законов – основной критерий законотворчества	9
А.Бабаджанов Приоритетные направления участия политических партий в деятельности представительных органов государственной власти на местах	12
М.Абдуллаева Понятие и особенности конституционного правонарушения	16
Б.Умаров Концепция децентрализации и ее роль в демократизации государственного управления	20
Ж.Азамов Необходимость моделирования и прогнозирования в сфере правоприменения в условиях инновационного развития	24
Х.Ботиров Регулирование отношений, связанных с налогами и другими обязательными платежами	29
С.Султанова Повышение качества нормотворческой деятельности посредством применения модели «умное регулирование»	32
Ш.Хайитов Совершенствование процесса норма творчества – основное условие формирования совершенной законодательной системы	36
И.Турабоев, Э.Рахматов Налогообложение доходов юридических лиц нерезидентов: проблемы и предложения	39
И.Эргашев Совершенствование правовых основ налогового контроля как важное критерий налогового администрирования	42

ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО И ГРАЖДАНСКИЙ ПРОЦЕСС

Д.Караходжаева Актуальность реформ института частной собственности на землю в Республике Узбекистан	46
О.Камалов Договор поставки товара как разновидность купли-продажи	48
М.Болтаев Вопросы правового регулирования добровольной ликвидации предпринимательской деятельности	51
Б.Хамрокулов Особенности применения возмещения морального вреда договорных правоотношений	54
О.Дадаходжаев Субъекты обязательного страхования гражданской ответственности перевозчика	59
У.Сайдахмедов, Б.Худайбергенов Совершенствование судебной практики по рассмотрению дел о банкротстве	62

УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС

И.Джураев Вопросы координации деятельности по предупреждению преступлений органами прокуратуры в развитых зарубежных странах	65
А.Пулатов Проблемы уклонения от уплаты налогов в цифровой экономике	69
М.Уразалиев Участие местных органов государственной власти некоторых зарубежных стран в организации правоохранительной деятельности	74
И.Ачилов Понятие объекта преступления и его место в составе преступления	78
К.Хакимов Понятие "тяжкое оскорбление" и его влияние при квалификации преступлений, совершаемых в состоянии аффекта	80
Ф.Худайкулов Факультативные признаки объективной стороны преступления какотягчающие признаки при квалификации деяния	83

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ

И.Рустамбеков Арбитражное соглашение как основание обращения в арбитраж	87
У.Суёнов Методы правового регулирования отношений, связанных с трансграничной банкротством	91
А.Якубов Регулирование внешнеэкономической деятельности: на примере Узбекистана и Южной Кореи	95
Э.Ахунджанов Выбор применимого права на практике международных коммерческих арбитражей	101
А.Ибрагимова Поддержка экспорта: национальный и зарубежный опыт	106

М.Нажимов,ТДЮУ “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи”
кафедраси профессори,
юридик фанлар номзоди**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ
ЭКСПЕРТИЗАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Аннотация: мақолада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экспертизаситишунчаси, мақсади, вазифалари, турлари кабимасалаларнинг назарий-ташкилий жиҳатлари таҳлил этилган. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экспертизасини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: эксперт, экспертиза, ҳуқуқий экспертиза, ҳокимият, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норма ижодкорлиги, қонунчилик ташаббуси.

Аннотация: в данной статье проанализированы теоретико-организационные вопросы о понятии, задаче, цели и виды экспертизы нормативно-правовых актов. А также разработаны предложения и рекомендации по усовершенствованию механизма реализации экспертизы нормативно-правовых актов.

Ключевые слова: эксперт, экспертиза, правовая экспертиза, власть, нормативно-правовые акты, нормотворчество, законодательная инициатива.

Annotation: in the article theoretical-organizational aspects of the notion, purpose, functions and types of normative-legal acts are analyzed. Also suggestions and recommendations to improve mechanisms of expertise of normative-legal acts are worked out.

Keywords: expert, expertise, legal expertise, authority, normative-legal acts, law-making, legislative initiative.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертиза қилиш – ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, қонунчилик ҳужжатларининг мукамал тайёрланиши, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш механизмини таъминлаш ҳамда республикамизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги кенг қўламли ислохотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ўта мураккаб ва серқирра жараён ҳисобланмиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, уларни ҳар томонлама экспертиза қилиш, қабул қилиш ҳамда ижросини таъминлаш билан боғлиқ фаолият мунтазам равишда илмий-амалий жиҳатдан таҳлил этиб борилиши лозим.

Мазкур институтнинг мазмун моҳиятини англашда, энг аввало, экспертиза тушунчасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. “Экспертиза” сўзи лотинча “expertus”[1], яъни “синов” сўздан келиб чиққан бўлиб, у ечими турли соҳаларда махсус билимларга эга бўлишни талаб қилувчи муайян масалаларни мутахассис (эксперт) томонидан ўрганишни ёки бирон-бир масалани эксперт ёки экспертлар гуруҳи томонидан хулоса бериш учун кўриб чиқишни англатади[2].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мазкур тушунчага куйдагича таъриф берилган: экспертиза (фр. Expertise – тажрибали, синалган) қийин ёки чигал масалани ечиш ва ҳал қилиш учун мутахассислар иштирокида

уюштирилган текшириш, шундай текшириш ўтказувчи мутахассислар ҳайъати[3].

Айни пайтда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси деганда фақат ҳуқуқий экспертиза тушунилмади. Бу борада ҳуқуқшунос олим Ў.Муҳамедов тўғри қайд этиб ўтганидек, “қонун ҳужжатларининг лойиҳалари юзасидан иқтисодий ва молиявий экспертизалар ҳам амалга оширилади. Масалан, иқтисодийётга оид қонун лойиҳалари ижтимоий-иқтисодий соҳани бошқарувчи вазирликлар, давлат қўмиталари ва идора мутахассислари, мазкур соҳанинг етук олимлари томонидан экспертизадан ўтказилади”[4].

“Экспертиза” тушунчасига биринчи – бирон-бир конкрет предметни муайян билим соҳасидаги мутахассис томонидан ўрганиш; иккинчи ўрганиш натижаларига кўра тузиладиган хулоса киради. Бу сўз бирикмалари жамулжам ҳолда экспертизанинг моҳиятини ифодалайди.

Махсус билимлардан фойдаланишни тақозо этадиган ҳуқуқий ёки бошқарув фаолияти иштирокчиларининг ҳуқуқ билан кўриқланувчи манфаатлари амалда тўқнашган ёки тўқнашиш хавфи юз берган шароитда махсус билимлардан фойдаланиш экспертиза ҳуқуқий табиатининг белгиси саналади. Айнан шундай вазиятлар норматив тартибга солишни тақозо этади. Ҳолбуки, одатдаги ва ҳатто ҳуқуқ билан кўриқланувчи манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган муаммоли вазиятларда экспертиза ўтказиш ортиқча ҳисобланади. Масалан, эркин ижодий изланиш ёки яширин ишлаб чиқариш, ёки тадқиқот йўналишида айни бир манфаатларга эга бўлган шахслар жамоаси ёки бир мутахассис томонидан амалга оширилаётган режали илмий-техникавий, конструкторлик, тажриба, эксперимент ва бошқа шунга ўхшаш ишлар, гарчи махсус билимлардан фойдаланишнинг одатдаги шаклларини ташкил этувчи турли хил таҳлиллар, синовлар, ўлчашлар, тестлар, оралик ва пировард баҳолашлар билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлса-да, экспертиза ўтказишни талаб қилмайди.

Агар таҳлиллар, синовлар, баҳолашлар ва шу кабиларнинг натижалари фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқ билан кўриқланувчи қарама-қарши ёки мос келмайдиган манфаатларига даҳл этса ва бу манфаатларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш лозим бўлса, уларни ўрганиш, ҳолисона ва асосланган ҳуқуқий ёки бошқарув қарорлари қабул қилишни таъминловчи ва мазкур фаолият иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини кўриқловчи тартиб-таомиллар доирасида амалга оширилмоғи даркор. Бундай ўрганиш экспертиза шаклида ўтказилиши лозим. Бунда зиддиятли вазиятларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари қанчалик муҳим бўлса, экспертиза процессуал-ҳуқуқий тартибга солиш воситаси ҳам шунчалик муҳим ҳисобланади.

Агар эксперт баҳолаш методидан фойдаланиладиган илмий ёки амалий билимнинг умумий методологияси тўғрисида эмас, балки ҳуқуқий тартибга солиш соҳаси тўғрисида сўз юритилаётган бўлса, у ҳолда экспертиза процессуал-ҳуқуқий институт сифатида унинг тартиб-таомили эса норматив йўл билан махсус тартибга солишни тақозо этувчи тартиб-таомил сифатида қаралиши лозим. Бунда ҳуқуқий ва бошқарув фаолиятининг айрим соҳаларида экспертиза тартиб-таомилларини процессуал тартибга солиш билан бирга процессуал-

ҳуқуқий институт сифатидаги экспертизанинг умумий принциплари, тушунчалари ва мезонларини, яъни унинг зиддиятсизлиги, умумий ҳуқуқ тизимига мувофиқлиги ва амалда қўллашнинг самарадорлигини таъминловчи умумий концепциясини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Ҳар қандай экспертиза текширишдан иборат, лекин ҳар қандай текширув ҳам экспертиза ҳисобланавермайди. Экспертзанинг процессуал табиати унинг муҳим белгисидир. Агар бу белги бўлмаса, экспертиза илмий билимининг умумий методологиясига сингиб кетади ва ўз хусусиятини йўқотади[5]. Ҳуқуқий институт сифатида экспертиза фақат ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида зиддиятли ҳуқуқий ва бошқарувга оид вазиятларни юмшатишда амал қилади.

Ҳозирги шароитда қонун лойиҳаларининг экспертизаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг аҳамияти шу билан белгиланадики, давлат органлари фаолиятининг хўжалик, тиббиёт, ҳуқуқий, илмий ва бошқа соҳаларидаги кўпдан-кўп масалаларни фақат экспертиза ёрдамида ҳал этиш мумкин, хулоса эса ўтказилган экспертизанинг натижаси сифатида тўғри, асосланган қарор қабул қилиш учун замин бўлиб хизмат қилади[6].

Юқоридаги илмий-назарий таҳлилларга асосланиб, экспертиза институтининг методологик асосларини ўрганиш асносида қуйидаги тушунчаларга илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган таърифларни илгари суриш мумкин:

Қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари экспертизаси – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаларини илмий, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, кримнологик, юридик-техник, лингвистик жиҳатдан текширишдир.

Қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизаси – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари лойиҳаларини илмий, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, кримнологик, юридик-техник, лингвистик жиҳатдан текширишдир.

Ҳуқуқий экспертиза – қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги конституциявий қонунлари ва қонунларига мослиги, Парламент томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини текширишдир.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мҲ-сон буйруғига 1-илова сифатида тасдиқланган “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари” да **ҳуқуқий экспертиза** – идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлигини текширишни амалга ошириш, деб белгиланган[7].

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасининг давлат қурилиши ва жамият ҳаётидаги аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

биринчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экспертизаси конституциянинг устуворлигини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тайёрланиши, қабул қилиниши ҳамда ҳаётга татбиқ этилиши мумкин, лекин у ҳуқуқий бўлмаслиги мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳуқуқий бўлиши, унинг мазмунида адолат ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлиги билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам экспертиза жараёнида ҳужжат лойиҳасига қўйиладиган асосий талаб унинг ҳуқуқийлик, адолатлилик принципларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқлигини ўрганишдан иборат. Агар номувофиқлик аниқлангудек бўлса, экспертиза хулосасида уни бартараф этишга оид фикрлар баён этилади;

иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини экспертизадан ўтказиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимиятлари ўртасида мувозанатни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим фаолиятдир. Давлат ва ҳуқуқ назариясидан бизга маълумки, ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилининг “бир-бирини тийиб туриш”, “қўллаб-қувватлаш”, “назорат қилиш” каби элементлари мавжуд. Ушбу элементларнинг оқилона ишлаши механизмда давлатнинг муҳим функцияларидан бири бўлган ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти алоҳида ўрин тутади. Давлат ҳокимияти олий органларининг бири томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини бошқа бири томонидан экспертизадан ўтказилиши холислик ҳамда адолатлилик гаровидир;

учинчидан, ҳуқуқий экспертиза қонун ҳужжатларининг ҳали лойиҳа ҳолатидаёқ мониторингини таъминлашга хизмат қилади. Бу билан қонуннинг қабул қилиниши учун ҳақиқатдан ҳам жамиятнинг у ёки бу соҳасида ижтимоий эҳтиёжлар мавжудми, ушбу соҳадаги муносабатлар айнан қонун билан тартибга солиниши керакми ёки бошқа ҳужжат асосида бошқариш мумкинми, каби саволларга ечим изланади;

тўртинчидан, ҳуқуқий экспертизани қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектларнинг қонун лойиҳаларини сифатли тайёрлашдаги масъулиятини оширишга хизмат қиладиган муҳим мезон сифатида кўрсатиш мумкин. Қонунчилик ташаббуси субъекти томонидан қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этилишидан олдин ёки кейин уни экспертизадан ўтказиш учун мутасадди органга тақдим этилади. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказувчи ташкилот қонун лойиҳасини ҳар томонлама ҳуқуқий тафтиш қилиб, унинг натижасини хулоса тарзида қонун лойиҳасини юборган органга тақдим этади. Экспертлар билдирган тақлиф-мулоҳазалар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан инobatта олиниши орқали қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилади;

бешинчидан, экспертиза ўтказиш орқали қонун лойиҳаларининг муҳокамасида кенг жамоатчиликнинг иштироки ҳам таъминланади. Бу демократиянинг муҳим белгиларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмиталари қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уни экспертизадан ўтказиш жараёнига

кенг жамоатчилик вакиллари, мутахассислари, олимлари жалб этишлари мумкин. Шунингдек, мамлакатимизда ҳам қонун ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда мазкур тартиб-таомиллар кенг йўлга қўйилган бўлиб, қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш, республикамизнинг олий юридик ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи экспертлар гуруҳлари ташкил этилган. Бундай жамоатчи эксперт гуруҳларини тузишдан мақсад қонунлар сифатини ошириш ва энг асосийси, ёшларнинг қонунчилик техникаси ва ҳуқуқий экспертиза соҳаларида билимлари, кўникма ҳамда малакаларини ҳозирданок юксалтириб боришга қаратилган.

2018 йилнинг 13 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилгандир. Адлия органлари ҳужжатларда назарда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда, тизимдаги камчиликларни бартараф этишда “Одилонга қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир” деган концептуал ғояни ҳаётга татбиқ этиш орқали ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширади.

Муҳим воқеа дея эътироф этилаётган ҳужжатлар қатор янгиларни қамраб олган. Эндиликда “республика – вилоят – туман (шаҳар)” уч поғонали принципи бўйича вертикал бошқарувни жорий этган ҳолда туман (шаҳар)ларда адлия бўлимлари ташкил этилади. Бу билан бевосита жойлардаги ҳуқуқий муаммолар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланишини чуқур ўрганиш, жамиятдаги аниқ ҳуқуқий ҳолатдан келиб чиқиб ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш имконияти яратилди.

Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида бир қатор янги бошқармалар ташкил этилди. 2018 йилдан бошлаб, Адлия вазири давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғрисида ҳар йили Олий Мажлис Сенатига ахборот тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, ҳудудий адлия бошқармалари бошлиқлари ҳар ярим йил якуни бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига жойларда норма ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати бўйича ахборот тақдим этади.

2018 йил 1 майдан бошлаб эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Президенти девонига фақат Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза якуни бўйича уларни

қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосаси мавжуд бўлгандагина тиратилади.

Жаҳон цивилизациясининг тараққиётига ҳамоҳанг тарзда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш мақсадида илдам қадам ташлаётган Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, уни янги сифат поғонасига кўтаришда ҳуқуқий экспертизанинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Хўжалик, давлат қурилиши, таълим, ижтимоий таъминот, ички ва ташқи сиёсат борасида ҳамда сиёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг бошқа тармоқларига тегишли қонун ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва улар бўйича экспертлик хулосаларини ишлаб чиқиш мазкур соҳаларни ҳуқуқий тартибга солиш борасида тўғри қарорлар қабул қилинишига асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, ҳуқуқий экспертиза мамлакатимизда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, муҳокама ва қабул қилиш жараёнининг, бошқача айтганда, қонун ижодкорлиги фаолиятининг ажралмас қисми эканлигидан далолат бермоқда.

Бу борада Е. Каньязов тўғри таъкидлаб ўтганидек, “қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш қонун ижодкорлиги жараёнининг изланувчанликини, юксак салоҳиятни, ижодий ёндашувни, кўплаб тадбирлар ташкил этишни, тадқиқотлар ўтказишни, лойиҳа матнини ҳамда унинг ҳар томонлама асосларини тайёрлашни, лойиҳани мувофиқлаштиришни, уни ҳуқуқий ва бошқа экспертизалардан ўтказишни талаб этадиган муҳим босқичидир”[8].

Шу ўринда ҳуқуқий экспертиза ўтказиш ва қонунчилик ҳужжатлари юзасидан экспертлик хулосасини бериш борасидаги муносабатларни тартибга солишда асосий ҳуқуқий манба сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчасини, турларини, ўзаро нисбатини аниқлашдан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибига ва уларнинг мазмунига қўйиладиган асосий талабларни белгилашдан, шунингдек уларнинг ижроси ташкил этилишини таъминлашдан иборат. Мазкур Қонуннинг иккита моддаси, яъни 21-модда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизаси” ва 22-модда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси” таҳлил этилаётган институтнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берган.

Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экспертизасини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш шартлиги, бу ишни тегишли давлат органлари амалга ошириши лозимлиги ҳамда экспертиза ўтказишда асосан нималарга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида қонун нормалари мустаҳкамланган. Энди мазкур қоидаларни ижро этиш учун қонуности қонунчилик ҳужжати шаклида қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва, бизнингча бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қонун қабул қилиниши лозим.

Шу муносабат билан мамлакатимиз ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш борасидаги муносабатларни тартибга солиш учун “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари ишини энгиллаштиради ҳамда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатининг доимий тарзда юқори даражада бўлишига кўмаклашади.

2. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддаси 1-қисмида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас” деб қайд қилинган[9]. Фикримизча, ушбу нормаларнинг талабларидан келиб чиқиб “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилинишига оид талабларни белгилаш лозим. Шу билан биргаликда, маҳаллий доирада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қабул қиладиган ҳужжатларини махсус бюллетенларда нашр этиб бориш мақсадга мувофиқ. Бу эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини самарали ижро қилишга хизмат қилади.

3. Ҳозирги даврда жамиятни ахборотлаштиришнинг турли йўналишлари, воситалари авж олиб ривожланаётган шароитда улардан оқилона, кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб вазифалардандир. Масалан, интернетда махсус “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизаси” каби сайтлар очиб улар ҳақида маълумот бериб бориш, уларда қатнашишга фуқароларни даъват қилиб туриш мақсадга мувофиқ.

4. Норма ижодкорлиги жараёни ҳам тобора мураккаблашиб, кенгайиб бораётганини ҳамда ижтимоий муносабатларнинг турли жабҳаларини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўйиладиган талаблар ҳам замонга мос ҳолда кучаяётганини айтиш лозим. Шу жиҳатдан олганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертиза қилиш масалаларида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, норма ижодкорлиги соҳасида фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этишини, бу борадаги ишларнинг очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликни норма ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан хабардор қилиб бориш;

иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизаси тушунчаси, моҳияти, турлари, шунингдек уни ўтказувчи субъектлар фаолиятини такомиллаштириш масалаларини тизимли ўрганиш;

учинчидан, қонунларни қабул қилишнинг турли босқичларида ҳуқуқий экспертизанинг аҳамияти; қонун лойиҳасига хулоса бериш шакли, тузилиши, асослари, жамоат экспертизаси билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экспертизасини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириш мамлакатимизда мукамал қонунчилик тизимини яратишда ва қонунийлик

тамоийлини янада самарали рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Бартошек М. Римское право: понятия, термины, определения. – М.: Юридическая литература, 1989. – С.67.
2. Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия. 3-е изд. – М., 1995. – С.330.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. Т.2. / З.М.Маъруфов таҳрири остида. – Москва, 1981. – Б.632.
4. Муҳамедов Ў. Ҳуқуқий экспертиза // Ҳуқуқ ва бурч. –2006. – № 4-5. – Б.11.
5. Ралдугин Н.В. Правовая экспертиза проектов федеральных законов. – Москва: МГУ, 1998. – С.48.
6. Андреев И.С. Системный подход к понятию экспертизы нормативно-правового акта // Журнал Российского права. – 2001. – №6. – С.51-55.
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №10. – 110-модда; – №21. – 253-модда; – №52(1). – 654-модда; –2016. – №19. – 221-модда.
8. Каньязов Е. Ҳуқуқий экспертиза қонун ижодкорлигининг муҳим босқичидир. // HUQUQ va BURCH. – 2012. №10 –Б. 26.
9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012. №52. 583-модда.

Х.С.Хайитов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил
изланувчиси, ю.ф.н.

АДОЛАТЛИ ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИДИР

Аннотация: мақолада қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ижтимоий адолат принципи акс этишининг назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил этилган. Шунингдек, қонун ижодкорлигини конституциявий принциплар асосида ташкил этишнинг механизмлари ёритилиб, қонун ҳужжатлари сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: адолат, легитимлик, ижтимоий адолат, қонунийлик, тамойил, қонун, ҳуқуқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, экспертиза, қонунчилик жараёни.

Аннотация: в статье проанализированы теоретические и правовые аспекты принципа социальной справедливости в законах и других нормативно-правовых актах. Также были отражены механизмы организации законотворчества на основе конституционных принципов, разработаны предложения и рекомендации направленные на повышение качества и эффективности законодательства.

Ключевые слова: справедливость, легитимность, социальная справедливость, законность, принцип, закон, право, нормативно-правовые акты, экспертиза, законотворческий процесс.

Annotation: the article analyzed the theoretical and legal aspects of the principle of social justice in laws and other normative legal acts. Also mechanisms for organization lawmaking on the basis of constitutional principles were covered, proposals and recommendations aimed at improvement the quality and effectiveness of legislation have been developed.

Keywords: justice, legitimacy, social justice, lawfulness, principle, law, right, normative legal acts, expertise, lawmaking process.

Ўтган йигирма олти йиллик ривожланиш даврида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида улкан тажриба тўпланди. Ушбу тажриба асосини миллий давлатчилик тарихимиз тажрибаси, хорижий тажриба ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум – эътироф этилган норма ва қоидалари ташкил этди. Шу боис бугун ҳақли равишда эътироф этилаётганидек жамиятимизнинг барча соҳаларида демократик кадриятлар мустақам қарор топмоқда. Айниқса, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш учун асос бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бунинг учун кўплаб аниқ чора-тадбирлар ва дастурларни амалга

ошириш билан бирга, у ҳар биримиздан изланиш ва фидоийликни талаб этади. Ушбу тадбирларнинг энг муҳим бошланғич асоси унинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш ҳисобланади. Бу эса ҳуқуқ ва норма ижодкорлиги фаолиятининг маҳсули бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини ошириб бориш, унда адолатни қарор топтириш ҳамда ушбу жараёни ҳам такомиллаштиришни тақозо этади.

Жорий йил 7 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президент Шавкат Мирзиёев “Биз ўз фаолиятимизни “Буюк келажагимиз бугундан бошланади” деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур”лигини ҳақли равишда таъкидлади. Ушбу маърузада юртбошимиз эътибор қаратишимиз лозим бўлган муҳим масалаларни алоҳида кўрсатиб берди. Улар ичида қонун ижодкорлигининг мазмун-моҳиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилган муҳим жиҳатга тўхталмасдан илож йўқ. Юртбошимиз қонун ижодкорлиги ҳаётимизда энг муҳим тамойилларидан бўлган ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши лозим эканлигини асосли қайд этдилар.

Шу билан бирга, юртбошимиз ўз маърузасида қуйидаги фикрни илгари сурди, яъни: “Жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш борасидаги асосий вазифамиз – бу адолатли қонунлар қабул қилишдан иборат. Қисқача айтганда, қонун адолатли бўлса, у инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилса, шундагина одамлар қонунни ҳурмат қилади ва унга итоат этади” [1].

Дарҳақиқат, давлат қонун воситасида жамият ва шахсларни бошқаради. Давлатнинг олиб бораётган бошқарув сиёсати мазмуни мазкур қонунларга таянади ва ундан келиб чиқади. Шу сабабдан адолатли сиёсат юритиш адолатли қонунлар қабул қилиш заруратини юзага келтиради. Мазкур масала Асосий Қонунимизнинг ҳам бош ғояларидан биридир. Конституцияимизнинг муқаддима қисмидаёқ ижтимоий адолат ғояси илгари сурилган бўлса, унинг асосий қисмида ушбу тушунча бир неча маротаба тилга олинган.

Шу билан бирга, Конституцияимизнинг кўплаб моддаларида адолат тамойилини амалга оширишга оид нормалар мустақамлаб куйилган. Бунга мисол сифатида мустақиллик йилларида давлат томонидан жамиятда том маънодаги адолатни қарор топтириш учун сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий, иқтисодий, маънавий ва бошқа кафолатлар тизими ҳамда унинг яхлит механизми шакллантирилди. Хусусан, Конституцияимизнинг 43-моддасида давлат фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашининг белгиланиши давлат томонидан фуқароларга тақдим этилган муҳим сиёсий-ҳуқуқий кафолатлардан биридир. Бироқ ушбу вазифани амалга ошириш тўхтовсиз жараён ҳисобланиб, давлат органлари ва фуқаролар олдида кўплаб вазифаларни қўймоқда.

Фикримизча, мазкур йўналишдаги долзарб вазифалардан бири қонун ижод қилиш жараёнини янада демократлаштириш ва унда жамиятда барча қатламларнинг фаол иштирокини кенгайтиришдир. Бунинг учун, айниқса, ёшларда қонун ижодкорлиги ҳақида чуқур билим ва кўникмаларни шакллантириш, қонун ижодкорларини эса халқ ичида мавжуд

муаммоларни ўрганиш имкониятларини кенгайтириш талаб этилади. Зеро, Қонун фалсафасида куч ишлатилмасдан халқ оммаси томонидан қабул қилинган ва ихтиёрий розилик асосидаги бўйсунушига асосланиш легитимлик дейилади. Халқ томонидан бундай легитим (лот. *legitimus* – қонуний) ҳокимият қонуний ва адолатли деб қабул қилинади [2].

Бу ҳақида Биринчи Президентимиз И.Каримов шундай деган эди: “Қадимги дунёнинг буюк донишмандлари “Нимаики қонуний бўлса, у – адолатлидир”, деб таъкидлагани бежиз эмас. Улар шу тариқа айнан қонун адолат манбаи ва мезони эканини уқтирганлар, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади. Ва аксинча, агар қонун бажарилмаса, қонунда бир нарса ёзилиб, ҳаётда ҳаммаси бошқача бўлса, одамларнинг Конституциямиз ва қонунларимизда муҳрлаб қўйилган адолат ва демократия нормаларига нисбатан ҳар қандай ишончи йўқолади” [3]. Куришиб турганидек, қонунлар адолатни ўзида ифода этиши ва уни ҳимоя қилиши лозим. Шунингдек, унинг адолат мезонига айланиши учун, албатта, унинг ижроси тўлиқ таъминланиши лозим.

Фикримизни адолатли қонунлар мазмуни ва уни қабул қилишга оид айрим илмий-назарий ёндашувлар асосида давом эттирамиз. Давлат ва ҳуқуқ назариясидан маълумки, қонунларнинг адолатли бўлиши унинг легитим (қонуний) эканлигининг зарурий шартидир. Шу боис кўпгина олимлар қонунларда ижтимоий адолатнинг акс этиши ҳақида ўз қарашларини билдиришган.

Хусусан, бу ҳақида профессор З.М.Исломов “Адолат ва эркинлик инсониятнинг азалий орзусидир. Авваламбор, адолат тушунчаси бошқаларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши билан боғлиқлигини таъкидлаш даркор. Шунга кўра, одатда инсон фаровонлигига хизмат қиладиган, бошқа одамлар манфаатларини оёқости қилмайдиган, умуман жамиятга зарар етказмайдиган жиҳатлар адолатли ҳисобланади. Ушбу мезонлар ва шунга тегишли баҳолар, олдин одамлар онгида таркиб топади, сўнгра қонунчиликда мустаҳкамланади” [4]. Шунингдек, В.К.Бабаев ҳуқуқнинг асосий принциплари сифатида адолат ва эркинлик эканлигини эътироф этади [5]. Яна бир мутахассис О.И.Цибульская ҳуқуқнинг асосий принциплари сифатида ижтимоий адолат, инсонпарварлик, фуқаролар тенг ҳуқуқлилиги, ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги, ҳуқуқда ишонтириш ва мажбуриятнинг қўшиб олиб борилиши, демократизмни кўради [6].

Профессорлар Х.Т.Одилқориев ва И.Т.Тулътеевлар ҳам ҳуқуқни адолат ўрнатувчи мезон сифатида таърифлаб, қуйидагича фикр билдирган: “Ҳуқуқнинг моҳиятини биргина таъриф билан ифодалаш қийин”. Бундан ташқари, “ҳуқуқ юридик нормаларнинг оддий тизими эмас”, балки “инсонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда эркинлик, адолат ва тенглик мезонларини белгилаб берувчи норматив-мажбурий воситадир” [7]. Профессор М.А.Ахмедшаева эса ҳуқуққа “бу давлат томонидан ўрнатиладиган (ёки санкцияланадиган) ва бажарилиши таъминланадиган, ўзида тенглик, эркинлик, адолат ва хавфсизлик тамойилларини ифодалайдиган умуммажбурий характерга эга бўлган хатти-ҳаракат, юриш-туриш қоидалари мажмуидир” [8]. Демак, қачонки қонунлар (ҳуқуқ – расмий манба сифатида) адолат мезонларга эга бўлса у ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қодир бўлади ва муваффақиятли ижро этилади.

В.С.Нерсисянц эса давлат ҳуқуқни ижод қилмайди, чунки “ҳуқуқ объектив ижтимоий ҳодиса бўлиб (ижтимоий муносабатларни махсус шакли, ўзига хос тартибга солувчи), унинг тамойили расмий тенглик ҳисобланади. Шунинг учун, у давлат ижоди ва давлат иродасининг маҳсули эмас, балки жамиятдаги инсонлар ҳаётининг ижтимоий-тарихий жараёнининг мураккаб ва кўп омилли тараққиёти йиғиндисини ўзида ифода этувчи, жамият (ва халқ)ни маълум бир цивилизациявий ривожланиш тараққиётида, инсонлар ўртасидаги муносабатларда тенглик, эркинлик ва адолатлиликка эришиш натижасидир” [9], деб фикр юритади. Бироқ замонавий давлат концепциясига кўра, қонунларда адолатни қарор топтириш давлат фаолияти натижасидир. Яъни фақат давлат ваколатли органлари жамиятда адолатли деб эътироф этилган мезонларни ҳуқуқий мустаҳкамлайди.

Ушбу мавзу бўйича илмий изланиш олиб борган А.Л.Вязов ҳам адолатнинг дастлаб ахлоқий категория бўлганлигини ва давлат томонидан “Адолат талабининг ҳуқуқда белгиланиши унинг қонун кучига эга бўлиши ва давлат ҳимояси билан таъминланиши”га [10] имкон берганлигини қайд этган. Шунингдек, бундай ёндашув адолат категориясини диалектик талқин этишга ҳамда унга бирёқлама: ахлоқий ёки ҳуқуқий қарашни енгашга имкон беришини тўғри баҳолайди.

Маънавиятнинг асосий тушунчалари луғатида “адолат” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган, яъни у арабча сўз бўлиб, “одиллик”, “тўғрилиқ” “ҳамма учун баробар бўлган ҳақиқатнинг талаб ва тамойилларига амал қилиниши” маъноларни англатади. Шунингдек, адолат – инсониятнинг азалий орзуси, эзгу ғояси, маънавият, ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияларидан бири сифатида таъриф берилган [11].

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқни ўрнатувчи ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат адолат мезонларини ўзида ифода этиши шарт. Таъкидлаш жоизки, қонун ижодкорлиги ҳам давлат фаолиятининг ўзига хос шакли сифатида давлатнинг адолатни қарор топтириш функциясини таъминлашга хизмат қилади.

Шу сабабдан мазкур жараёни Конституциямизда белгилаб берилган устувор тамойилларсиз тасаввур этиш мушкул. Зеро, “... ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги туб ислоҳот ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг, ҳақиқатан ҳам, халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик мақсадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган муҳим сиёсий ҳужжат эканидан далолат беради” [1].

Шундай қилиб, қонун ижодкорлигининг муҳим конституциявий тамойиллари сифатида давлат суверенитети; халқ ҳокимиятчилиги; ҳокимиятлар бўлиниши; сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги; жамият ва фуқаролар олдида масъуллик; ижтимоий адолат ва қонунийлик; Конституция ва қонуннинг устунлиги ва бошқаларни кўрсатиш лозим.

Мақур тамойиллар асосида яратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга мос ва адолатли деб топилади. Адолат принципини татбиқ этиш механизмлари ҳақида махсус тадқиқот олиб борган америкалик олим Ж.Ролз унинг механизми кўпинча сиёсий йўл билан таъминланади деб ҳисоблайди. Шунингдек, адолатнинг расмий тан олинганлиги Конституция устуворлигига асосланиши лозимлигини,

ҳақиқи равишда таъкидлайди. Унинг фикрича, Конституция тенг фуқароликнинг ишончли умумий мақомини, фундаментал ҳуқуқларни белгилайди ҳамда сиёсий адолатни татбиқ этади. Унинг иккинчи босқичи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ифодаланса, унинг якуний босқичи судья ва бошқарувчилар ҳамда фуқароларнинг унга риоя этиши ва нормаларни қўллаши ҳисобланади [12].

Шунингдек, у адолат принципларини одамларнинг ижтимоий шартномани тузишдаги аниқловчи тамойиллар сифатида тушунтиради. Айнан улар кейинчалик ижтимоий имтиёзлар тақсимоли ва ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни аниқлайди деб талқин этади [12].

Шу билан бирга таъкидлаш ўринлики, ушбу тамойилларни аниқ вазиятларга қўллашда махсус ҳуқуқ соҳалари (ҳуқуқни қўлловчилар) бир қатор қийинчиликка дуч келишади. Яъни ҳар бир ҳуқуқ соҳаси айрим ҳолларда аниқ вазиятни тартибга солишда барча муносабатни қамраб ололмайди ва оқибатда қарор қабул қилиш ва адолатни рўёга чиқаришда субъектив омил кучли таъсирга эга бўлади. Шу сабабли нафақат адолатли қонунлар, балки адолатли ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахслар фаолияти ҳам адолатни таъминлашда жуда муҳимдир.

Бундан ташқари, қонунчиликда адолат принципнинг умумий ва алоҳида талаблари мавжудлигини қайд этиш жоиз. Яъни ҳуқуқнинг турли соҳаларида ижтимоий адолат тамойили турлича намоён бўлади. Умумий талаблар сифатида конституциявий тамойилларни келтириш ўринлидир. Алоҳида талаблар эса тармоқ қонунларида акс эттирилади. Зеро, бу ўринда гап ижтимоий муносабатларнинг турли соҳалари ҳақида бормоқда. Масалан, жиноят ҳуқуқида бу жазо чорасининг содир этилган жиноятга муносиблигида ифодаланади. Унга кўра, "Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбонинг ва шахснинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак" (ЎзР. Жиноят кодекси, 8-модда) [13].

Яна бир мисол. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 455-моддаси "Ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши" деб номланган. Ушбу моддада мустақамланганидек, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт. Ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб белгиланган [14]. Аммо мазкур тушунча бошқа кодексларда умумий асосларда келтирилган. Масалан, Фуқаролик процессуал кодексининг 18-моддасида "Суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозим"лиги белгиланган холос ва бошқалар [15].

Яна бир муҳим жиҳат шуки, адолатли қонунларни яратиш учун қонун ижодкорлиги сифати ва самарадорлигини ҳам ошириб бориш лозим. Чунки қонунлар мазмунан адолатли ва ҳуқуқий кучга эга бўлиши билан бир қаторда бевосита таъсир этиш кучига эга бўлиши керак, амалиётда пайдо бўладиган ҳар қандай масалаларни ҳуқуқий тизим қоидаларига мувофиқ ҳал қилишга имкон бериш зарур. Айнан шунинг учун ҳам ўтган йиллар мобайнида барча соҳалар қатори қонун ижодкорлигининг сифатини такомиллаштиришга қаратилган демократик чора-

тадбирлар, ҳуқуқий асослар ва механизмлар жорий этилди ҳамда улар янада такомиллаштирилмоқда. "Хусусан, икки палатали парламентнинг жорий этилиши демократик ислохотларни изчиллик билан амалга оширишда сифатли қонунлар қабул қилиш имкониятининг янада кенгайишига, шу билан бирга қонун ижодкорлиги ва қонунлар ижросини назорат қилиш соҳасида барқарор тизим шакллантирилишига замин бўлиб хизмат қилди" [16]. Шунингдек, мазкур йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда. Айниқса, қонун ижодкорлиги экспертлик ва таҳлилий-ахборот таъминотининг кучайтирилиши қонуншунослар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, қонун ижодкорлиги сифатини янада ошириш ва қонун ҳужжатлари мазмунида ижтимоий адолатни тўлиқроқ акс эттиришни таъминлашга хизмат қилувчи қуйидаги тақлифларни илгари суриш ўринлидир:

биринчидан, қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи давлат органлари хизматчиларининг профессионал малакаларини миллий ва хорижий тажрибани чуқур таҳлил ва ўрганиш асосида ошириб бориш;

иккинчидан, қонун ижодкорлигининг барча босқичларида очиқлик ва шаффофлик принципини таъминлаш;

учинчидан, "Электрон парламент" тизимини жорий этиш асосида қонуншунослар ва кенг жамоатчилик алоқаларини ривожлантириш;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунида ҳар қандай қонун ва норма ижодкорлигининг принциплари сифатида Конституциянинг устуворлиги, қонунийлик, демократизм, ижтимоий адолат, қонунийликнинг ягоналиги, тизимлилик ва кафолатлар билан таъминланганлик кабиларни белгилаш;

бешинчидан, қонун ижодкорлигининг барча босқичларида турли йўналишдаги малакали экспертиза ўтказиш амалиётини кенгайтириш. Экспертиза ўтказишнинг алоҳида турларини ўтказиш бўйича низом ва тартибларни ишлаб чиқиш;

олтинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда жамоатчилик экспертизаси амалиётини кенгайтириш. Ушбу йўналишдаги ижтимоий ташаббусларни рағбатлантириш.

Ўйлаймизки, мазкур чора-тадбирлар қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ижтимоий адолатнинг тўлиқроқ акс этишига кўмак беради. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муайян субъектлар ишлаб чиқади ва қабул қилади. Бу эса унда ифодаланган ғояларда бирёқламаликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Агар қонун ижодкорлигида кўпроқ субъектлар, хусусан, бевосита ҳуқуқни қўлловчилар, олимлар ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этиши қонун мазмунида жамиятда умумэтироф этилган адолат ғояларининг ифода этилишига хизмат қилади.

Шундай қилиб, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун зарур ҳуқуқий макон яратилишига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Манба: www.press-service.uz
2. Данилян О. Г. Философия права. – М.: Эксмо, 2005. – С. 416.
3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. – Тошкент : Ўзбекистон , 2015. – Б 64. Манба: natlib.uz
4. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги. – Тошкент: ТДҲИ, 2005 – Б. 61.
5. Общая теория государства и права / Под ред. В. К. Бабаева. -Нижний Новгород, 1993. – С. 128-132.
6. Теория государства и права / Под ред. Н.Т.Разгильдяева, А.В.Мальке. Саратов, 1995, – С. 122-126.
7. Одилқориев Х.Т., Тулътеев И.Т. Икки палатали парламент. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 79.
8. Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. – Тошкент: ТДҲИ, 2006. – Б. 155.
9. Нерсисян В.С. Общая теория государства и права. – М., 1999. – С. 415-416.
10. Вязов А.Л. Принцип справедливости в современном российском праве и правоприменении. Теоретико-правовое исследование: Автореф. ... дисс. канд. наук. – М., 2001. – С. 7.
11. Маънавият асосий тушунчалар. – Тошкент, 2009. – Б. 19.
12. Джон Ролз. Теория справедливости. - Новосибирск.: Издательство Новосибирского университета, 2005. – С. 178-180.
13. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси – 1995. – №1,
14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси – 1995. – №2.
15. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – 1997. – №9.
16. Хусанова М. Мустақиллик йилларида қонун ижодкорлиги: ташкилий-ҳуқуқий масалалар. – Тошкент: Адвокат журналы, – 2015. №4. – Б. 34.

А.Бабаджанов,
ТДҲУмустақил изланувчиси

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партия гуруҳлари иштирокининг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, улар фаолиятидаги муаммолар ёритилиб, маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, халқ депутатлари Кенгашлари, партия, партия гуруҳлари, сессия, депутат, ҳоким, қарор.

Аннотация: в статье освещены теоретические и организационно-правовые аспекты участия политических партий в деятельности представительных органов власти на местах, проблемы в их деятельности, разработаны предложения по расширению прав партийных групп местных Кенгашов и повышению их эффективности.

Ключевые слова: органы государственной власти на местах, Кенгаш народных депутатов, партия, партийная группа, сессия, депутат, хоким, решение.

Annotation: article analysis the theoretical, organizational and legal aspects of participation of political parties in activity of local representative government bodies, problems in their activity, works out suggestion on expansion of rights of party groups of local Kengashs and increase of their efficiency.

Keywords: local public authorities, Kengash of deputies of people's, party, party group, session, deputy, khokim, decision.

Мустақиллик йилларида давлат ва жамият қурилишининг миллий моделини вужудга келтириш, давлат бошқарувининг янги, замонвий ва самарали тизимини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шароитларини яратиш борасида босқичма-босқич ислохотлар стратегияси белгилаб олинди ва жорий этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида мустаҳкамланган давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда қонун чиқарувчи ҳокимият, жойларда вакиллик ҳокимияти органлари ваколатларини янада кенгайтириш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида амалга ошириладиган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳокимият барча тармоқлари, жумладан, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг масъулияти ва самарасини ошириш ҳисобланди. Мазкур мақсадга эришиш учун мамлакатимизда марказий давлат бошқарув органларини ислоҳ қилиш билан бир вақтда маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ислоҳ қилиш борасида ҳам босқичма-босқич ишлар амалга оширилмоқда.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ 1992 йил январидан бошлаб жойлардаги вакиллик ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик институти жорий этилди. Маҳаллий давлат вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг мустақил ва ҳамкорликда иш олиб борадиган тизими шакллантирилди, уларнинг қонуний асослари мустаҳкамланди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек “Биз давлат қудратига ҳокимият ва бошқарув идораларининг сони ва миқёсига қараб эмас, аксинча, уларнинг иш тизими қанчалик самара бераётганига, улар фаолиятининг қонуний асослари қай даражада шаклланишига қараб баҳо беришимиз лозим” [2].

Мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишида фуқаролик жамияти институтлари муҳим роль ўйнайди. Зеро, “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши мулкни оқилон ва изчил равишда давлат тасарруфидан чиқариш, бюрократия аппаратини қисқартириш ва мўътадиллаштириш, кўп партияли тизимни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга рағбат бериш, мақбул ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш сингари омилларга боғлиқ. Бу нуқтаи назардан фуқаролик жамиятига хос бўлган асосий муносабатларни қарор топтириш ва тартибга солиш ўта муҳимдир” [5, 392-6]. Ушбу жараёнда сиёсий партиялар иштироки ва фаоллигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимизнинг жорий йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш йўналишида ғоят долзарб аҳамиятга эга вазифалар белгилаб олинди [3].

Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари қаторида давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодий тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш каби вазифаларнинг белгилаб олиниши маҳаллий давлат ҳокимияти зиммасига долзарб вазифаларни юклайди. Ўз навбатида, ушбу вазифалар ижроси маҳаллий кенгашлар ва ундаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини оширишни ҳам талаб этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳақида сўз кетганда, муайян ҳудуддан ўша ҳудудда истиқомат қиладиган аҳоли томонидан сайлов орқали шакллантирилган вакиллик ҳокимият органлари тушунилади. Мазкур вакиллик тузилмасининг фаолияти демократик бошқарувнинг маҳаллий даражасидаги типик намунаси ҳисобланади. Зеро, бу “жамиятни ислоҳ қилиш жараёнларига кенг оммани кўпроқ жалб этиш, минтақалар имкониятларини ишга солиш, маҳаллий ҳокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш учун қулай демократик муҳитни яратади. Ушбу муҳитни

жойларда таъминлаш учун эса сайланган халқ вакилларининг маҳаллий бошқарувдаги амалий иштироки ҳамда аҳоли иродаси ва манфаатларини аниқ акс эттириш воситаларининг мавжудлиги тақозо этилади” [6, 13-р].

Ўз навбатида, маҳаллий вакиллик органларига маҳаллий аҳоли вакилларини сайлаш Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонуни талаблари асосида ўтказиладиган сайловлар орқали таъминланади [4]. Мазкур сайлов жараёнини ташкил этишда ва уларнинг фаолиятини амалга оширишда сиёсий партиялар муҳим роль ўйнайди. Чунки сиёсий партиялар вакиллик органларини шакллантириш орқали ўз дастурларини келгусида амалга оширишни мақсад қилиб белгилайди.

Буни сиёсий партияга берилган ҳуқуқий таърифда ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида белгиланганидек; “Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир”. Шунга мувофиқ, сиёсий партия ва мазкур партиядан сайланган депутатларнинг фаолиятида ягона муштараклик мавжуд.

Шундай қилиб, сиёсий партия давлат органларидан мустақил фаолят юритувчи нодавлат тузилма сифатида ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини ташкил қилишда иштирок этар экан. Сиёсий партияларнинг парламент фаолиятида иштироки ҳақида бир қатор илмий ишлар эълон қилинган бўлсада, уларнинг маҳаллий вакиллик органлари фаолияти улар фаолиятини таъминлаш масалалари тадиқотчилар назаридан четда қолиб келмоқда. Шу сабабли мазкур соҳада ҳам демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда 2017 йил 8 сентябрда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифалар ижросини сифатли амалга оширишга қаратилган илмий ишларни фаоллаштириш лозим. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар парламент даражасида олиб борилган ишларга нисбатан суст.

Умуман олганда, сиёсий партияларнинг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини ташкил этишдаги иштироки қуйидаги иккита муҳим кўринишда амалга оширилишини қайд этиш ўринли. Биринчиси кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти бўлса, иккинчиси депутатларнинг тегишли ҳудудлардаги электорат билан ишлаш фаолияти ҳисобланади.

Сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб жойлардаги муҳим муаммоларга ўз вақтида эътибор қаратиши ва уларни кенгаш сессияси ёки доимий комиссия мажлисида муҳокама қилиш ташаббуси билан чиқиши, яъни масаланинг ечимини топишда бевосита иштирок этишида муайян муаммолар мавжуд. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари шундай дейди: “Мамлакатимиз вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор дастурлар қабул қилинди. Лекин бу дастурларни тайёрлашда жойлардаги партия гуруҳлари қай даражада иштирок этмоқда? Афсуски, ушбу саволга ижобий жавоб бериш

кийин. Ваҳоланки, партиялар айнан шундай дастурлар орқали ўз сайловчиларини безовта қилаётган муаммоларга ечим топиши, шунинг ҳисобидан электорати сафини кенгайтириши мумкин” [1]. Дарҳақиқат, сайланган депутатлар ўз электорати манфаатини ҳимоя қилишда маҳаллий кенгашлар ваколатларидан унумли фойдаланмоғи лозим.

Ҳуқуқшунос А.Махмудов асосли қайд этганидек, “Худудий муаммоларни олдиндан кўра билиш, уларни кенгашлар ҳамда уларнинг доимий комиссиялари йиллик режаларига киритган ҳолда ўрганиш ва муҳокамага тайёрлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга” [7]. Чунки, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари бевосита халқ билан мулоқотда бўладиган ва муайян аҳоли қатламини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилган вакиллар ҳисобланади.

Бироқ бу борада Г.Исмаилова таъкидлаганидек, халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини тинглашидек муҳим конституциявий талаб ижросини ўрганиш айрим кенгашларнинг бу борадаги фаолиятида муаммолар борлигини кўрсатди. Хусусан, ҳисоботларни қонунда белгиланмаган муддатларда тинглаш, Кенгашдаги партия гуруҳларининг ҳисобот юзасидан қатъий позицияси йўқлиги, ҳокимларнинг ҳисоботларини аниқ якуний қарор қабул қилмай, фақат маълумот учун тинглаш ҳоллари учрамоқда [8, 34-б]. Бу эса маҳаллий вакиллик органларининг ўз назорат фаолиятини самарали амалга оширишларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашдаги фаолиятига оид қонунчилигини таҳлил қилганимизда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларига бир қатор муҳим ҳуқуқлар берилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариши ҳудудий муаммоларни ҳал этиш йўл-йўриқларини белгилашда муҳим ўрин эгаллайди.

Қонун талабига кўра сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари: давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибини шакллантиришда иштирок этиш; давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзоллигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш; давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда партия гуруҳи вакилига сўз берилишини қафолатлаш; тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг раисларига, вазирларига ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бошқармалари, бўлимлари ва бошқа бўлинмаларининг раҳбарларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши худудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш; ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқларига эга.

Бундан ташқари, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг, шу жумладан маҳаллий

ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш тўғрисида, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини кўриб чиқиш ҳақида таклифлар киритиш. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади; тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш; туман (шаҳар) ҳокимининг, шунингдек тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимига ҳулоса тақдим этиш. Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқига ҳам эга.

Қонунга кўра, партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва халқ депутатлари Кенгашига киритиладиган масалалар бўйича таклифи, албатта, кўриб чиқилиши белгиланган. Бу эса уларнинг ҳар бир ташаббуси эътибордан четда қолмаслигига агар кўпчилик маъқулласа, уни амалга оширишга зарур шароит яратди. Ўз ўрнида партия гуруҳлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, ҳар бир депутат “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ депутат тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

Шунингдек, депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашининг доимий ҳамда муваққат комиссияларига сайлаш ва сайланишга; тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга; тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга; тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга; тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида мунозараларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга; депутат сўрови билан мурожаат этишга; ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга; тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида раислик қилувчига мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нўтки, таклифи ёки мулоҳазаси матнини топширишга; тегишли халқ депутатлари Кенгаши таркибидаги ўзи аъзо бўлган органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нўқтаи назарини тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида баён этишга ёки бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгаши раҳбарига ёзма равишда

маълум қилишга; тегишли ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга; тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини мазкур халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга ҳақли.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини текшириш тўғрисида кўриб чиқиши учун масалалар таклиф этишга; тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларининг стенограммалари билан танишишга; сайловчилар билан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, сиёсий партия ташкилоти билан учрашувлар ўтказишга; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

Юқоридагиларга белгиланган ҳуқуқларга асосланиб айтиш мумкинки, партия гуруҳларининг маҳаллий вакиллик органларидаги фаолияти қуйидаги долзарб йўналишларга эга:

- маҳаллий кенгашлар ваколатларини амалга оширишга оид вазифалар;
- маҳаллий ижро органлари фаолиятини назорат қилишга оид вазифалар;
- электорат ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш оид вазифалар;
- сиёсий партия дастурларини татбиқ этишга оид вазифалар.

Партия гуруҳларининг маҳаллий кенгашлар фаолиятидаги иштирокини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг фаолият самарадорлиги бир қатор омилларга боғлиқ эканлигини кўриш мумкин. Шу боис масалага комплекс ёндашув зарур. Фикримизча, улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи салбий омиллар мавжуд. Уларни икки асосий гуруҳга ажратиб таснифлаш мақсадга мувофиқ. Биринчиси, сиёсий партиялар гуруҳлари фаолиятига тегишли (субъектив) тўсиқлар бўлса, иккинчиси маҳаллий кенгашлар фаолиятини ташкил этишга оид тўсиқлар.

Биринчи гуруҳда қуйидагиларни қайд этиш ўринлидир:

1. Сиёсий партиялардан сайланган айрим депутатларнинг депутатлик кўникмаларининг ривожланмаганлиги;

2. Сиёсий партиялар билан маҳаллий вакиллик органларида ташкил этилган партия гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлиги яхши йўлга қуйилмаганлиги;

3. Сиёсий партиялар ҳудудий ташкилотларининг таъсири етарли эмаслиги.

Маҳаллий вакиллик органлари ишини ташкил этишга оид камчиликлар сифатида қуйидагиларни қайд этиш жоиз:

1. Маҳаллий вакиллик органлари билан ижро этувчи органларга ҳокимнинг раҳбарлик қилиши;

2. Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятининг профессионал (доимий) асосга эга эмаслиги;

3. Маҳаллий органлардаги партия гуруҳларининг айрим ваколатларини таъминлаш механизмлари яратилмаганлиги.

Юқорида қайд этилган ҳолатларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги чора тadbирларни амалга ошириш жоиз деб ҳисоблаймиз:

1. Янги таркибда сайланган маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган малака ошириш курсларини жорий этиш.

2. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини тинглаш муддатлари ва тартибини батафсилроқ белгилаш.

3. Маҳаллий дастурларни ишлаб чиқишда партия сайловолди дастурларида назарда тутилган вазифаларни эътиборга олиш.

4. Вилоят даражасида фаолият юритаётган маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатувчи депутатларнинг ярмини, туман даражасидаги вакиллик органларида фаолият кўрсатувчи депутатларнинг учдан бир қисмини доимий асосда фаолият кўрсатишига эришиш.

5. Ҳокимнинг маҳаллий кенгашларга раҳбарлик мақомини бекор қилиш.

6. Маҳаллий вакиллик органларига сайлаш учун номзод кўрсатиш ҳуқуқини фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши кераклигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий кенгашлар фаолиятида сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари иштирокини кучайтириш ва маҳаллий вакиллик органларининг маҳаллий ижро органлари фаолиятини назорат қилиши механизмларини такомиллаштириш маҳаллий муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечимини топишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, жойлардаги партиялараро рақобатнинг кучайишида муҳим омил ҳисобланади.

Адабийтлар рўйҳати:

1. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. // Халқ сўзи. – 2017. – 13 июль.

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 13.

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №6. 70-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1994. – №5. 125-модда.

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари (амалий қўлланма) / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Ш.Файзиёв. – Т., 2008. – 480 б.

6. Hineman Charles M.. Bureaucrasy in Democracy. – Harper, 1950. P. 12 – 15.

7. Махмудов А. Фаоллик ва ташаббускорлик маҳаллий вакиллик органлари депутатларидан ҳам талаб этилади // Huquq va burch. – 2013. – № 8. – Б.12. // www.huquqburch.uz

8. Исмаилова Г. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари: уларнинг назорат ваколатлари. Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. 2011. – №11. – Б.34-36.

М.М.Абдуллаева,
ТДЮУ докторанти

КОНСТИТУЦИАВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада конституциявий ҳуқуқбузарлик тушунчаси, унинг таркиби ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: конституциявий жавобгарлик, сиёсий жавобгарлик, конституциявий делект, конституциявий ҳуқуқбузарлик объекти, объектив томони, субъект.

Аннотация: в данной статье освещены понятие, состав и особенности конституционного правонарушения, а также проведен анализ в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

Ключевые слова: конституционное правонарушение, политическая ответственность, конституционный деликт, объект конституционного правонарушения, объективная сторона, субъект.

Abstract: this article describes the concept of a constitutional violation, its structure and content and is analyzed on the basis of the legislation of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: constitutional liability, political liability, constitutional offence (tort), object of constitutional offence, objective side, subject

Конституциявий жавобгарликни қонунчиликда юридик жавобгарликнинг мустақил тури сифатида белгилаш конституцияни самарали ҳимоя қилиш механизмини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда конституциявий жавобгарлик асослари ҳақида сўз юритилмоқда. Ҳуқуқ назариясида жавобгарлик асоси – ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Конституциявий жавобгарликнинг асоси эса “фактик асос – юридик фактларнинг йиғиндиси ва норматив асос норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ҳуқуқбузарлик таркибини мустақамланганлиги қайд этиб ўтилади. Конституциявий жавобгарликнинг ҳам асоси конституциявий делект ҳисобланади. Юридик адабиётлар таҳлиликонституциявий делект тушунчасини ёритишда турли хил қарашлар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, А.Н.Головистикова ҳамда Й.А.Дмитриев “Конституциявий делект – бу давлат органлари ёки шу органларда фаолият юритувчи мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида Конституция ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий нормаларни бузадиган ҳуқуққа зид, айбли (қасд ёки эҳтиётсизлик), қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир” деб қайд этади[1].

В.О.Лучин мазкур тушунчани мансабдор шахснинг хулқида тўғри келмайдиган, конституциявий моделдан оғадиган, тақиқларни бузадиган, рухсатлар чегарасидан чиқадиган конституция мазмуни ва умумий принципларига қарама қарши ҳар қандай қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)”деб таърифлайди [2].

Т.М.Пряхин эса “Конституциявий делект – бу субъектлар ижтимоий зарарли ҳаракатини англайди ва онгли равишда конституциявий ҳуқуқбузарлик содир

этади ёки юз беришига йўл қўйиб берадиган айбли қилмиш” деб қайд этади[3].

Бизнинг фикримизча, *конституциявий ҳуқуқбузарлик – бу давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан конституция ва конституциявий ҳуқуқнинг нормаларини бузадиган, ахлоқ нормаларидан оғувчи, ҳуқуққа зид айбли қилмишдир*. Мансабдор шахс ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида нафақат қонунга риоя этиши, балки сиёсий этикет ва ахлоқ принципларини ҳам ҳурмат қилиши лозим. Ўз навбатида, ўринли савол туғилади ахлоқ нормаларининг бузилиши ҳам конституциявий делект асосини ташкил этадими? Ахлоқ нормалари ҳуқуқий нормалардан фарқли равишда давлатнинг мажбурлов чоралари билан таъминланмаган. Ахлоқий жавобгарлик асослари конституциявий делект сифатида кўрилиши учун бевосита ёки билвосита конституциявий ҳуқуқ нормалари билан санкцияланган бўлиши керак. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2004-йил 2декабрдаги “Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасига мувофиқ депутатнинг, сенаторнинг ахлоқ, депутатлик одобининг умумэтироф этилган нормаларини қўпол равишда бузувчи ва депутат, сенатор номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ножўя ишлар содир этганлиги чақириб олиш учун асос сифатида кўрсатилган. Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Ирландия Конституциясининг 35-моддасига мувофиқ, парламент палаталари ташаббуси билан Олий суд ёки юқори суд судьяси ўзининг ноахлоқий хулқ-атвори туфайли ўз вазифасидан озод этилиши мумкин [4]. Хорижий мамлакатларда давлат хизматчиларининг хулқ-атворини тартибга солувчи ва касбини муносиб даражада бажаришига қаратилган махсус қонунлар қабул қилинган (масалан, АҚШнинг 1958йилдаги “Давлат хизматчиларининг этика кодекси”, Канаданинг Ҳисоб палатаси томонидан қабул қилинган “Давлат хизмати этика кодекси”, шунингдек худди шу мазмундаги қонунлар Буюк Британия, Франция, Россия, Молдова, Япония, Сингапур ва ҳ.к.)[5].

Н.М.Колосова конституциявий ҳуқуқбузарликнинг белгиларисифатида қуйидагиларни эътироф этади:

конституциявий делект қилмиш шаклида содир этилади.

қилмиш ҳуқуқ нормаларига зид бўлиши керак. конституциявий ҳуқуқбузарлик субъектининг қилмишга нисбатан руҳий муносабати қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши. Қилмиш айбсиз содир этилса, шахс жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмайди.

Ижтимоий хавфлилик. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида ҳуқуқ билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиш ёки зарар етказиш хавфини вужудга келтириш.

Жазога лойиқлик. Конституциявий делект қонунчиликда аниқ норма шаклида белгилаб қўйилган ҳоллардагина конституциявий жавобгарлик вужудга келади [6].

Фикримизча, юқорида келтирилган конституциявий ҳуқуқбузарликнинг белгилари унинг барча жиҳатларини қамраб олади. Хусусан, қилмишнинг ҳуқуқ нормаларига зидлиги, аввало, бу мажбуриятларни бажармаслик ёки ҳуқуқларни суиистеъмол қилиш кабилар бўли-

ши мумкин. Айрим адабиётларда ҳуқуққа зидлик – конституциявий ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки бажармасликда ифодаланади мазмундаги фикрлар мавжуд. Бошқа муаллифларнинг фикрича, нафақат конституциявий ҳуқуқ нормалари, балки бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормаларининг бузилиши ҳам конституциявий жавобгарлик асоси бўлиши мумкин. Фикримизча, ҳар қандай ҳуқуқ нормасининг бузилиши ҳуқуққа зидлик сифатида ифодаланиши мумкин, бироқ жавобгарлик конституциявий ҳуқуқ нормалари билан ўрнатилиши лозим. Бундан ташқари, қилмишнинг жазога лойиқлиги конституциявий делектнинг қонунчиликда аниқ норма шаклида белгилаб қўйилган ҳоллардагина конституциявий жавобгарлик вужудга келишида ифодаланади. Қилмиш ижтимоий хавфли, ҳуқуққа зид бўлиши мумкин, бироқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида шу қилмиш учун аниқ норма ўрнатилган бўлмаса жавобгарликни вужудга келтирмайди.

Т.Д.Зражевская конституциявий ҳуқуқбузарлик таркибининг қуйидаги элементларини ажратиб кўрсатади: объект, субъект, объектив ва субъектив томони[7].

Конституциявий ҳуқуқбузарлик объекти, аввало, шахс жамият ва давлат ўртасида вужудга келадиган ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатлардир. Конституциявий делектнинг асосий объекти сифатида қуйидагиларни қайд этишимиз мумкин:

– конституциявий ҳуқуқ принциплари – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги, ташқи сиёсат асосий конституциявий принциплар сифатида мустақамлаб қўйилган;

– давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга оширишда вужудга келувчи муносабатлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XIX боби 90-моддасининг 15-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти “Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимдан озод этишга ҳақли” [8].

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида белгиланган “ҳоким-вилоят, туман, шаҳарларнинг (тегишлича) мансабдор шахси” деган қоидадан келиб чиқсак, ҳоким ижро ҳокимияти органи сифатида конституциявий жавобгарлик субъекти ҳисобланади ва бунда конституциявий жавобгарлик асоси (объекти) конституция ва қонунларни бузган ёки ўз шаъни, қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат ҳисобланади. Халқ ҳокимиятининг амалга оширишнинг тегишли тартиби конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг ҳимоя предметидир.

Конституциявий ҳуқуқбузарлик объектининг бошқа ҳуқуқ соҳалари объектдан фарқи шундаки, конституциявий ҳуқуқбузарлик объекти кенгроқ бўлиб, конституциявий ҳуқуқ барча ҳуқуқ соҳаларининг ядроси ҳисобланади ва ижтимоий ҳаётнинг барча (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий) соҳаларини қамраб олади.

Конституциявий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони бу унинг ташқи белгилари мажмуи бўлиб, ҳуқуқбузарлик қачон, қаерда, қандай юз берганлик, каби ҳолатларни ифодалайди. Конституциявий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони бир қатор элементлардан иборат:

ҳуқуққа зид қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

ижтимоий хавфли оқибат;

қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш.

Қайд этиш жоизки, объектив томоннинг факультатив белгилари ҳуқуқбузарликни тўлиқ тавсифлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Конституциявий делект объектив томоннинг муҳим шarti ушбу ҳуқуқбузарлик давлат ҳокимияти амалга оширилиш жараёнида содир этилишидир.

Д.Т.Шон “Конституциявий жавобгарлик нафақат ҳуқуққа зид қилмиш, балки ички ва ташқи сиёсатни нотўғри олиб бориш ва мамлакатни мураккаб вазиятдан чиқаришни удалай олмаслик натижасида вужудга келади” дебқайд этади [9]. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида ифодаланган. (Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумининг қўлланилиши)

Конституциявий ҳуқуқбузарлик субъектлари. Конституциявий жавобгарликнинг ўзига хос жиҳати махсус субъектлар доирасига эгаллигидир. Фанда конституциявий ҳуқуқбузарлик субъектлари доираси мунозарали масала ҳисобланиб, юридик адабиётларда конституциявий делект субъектларига доир турли қарашлар мавжуд. В.О.Лучиннинг фикрича, конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлар ҳуқуқининг бутун тизимини қамраб олади ва бу каби муносабатларда ҳар бир иштирокчи конституциявий ўринга эга бўлади[10].

Юридик адабиётларда конституциявий жавобгарлик субъектлари доираси чегараланган. Асосан “олий органлар, ҳудудий, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, депутатлар, мансабдор шахслар ва муҳим давлат аҳамиятига эга қарор қабул қилувчи шахслар” конституциявий жавобгарлик субъектлари сифатида кўрсатиб ўтилган[11].

Бизнинг фикримизча, конституциявий жавобгарлик субъектлари доираси қуйидагича кенгайтирилиши лозим. Конституциявий жавобгарлик субъектлари:

давлат;

давлат ҳокимияти органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари);

давлат бошқарув органлари (вазирликлар ва идоралар, давлат қўмиталари, хўжаликлар, муассасалар ва бошқалар);

мансабдор шахслар;

жамоат бирлашмалари;

ўзини ўзи бошқариш органлари.

Конституциявий ҳуқуқбузарлик субъектлари индивидуал ва коллектив бўлиши мумкин. Конституциявий жавобгарлик субъекти бўлиш учун шахс ҳуқуқбузарлик лаёқати (ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этиш лаёқати асосида юридик салоҳият-ўз хатти-ҳаракатлари билан қонунда мустақамланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш қобилияти)га эга бўлиши лозим[12]. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқбузарлик лаёқати уларнинг ваколат муддати бошланган вақтдан вужудга келади. Коллегиал субъектларнинг давлат органларининг ҳуқуқбузарлик лаёқати улар ташкил этилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Конституциявий ҳуқуқ назариясида давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлиги масаласи мунозаралидир. Н.М.Колосова, Г.А.Гаджиевларнинг фикрича, “Россия Федерациясининг Конституциясида давлат органлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарликни бел-

гиловчи норма мавжуд бўлиб, у давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлигига асос бўлади”[13].

Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқбузарлик лаёқати уларнинг ваколат муддати бошланган вақтдан вужудга келади. Коллегиал субъектларнинг давлат органларининг ҳуқуқбузарлик лаёқати улар ташкил этилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ҳам давлатнинг муайян шахслар олдида фуқаровий ҳуқуқий жавобгарлиги масаласи акс эттирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 990-моддасига мувофиқ, давлат органларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунга хилоф қарорлари натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, улар мансабдор шахсларнинг айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши лозим. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар суднинг қарори асосида қопланиши лозим.

Ушбу жавобгарликни амалга ошириш ўз мазмунига кўра фуқаровий ҳуқуқий жавобгарлик ва зарарни қоплаш билан боғлиқ. Ушбу ҳолатда давлат конституциявий жавобгар эмас фуқаровий ҳуқуқий жавобгар мақомини олади.

Қайд этиш лозимки, давлат конституциявий жавобгарликнинг мустақил субъекти сифатида тан олинса ҳам, маълум бир нуқтаи назардан давлат мавҳум тушунчадир. Фуқаро ҳуқуқларининг бузилиши ва моддий ёки маънавий зарар етказганлик учун давлат фуқаровий ҳуқуқий жавобгарликка тортилган ҳолларда ҳам жавобгар сифатида судда давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги иштирок этади. Давлат ўзининг муайян ҳокимият органлари ва мансабдор шахслари орқали ифодаланади. Айнан улар давлат номидан конституциявий-ҳуқуқий жавобгар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95–98-моддаларига мувофиқ парламентни тарқатиб юбориш асослари келтирилган. Бу ташкилий чора қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ноконституциявий ва юқори вакиллик органи шаънига мос келмайдиган фаолиятининг олдини олишга қаратилган. Сенат аъзосининг жавобгарлиги айни пайтда конституциявий-ҳуқуқий ҳамда сиёсий ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида намоён бўлади. Сенатнинг ваколатлари уни сайлаган ёки тайинлаган орган томонидан исталган вақтда тўхтатилиши мумкин. Агар Сенат аъзосининг ва уни сайлаган ёки тайинлаган орган ўртасида қонун лойиҳаси ёки бошқа ҳуқуқий масалаларда келишмовчиликлар мавжуд бўлган ҳолатда сенат аъзосининг ваколати тугатилса, бу сиёсий жавобгарлик чораси сифатида намоён бўлади. Агар сенат аъзосининг фаолиятини тўхтатишнинг асоси ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат бўлса, (масалан, ўз вазифаларини бажармаслик, сенат, қўмита ва комиссиялари мажлисларига келмаслик) бу ҳолатда конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келади.

Сиёсий партияларнинг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари қабул қилинган ва улар жамоат бирлашмаларининг турларини аниқлаб беради.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ “сиёсий партиялар давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир”[14]. Бошқа турдаги жамоат бирлашмаларидан фарқли равишда фақатгина сиёсий партиялар сайловда иштирок этадилар ва айнан сиёсий партия давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида қатнашади. Сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этиш, тўхтатиш ва тугатиш конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари ҳисобланади. Сиёсий партиялар ўз мазмунига кўра сиёсий бўлганлиги туфайли ҳам конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик субъектидир. Конституциявий жавобгарлик асоси бўлиб конституция нормаларининг бузилиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка мувофиқ сиёсий партияларга жавобгарлик нормаларини қўллаш ваколати Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилган. Фикримизча, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятини тугатиш ҳуқуқига Конституциявий суд эга бўлиши керак. Конституцияга зид бирлашмаларни тузиш – бу Олий қонунни бузишни англатади. Сиёсий партияларнинг фаолияти ўз мазмун моҳиятига кўра сиёсий мазмунга эга эканлигини ҳисобга олиб, бу турдаги ишларни Конституциявий суд томонидан кўрилишини жорий этиш лозим. “Асосий Қонунимизнинг 110-моддасида ҳам, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди “Фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасидаги суд ҳокимиятининг олий органи”деб таърифланган. Демак, конституциявий сиёсий мазмундаги ишларни кўриб ҳал этиш, Конституциявий суд ваколатига тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва бошқа суд органлари конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик субъекти ҳисобланмайдилар. Конституциявий суд бевосита конституциявий назорат ва конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг процедурасини амалга оширувчи орган сифатида ваколат берилган. Конституциявий суд конституциявий жавобгарликни қўллайди. Шу боисдан у конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик субъекти ҳисобланмайди.

Конституциявий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони деганда субъектнинг ўз ҳаракатларига ва унинг оқибатларига бўлган руҳий муносабати тушунилади. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони айб тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, мақсад ва мотив ва сабабларни қамраб олади. Содир қилинган қилмишига нисбатан шахснинг руҳий муносабати сифатида айб қасд ва эҳтиётсизлик шаклида намоён бўлади. Айб конституциявий ҳуқуқбузарлик таркибининг муҳим элементи сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони субъектнинг ўз ҳаракатлари ва унинг оқибатларига руҳий муносабати экан, факультатив белгилар ҳисобланган мақсад ва мотив айбнинг қайси шаклда содир этилганини ойдинлаштиради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига мувофиқ, “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз

қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади” [15].

Ақсарият конституциявий ҳуқуқбузарликлар қасддан содир этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги “Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ депутатларнинг чақириб олишининг куйидаги асослари келтирилган:

Депутатни, сенаторни чақириб олиш учун куйидагилар асос бўлади:

депутатнинг, сенаторнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини жиноий, фуқаровий, маъмурий ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузганлиги;

депутатнинг, сенаторнинг ахлоқ, депутатлик одобининг умум эътироф этилган нормаларини қўпол равишда бузувчи ва депутат, сенатор номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ноҳўя ишлар содир этганлиги;

депутатнинг, сенаторнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда, узрли сабабларсиз бажармаганлиги, шу жумладан тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисларида, уларнинг органлари ишида иштирок этмаганлиги, уларнинг топшириқларини бажармаганлиги.

депутатларни чақириб олиш ҳам конституциявий ва айни пайтда сиёсий жавобгарлик чораси сифатида ҳам намоён бўлади ва бу ўз навбатида жавобгарликни қўллаш асосларида мураккабликларни вужудга келтиради.

Шунингдек, депутатларга нисбатан конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашда депутат иммунитет (даҳлсизлиги) муҳим аҳамиятга эга. Депутат иммунитет деярли барча давлатларда ўрнатилган ва амал қилади. Упарламент фаолиятининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ва саамарали амалга оширилишининг зарур шарт-шароитларини таъминлаб беришга қаратилган. “Иммунитет” – депутатнинг даҳлсизлиги, яъни депутатлик фаолиятининг энг муҳим кафолатининг муҳим ифодасидир. Иммунитет депутатнинг жавобгарликка тортилмаслиги ва даҳлсизлигини англатади [16]. Иммунитетнинг моҳияти шундаки, депутатга нисбатан муайян ҳуқуқий жавобгарлик чораларини вакиллик органлари ёки ваколатли мансабдор шахснинг розилигисиз қўллаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 88-моддаси, 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутат даҳлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар тегишинча Қонунчилик палатаси розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибидан бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас. Бу қоида “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 13-

моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 223-моддасига мувофиқ “Депутатлар, судьялар ва прокурорлар ушлаб турилиши ҳамда милиция ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига келтирилиши мумкин эмас”. Ушбу тақиқ ЖПКнинг 221-моддасининг биринчи бандида назарда тутилган ушлаб туриш эҳтиёт чорасига нисбатан татбиқ этилмайди. Мазкур модданинг биринчи бандида, шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса” ушлаб турилиши мумкинлиги қайд этилган. Демак, Қонунчилик палатаси депутатлари, агар жиноят устида ёки уни бевосита содир этганидан сўнг қўлга тушса, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушлаб турилиши мумкин. Бизнинг фикримизча, ушбу қоида депутатлик фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларда ҳам акс эттириш лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига ҳам депутатларга муайян имтиёзлар мавжуд. Ушбу кодекснинг 50-моддасига мувофиқ “депутатларнинг шахсий багажлари агар мазкур шахслар хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган бўлсалар, божхона текширувидан озод қилиниши” белгиланган. Бизнинг фикримизча, “хавфсизликни таъминлаш мақсадида тинтув қилиниши, шахсан текширилиши мумкин” мазмунидаги тартиб қоида депутатлик мақомига оид қонунчиликка киритиш лозим.

Конституциявий ҳуқуқбузарликни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

Конституциявий ҳуқуқбузарлик – бу давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан конституция ва конституциявий ҳуқуқнинг нормаларини бузадиган, ахлоқ нормаларидан оғувчи, ҳуқуққа зид айбли қилмишдир.

конституциявий жавобгарлик субъектлари доираси куйидагича кенгайтирилиши лозим. Конституциявий жавобгарлик субъектлари:

давлат;

давлат ҳокимияти органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари);

давлат бошқарув органлари (вазирликлар ва идоралар, давлат кўмиталари, ҳўжаликлар, муассасалар ва бошқалар);

мансабдор шахслар;

жамоат бирлашмалари;

ўзини ўзи бошқариш органлари.

Хулоса қилиб айтганда, конституциявий жавобгарлик Конституциявий судларнинг функцияларидан бири бўлиб, конституциявий жавобгарликни қўллаш қонунийлик муҳитини яратиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъуллигини знада кучайтиришга мурим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Головистикова А.Н., Дмитриев Е.А. Теория государства и права: Учебник. – М.: Эксмо, 2007. – С.583
2. Лучин В.О. Конституционные деликты // Ежегодник российского права. М., 2001. – С. 21.
3. Пряхина Т.М. Конституционная доктрина Российской Федерации / Науч. ред. В.О. Лучин. – М.: ЮНИТА-ДАНА Закон и право, 2006. – С. 323

4. Конституции государств Европы. – М., 2001. – С. 12.

5. Юлдашева Ф. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида жамоатчилик назоратини ўзига ос усусиятлари // Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг долзарб масалалари: сайловлар, парламент, ижро ҳокимияти мавзусидаги илмий-назарий давра суҳбати материаллари.– Т.:ТДЮУ.2014. – Б. 169.

6. Колосова Н.М. Конституционная ответственность - самостоятельный вид юридической ответственности. – М., 2001, – С. 87.

7. Проблемы правовой ответственности государства, его органов и служащих. Материалы конференции – Государство и право. – 2000. – №3. – С.27

8. «Халқ сўзи» газетаси. 1992. 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1994. – №1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003. – №3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2011. – №12/1, 343-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – №15, 152-модда; 2008. – №52, 510-модда; 2011. – №16, 159-модда; 2014. – №16-сон, 176-модда; 2017. – №14, 213-модда, №22, 406-модда, №35, 914-модда

9. Шон Д.Т. Конституционная ответственность. // Государство и право. – 1995. – №7. – С.35

10. Лучин В.О. Конституционные нормы и правоотношения. Изд. «ЮНИТИ», – М. 1997. – С.117

11. Шон Д.Т. Конституционная ответственность. // Государство и право. – 1995. – №7. – С.35

12. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юртлирининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун Ўбобоев Ҳ.Б., Исломов З.М., Чориёров У. // Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б.Обоев, Ҳ.Т.Одилқориев. – Т.: ТДЮИ 2005. – Б. 978.

13. Проблемы конституционно-правовой ответственности (по материалам конференции на юридическом факультете)//Вестник Московского университета. Серия. 11. Право. – 2001. – № 3. – С. 129.

14. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –1997. – №2. 36-модда; 1999. – №9. 229-модда; 2004. – №1-2. 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004. – №25. 287-модда; 2007. – №15. 153-модда; 2008. – №52. 510, 513-модда; 2014. – №4. 45-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2018. 19 апрель. 03/18/476/1087-сон)

15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2018. – Б.11.

16. У.Таджиханов, Х.Т.Одилқориев, А.Х.Саидов Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т., 2001. – Б.511.

Б.А.Умаров

ТДЮУ мустақил изланувчиси

НОМАРКАЗЛАШТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДАГИ ЎРНИ

Аннотация: мазкур мақолада давлат бошқаруви тизимининг модернизациялаш масалалари ва ислохотлар шароитида номарказлаштириш концепциясининг мазмун-моҳияти, ушбу тушунча тўғрисида турлича ёндашувлар ҳамда давлат бошқарувини демократлаштиришда замонавий бошқарув методларини самарали қўллаш масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: номарказлаштириш, давлат бошқарувини модернизациялаш, демократлаштириш, концепциялар, маъмурий ислохотлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, оммавий ҳокимият, фуқаролик жамияти

Аннотация: в данной статье анализируется концепция децентрализации в контексте модернизации системы государственного управления, различные подходы понимания данной концепции и эффективного использования современных методов управления в процессе демократизации государственного управления.

Ключевые слова: децентрализация, модернизация государственного управления, демократизация, концепции, административная реформа, органы самоуправления, государственное управление, гражданское общество.

Annotation: this article examines the concept of decentralization in the context of modernizing public administration system, various approaches to understanding this concept and the effective use of modern management methods in the process of democratization of public administration.

Keywords: decentralization, modernization of state government, democratization, concepts, administrative reform, self-government organizations, good governance, civil society.

Бугунги кунда мамлакатимиз тез суръатлар билан ўзгараётган замон талаблари асосида давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида тубдан янгиланиш ва жадал ривожланиш жараёнлари кечмоқда. Ушбу ислохий ўзгаришларга сиёсий-ҳуқуқий ҳамда ташкилий асос бўлиб, 2017–2021 йилларга мўлжалланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси хизмат қилмоқда [1]. Мазкур нуфузли ҳужжатнинг биринчи йўналиши моҳиятан давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш асосий йўналишлар сифатида белгиланган.

Зеро, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа йўналишлардаги ўзгаришлар (динамик жараёнлар) замонавий маъмурий-давлат бошқаруви тизимлари олдида ҳам янги вазифаларни қўйиб келмоқда. Республикамизда жамият ва давлат ҳаётини модернизациялаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Бинобарин, давлат бошқарувини такомиллаштириш динамик ва диалектик жараён бўлиб, у жамият ривожининг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бинобарин, чуқур янгиланиш ва модернизациялаш жараёнларини бошдан кечираётган ҳар қандай мамлакатда давлат бошқаруви органлари фаолиятини замонавий талаблар даражасига кўтариш ҳаётий заруратдир. Давлат бошқаруви органлари тизими давлат механизмида тутган ўрни ва фаолиятининг мазмунига кўра динамик ривожланиб ва ўзгариб боровчи ҳодиса. Бинобарин, глобаллашув шароитида ижтимоий муносабатларнинг шиддатли ривожини, фан-техника, жумладан, ахборот технологияларининг мисли кўрилмаган тараққиёти ушбу тизим олдида янгидан-янги талаблар, вазифалар ва муаммоларни кўндаланг қўйиши оддий ҳолатга айланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунгача ҳам мамлакатимизда давлат бошқарувини ислоҳ этишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармони** билан мазкур концепция тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда [2].

Шу ўринда нима учун давлат бошқарувини такомиллаштириш шунчалик долзарб масалага айланди, деган савол туғилиши табиий. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида давлат қурилиши, жумладан, давлат бошқаруви соҳасида ечимини кутиб ётган масалалар ва ундан келиб чиқадиган вазифаларнинг кўламини эътиборга олган ҳолда давлат раҳбари: “Бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги тизим яратишни тақозо этмоқда” деб алоҳида таъкидлаб ўтди [3].

Давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотларнинг пировард мақсади давлат бошқарувини янада демократлаштириш, уни замонавий талабларга мослаштириш ҳисобланади. Ваҳоланки, демократик давлатнинг асосий элементларидан бири – давлат томонидан чиқарилаётган қарорларда мамлакат фуқароларининг манфаатлари эътиборга олинishi ва ушбу жараёнда, яъни кучли фуқаролик жамияти барпо этишда фуқароларнинг иштирокидир, шунингдек мамлакатнинг тараққиёт даражаси жамият ҳаёти масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзлари қанчалик иштирок этиши билан белгиланади. Жамиятни ва фуқароларни қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этишнинг энг муҳим омилларидан бири давлат бошқарувини номарказлаштириш, яъни давлат бошқарувининг марказдаги муайян

функцияларини қўйи тузилмаларга, маҳаллий ҳокимият органларига беришдир.

Ушбу Концепцияда давлат бошқарувини ислоҳ этиш ва бозор муносабатларидан келиб чиқадиган замонавий талабларга мослаштиришга қаратилган мажмуавий чора-тадбирлар ўрин олган. Ушбу чора-тадбирлар ичида давлат бошқарувини номарказлаштириш, яъни марказдан жойларга айрим бошқарув функцияларини ўтказиш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди.

Номарказлаштириш концепцияси: турли ёндашувлар таҳлили. Мамлакатимизда кечаётган мураккаб номарказлаштириш жараёнининг мазмун ва моҳиятини таҳлил этишдан олдин ушбу категориянинг илмий таҳлилига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки бугунги кунда илмий манбаларда ва махсус энциклопедияларда номарказлаштиришнинг турлича тақинлари мавжуд бўлиб, уларда бу жараённинг кўпчилик томонидан эътироф этиладиган узил-кесил таърифини келтириш қийин.

Таъкидлаш керакки, номарказлаштириш миллий илмий адабиётимизда, хусусан юридик адабиётда етарлича таҳлил этилган дейиш қийин. Айрим муаллифлар ушбу мураккаб жараённинг у ёки бу жиҳатларини таҳлил этишган. Хусусан, С.Сафаев номарказлаштириш концепциясини таҳлил қилар экан Инсониятнинг ривожланиш босқичида кенг жамоатчиликнинг жамият ва давлат бошқарувида бевосита иштирокининг таъминланиши жамият ривожига кескин бурилиш ясашга хизмат қилган олдинга элтувчи куч бўлиб хизмат қилганлигини қайд этиб ўтади. Номарказлаштириш тушунчасини содда қилиб тушунганда давлат бошқарувидаги айрим функцияларни қўйи бўғиндаги тузилмаларга, яъни маҳаллий ҳокимият органларига берилиши (делегиаланиши) тушунилади деб таъкидлайди [4].

А.Азизхўжаевнинг фикрича: “Номарказлаштириш маъмурий ислохотларнинг муҳим бир йўналиши бўлиб, ушбу ислохотларни амалга оширишда бисқичма-бисқичлик, давлат органларига тегишли функцияларни самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида нодавлат тузилмаларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва марказий давлат ҳокимияти органлари томонидан берилган функцияларни самарали амалга оширилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширилиши ҳамда ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарурлиги каби бир қанча муҳим тамойилларга риоя этиш зарур” [5].

Давлат бошқарувида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг роли ва аҳамиятини кенг таҳлил этиб ўтган Г.Маликова ҳам давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг энг муҳим ва самарали методи номарказлаштириш эканлигини алоҳида қайд этган [6].

Шунингдек, ушбу масала тадқиқотлар олиб борган Г.Исмоилова давлат бошқаруви тизимида марказлаштириш ва номарказлаштириш жараёнлари ўртасида мувозанатни таъминлаш ва унинг миллий-ҳудудий тузилишига эътибор қаратиш зарур таъкидлаган [7].

Айтиш лозимки, номарказлаштиришнинг назарий жиҳатларини ёритишда хорижлик олимларнинг кенг қамровли илмий тадқиқотлари, асослантилган таҳлилий ишлари мавжудлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Жумладан, Ж.Коэн ва С.Питерсонлар ўзларининг

тадқиқотларида номарказлашиш ҳам ғоя, ҳам ривожланиш йўлидаги муҳим услуб, восита деб таъкидлаб ўтишади, шунингдек улар номарказлашишни олти асосий шаклдан иборат “таснифлаш тизими”ни яратди. Уларнинг, талқинига кўра номарказлаштиришнинг олти шакли: тарихий келиб чиқиш, ҳудудий ва вазифага оид, муаммога йўналтирилганлиги, хизмат кўрсатиш, ягона давлат тажрибаси ва мақсадга йўналтирилганлиги мавжуд [8].

Италия олими Т.Фаллетининг фикрига кўра, номарказлаштириш – биринчи навбатда давлат томонидан амалга ошириладиган ҳокимият, давлат тизимини ислоҳ қилишнинг ва марказий ҳукумат ваколатлари, ресурслари ҳамда вазифаларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган барча жараёнлар йиғиндиси [9]. Номарказлаштириш бошқарув ва ташкилий хусусиятга эга бўлган ҳодиса бўлиб, бунда қарорлар қабул қилиш ташкилот миқёсида бўлишини, ягона шахс даражасида бўлмаслигини тақозо этади. Чунки, бу ўринда, қарорлар қабул қилишда, аввало, коллегиялик назарда тутилади.

Баъзи тадқиқотчилар номарказлаштиришни давлат бошқарувида маҳаллий даражада маъмурий масалаларнинг ягона марказда тўпланиб қолишига олиб келади деган ғояни илгари суришади. Масалан, Б.Смит номарказлаштириш ўз ичига қарорлар қабул қилиш ва маъмурий бошқарувни марказдан ҳокимиятнинг қуйи даражаларига ўтказишни олиб, кўпроқ, сиёсий масалалар билан боғлиқ, ҳолат дея таъкидлайди [10].

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, номарказлаштириш ҳокимият ваколатлари ва вазифаларининг юқори даражадан қуйи даражага, яъни давлат даражасидан маҳаллий даражага ўтказилиши деган ғоя ҳам назарий қарашларда ўз аксини топган. Бу ўринда Д.Конерснинг фикрлари эътиборга лойиқ. Унинг таъкидлашича, номарказлаштириш ҳам сиёсий ҳам маъмурий ҳодиса бўлиб, у қарорлар қабул қилиш ҳамда маъмурий ваколатларни ҳокимиятнинг бир қанча босқичларига тақсимлашни назарда тутди [11].

Давлат бошқарувида номарказлаштириш концепциясини атрофлича ўрганган олимлардан бири Д.Рондинеллининг таъкидлашича, номарказлаштириш қарорларни режалаштириш ва уларни қабул қилишда ваколатларнинг тақсимланиши ёки юқоридан қуйига берилишини назарда тутиш билан бир қаторда, марказий давлат органлари вазифаларининг маълум бир қисмини уларнинг жойлардаги тегишли ташкилотларига ва маҳаллий ҳокимият ёки ноҳукумат ташкилотларга берилишини ҳам эътиборга олади [12].

Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги машҳур франциялик олим Жан-Бенуа Альбертинининг фикрига кўра номарказлаштириш – бу давлат бошқарувида марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатларнинг самарали амалга оширилиши нуктаи назардан оптимал равишда тақсимлашга қаратилган сиёсатдир [13]. Ушбу қарашлар Францияда XX асрнинг иккинчи ярмида олиб борилган ислохотлар жараёнида яққол намоён бўлиб, оммавий ҳокимият бошқарувини амалга оширишда иштирок этувчи барча тузилмаларнинг янги босқичга ўтишига сабаб бўлганлигини таъкидлаган.

Эътиборли жиҳати шундаки, нафақат олимлар, балки халқаро ташкилотлар ҳам номарказлаштиришнинг муҳим жиҳатларини батафсил илмий жиҳатдан асослашганлиги эътирофга

сазовордир. Номарказлаштириш ғоясининг илмий-назарий категория сифатида шаклланишида, сиёсий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий иқтисодий ҳодиса тарзида кенг тарқалишида нуфузли халқаро ташкилот бўлган БМТнинг ўрни муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, БМТ ва БМТ ТД (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури) бошқарувни номарказлаштиришга ўз таърифларини бериб унинг умумэтироф этилган ҳуқуқий-норматив асосини ва кўринишларини назарий жиҳатдан асослаб беришган. БМТ Тараққиёт дастурига кўра номарказлаштиришнинг мажбуриятларни қуйи бўғинларга ўтказиш, ваколатларни тақсимлаш, марказлашув ҳажмини камайтириш ҳамда хусусийлаштириш каби шакллари мавжуд.

Нуфузли халқаро ташкилотлардан яна бири Жаҳон банки давлат бошқарувида номарказлаштиришга сиёсий, маъмурий шунингдек молиявий ҳодиса сифатида баҳо беради. Мазкур ташкилотнинг хулосасига кўра номарказлаштириш молиявий, сиёсий ва маъмурий ваколатларни бошқарув органларининг қуйи даражаларига тайинлаш дунё бўйлаб турли давлатларда турли воситалар ёрдамида кенг тарқалаётган жараён бўлиб, у келажақда тараққиётнинг гарови бўлиб хизмат қила оладиган бошқарув тизимининг асоси бўла олади [14].

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалар таҳлилдан кўриш мумкинки, давлати бошқарувида амалга оширилган ислохотларнинг бош стратегик мақсади қатъий ва ўзгармас эканлиги, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шакллантиришда давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёнларидан алоҳида ва мустақил кечмаслиги ва улар билан узвий боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Номарказлаштириш концепцияси: функционал ёндашув. Номарказлаштириш жараёнлари давлат бошқаруви соҳасида XX асрнинг ўрталаридан бошлаб кенг татбиқ этиб келинаётган бошқарувни ривожлантириш стратегиялардан бири бўлиб келмоқда. Ушбу стратегия асосан ҳокимиятнинг қуйи даражаларида демократлашув оқибатида жорий қилинмоқда. Бугунги кунда Ривожланиш стратегияси сифатида номарказлаштириш сиёсати кўпчилик экспертлар ва олимлар томонидан эътироф этилмоқда. Давлат бошқаруви соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларда давлат бошқарувини номарказлаштириш барқарор ривожланишга эришишнинг муҳим шарти ҳамда сифатли бошқарувнинг (**Good governance**) асосий мақсади сифатида тилга олинади [15].

Давлатнинг номарказлашган тизимга ўтиши унинг кучсизланиши эмас, балки аксинча кучайишига хизмат қилади. Давлат кундалик вазифаларни қуйи бўғинга қанчалик кўпроқ, ишониб топширса, у шунчалик кучли бўлиши жаҳон тажрибасидан маълум. Ушбу қарашни таҳлил этар эканмиз фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий қоидалари ва механизмларини шакллантириш ҳам шу тарзда кечишини кузатишимиз мумкин.

Шу тарихи бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли маъмурий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири – давлат бошқарувини номарказлаштиришдир. Номарказлаштиришдан кўзланган асосий мақсад эса марказий давлат ҳокимияти органларига тегишли ваколат ва функцияларни қуйи бўғиндаги маҳаллий давлат

ҳокимияти органларига ёки нодавлат тузилмаларга бошқичма-бошқич ўтказишдир.

Айни пайтда номарказлаштириш кенг қамровли жараён бўлиб, у марказий давлат органлари ваколатига кирадиган тегишли ваколатларни, турли хил давлат хизматларини кўрсатишни, бюджетга оид ҳуқуқларни, кенг доирадаги ижтимоий-сиёсий йўналишдаги функцияларни қўйи органларга ўтказишда ифодаланадиган демократик жараён.

Ушбу жараёнларнинг долзарблиги ижтимоий-иқтисодий йўналишда кенг доирадаги ваколатларнинг марказий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқми ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши самаралироқми? деган саволнинг ечимини аниқлашдан иборатдир. Бинобарин, давлат ваколатларнинг марказда асоссиз тўпланиб қолиши бир томондан ушбу органларнинг фаолияти ортиқча кенгайиб кетиши ва асосий масалалардан чалғиб кетиши эҳтимоли билан бир қаторда фуқаролар учун ортиқча бюрократик тўсиқларга олиб келса, иккинчи томондан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудга оид масалаларни малакали ҳал этиш, амалга ошириш имконини чеклаб қўяди, демакки, ташаббускорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Номарказлаштириш концепцияси: аксиологик ёндашув. Давлат бошқаруви соҳасида номарказлаштиришнинг аҳамияти, унинг давлат бошқарувини демократлаштиришдаги роли ҳақида фикр юритганда, унинг маъмурий ва қарорлар қабул қилиш ваколатларини марказий ҳокимият даражасидан маҳаллий ҳокимият даражасига ўтказишда ўз ифодасини топишини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда яна шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, ҳар қандай ислоҳот, хусусан, номарказлаштириш соҳасида амалга ошириладиган сиёсий-ҳуқуқий тартиб-таомиллар ҳам, энг аввало, жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиқиши ва унинг стратегик мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиши лозим. Бу эса муқаррар равишда зарур ҳуқуқий асосларни яратишни, шунингдек уларни реализация қилишга қаратилган мустаҳкам процессуал механизмларни ишлаб чиқиб жорий этиш орқали таъминланади. Зотан, номарказлаштиришнинг асл моҳияти давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги муайян ваколат ҳамда функцияларни тегишли тартибда горизонтал ва вертикал тузилма органларига бериш орқали маълум соҳа ёки йўналишни ривожлантиришнинг энг мақбул йўлини танлаб олишдир.

Шу билан бирга, давлат бошқарувида номарказлаштириш ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гап борар экан, албатта, бу ҳодиса ё ижобий ёки салбий хусусиятларга эга деган бир томонлама фикрни билдириш унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу борада муваффақиятга эришиш ва давлат бошқарувини такомиллаштириш учун бир қанча чоратadbирлар кўрилиши лозим бўлиб, бу, энг аввало, бу йўналишда муҳим ҳуқуқий механизмлар жорий қилиниши ва улар, ўз навбатида, марказий ҳокимият ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро ваколатларнинг тўғри ва тенг тақсимотини таъминлаши даркор. Акс ҳолда номарказлаштириш ўз олдига қўйган мақсадларга эриша олмайди ва давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотларнинг сифат ва суръатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Юқорида баён этилган номарказлаштириш тушунчаси тўғрисидаги қарашларни таҳлил қилган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, давлат бошқаруви соҳасини номарказлаштириш маъмурий ва қарорлар қабул қилиш ваколатларини марказий давлат ҳокимият органлари (оммавий ҳокимият органлари) даражасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари даражасига ҳамда ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказишга қаратилган сиёсий жараёнларга тегишли эканлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, давлат бошқариш тизимини номарказлаштириш жараёнларининг асосий жиҳатларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, ҳудудлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигининг ошиши ва ижтимоий доирадаги кенг хизматларнинг кўрсатилиши олиб келади.

Иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг функция ҳамда ваколатларининг кенгайиши натижасида уларнинг маъсулдорлик ҳиссининг ошиши ва шу ўринда фуқаролар билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида юқори даражадаги ишончга асосланган (легитимлиги таъминланган) самарали мулоқот тизимининг шаклланишига хизмат қилади.

Учинчидан, ваколатларнинг бир қисми маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига бошқичма-бошқич берилиши натижасида кенг жамоатчилик манфаатларига дахл қиладиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг бевосита иштирок этишига шароит вужудга келади.

Тўртинчидан, марказий давлат ҳокимияти органларининг умуммиллий даражадаги “оммавий хизматлар”ни кўрсатиш борасидаги (ички ва ташқи хавфсизлик, ҳуқуқий тартиботни сақлаш, макроиқтисодиёт йўналишидаги сиёсат) ваколат ва функцияларини самарали амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини жамлашга имконият яратади.

Шуни қайд этиш лозимки, номарказлаштириш жараёнлари ҳар қандай мамлакатда давлат бошқаруви тизимини модернизациялашга қаратилган ислоҳотларнинг ажралмас қисми эканлигини ва замонавий давлат бошқаруви институтларини ва механизмларини жорий этиш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг зарурий шартларидан бири эканлигини кузатиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати

1. 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони ва унга илова қилинган “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2017 - №6. 70-модда, - №20. 354-модда, - №23. 448-модда, - №37. 982-модда.

2. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017. - 23 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини

тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси // Lex.uz.

4. С.Сафаев. К вопросу о децентрализации совершенствовании государственного управления // Жамият ва бошқарув. - 2013. - №1. - Б.25.

5. Азизхужаев А.А. Эркинлаштириш – давр талаби // Жамият ва бошқарув. - 2000. - №1. - Б. 6-8.

6. Г.Маликова. Ўзини-ўзи бошқариш кучли фуқаролик жамиятининг таянчи. Т.: Тошкент Давлат юридик институти, 2005. – Б. 29.

7. Г.Исмоилова. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқариш органларини либераллаштиришнинг давлат ҳуқуқий йўналишлари. - Тошкент, 2013. – Б. 269.

8. Cohen J., Peterson S. Administrative Decentralization: Strategies for Developing Countries, Kumarian Press (published for and on behalf of the United Nations), Draft Proof for Publication, June, 1999. – P.16 - 20.

9. Falleti T.G. Decentralization and Subnational Politics in Latin America. - Cambridge: Cambridge University Press, 2010. – P. 34.

10. Smith, B., «Decentralization: The Territorial Dimension of the State» George Allen and Unwin Publishers Ltd, 1985.

11. Conyers, D. Decentralization: The Latest Fashion in Development Administration» in Public Administration and Development, Vol. 3, 1983.

12. Rondinelli, D., «Government Decentralization in Comparative Perspective: Theory and Practice in Developing Countries» International Review of Administrative Sciences, 47, (2), 1981.

13. Albertini J.B. La deconcentration: l'administration territoriale dans la reforme de l'Etat. - Paris: Economica, 1997. - P. 210 etc. Pratiques de la gestion publique en France: Le statut du fonctionnaire. La responsabilite de l'administration. L'audit et le controle dans le secteur public. - Paris, 1999. 351 p. – P. 17

14. UNDP, Factors to Consider in Designing Decentralized Governance Policies and Programmes to Achieve Sustainable People -Centered Development, Management Development and Governance Division, February 1998, – P. 1.

15. Бекчанов Д. Маҳаллий давлат ҳокимияти: Япония ва Ўзбекистон. - Т.: Академия, 2015. – Б. 57.

Ж.М.Азамов,
мустақил илмий изланувчи

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ҲУҚУҚНИ ҚўЛЛАШ СОҲАСИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Аннотация: мақолада инновацион ривожланиш шароитида ҳуқуқни қўллашда прогнозлаш ва бунда моделлаштириш усулининг мазмуни-моҳияти, мақсади, босқичлари, ҳуқуқий вазиятнинг илмий асосланган моделини яратиш масалалари таҳлил этилади. Юридик амалиётни моделлаштиришнинг табиати ва хусусиятлари очиқ берилди. Ҳуқуқий вазиятни моделлаштириш пухта прогнозга таянгандагина самара бериши исботланади.

Таянч сўзлар: инновацион бошқарув, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни қўллашда прогноз, ҳуқуқни қўллашни моделлаштириш, моделлаштириш усули, ҳуқуқий модел, моделлаштиришнинг босқичлари, прогнозли моделлаштириш.

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы прогнозирования в правоприменении и использование при этом метода моделирования в условиях инновационного развития. В этом связи анализированная содержание, сущность, цели, стадии моделирования правовой ситуации. Показаны особенности моделирования в юридической практике. Обосновывается эффективность моделирования только на основе научного прогноза.

Ключевые слова: инновационное управление, правоприменение, прогнозирование в правоприменении, моделирование правоприменения, метод моделирования, правовая модель, стадии моделирования, прогнозное моделирование.

Annotation: the article discusses the issues of forecasting in law enforcement and the use of the modeling method in the conditions of innovative development. In this regard, analyzing the content, essence, purpose, stage of modeling the legal situation. The features of modeling in legal practice are shown. The efficiency of modeling is justified only on the basis of a scientific forecast.

Keywords: innovation management, law enforcement, law enforcement forecasting, law enforcement modeling, modeling method, legal model, modeling stages, predictive modeling.

Мамлакатимиз ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётида туб янгиланиш жараёнлари тобора фаоллашиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб номлангани ва тегишли Давлат дастури тасдиқланиб, амалга оширилаётганлиги улкан аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида шундай деди: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади” [1, 19-20 бетлар]. Ушбу дастурий кўрсатмадан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, давлат ва жамият қурилиши тизимида, шу жумладан ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқни қўллаш

жараёнларида ҳам инновацион ёндашувни амалга оширишга эътибор қаратиш лозим. Чунки инновацион иқтисодиётга ўтиш, табиий равишда қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва суд-ҳуқуқ соҳаларига ҳам тегишли таъсир ўтказди. “Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, – деди давлатимиз раҳбари, – унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар узчил амалга оширилмоқда” [2, 6-бет].

Бундан шундай вазифа келиб чиқадики, иқтисодиёт соҳасидаги, айниқса, фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳуқуқни қўллаш фаолиятига бошқарув ва тартибга солишнинг инновацион шакллари жорий этиш лозим.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги диққатга сазовор. Табиийки, ҳуқуқни ҳаётга жорий этиш, унинг аниқ нормалари ва принципларини амалиётга татбиқ этиш ҳуқуқ мавжудлигининг зарурий шартидир. Бошқача айтганда, ҳуқуқ, унинг қоидалари аниқ (реал) қўлланилган тақдирдагина қўтилган натижага эришилади.

Ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги инновацион чоралардан, шакллардан бири – ўз ҳуқуқий ечимини кутаётган реал ҳаётий вазиятни моделлаштиришдир. Яъни ҳуқуқни қўллашни ундаги “норматив моҳиятини” [3, 4-бет], меъёрий талабларни, ҳуқуқий нормадаги тартибга солувчи “салоҳият” (потенциал)ни, қолаверса, ҳулқ-атворнинг ҳуқуқий моделини реал ҳаётий вазиятга мослаштиришдир. Ҳуқуқни қўллашнинг пировард мақсади бўлган ҳуқуқий тартибга солишни ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳулқ-атворини, фаолиятини моделлаштиришнинг аниқ хусусий ҳолати деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳуқуқий ҳолатларни, шу жумладан ҳуқуқни қўллаш жараёнини одатий кенг қўлланиладиган усул (метод)лар ёрдамида бевосита таҳлил этиш имкони бўлмаганда моделлаштириш умум-илмий метод сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқни қўллаш фаолияти юридик фаолиятнинг узвий турларидан бири айтилиши мустақил автоном юридик воқелиқдир. Ҳуқуқни қўллаш деганда ҳуқуқ субъектининг муайян шарт-шароитларда амалга оширадиган мураккаб юридик фаолиятини тушунамиз. Бу фаолият доирасида ҳуқуқни қўлловчи субъект процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда зарурий воситалар, усуллар ва методлардан, прогнозлашдан фойдаланган ҳолда ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг моделини шакллантиради ва жорий этади.

Бугунги кунда ҳуқуқни қўллашни режалаштириш, прогнозлаш жараёнида бу каби ҳуқуқий воқеликларни моделлаштириш усулига қизиқиш ортмоқда. Масалан, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини юридик моделлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари бўйича тадқиқотлар амалга оширилган [4, 103-106 бетлар]. Шу билан бирга, россиялик тадқиқотчи А.С.Безруковнинг қуйидаги хулосаларига қўшилиш мумкин: бугунги кунда “модель”, “ҳуқуқий модель”, “ҳуқуқий тартибга солиш модели”, “юридик жараённинг

модели” ва шу каби бошқа тушунчалар ҳуқуқшуносликнинг терминологиясидан мустаҳкам жой олди. Бироқ уларнинг изоҳи ва тушунчаси борасида олимлар ўртасида бир хиллик йўқ [5, 3-бет].

Юридик амалиётда ҳуқуқни қўллаш фаолиятини (жараёнини) моделлаштириш зарурияти, у ёки бу ҳуқуқни қўллаш вазиятини прогноз қилиш эҳтиёжидан келиб чиқади. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг моделини ишлаб чиқиш (шакллантириш), албатта, бу ҳолатларнинг пухта илмий прогнозига таянади. Бошқача айтганда, прогноз маълумотларисиз, аниқ прогноз кўрсаткичларисиз малакали ва ишончли моделлаштиришга эришиб бўлмайди. Айтилиши мумкин, пухта моделни тасаввур этмасдан туриб, ҳуқуқни қўллашда реал самарага умид боғлаб бўлмайди.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнини моделлаштиришга оид таҳлилимизни оsonлаштириш, соддалаштириш учун ҳуқуқий вазиятларни бир неча кичик гуруҳларга ажратиб олиш мақсадга мувофиқ:

– ҳуқуқий муносабатлар, яъни жимоний ва юридик шахсларнинг муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлари давлатнинг, ваколатли давлат органларининг аралашувисиз вужудга кела олмаса (масалан, юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш ёки пенсия тайинлаш ва тўлаш);

– муайян юридик фактларнинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш ёки маълум юридик хатти-ҳаракатларни рўйхатдан ўтказиш (масалан, инсони ўлган деб эълон қилиш ёки бирон-бир битимни нотариал тасдиқлаш) талаб этилганда;

– манфаатлар муросасизлиги туфайли ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳуқуқий низоларни ҳал эта олмаса (масалан, фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш, никоҳ бекор бўлганда мол-мулкни бўлиш);

– ҳуқуқ бузилиши содир этилганда ва уни бузган шахсга нисбатан юридик жавобгарликнинг тури ва жазо чорасини белгилаш зарур бўлганда (масалан, жарима белгилаш ёки жиноий жазо чорасини белгилаш) вазиятни моделлаштириш мумкин бўлади.

Моделлаштириш соҳасида мутахассис олим В.А.Леванский қуйидагиларни таъкидлайди: “ҳуқуқ соҳасидаги модел – бу тизим сифатида намоён бўладиган ҳуқуқнинг концептуал модели; ҳуқуқнинг социал белгиланиши ва ижтимоий самардорлигининг модели; ҳуқуқнинг кичик тизимларининг (ҳуқуқий онг, ҳуқуқий норма, ҳуқуқий муносабатнинг) модели, шунингдек ҳуқуқ субъектлари фаолияти (индивидлар ва ташкилий тизимлар)нинг модели” [6, 20-бет]. Шу боис ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг модели бир томондан ҳуқуқий норманинг мақсади ва мазмунидан келиб чиқиб у аниқ амалга оширилишини таъминлаши, иккинчи томондан ҳуқуқнинг муайян талаблар доирасида (ҳуқуқ нормасининг талаблари бузилмаслиги мақсадида) амалга оширилишини таъминлаши зарур.

Юқоридаги мулоҳазалар қуйидаги хулосага келиш имконини беради: ҳуқуқни қўллаш фаолиятини моделлаштириш ҳуқуқни қўллаш амалиётининг муҳим қисми бўлиб, функционал, мантқиқий, прогнозлаш ва бошқа жиҳатларнинг бирлигига асосланган мураккаб ҳодисадир. Бу махсус – юридик ва техникавий воситалар, процедура ва шакллар ёрдамида ҳуқуқ субъектлари дастлабки ҳуқуқий моделини, ҳуқуқни қўллашнинг ўзига хос қонунчилик ва ҳуқуқийлик талабларига мос алгоритмининг яратадилар. Ушбу

моделлаштириш ҳуқуқ нормаларида мустақамланган талаб ва мақсадларни аниқ натижали амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини моделлаштиришнинг қуйидаги белгиларини ажаратиб кўрсатиш мумкин:

1) моделлаштириш ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг муҳим қисми. Зеро, бу фаолият ҳуқуқий жараён бўлиб, уни уюштириш, ташкил этиш, режалаштирилган (дастурланган) натижага эришиш лозим;

2) моделлаштириш турли қисмлар (элементлар)нинг ўзаро боғлиқлиги асосидаги узвий комплекс, тизимли ҳодисадир; унинг қисмлари нисбатан мустақил ва алоҳида ҳаракатлана оладилар;

3) моделлаштириш ҳуқуқий нормани амалга ошириш жараёнидаги ҳуқуқий муносабат модели бўлиб, у муносабат иштирокчилари хулқ-атворининг стандартлари тарзида намайён бўлади;

4) моделлаштириш прогноз қилиш характерига эга, яъни унда ҳуқуқни қўллашнинг кутилган натижаларини аввалдан кўриш, башорат қилиш хусусияти бор. Шу асосда бу жараёнга ташқи факторларнинг (иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа) таъсирини инobatга олиш, салбий таъсирларни камайтириш ёки ўзгартириш имконияти туғилади;

5) моделлаштириш, бир томондан, ўз мақсади, вазифалари, процедуралари, алгоритмларига, иккинчи томондан, мураккаб тузилишга (таркибига) эга.

Ҳуқуқий ҳодисаларни моделлаштириш ижтимоий жараён сифатида маълум босқичлар орқали амалга ошади. Бундай моделлаштиришнинг қуйидаги босқичларини эътироф қилиш мумкин: воқеликни назарий моделлаштириш; воқелик (вазият) оригинал ҳолатининг ахборот модели; бошланғич маълумотларни тўплаш модели; дастлабки маълумотларга ишлов бериш модели; ҳуқуқий вазият образини яратиш учун ишчи модел тузиш; яқунловчи ахборот (маълумот)ни тақдим этиш модели [6, 28-бет]. Бу босқичлардан ҳуқуқни қўллаш жараёнида моделлаштиришда фойдаланиш мумкин. Табиийки, мазкур моделлаштиришда тегишли дастур ва алгоритмларни яратиш, аксиологик ва статистик маълумотларни тўплаш, тасаввур ҳосил қилиш (имитация) усулини қўллаш ҳаракатлари ҳам назарда тутилиши лозим.

Ўзбекистонлик мутахассислар: Ф.Бафоев, Л.Мухамеджанова, А.Мирзаевлар моделлаштиришнинг қуйидаги босқичлари мавжуд деб ҳисоблайдилар: фундаментал тамойил, концептуал ғояга мувофиқлаштириш; асосий ва кўшимча мақсадларни аниқлаш; объект тўғрисида дастлабки маълумотларни ўрганиш; муаммони ечиш усулини танлаш ёки яратиш; моделли экспериментларни ўтказиш; олинган ечимни таҳлил қилиш; аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш; “моделли” билимларни оригиналга ўтказиш; ишлаб чиқилган моделни синаб кўриш; объект назариясини тўлдириш [7, 61-бет].

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини моделлаштиришнинг серҳаракат элементи ҳуқуқни қўллаш мақсади ва вазифалари доирасида кечадиган ўзаро боғлиқ ҳаракатлардан ташкил толувчи операциялар (тадбирлар)дир. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширувчи ҳуқуқ субъекти маълум натижага эришишни мўлжаллайди ва ўз ҳаракатларини ана шу белгиланган мақсад сари йўналтиради. Юридик фаолиятнинг ушбу тури бошқа ҳар қандай турига нисбатан натижага йўналтирилган бўлади. Бу фаолиятнинг махсус

хусусияти шундаки, у ҳуқуқий норма талабларини бажариш ва уни реализация қилиш мақсадида баколатли органнинг қонун билан белгиланган фаолиятининг энг оқилона нисбатини топишга, унинг натижага эришишига қаратилади. Шу боис юқоридаги фаолиятни моделлаштиришнинг структураси бир қатор ҳаракатлар йиғиндисидан иборат бўлиб, уларнинг кетма-кетлигини қуйидаги тарзда тасаввур этиш мумкин:

а) муайян ҳуқуқ нормлари қўлланилишининг мақсади ва вазифаларини белгилаш;

б) ҳаракатларнинг алгоритмини режалаштириш (ҳуқуқни қўллаш ҳаракатларининг кетма-кетлигини аниқлаш, ҳар бир ҳаракатга мос усул ва воситаларни танлаш), уларни бажаришнинг мезон ва шаклларини аниқлаш;

в) зарур ҳолларда ҳуқуқни қўллашни жорий коррекция қилишга, тузатишга доир фаолиятни амалга ошириш;

г) ҳуқуқни қўллаш натижаларини текшириш ва баҳолаш;

д) олинган натижаларни режалаштирилган вазифалар билан солиштириш, мувофиқлаштириш.

Ҳуқуқий ҳаёт масалаларини самарали ҳал этишга инновацион ёндашувнинг яна бир муҳим воситаси ҳуқуқни қўллаш жараёнларини прогнозолаштиришдир. Юқорида келтирилган ҳуқуқий моделлаштириш структурасининг биринчи ва иккинчи қисмлари мақсадни белгилаш билан боғлиқ прогноزلаш элементини ўз ичига қамраб олади, мақсадга эришилиши эса ҳуқуқни қўллаш фаолияти натижасини олдиндан кўриш имконини беради. Мақсад қўйилиши биланоқ унга эришишнинг мумкин бўлган вариантлари изланади, бундай вариантлардан энг самаралиси ҳуқуқни қўллаш моделини ишлаб чиқиш асосига қўйилади, шундан кейин ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг бўлғуси ҳолати ҳаракат намунаси (стандарт, модели) тарзида проекция қилинади.

Таҳлил этилаётган мавзу бўйича мутахассис олим Е.Н.Салигиннинг қуйидаги мулоҳазаси қизиқиш уйғотади: “Прогноз асосида моделлаштиришдаги ҳуқуқий хулқ-атвор деганда муайян ижтимоий муносабатларга ҳуқуқ воситасида таъсир этиш натижаси сифатида намоён бўладиган бўлғуси хулқ-атвор андозаси тушунилади. У ҳуқуқ нормаларига мос бўлиши ёки қарама-қарши бўлиши мумкин, шунингдек ҳуқуқий тартибга солиш доирасидан четга чиқиши, яъни ҳуқуқ билан тартибга солинмаган бўлиши ҳам мумкин” [8, 19-бет].

Демак, прогноزلаш ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг мустақил элементи бўлиб, у бу жараёнда анча муҳим роль ўйнайди. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг яқуний натижасининг олдиндан “кўра олиш”га, башоратлашга боғлиқ. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини моделлаштириш ҳуқуқни қўллашга оид ҳаракатларни имитация қилиш, ҳуқуқни қўллаш жараёни ривожланишининг бир қанча вариантларини назарда тутувчи ақлий андозасини яратиш жараёни дейиш мумкин. Ҳуқуқни қўллаш ҳаракатларини бевосита амалга оширишдан олдин, ҳуқуқ субъекти келажақда қилиниши лозим бўлган хатти-ҳаракатларни (ўзининг ва мазкур жараён бошқа иштирокчиларини хатти-ҳаракатларини) нафақат ҳуқуқий ҳужжат талаблари билан, балки ҳуқуқни қўллаш давомида вужудга келиши мумкин бўлган вазиятлар билан ҳам

солиштириб кўриши лозим. Масалан, гумонланувчига нисбатан жиноят ишини кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи терговчи, судлов қарорини чиқараётган судья гумонланувчини ҳибсга олиш ёки эҳтиёт чорасини қўллаш, далилий ашёларни олиш, мулкка арест солиш ва бошқа чораларни қўллаш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолатларни (оқибатларни) кўз олдига келтириши керак бўлади [9]. Ушбу хулосамиз ҳуқуқшунос К.И.Егоровнинг фикри билан ҳамоханг. Унинг таъкидлашича: «судьянинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини моделлаштириш ҳолати дастлабки юридик квалификация қилиш билан боғлиқ ёки тарафлар томонидан илгари сурилган версияларни кўриб чиқиш асосида шакллантирилади [10].

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини моделлаштиришни юридик ва фактик таркибий қисмларга ажратиш мақсадга мувофиқ. Бироқ юридик ва фактик процессуал шакллар ўртасидаги чегара анча ўзгарувчан [11, 132-135 бетлар]. Турли-туман ҳуқуқни қўллаш ҳаракатларини моделлаштириш жараёнида муайян қоидалар, принциплар, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга ошириш тартиблари (яъни процедурага оид талаб ва элементлар тизими) шаклланиши табиий. Улар ҳуқуқни қўллашнинг турли жиҳатлари ва томонлари ягона бир бутунга бирикишига, барча қисмларнинг ўзаро алоқада бўлишига, ташқи шароит ва натижа билан боғланишига кўмаклашади.

Савол туғилади. Ҳўш, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг фактик шакли қандай қарор топади? У ҳуқуқни қўлловчиларнинг одатлари, қарор топган стереотиплари, бошқа ижтимоий-ҳуқуқий омиллар билан белгиланади. Унинг фактик мазмуни реал ҳолатларнинг корпоратив, ташкилий, маънавий қоидалар, одатлар, анъаналар, ишчанлик қоидалари билан мустаҳкамланади. Бундай расмийлашувга қарамасдан, фактик шакл ҳар ҳолда ҳуқуқни қўллашнинг фактик жиҳати бўлиб қолаверади. Юридик шакл эса қонунчиликда акс этган ҳуқуқий нормалар воситасида мустаҳкамланади. Бу қоидаларни норматив ҳужжатларда мустаҳкамланиши кўпгина субъектив ва объектив сабабларга, у ёки бу муносабатларнинг хусусиятига, мувофиқлаштирувчи субъектнинг позициясига ва бошқаларга боғлиқ. Айни вақтда фактик шакл юридик шакл даражасига кўтарилмаган бўлсада, у ҳар қандай ҳуқуқни қўллаш фаолиятида иштирок этади ва муҳим ўрин тутаети. У хатто қатъий норматив тартибга солинган вазиятларда ҳам анъана, одат, кўникма тарзида иштирок этади ва юридик шаклни ижобий маънода тўлдириб туради.

Бу, энг аввало, шу билан изоҳланадики, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг мавжудлиги объектив ҳолдир: унинг асосида ҳуқуқни қўллашда муайян юридик ҳаракатлар ва операцияларнинг, усул ва воситаларнинг, услуб ва натижаларнинг, ва ниҳоят, бу фаолият шаклларининг кўп маротаба такрорланиши ётади. Масалан, тергов фаолиятининг қатъий процессуал белгиланганлиги вазиятида терговчи норматив ҳуқуқий ҳужжатда акс этмаган, аммо, юридик амалиётда мавжуд бўлган ҳаракат ва усулларни тез-тез ва мажбуран қўлланади: булар гумонланувчини сўроқ қилиш, ушланган шахсни ўз айбига иқроп бўлишга мойил қилиш кабиларни ҳуқуқий чегарага «киритиш» мумкин бўлмаган методикасини қўллаш ва ҳ.к.

Ҳуқуқни қўллаш фаолияти мазмунининг элементларидан бири тегишли ҳаракат ва операцияларни амалга ошириш усулидир. Усул ҳар доим конкрет, аниқ вазиятда, маълум шароит ва шартлар мавжуд бўлганда, бу воситалар арсенали кўмагида қўйилган вазифаларга эришиш йўлини англатади. Воситаларни нотўғри танлаш (ёки ноўрин фойдаланиш) ҳуқуқни қўллаш фаолияти натижасига эришиш йўлидаги барча уринишларни чиқариши мумкин. Усуллар анча турли-туман, яъни улар ҳуқуқий ва ижтимоий, тақиқловчи ва рағбатлантирувчи, мажбурий ва тавсиявий, расмий ва одатий, маъмурий ва жамоавий бўлиши мумкин. Айтиш мумкинки, усул ҳуқуқни қўллашни моделлаштиришнинг ташкилий асоси ҳисобланади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сонли «Жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базасини шакллантириш ва «электрон ҳуқуқат» ягона ахборот тизимидан фойдаланувчиларнинг ягона идентификация тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори иловасида «электрон ҳуқуқат» тизимида жисмоний ва юридик шахсларни марказий маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш схемаси келтирилган [12]. Ушбу схемада жадвал ва матн тарзида ҳуқуқат қарорини қўллаш бўйича барча ҳаракатларнинг кетма-кетлиги, босқичлари ва алгоритми белгилаб берилган, шунингдек у ёки бу хатти-ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган ҳуқуқни қўлловчи субъектлар кўрсатилган.

Табиийки, амалиётда ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг мақсади ва вазифалари субъективлашади ва воқеликнинг идеал модели сифатида майдонга чиқаети. Аниқ ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг натижаси дастлаб ўзига хос идеал шакл, мақсаднинг идеал образи сифатида намоён бўлади. Бу фаолиятнинг мақсади ҳуқуқни қўллашга бошланғич нуқта бўлади, шунингдек, у бутун ҳуқуқни қўллаш жараёнига йўналтирувчи омил сифатида кўмаклашади. Бундан ташқари, уйғунлаштирувчи ҳаракат ва операцияларнинг бориши ҳамда аҳамиятига жиддий таъсир кўрасатади. Айни вақтда мақсад бу ҳаётини ҳолатлар таъсирида ўзгаришга қодир инструмент ҳамдир.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини моделлаштиришнинг зарурияти объектив ҳолдир. Бироқ, у ваколатли органнинг бошқарув, давлат-ҳуқуқий фаолиятини ҳуқуқ воситасида тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни энг оқилона мақсадли қўлланишини таъминлаш эҳтиёжи бўлганда моделлаштириш зарурияти келиб чиқаети. Моделлаштириш зарурияти ваколатли субъектнинг фаолиятидаги камчилик ёки самарасизликка бўлган муносабатига боғлиқ эмас, балки у аввал бошидан оқ объектив ҳақартерга эга. Лекин баъзи ҳуқуқни қўллаш ҳаракатлари тегишли моделлаштиришсиз самарали амалга ошириш мумкин эмас. Шу боис ҳуқуқни қўллаш фаолиятида моделлаштиришнинг мавжуд бўлиши ва амал қилиши ҳуқуқни нормал қўллаш учун зарурий талаблардан биридир. Демак, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида моделлаштиришнинг қадри ва аҳамияти уни амалга оширувчи субъект ҳуқуқни қўллаш фаолиятини қанчалик прогноз қила олади, уни қонунчиликдаги мақсад билан солиштира олади. Муваффақият ана шунга боғлиқ.

Моделлаштириш воситасида ҳуқуқни қўллаш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий натижаларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳам

мумкин бўлади. У нафақат ҳуқуқни қўллашни яхшилайти, балки баъзи ҳолларда муайян маънода ҳуқуқ ижодкорлиги субъектининг камчиликларини тузатади, ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солишни такомиллаштиришга қўмаклашади. Ушбу ёндашувга мувофиқ, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини моделлаштириш ҳуқуқни қўлловчиларнинг масъулиятли фаолиятидир. Ушбу жараёнда аниқ вазиятда ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг конкрет модели (яъни оптимал, самарали шакллари ва тартиби, шунингдек усули, воситаси, методи ва тактикаси) амалга ошади.

Шундай қилиб, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини моделлаштириш ҳуқуқни қўллаш жараёнининг самарадорлиги ва қонунийлигини таъминлашнинг зарурий воситаси бўлиб, у ҳуқуқни амалга оширишни мақсадли тартиблаштиради, ижтимоий муносабатларнинг такомиллаштиради. Ҳуқуқни қўллаш ҳаракатларини тайёрлаш ва жорий этишнинг натижадорлигини ошириш учун ҳуқуқни қўллаш фаолиятига моделлаштиришни жорий қилишни кенгайтириш объектив заруриятдир. У ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ташкил этиш ҳуқуқий воситаларидан, моддий ҳамда ташкилий ресурслардан самарали фойдаланишда кенг имкониятлар яратади. Моделлаштириш ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ташкил этишни, «қуриш»ни такомиллаштиришнинг шакл ва воситаларидан кенг фойдаланиш демақдир. Моделлаштириш жараёнида у ёки бу ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг тартиби аниқланади, унинг ижобий ва салбий оқибатлари прогноз қилинади. Ниҳоят, моделлаштириш ҳуқуқни қўллашни прогноз қилишнинг узвий элементи бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018. – Б.19-20.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018. – Б.6.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони. – Т., 2017. – Б.4.
4. Право и правоприменение в России: междисциплинарное исследование – Под. ред. В.В.Волкова. – М., 2011. –С. 20.
5. Скурко Е.В. Метод социально-правового моделирования в решении задач правотворчества // Гос. и право. – 2003. – №1. – С.103–106.
6. Безруков А.С. Правовая модель как инструмент юридической науки и практики: автореф. дисс... юрид. канд. наук. – Владимир. – 2008. – С.3.
7. Леванский В.В. Моделирование в социально-правовых исследованиях. – М., 1986. – С. 20.
8. Леванский В.А. Моделирование в социально-правовых исследованиях. – М., 1986. –С. 28.
9. Бафоев Ф., Мухамеджанова Л., Мирзаев А. Ижтимоий жараёнларнинг моделлаштирилиши: мазмуни мохияти, мақсадлари, босқичлари // Фуқаролик жамияти. – 2013. – №3. – Б.61.
10. Салыгин Е.Н. Моделирование в праве: проблемы и перспективы // Правовая мысль: история и современность. – 2012. – № 2. – С.19.

11. Егоров К.И. Информационно-правовое моделирование как стадия судебного правоприменения // см.: <http://www.justicemaker.ru/articles.php> доступ свободный.

12. Пулатова Н.С. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида суд ҳужжатларининг роли (назарий-ҳуқуқий масалалар): автореф. дис.канд. юрид. наук. – Т., 2011.

13. Щербаков В.А. О криминологическом моделировании эффективного предупреждения преступности в современных условиях // Вестник Московского университета МВД России. – 2012. – № 10. – С. 132 – 135.

14. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – № 50. 628-модда.

Ҳ.Ботиров,
юридик фанлар номзоди

СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРЛАРНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар билан боғлиқ муносабатларнинг тартибга солиниши юзасидан масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқни белгилаш, солиқларни жорий этиш, солиқларни тўлаш ва ҳисоблаб чиқариш, солиқ назорати, солиқ мажбуриятлари.

Аннотация: в данной статье раскрыты вопросы, касающиеся регулирования отношений, связанных с налогами и другими обязательными платежами.

Ключевые слова: налоги, другие обязательные платежи, установление налогов, введение налогов, исчисление и уплата налогов, налоговый контроль, налоговые обязательства.

Annotation: in this article questions are disclosed that concerning the regulation of relations related to taxes and other mandatory payments.

Keywords: taxes, other mandatory payments, establishment of taxes, realization of taxes, calculation and payment of taxes, tax control, tax obligations.

Ўзбекистон Республикасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар билан боғлиқ муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов муносабатлари бу – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатлар, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш, солиқлар ҳуқуқи процессуал ҳаракатлари билан вужудга келадиган солиқ назорати, солиқ органларининг ҳаракати ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик каби муносабатларни қамраб олади. [1]

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ҳамда солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ўртасида юзага келадиган муносабатлардир.

Аниқроқ қилиб айтганда, давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўловчилар учун қўлланилиши мажбурий бўлган қонун ҳужжатларини қабул қилинишидир. Бу эса солиқ мажбуриятларини бажариш, солиқ ҳуқуқи процессуал ҳаракатлари билан вужудга келадиган солиқ назорати, солиқ органларининг ҳаракати ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик каби муносабатларда намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дастлаб солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланади ва шундан кейин солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа муносабатлар вужудга келади.

Бунга қўра агар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида уларнинг амалга киритилиш вақти тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, янги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида улар

расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан камида уч ой ўтгач амалга киритилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш фақат Солиқкодексга тегишли тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий этишга умумда давлат ва маҳаллий миқёсида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар тўланишини таъминлаш ва (ёки) ундириш шартлари ва тартибларини аниқ белгилловчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши тушунилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий этиш билан бирга солиқ мажбуриятларининг аниқ элементларини ҳам белгиланиши зарур.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий этиш санаси Солиқкодекснинг 3-моддасига мувофиқ улар расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан камида уч ой ўтгач амалга киритилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқаришга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган элементлар асосида, шунингдек имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёзлардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини солиқ тўловчилар томонидан ҳисоблаб чиқарилиши ёки ҳисоблаб чиқариш мажбурияти юқлатилган давлат солиқ хизмати органи ёхуд солиқ агенти томонидан ҳисоблаб чиқарилиши муносабатлари тушунилади.

Шунингдек, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқаришнинг асосий қоидалари Солиқкодекснинг 24 ҳамда 28-моддаларида белгиланган нормалар асосида амалга оширилади. [2]

Ҳар бир солиқни ёки мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида тартиблари билан боғлиқ муносабатлар Солиқ кодексининг махсус қисмида ўз ифодасини топган.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш нақд пул ва нақд пулсиз шаклларда, тўловларни ҳаммасини ёки бошқа тартиблар асосида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш солиқ тўғрисидаги Солиқкодексда ёхуд бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар асосида амалга оширилади.

Бунда тўланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов миқдорлари белгиланган муддатда солиқ тўловчи ва солиқ агентлари томонидан тўланади.

Ҳар бир солиқни ёки мажбурий тўловларни тўлашнинг аниқ тартиблари ва муддатлари билан боғлиқ муносабатлар Солиқ кодексининг махсус қисмида ўз ифодасини топган.

Солиқ мажбуриятларини бажариш деганда солиқ тўғрисидаги Солиқ кодексда ёхуд бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбуриятлар солиқ тўловчининг ва ваколатли органларнинг мажбурияти деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари улар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини, қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиш, солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиш, шу билан бирга давлат солиқ хизмати

органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қонуний талабларини бажариш ҳамда мазкур органларнинг қонуний фаолиятига тўқсунлик қилмаслик каби мажбуриятлардан иборат муносабатларни тартибга солади.

Солиқ органларининг мажбуриятлари бу улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқариш, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўлиниши, шунингдек уларнинг ўз вақтида киритилиш юзасидан давлат назоратини амалга ошириши ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши каби мажбуриятларидан иборат муносабатларни тартибга солади [3].

Солиқ мажбуриятларини бажаришнинг барча қоидалари билан боғлиқ муносабатлар Солиқ кодексининг 2-бўлимида ўз ифодасини топган.

Солиқ назорати муносабатлари бу – солиқ текширувларини ўтказиш, шунингдек улар билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизимини қўллаган ҳолда мажбуриятларни ижросини назорат қилишдан иборат.

Солиқ назоратининг шакллари ва солиқ текширувларини ўтказиш тартиби билан боғлиқ муносабатлар Солиқ кодексининг 3-бўлимида ўз ифодасини топган.

Солиқ қонунчилигига оид ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш масалалари белгиланган тартибда амалга оширилади.

Солиқ ҳуқуқи ўзининг хусусиятига кўра алоҳида ҳуқуқ тармоғи сифатида белгиланади. Бу ўзида мустақил ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилади. Бу бевосита ижтимоий – иқтисодий муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Айрим олимларнинг фикрига кўра бу айрим ҳуқуқ тармоғининг бир қисми сифатида белгиланади. Хусусан, Н.П. Кучерявенконинг фикрига кўра солиқ ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ тармоғи эмас, балки бу молия ҳуқуқини бир қисми деб ҳисоблайди. Чунки бундаги тартибга солишга қаратилган муносабатлар молиявий – иқтисодий муносабатларни ҳуқуқи нуқтаи назардан тартибга солишга қаратилган дейди [4, 15-бет].

Муаллиф эса айрим бошқа олимларнинг [5] фикрига қўшилган ҳолда ҳуқуқ тармоқлари ичида солиқ ҳуқуқи мустақил равишда ривожланиб бораётган тармоқ сифатида алоҳида муносабатларни тартибга солади ҳамда бир нечта ҳуқуқ институтларни ўзида бирлаштиради деб ҳисоблайди

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўзгартириш ёки бекор қилиш эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимига тегишли тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасига асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ва илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган

деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши керак [6].

Шундай қилиб, солиқ тизимининг умумий принципларини тартибга солиш фақат Солиқ кодексининг нормалари асосида амалга оширилиши мумкин. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш ҳамда тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Солиқ кодексига тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлсагина амалга оширилади, бошқа ҳолларда рухсат этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Шундай қилиб солиқ солиш масалаларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Солиқ кодекси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак. Агар солиқ солиш масалаларига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Солиқ кодексининг қоидаларига мувофиқ бўлмаганлиги аниқланган тақдирда, ҳар доим Солиқ кодекси қоидалари қўлланилиши лозим.

Бундай ҳолларда Солиқ кодексининг қоидаларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органларига бу хусусида хабар берилиши лозим. Бу органлар Солиқ кодексига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиши ёки унга зарур ўзгартишлар киритиши мумкин, агар бекор қилиш ёки ўзгартишлар киритиш рад этилган тақдирда, бу ҳужжат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қўйидаги ҳолатларда солиқ солиш масалаларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Солиқ кодексига мувофиқ эмас деб топилиши мумкин.

Солиқ солиш масалаларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича тегишли органлар Солиқ кодексига белгиланмаганлиги боис Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар белгиланган. Мазкур органлар ёки мансабдор шахслардан ташқари бошқалар томонидан солиқ солиш масалаларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақли эмас.

Солиқ солиш масалаларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса, Солиқ кодексига мувофиқ эмас деб топилади. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган тартиби қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган:

Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг;

Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти”;

“Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари” (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль.);

шунингдек, солиқ солиш масалаларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг тартибини белгиловчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Қуйидаги солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган:

Солиқкодексининг 31-32-моддаларига мувофиқ солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Ўзбекистон Республикаси “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 5-6-моддаларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг ва «Давлат боғхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 5 - 6-моддаларига мувофиқ давлат боғхона хизмати органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. [7]

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқларини бекор қиладиган ёки чеклайдиган, шунингдек солиқ муносабатлари субъектларининг Солиқ кодексига белгиланган мажбуриятларининг мазмунини, улар ҳаракатларининг асослари, шартлари, кетма-кетлиги ёки тартибини ўзгартирадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинса, уни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органлари томонидан бекор қилиниши ёки унга зарур ўзгартишлар киритилиши зарур. Агар ушбу органлар бекор қилиниши ёки ўзгартишлар киритилиши рад этган тақдирда, судга тегишли тартибда муружаат этган ҳолда ушбу ҳужжат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

Мисол учун, Солиқ кодексининг 89-моддасига кўра қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги керак. Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди. Бироқ Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низоми (2007 йил 3 сентябрь, 1712-сон рўйхат рақами)нинг 10-бандида истисно тариқасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий ва товар ҳужжатларини текшириш зарурати бўлган ҳолларда, камерал назорати натижасида аниқланган солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари асосида Кенгаш қарори билан якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини бундан кўпроқ, лекин 5 иш кунидан ошмаган муддатда текшириш ўтказиш кўзда тутилиши мумкинлиги белгиланган. Мазкур низомидаги 5 иш кунидан ошмаган муддат ўз-ўзидан ноқонуний ҳисобланади. Натижада мазкур низоми Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 14 мартдаги 1-сонли “Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топил тўғрисида”ги қарорига (рўйхат рақами 2880, 2017 йил 6 май) асосан бекор қилинган.

Шунинг учун мазкур вазиятда Солиқ кодексига белгиланган мажбуриятларининг мазмунини, улар ҳаракатларининг асослари, шартлари, кетма-кетлиги ёки тартибини бошқа қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги сабабли ушбу қарама-қаршиликлар бекор қилиниши керак.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Агар Солиқ кодекси билан тақиқланган ҳаракатларга рухсат берадиган ёки йўл қўядиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинса, Солиқ кодексига мувофиқ эмас, деб топилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли “Ҳўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 23-бандига асосан Солиқ кодекси 70-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ камерал назорат солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир. Солиқ кодекси 71-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижаларидан фақат тақдим этилаётган солиқ ҳисоботи тўғрилигини таҳлил этиш учун ҳамда солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш учун фойдаланилади. Камерал назорат ёки хронометраж натижаси солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Шунга мувофиқ агар камерал назорат ёки хронометраж натижаси бўйича солиқ тўловчи жавобгарликка тортилган бўлса, ушбу камерал назорат ёки хронометраж натижаси бўйича солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат Солиқ кодексига мувофиқ эмас деб топилши лозим.

Солиқ кодексининг 2-бобида қўлланиладиган асосий тушунчаларнинг мазмуни, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўзгартирилган ёки бу тушунчалар Солиқ кодексига қўлланилганидан бошқача маънода қўлланилган бўлса, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат Солиқ кодексига мувофиқ эмас деб топилади.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларнинг лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Солиқ кодексига мувофиқ эмас деб топилади.

Агар давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи Солиқ кодексига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилса, шунингдек мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат солиқ тўловчининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, бундай вазиятда Солиқ кодексининг

31-моддасига кўра солиқ тўловчи томонидан қонун ҳужжатларидаги номувофиқликларни бартараф этиш

бўйича ҳамда бузилган ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тиклаш бўйича ҳужжатни қабул қилган органга ёки унинг юқори турувчи органларига ҳамда бир пайтнинг ўзида судга ҳам шикоят аризаси билан мурожаат қилиши мумкин.

Ҳужжатни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органи солиқ тўловчининг аризасига мазкур вазиятлардан келиб чиқиб, белгиланган тартибда жавоб қайтариши шарт.

Ҳужжатни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи орган уни бекор қилишга ёки зарур ўзгартишлар киритишга ҳақли. Бу органлар Солиқ кодексига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилишни ёки унга зарур ўзгартишлар киритишни рад этган тақдирда, солиқ тўловчининг аризасига биноан бу ҳужжат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Суд ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, солиқ тўловчининг бузилган ҳуқуқлар Фуқаролик кодексининг 11-моддасида назарда тутилган усулларда ҳимоя қилиниши керак [1].

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар билан боғлиқ муносабатларни қўллаш жараёнида вужудга келадиган вазиятларни аниқлашда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни талқин этиш орқали қонун ҳужжатларининг юридик кучига, муддатига ҳамда уларнинг Солиқ кодексига мувофиқлигини эътибор қаратиши талаб этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №1. 1-модда, №16. 265-модда, №24. 487-модда, №37. 978-модда).
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №1. 1-модда, №16. 265-модда, №24. 487-модда, №37. 978-модда).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” Қонунининг 6-моддаси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №1. 1-модда, №24. 487-модда).
4. Кучерявенко Н.П. Общие положения налогового права России. Учебник. – М., 2001. – С.15.
5. Кузнеценкова В.Е. «Современное понимание налогового права РФ» // Экономический вестник Ростовского государственного университета. 2009. № 4 (часть 3); Основы налогового права: учебно-методическое пособие. (отв. Ред. Шевелева Н.А.). – М. 2001.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 2017. – №37. 978-модда).
7. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” Қонунининг 6-5-моддаси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №1. 1-модда, “№24. 487-модда); Давлат божхона хизмати тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –2015. – №33. 439-модда, №52. 645-модда).
8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 2017. – №16. 265-модда).

С.Султанова,
магистр права, правовед

ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА НОРМОТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПОСРЕДСТВОМ ПРИМЕНЕНИЯ МОДЕЛИ «УМНОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ»

Аннотация: целью данной статьи является обобщение основных характеристик модели «умного регулирования» на пути повышения качества нормотворческой деятельности, анализируется Концепция совершенствования нормотворческой деятельности в разрезе поставленной задачи применения модели «умного регулирования» в национальном законодательстве.

Ключевые слова: модель «умного регулирования», оценка регуляторного воздействия, качество нормотворческой деятельности.

Аннотация: ушбу мақоланинг мақсади норма ижодкорлигининг сифатини оширишда “ақлли тартибга солиш” моделининг асосий тавсифларини умумлаштиришдир. Миллий қонунчиликда “ақлли тартибга солиш” моделини қўллаш вазифаси Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: “Ақлли тартибга солиш” модели, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, норма ижодкорлиги фаолиятининг сифати.

Annotation: The purpose of this article is to summarize the main characteristics of the model of "smart regulation" on the way to improve the quality of rule-making activities. The concept of improving the rulemaking activities is analyzed in the context of the task to apply the model of "smart regulation" in national legislation.

Keywords: The model of "smart regulation", regulatory impact assessment, the quality of rule-making activities.

В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах [1] одной из ключевых задач определено коренное повышение качества законотворческой деятельности, направленное на усиление влияния принимаемых законов на ход общественно-политических, социально-экономических, судебно-правовых реформ.

Как отметил Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в Послании к Олий Мажлису, состоявшемуся в декабре 2017 года: «В важнейшем направлении деятельности парламента – законотворчестве также наблюдается ряд ошибок и недостатков. Следует признать, что принятие законов и подзаконных актов, которые в большинстве случаев не способствуют решению каких-либо конкретных вопросов, а иногда противоречат друг другу, на практике приводит к множеству проблем» [2].

Именно с целью предотвращения негативных явлений была принята Концепция совершенствования нормотворческой деятельности [3].

Нормотворческая деятельность государства очень важна, так как эффективность проводимых в стране реформ связана с совершенством, взаимосвязью и безупречной реализацией законов и правовых норм.

Как отмечают Матузов Н.И., Малько А.В. право-творчество является составной частью более широко-го процесса – правообразования, под которым пони-

мается естественно–исторический процесс формирования права, в ходе которого происходит анализ и оценка сложившейся правовой действительности, выработка взглядов и концепций о будущем правового регулирования, а также разработка и принятие нормативных предписаний [4].

Морозова Л.А. поясняет, что правотворческая деятельность представляет собой монопольную, созидательно-интеллектуальную, процессуальную деятельность [5].

В Концепции совершенствования нормотворческой деятельности отмечено, что динамичное развитие законодательства, связанное с изменениями целого ряда сфер общественной жизни, привело к появлению большого количества норм, иногда вступающих в противоречие с действующим законодательством. В этой связи необходимо пересмотреть законодательство для достижения намеченных целей и задач проводимых реформ.

До настоящего времени под нормотворческой деятельностью понималось только создание, изменение и прекращение правовых норм. Теперь же потребности современного демократического общества показали необходимость совершенно иного подхода к нормотворческой деятельности. Концепция совершенствования нормотворческой деятельности направлена не только на правовое регулирование общественных отношений, но и применение в нормотворческой деятельности модели «умное регулирование».

Поэтапный переход к применению элементов модели «умное регулирование» заключен в том, что принимаемые проекты нормативно-правовых актов, предусматривающие усложнение процедур, затрагивающие права и законные интересы граждан и субъектов предпринимательства, в обязательном порядке должны содержать положения об:

- отмене существующей нормы, издержки исполнения которой со стороны граждан, субъектов предпринимательства и общества равны или превышают издержки, предусмотренные предлагаемой нормой проекта;

- ограничении срока действия усложняющих процедур, по истечении которого они должны быть пересмотрены на предмет улучшения существующего регулирования, обоснования его дальнейшей необходимости либо автоматического признания утратившим силу.

Более того, в Концепции установлено, что нам необходимо внедрить систему проведения обязательной оценки регуляторного воздействия проектов нормативно-правовых актов, предусматривающей анализ проблемы, способов ее решения, воздействия на конкуренцию, прогнозирование и оценку возможных последствий введения новых инструментов и порядка регулирования, в том числе анализ выгод и издержек для граждан и субъектов предпринимательства.

Целью данной статьи является обобщение основных характеристик модели «умного регулирования» и возникающих сложностей на пути повышения его качества.

Модель «умного регулирования», применяемая сегодня во многих странах мира, была разработана в начале 2000-х годов. Данная модель призвана преодолеть разрыв между сторонниками широкого государственного контроля и приверженцами дерегулирования [6].

Данная модель основана на поиске гибкого баланса между административными и экономическими методами регулирования, командным регулированием и дерегулированием. Основной акцент делается на добровольном саморегулировании — там, где оно возможно, — а нормативные методы, штрафы и санкции используются только в случае необходимости [7].

В литературе выделяют следующие характеристики модели «умного регулирования» [8]:

- учёт текущей ситуации при принятии решений — достижений науки и технологий, уровня развития рынков;

- проведение политики, ориентированной на умный, устойчивый и содержательный рост;

- постановка основных макроэкономических целей по развитию экономики, основанной на знаниях и инновациях, развитию конкуренции, повышению занятости, достижению социального и территориального согласия, сохранению окружающей среды;

- использование оценки регулирующего воздействия, возможных затрат, выгод, рисков проводимой политики на всех этапах управленческого цикла;

- проведение политики, основанной на принципах субсидиарности и пропорциональности;

- обеспечение объективного анализа экономической ситуации и рационального выбора форм, методов и инструментов госрегулирования.

Монтэн Ш.Ф. считает, что «умное регулирование» («smart regulation») можно считать дальнейшим усовершенствованием «лучшего регулирования» («better regulation») [9].

Термин «умное регулирование» изначально появился в Канаде в 2004 году. Исследователи считают, что толчком для перехода большого количества стран к новой модели стал экономический кризис 2008–2009 годов, когда научное и политическое сообщество приложило значительные усилия, чтобы найти консенсус между противниками и приверженцами расширения государственного влияния на экономику [10]. В этой связи, в Германии с 2006 года существует Национальный совет по контролю норм, в Швеции с 2008 года функционирует Совет по усовершенствованию регулирования, а в Великобритании с 2009 года работает Комитет по регуляторной политике. В Мексике в 2000 году был создан Совет по улучшению регулирования для поддержки деятельности Федеральной комиссии по усовершенствованию регулирования.

Между тем, упрощение регулирования стало одним из главных приоритетов политики Европейского Союза еще в начале 1990-х годов. Тогда появились рекомендации по повышению прозрачности регулирования, были документально закреплены принципы

субсидиарности и пропорциональности [11]. Однако, принимавшиеся меры были призваны улучшить лишь техническое качество регулирования и не учитывали последствия принятия нормативно-правовых актов.

С 2001 года Европейская комиссия обязалась повысить качество законодательства Европейского союза и привлечение граждан к взаимодействию с европейскими учреждениями и участию в управлении. Кроме того, в 2003 году было подписано соглашение о сотрудничестве всех институтов Европейского союза по вопросам качественного регулирования.

В 2005 году документально была признана предшествующая «умному регулированию» концепция «лучшего регулирования». Положения концепции

«лучшего регулирования» были включены в Лиссабонскую стратегию развития Европейского союза.

Сейчас элементы модели «умного регулирования» реализуются как в западных странах, так и в странах СНГ. Например, во Франции принят Закон от 22 марта 2012 г. №2012-387 об упрощении законодательства и сокращении административных процедур. Закон предусматривает имплементацию положений Директив 2009/49/ Европейского Парламента, Совета об изменении Директив 78/660/ и 83/349/ Европейского Совета в отношении определенных обязательств по опубликованию отчетности для средних предприятий и обязательств по составлению консолидированных отчетов. Данный Закон направлен на упрощение административных процедур в отношении субъектов предпринимательской деятельности, в особенности субъектов малого и среднего предпринимательства, а также на ремесленников, фермеров и лиц свободных профессий [12].

В Концепции долгосрочного развития России до 2020 года в качестве одной из целей указано: «обеспечение высокого качества регулирования». Среди задач выделены: устранение избыточного государственного регулирования; преимущественное использование косвенных методов регулирования экономических процессов; формирование условий для равноправного диалога государства, предпринимателей и общественных организаций по ключевым вопросам развития общества; расширение участия представителей бизнеса в подготовке государственных решений, связанных с регулированием экономики [13].

Опыт применения модели показывает, что процедура оценки регулирующего воздействия – это основной инструмент, без которого невозможно «умное регулирование» [14]. Оценка регулирующего воздействия позволяет рассчитать не только издержки, но и выгоды как для государственного бюджета, так и для предпринимательского сообщества [15].

Оценка регулирующего воздействия дает законодательному органу возможность изменять проекты нормативно-правовых актов, а также существующие правовые нормы согласно обоснованным рекомендациям, которые отражают позиции заинтересованных групп (потребителей, субъектов предпринимательства, государственных органов). Если в результате анализа будет доказана неоптимальность выбранной правовой нормы с точки зрения издержек реализации и высоты административных барьеров, то данная правовая норма может быть отменена.

В нашей стране также идет масштабная работа по внедрению модели «умного регулирования». В частности, 17-18 августа 2018 года в Министерстве юстиции Республики Узбекистан прошел международный экспертный диалог (круглый стол) на тему «Важные задачи внедрения в нормотворческий процесс модели «Умное регулирование». В целях полноценного внедрения оценки регуляторного воздействия по итогам международного экспертного диалога было принято решение о необходимости принятия следующих мер:

1) разработать и утвердить методологию проведения оценки воздействия законодательства, в том числе проектов нормативно-правовых актов с учетом международных стандартов;

2) законодательно закрепить обязательность министерств и ведомств по проведению оценки воздействия законодательства;

3) определить координирующий орган, ответственный за проведение оценки воздействия законодательства;

4) отражать в итоговом отчете об оценке воздействия результаты проведения обсуждения на специальной онлайн площадке, не допускать, при этом игнорирование или немотивированное отклонение предложений участников обсуждения;

5) регулярно обучать сотрудников министерств и ведомств по проведению оценки воздействия законодательства [16].

Рассмотрев основные характеристики модели «умное регулирование», возникает вопрос о том, имеются ли трудности в реализации этой модели. В 2015 году в странах-членах Организации экономического сотрудничества и развития проводилось исследование, показывающее основные достижения стран в области повышения качества регулирования. Также были выявлены следующие недостатки и сложности:

1. Излишне формальный подход к использованию инструментов модели «умного регулирования», во-первых, оказывает излишне формальный подход к ним. Большинство стран применяет существующие инструменты строго в административном порядке только после принятия соответствующих нормативных актов. Получается, что гибкий и адаптивный к меняющимся условиям подход модели на практике сталкивается с заданными изначально границами. Это, в свою очередь, подрывает доверие к таким инструментам модели как оценка регулирующего воздействия и публичные консультации.

Более того, формальный подход к выполнению дополнительных процедур при принятии нормативных актов – это также вопрос личной ответственности и заинтересованности всех субъектов регулирования. Если субъекты предпринимательства и общество в целом не будут принимать участие в публичных консультациях, а государственные служащие станут лишь формально выполнять оценку издержек и выгод предлагаемых актов и эффективности реализации действующих норм, то концептуально хороших результатов достичь не получится.

2. На практике не используется заключительная оценка для обоснования необходимости улучшения системы регулирования то есть, уделяя основное внимание разработке механизмов регулирования, государство уделяет внимание оценке регуляторного воздействия, а не самой реализации нормативно-правовых актов.

3. Недостаточное вовлечение заинтересованных лиц в процесс регулирования, что усложняет взаимодействие государства и общества. Взаимодействие субъекта и объекта регулирования в большинстве случаев происходит слишком поздно и является скорее обоснованием принимаемых решений. Оно в значительной степени служит для обеспечения прозрачности, а не для сбора фактических данных.

4. Большинство стран использует соответствующие нормативно-правовые документы для подтверждения своей приверженности модели «умного регулирования», а не для решения возникающих проблем [17].

Таким образом, основании вышеизложенного, можно заключить, что в различных странах выделяется общий подход: переход от регулирующего государства через дерегулирование к качественному регулированию. Для повышения качества нормотворческой деятельности были выработаны инструменты, которые

объединены в общую модель «умного регулирования», которая призвана обеспечить прозрачность принимаемых решений и повысить доверие как субъектов предпринимательства, так и общества к государственной нормотворческой деятельности.

Однако нельзя сказать, что реализация механизмов модели «умного регулирования» на практике полностью снимает все проблемы, связанные с эффективностью государственных мер регулирования. Даже там, где становление данного подхода происходит уже несколько десятков лет (например, в странах Евросоюза), выявляются серьезные сложности.

В этой связи, при применении модели «Умное регулирование» субъектам регулирования предстоит работа по устранению формального подхода при проведении оценки регуляторного воздействия и по повышению заинтересованности широкого круга лиц в улучшении правового регулирования.

Список литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // «Собрание законодательства Республики Узбекистан», 13 февраля 2017 г., № 6, ст. 70.

2. По материалам <http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-23-12-2017>.

3. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5505 от 08 августа 2018 года «Об утверждении Концепции совершенствования нормотворческой деятельности» // «Собрание законодательства Республики Узбекистан» // Национальная база данных законодательства - www.lex.uz, 9 августа 2018 г.

4. Матузов Н.И., Малько А.В. «Теория государства и права». Учебник. – М., Юристъ, 2004.

5. Морозова Л.А. «Теория государства и права». – М., Российское юридическое образование, 2010.

6. Карпова П.Г., Цыганков Д.Б. «Советы по оптимизации регулирования как неотъемлемый компонент «smart regulation» // Вопросы государственного и муниципального управления». – 2012. – № 3., – С.5–34.

7. Сарычева Н.Н. «Повышение качества государственного регулирования экономики в современном мире», – М: «Государственное управление. // Электронный вестник», 02/2017год, №60.

8. Сафиуллин А.Р. Эволюция макроэкономической политики и регулирования: на пути к экономике знаний // Вопросы регулирования экономики, – 2014, Т. 5. – №3.

9. <http://smartregulation.net>

10. Соловьева О.А. Сорегулирование как альтернатива «умному регулированию» (анализ и предложения) // Проблемы современной экономики. – 2014. – № 2(50), – С.188–192.

11. Короленко А.Д. Современное значение «Умного регулирования» как нового направления государственного регулирования экономики // Молодой ученый, – 2015, – №4, С.368–371.

12. <http://orv.gov.ru>.

13. Короленко А.Д. указ. ст.

14. Сизова С.А., Клишина Ю.Е. «Умное регулирование» в экономике, основанной на знаниях // Научное сообщество студентов XXI столетия. Экономические науки: Электронный сборник статей по материалам

XXXVI студенческой международной научно-практической конференции, Новосибирск: АНС «СибАК». 2015. № 9 (36), с.148–153. URL: [http://sibac.info/archive/economy/9\(36\).pdf](http://sibac.info/archive/economy/9(36).pdf)

15. Карпова П.Г., Цыганков Д.Б. Советы по оптимизации регулирования как неотъемлемый компонент «smart regulation» // Вопросы государственного и муниципального управления. – 2012. – № 3, – С.5–34.

16. Модель «умного регулирования» реализуется в процессе нормативного творчества, <http://m.minjust.uz/ru/press-center/news/90003/>.

17. Сарычева Н.Н. «Повышение качества государственного регулирования экономики в современном мире», – М: «Государственное управление. // Электронный вестник», 02/2017год, №60.

Ш. Ҳайитов,

ТДЮУ “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи”
кафедраси ўқитувчиси**НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – МУКАММАЛ ҚОНУНЧИЛИК
ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ**

Аннотация: мақолада норма ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари атрофлича таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: норма, норма ижодкорлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, ҳуқуқий экспертиза, қонунчилик, Ҳаракатлар стратегияси.

Аннотация: в статье всесторонне анализируются вопросы организационно-правовой базы совершенствования нормотворчества, а также даны предложения и рекомендации по совершенствованию нормотворчества.

Ключевые слова: норма, нормотворчество, нормативно-правовые акты, правовая экспертиза, законодательство, Стратегия действий.

Annotation. Issues of organizational-legal basis of improvement of law making are analyzed in the article. Also, the article offers suggestions and recommendations on improving the law making.

Keywords: norm, law-making, normative-legal acts, legal expertise, legislation, Strategy of actions.

Мустақил тараққиётимиз мобайнида барча соҳалар қатори норма ижодкорлигининг сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, ҳуқуқий асослар ва механизмлар жорий этилиб, уларнинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши таъминланмоқда. Бунинг натижасида юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мукаммал ҳуқуқий асослари шакллантирилди ва моҳиятан янги ҳуқуқий тизим вужудга келди. Энг аввало, демократик сиёсий тизимнинг таркибий тузилмаларини ҳамда фуқаролик жамиятининг асосларини яратувчи, инсон ҳуқуқлари кафолатларининг тизимини қарор топтирувчи, хуллас, бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг ҳуқуқий негизини барпо этувчи Конституция, конституциявий қонунлар, кодекслар ва кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Мамлакатимизда норма ижодкорлиги жараёнининг такомиллашиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда юридик техника қоидаларининг кенг қўлланилиши, норма ижодкорлиги субъектларининг касбий ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксалиши, хорижий мамлакатлар илғор тажрибасининг ижобий маънода ўзлаштирилиши, ушбу жараёнда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий базанинг яратилганлиги ва бошқа қатор омиллар натижасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати, мукамаллиги ва самарадорлиги ошганлигини таъкидлаш лозим.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланишида қонунчиликнинг мақбуллиги, мукамаллиги, халқчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, жамият ва давлат ривожини қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларнинг сифатига боғлиқ. Шу боис норма ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштириш, қонунчиликдаги бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан қонун чиқарувчи ва илмий жамоатчилик ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш, асосли таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар негизда юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислохотларга асос бўлди. Ўтган даврда қабул қилинган 400 га яқин яхлит қонунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ҳақли равишда эътироф этганидек, қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини, афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик муҳитини таъминлашга қаратилганлиги билан давлат ва жамият ҳаётини янада ривожлантиришда ғоят долзарб аҳамиятга эга. Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналишлари қаторида қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш вазифаси келгуси беш йил давомида амалга ошириладиган долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Бинобарин, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукаммал ишлаб чиқилиши, яъни улар бугунги кун ижтимоий муносабатларини лозим даражада қамраб олиниши, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари учун содда, аниқ, лўнда ва тушунарли, қатъий изчиликда ифодаланиши жамиятда қонунлар ижросини таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи муҳим сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Унинг қабул қилиниши мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик пойдеворини барпо этишда муҳим аҳамият касб этди. У давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёти, шунингдек ташқи сиёсатига тааллуқли барча муҳим масалаларни тартибга солувчи принцип ва нормаларни қонунан мустаҳкамлаб қўйди.

Конституциямизнинг 15-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Унинг 16-моддасида эса бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва тамойилларига зид келиши мумкин эмаслиги ҳақидаги тамойил мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу меъёр қонунийликни, қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунга келиб қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқиш ва киритиш, шунингдек экспертизадан ўтказиш соҳасида зарур қонунчилик базаси шакллантирилди.

Мамлакатимизда қонунчиликнинг такомиллашуви натижасида 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун 2004 йилгача амалда қўлланилиб, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини ташкил қилиш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, қонун лойиҳалари мазмунига қўйилган талаблар ва бошқа қоидаларни илк маротаба қонун даражасида қатъий мустаҳкамлашнинг таъминлади [2]. 2006 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонун қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этишнинг янада такомиллашган шаклини амалиётга жорий этди [3]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Олий Мажлис Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидалари, Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти, Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларни тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторинги тартиби тўғрисидаги низом қабилаш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан мамлакатда ўтказилаётган ҳуқуқий ислохотлар ва халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган, хусусан, норматив-ҳуқуқий актлар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, шарҳлаш, қўллаш ва тизимлаштириш кўникмаларига эга бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш вазифалари белги-ланди. Ушбу вазифаларни бажариш доирасида Тошкент давлат юридик университетидан “Юридик техника” ва “Норма ижодкорлиги” фанлари ўқитилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ5505-сон Фармони эса норма ижодкорлиги йўналишидаги устувор вазифалар сифатида қонунчилик базасини тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул

қилиш жараёнлари сифатини ошириш, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш, норма ижодкорлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш ва ушбу фаолиятнинг институционал асосларини такомиллаштиришни кўзда тутгани билан аҳамиятли бўлди [4].

Хўш, бу аҳамият нималарда кўзга ташланади? Қандай янгиликларга асос бўлди?

Биринчидан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар билан ҳал қилиш мумкин бўлган масалалар ва муаммолар бўйича янги қарор тайёрлаш амалиётига чек қўйилди. Иккинчидан, Президент ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари кучга кирган пайтдан бошлаб уларнинг ижросини таъминлаш бўйича яна қўшимча ички идоравий ҳужжатлар қабул қилишга доир мажбуриятлар ҳам бекор қилинди. Учинчидан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш чоғида унга, қоида тариқасида, қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш, ташкилий-техник чораларини амалга ошириш, қонун лойиҳасини кенг қўламада тарқатиш ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича масалаларни ўз ичига олган тадбирлар режасини илова қилади.

Бундан ташқари, фармон ва қарорларда топшириқлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини белгиловчи нормалар, муддатлар ва масъул ижроичилар аниқ кўрсатилиши мажбурий қилиб қўйилди. Алоҳида тадбирлар, назорат режалари ва “йул хариталари”ни қўшимча тарзда тасдиқлаш амалиётига барҳам берилди. Янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат эса ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи айнан бир хил юридик кучга эга, худди шундай ҳужжатни бекор қилиш билан биргаликда қабул қилинади ёки амалдаги ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

Норма ижодкорлиги жараёнида замонавий технологияларнинг қўлланилиши иш самарадорлигини ошириши ҳамда ушбу жараённинг шаффофлигини таъминлашдан келиб чиққан ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг лойиҳалари тегишли вазирликлар ва идоралар билан электрон шаклда келишувдан ўтказиш амалиёти жорий қилинади.

Таъкидлаш жоизки, норма ижодкорлиги сифати ва самарадорлигини ошириш борасида яратилган мазкур ташкилий-ҳуқуқий асослар бугунги кунда республикамизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, миллий қонунчилигимизни халқаро андозаларга ва нормаларга уйғунлаштириш ҳамда ижтимоий ҳаёт билан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасидаги муносибликни таъминлаш, миллий ҳуқуқ тизимимизда юзага келаётган коллизия ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ва ниҳоят шу асосда қонунчиликни қўллаш самарадорлигини ошириш борасида айрим муаммолар юзага келаётганлигини ҳам эътироф этиш жоиз. Zero, ижтимоий муносабатлар ривожланиб борар экан уларни тартибга соладиган янгидан-янги ҳуқуқ нормаларига бўлган эҳтиёж ҳам тобора ортиб бораверади.

Шу жиҳатдан олганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертиза қилиш масалаларида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, норма ижодкорлиги соҳасида фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этишини таъминлаш зарур. Шу муносабат билан бу борадаги ишларнинг очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликни норма ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятдан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш зарур;

иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизаси илмий-назарий масалаларини таҳлил этиб, унда ҳуқуқий экспертиза тушунчаси, моҳияти, турлари, шунингдек уни ўтказувчи субъектлар фаолиятини такомиллаштириш масалаларини тизимли ўрганиш;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қонунлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ўрни ва роли, юридик хизматнинг қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича фаолияти; қонунларни қабул қилишнинг турли босқичларида ҳуқуқий экспертизанинг аҳамияти; қонун лойиҳасига хулоса бериш шакли, тузилиши, асослари; жамоат экспертизаси билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш лозим;

тўртинчидан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизаси тўғрисида”ги қонун қабул қилиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини жамоатчилик томонидан кенг муҳокамасини ўтказиш, уларнинг хоҳиш-истакларини эътиборга олиш масалаларини аниқ тартибга соладиган қоидаларни мустаҳкамлаш зарур;

бешинчидан, ижтимоий тармоқларда қонунчиликдаги ишламаётган, бир-бирини такрорлайдиган, зиддиятли нормаларни ва бўшлиқларни аниқлаш мақсадида жисмоний шахслар кундалик воқеликда дуч келадиган юқоридаги ҳолатлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини эркин билдирадиган “Биргаликда қонунчиликни такомиллаштираемиз”, деб номланган электрон майдонча ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

олтинчидан, норма ижодкорлиги соҳасидаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш асосида “Норма ижодкорлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ҳуқуқ соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган олимларнинг тадқиқот натижаларини қонунчиликни такомиллаштиришда қўллаш билан боғлиқ механизмларни ҳам қайта кўриб чиқиш лозим.

Бинобарин, норма ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар иштирокини кенгайтириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизаси институтини янада такомиллаштириш, юриспруденция соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни татбиқ этиш механизмларини қайта кўриб чиқиш, ушбу жараённи тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ягона бир ҳужжатга тизимлаштириш мамлакатимизда мукамал қонунчилик тизимини яратишга хизмат қилади, ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш соҳасида масъул ходимлар қонун ҳужжатларида

норма ижодкорлиги борасида ўрнатилган қоидалар ва талабларга амал қилса ўйлаймизки, бу борадаги ишлар самарадорлиги янада ортади. Зеро, бу мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш учун йўл очиб берадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида давлат сиёсатини юритишга муносиб ҳисса қўшади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // www.uza.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – 1997. – № 9. 237-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. – № 41. 406-модда.

4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, – 2018-8 август. 06/18/5505/1639-сон.

И.Тўрабоев,
Э.Раҳматов,

ТДЮУ мустақил тадқиқотчилари

НОРЕЗИДЕНТ ЮРИДИК ШАХСЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИҚ СОЛИШ: МУАММОЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

Аннотация: мақолада Ўзбекистон Республикасида норезидент юридик шахслар фаолиятига солиқ солиш муаммолари кўриб чиқилади. Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги таҳлил қилинган ва норезидентларнинг фаолиятига тўсқинлик қилувчи Солиқ кодекси қоидалари аниқланган. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси норезидентларига солиқ солишни такомиллаштириш бўйича тегишли тақлиф ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: доимий муассаса, норезидентлар, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, ҳисоботларни жамлаш.

Аннотация: в статье рассматриваются проблемы налогообложения нерезидента в Республике Узбекистан. Автором проанализировано налоговое законодательство Республики Узбекистан и выявлено, что положения действующего Налогового кодекса Республики Узбекистан создают препятствия для дальнейшего развития деятельности нерезидентов. Автором предложены рекомендации по совершенствованию налогообложения нерезидентов в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: постоянное учреждение, нерезиденты, налог на прибыль юридических лиц, консолидация отчетности.

Annotation: the article devoted to the actual issues of taxation of nonresidents in the Republic of Uzbekistan. The author made analysis of tax legislation of the Republic of Uzbekistan and suggests that norms of acting Tax Code of the country prevents further development of activities of nonresidents in the country. Recommendations on improvement of taxation of permanent establishments of nonresidents in Uzbekistan was made by the author.

Keywords: permanent establishment, corporate income tax, consolidation of tax returns.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигини, жумладан, норезидентлар фаолиятига солиқ солиш тартибини такомиллаштириш ҳамда чет эл компанияларини Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бориш шарт-шароитларини яхшилаш Ўзбекистон Республикасига чет эл инвестицияларини жалб қилишдек энг зарур масалани ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун эса норезидентлар фаолиятига солиқ солиш бўйича хорижий олимларнинг илмий тадқиқотларини ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва амалдаги солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш ёки бошқача тарзда тадбиркорлик фаолияти олиб боришни режалаштирган хорижий компания мамлакат ҳудудида ўзларининг шўба корхоналари ёки уларни улуши мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектлари ташкил этиб фаолият юритишлари мумкин. Аммо бунда мазкур корхоналар алоҳида юридик шахс ҳамда Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади. Агар хорижий корхона Ўзбекистон Республикасида бизнес фаолиятини бевосита ўзи олиб борадиган

бўлса, мазкур фаолият норезидент юридик шахснинг доимий муассасасини ташкил этилишига олиб келиши мумкин.

Амалдаги солиқ қонунчилиги фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидент юридик шахс мамлакат ҳудудида бир нечта доимий муассасага эга бўлса мазкур доимий муассасалар бўйича жамланган ҳисобот топшириш ёки фойда солиғини умумлаштирган ҳолда тўлашга чекловлар ўрнатилган. Шундай ҳолатлар мавжуд бўладими, бир норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир нечта доимий муассаса орқали фаолият юритиши мумкин. Масалан, хорижнинг қурилиш компанияси бир пайтнинг ўзида Тошкент шаҳрида, Қашқадарё вилояти ва Наманган вилоятларида қурилиш ишларини олиб бориши мумкин. Бунда норезидент юридик шахснинг республика ҳудудида 3 та доимий муассасаси вужудга келади ва мазкур доимий муассасалар алоҳида солиқ органларида ҳисобга қўйилиши лозим [1]. Бундан ташқари, битта юридик шахснинг - Ўзбекистон Республикаси норезидентининг бир нечта доимий муассаса бўйича солиқ ҳисоботини жамлашга йўл қўйилмайди. Яъни ўз фаолиятини бир нечта доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидент юридик шахс ҳар бир доимий муассаса бўйича алоҳида ҳисоботларни топширишга ва солиқларни тўлашга тўғри келади. Албатта, бу норезидент юридик шахс учун бир мунча қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, баъзи бир мамлакатлар солиқ қонунчилиги ўз ҳудудида бир нечта доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолияти юритаётган норезидент юридик шахсларга қулайлик туғдириш мақсадида норезидент фойда солиғини битта доимий муассаса орқали амалга ошириш имкониятини беради. Масалан, Хитой Халқ Республикаси солиқ қонунчилигида мамлакатда 2 ёки ундан кўп доимий муассаса орқали фаолият юритаётган норезидентга солиқ органларининг розилиги билан юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини жамланган ҳолда тўлашга имкон беради [2].

Доимий муассаса орқали фаолиятини амалга оширувчи норезидент юридик шахслар фойда солиғини тўлаш тартибидан ҳам бир мунча тушунмовчиликлар мавжуд. Солиқ қонунчилигида Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини, шунингдек соф фойдадан олинadиган солиқнинг жорий тўловларини тўламасдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичида тўлаши назарда тутилган [3]. Шуниси қизиқки, фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширадиган норезидент юридик шахс томонидан фойда солиғи билан биргаликда тўланадиган соф фойда солиғи Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги ЎРҚ – 454-сонли “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қонунига асосан 2018 йилдан бошлаб бекор қилинган [4].

Аммо ноаниқ сабаблар туфайли соф фойдадан олинadиган солиқни бекор қилиш, Солиқ кодексининг солиқларни тўлаш ва ҳисоботларни тақдим қилишни тартибга солувчи қоидаларига киритилмаган ва натижада доимий муассаса орқали фаолиятини

амалга оширувчи норезидент юридик шахслар фойда солиғини тўлаш тартибдаги тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Солиқ кодекси 164-моддасида Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини, шунингдек соф фойдадан олинадиган солиқнинг жорий тўловларини тўламасдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичида тўлаши белгиланган ва ушбу моддага ўзгартиришлар киритилмаган.

Худди шундай чалкашликни норезидентлар солиқ ҳисоботини топшириш қоидаларида ҳам кузатиш мумкин. Солиқ кодексининг 163-моддасининг учинчи қисмига асосан Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари доимий муассаса жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятининг хусусияти ҳақидаги ҳисоботни (эркин шаклда), шунингдек юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китобини чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун йиллик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этади. Бунда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китобида бюджетга тўланадиган соф фойдадан олинадиган солиқ суммаси алоҳида сатрда кўрсатилади деб белгиланган.

Умуман олганда, Солиқ кодекси 163 ва 164-моддаларида мазкур солиқни тўлаш мажбурияти сақланиб қолган бўлсада, амалда норезидент юридик шахсларни мазкур солиқни тўлашга ҳеч қандай мажбурлай олмайди. Чунки Солиқ кодексининг 24-моддасига асосан солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар, шунингдек ушбу солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур элементлар белгилаб қўйилган тақдирдагина белгиланган деб ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур ҳолат солиқ солишнинг аниқлик принципига қатъий хилоф ҳисобланади, чунки мазкур принципга асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилашда, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари аниқланган бўлиши керак [5].

XVIII асрда фаолият юритган шотландиялик иқтисодчи, солиқ солиш назарияси асосчиси бўлган Адам Смит ўзининг “Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиати” асарида « ҳар бир шахс томонидан тўланадиган солиқ аниқ белгиланган бўлиши шарт ва тасодифий бўлмаслиги керак. Тўлаш муддати, тўлов усули, тўлов суммаси тўловчи ҳамда ҳар қандай бошқа шахс учун аниқ ва тушунарли бўлиши керак» деб таъкидлаб ўтган [6, 639-бет].

Солиқ солишнинг мажбурийлиги принципига ҳеч қимнинг зиммасига Солиқ кодексда назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас [7]. Демак, таҳлиллар шуни кўрсатадики, фаолиятини

доимий муассаса орқали амалга оширадиган норезидент юридик шахс томонидан унинг соф фойдасидан олинадиган солиқ белгиланмаган ҳисобланади ва мазкур солиқни тўлаш мажбуриятини норезидент солиқ тўловчилар зиммасига юклаш мумкин эмас. Шундай бўлсада, мазкур ҳолатнинг солиқ қонунчилигида мавжуд бўлиши юртимизда фаолият юритишни режалаштираётган норезидент юридик шахсларни ўйлантириб қўйиши мумкин.

Халқаро тажрибани ўрганиш фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидент юридик шахсга фойда солиғи ҳамда қўшимча соф фойдасига солиқ солиш фақатгина Ўзбекистон амалиётида мавжудлигини (ёки мавжуд бўлганини) кўрсатади. Қозоғистон Республикасида ҳам норезидентнинг Қозоғистон Республикасида доимий муассасаси орқали амалга оширган фаолиятдан олинган соф даромадга 15% ставкада солиқ солинади [8]. Солиқ соҳасида жуда катта ислохотлар ўтказган Грузия давлатида бундай солиқ мавжуд эмас ва доимий муассаса орқали фаолият юритувчи норезидент худди резидент юридик шахслар сингари 15% ставкада фойда солиғи тўлайдилар холос [9]. Жанубий Кореяда мамлакат ичида тадбиркорлик фаолияти олиб бориш жойга эга бўлган чет эл компанияси (foreign corporations with a domestic place of business), яъни Жанубий Кореяда фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидент юридик шахс юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлайди ва мазкур солиқ базаси қонунчиликда белгиланган чегирмаларни айриб ташлаган ҳолда Кореядан олинган даромад ҳисобланади [10]. Мазкур фойда солиғидан ташқари қандайдир қўшимча солиқ солиш Жанубий Корея солиқ қонунчилигида назарда тутилмаган. Ричард Дёрнберг (Richard L. Doernberg) АҚШда савдо ёки хўжалик фаолиятини юритаётган норезидент (жисмоний ёки юридик шахс) мазкур савдо ва хўжалик фаолияти юритиш билан фактик боғлиқ бўлган соф даромаддан худди резидентлар АҚШда оладиган соф даромади учун белгиланган тартибда солиқ тўлайдилар деб таъкидлаб ўтади [11, 38-бет]. Яъни норезидент ва резиденти солиқ тўловчиларнинг тадбиркорлик фаолияти бўйича солиқларни тўлашда ҳеч қандай фарқ ўрнатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида ўрнатилган солиқ солишнинг адолатлилик принципига кўра солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин эмас [12]. Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидент юридик шахсга нисбатан резидентлар тўлайдиган фойда солиғига қўшимча равишда соф фойда солиғи солиниши, уларнинг фойда солиғини ҳисоблаб чиқишда фойда ва харажатлар ўртасидаги мажбурий пропорцияни ўрнатилиши, норезидент юридик шахсларнинг бир нечта доимий муассасаси бўйича ҳисоботларни топшириш ва солиқларни тўлашга нисбатан чекловлар ўрнатилиши солиқ қонунчилигида белгиланган солиқ солишнинг адолатлилик принциpidан четга чиқиш деб баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритадиган норезидент юридик шахс ўзи жойлашган давлат ҳудудида турган ҳолда доимий муассасани иш фаолиятини таъминлаш учун ходимларини

хизмат сафарига юборди ёки бошқа маъмурий харажатларни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигида норезидентнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқарида қилинган бошқарув ва маъмурий харажатлари унинг чегириладиган харажатлари таркибига киритилмайди [13].

Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилган деярли барча икки ёқлама солиқ солишни олдини олиш бўйича шартномаларида доимий муассасанинг даромадларини аниқлаш мақсадида ҳамкур доимий муассаса фаолият мақсади учун доимий муассаса жойлашган давлат ҳамда ҳар қандай бошқа жойда амалга оширилган харажатлар, жумладан бошқарув ва умуммаъмурий харажатларни чегириладиган харажатларга киритилиши мумкинлиги назарда тутилган [14]. Беларусь Республикаси солиқ қонунчилиги мамлакатда доимий муассаса орқали фаолият юритаётган чет эл ташкилоти харажатлари таркибига Беларусь Республикасида қилинган харажатлардан ташқари унинг доимий муассаса фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини, жумладан бошқарув ва умуммаъмурий харажатларини ҳам киритади [15].

Қонунчиликда белгиланган чекловлар норезидент юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси резидентларига нисбатан юқорироқ солиқларни тўлашига, уларнинг мамлакат ҳудудида фаолият олиб бориши учун ортқча тўсиқларни келтириб чиқаришига, натижада эса Ўзбекистон Республикасида бевосита фаолият юритувчи норезидент юридик шахслар сонини камайишига, ёки Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиши режалаштирган норезидентларни қисқаришига олиб келиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, чет эл инвестицияларининг мамлакатга кириб келишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритаётган норезидент юридик шахсларга қулай шарт-шароит яратиш ҳамда уларга нисбатан солиқ солиш режимини мамлакат резидентлари учун белгиланган қоидаларга тенглаштириш ва солиқ солишнинг адолатлилик принципига тўлиқ амал қилиш, норезидент юридик шахслар фаолиятига солиқ солиш қоидаларини такомиллаштириш мақсадида қуйдагиларни таклиф қиламиз:

– норезидент юридик шахсларни солиқ солиш тартибини соддалаштириш ҳамда норезидентларнинг фаолият юритиши учун тўсиқлик келтириб чиқарувчи нормаларни чиқариб ташлаш;

– Солиқ кодексининг 154-моддасида ўз фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидент юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдасини аниқлашда солиқ солинадиган фойда суммасининг унинг харажатлари суммасининг 7 фоизи миқдоридаги чекловни бекор қилиш;

– мамлакат ҳудудида бир нечта доимий муассаса орқали фаолият юритувчи норезидентлар учун унинг барча доимий муассасалар учун жамланган солиқ ҳисоботини битта доимий муассаса орқали топширишга рухсат бериш;

– мамлакат ҳудудида бир нечта доимий муассаса орқали фаолият юритувчи норезидентлар учун барча доимий муассасалар учун фойда солиғини битта доимий муассаса орқали топширишга рухсат бериш;

– норезидент юридик шахслар доимий муассаси фаолиятини юритишдаги манфаатдорлигини ошириш мақсадида Солиқ кодекси 154-моддаси учинчи қисм 6-

бандини (бошқарув ва маъмурий харажатлар бўйича чеклов) бекор қилиш;

– солиқ қонунчилигида доимий муассаса орқали фаолият юритувчи норезидент юридик шахсларга қўшимча солиқ ҳисобланувчи соф фойда солиғи солиш билан боғлиқ ноаниқлик ва тушунмовчиларни бартараф этиш. Жумладан, Солиқ кодекси 163-моддасида назарда тутилган солиқ ҳисоботларида соф фойда солиғини кўрсатиш мажбуриятини ҳамда 164-моддадаги қўшимча солиқ ҳисобланувчи соф фойдадан олинадиган солиқни тўлаш мажбуриятини юкловчи нормаларни солиқ қонунчилигидан чиқариб ташлаш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 80-модда. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон;
2. Article 51, Enterprise Income Tax Law of the People's Republic of China
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 80-модда. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон;
4. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-454-сонли “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунининг 2-моддаси
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 7-модда. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон;
6. Adam Smith, *An Inquiry Into The Nature and Causes of The Wealth of Nations*, MetaLibri. 2007, page 639.
7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 6-моддаси. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон;
8. Қозоғистон Республикаси Солиқ кодекси 199-модда
9. Article 98, Tax Code of Georgia.. <http://www.matsne.gov.ge>.
10. Article 91. Corporate tax Act of the Republic of Korea.
11. Ричард Дернберг. Международное налогообложение: краткий курс. Перевод с английского. – Москва, 1997. – С 38.
12. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 8-моддаси. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон;
13. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 154-моддаси. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон;
14. Ст.7. Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Польши об избежании двойного налогообложения доходов и предотвращения уклонения от уплаты налогов на доход и на имущество от 11 января 1995г.
15. Ст.7. Соглашения между Правительством Российской Федерации и Правительством Республики Узбекистан об избежании двойного налогообложения доходов и имущества от 2 марта 1994г.
16. п.9, ст 139 Налоговый кодекс Республики Беларусь.

И.Эргашев,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

СОЛИҚ НАЗОРАТИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧИ СИФАТИДА

Аннотация: мазкур мақолада солиқ назорати шакллари ва услубларини такомиллаштириш солиқ маъмурчилигининг муҳим кўрсаткичи сифатида назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ тизими, солиқ юки, солиқлар турлари, солиқ ислоҳоти, солиқ концепцияси, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ тўлови, мажбурий тўловлар.

Аннотация: в данной статье показаны существующие недостатки налоговой системы, в частности, высокий уровень налоговой нагрузки, наличие многих видов налогов, которые создают необходимость реформ в этой отрасли. Поэтому разработан проект концепции налоговой системы и раскрыты ее сущность.

Ключевые слова: налоговая система, налоговая нагрузка, виды налогов, налоговая реформа, налоговая концепция, налоговая администрация, налоговые и обязательные платежи.

Annotation: this article shows existing shortcomings of tax system, in particular, high level of tax burden, availability of many types of taxes, etc., which make the need for reforms in this sector. Therefore, a draft concept of tax system was developed.

Keywords: tax system, tax burden, types of taxes, tax reform, tax concept, tax administration, tax and mandatory payments.

Маълумки, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида юридик жавобгарликни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб вазифалардан биридир. Сўнги йилларда мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида солиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, сўнги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва унда таркибий ўзгаришлар, модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, ягона базадан ундириладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш масалалари билан биргаликда амалдаги солиқ қонунчилигини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳуқуқни қўллашда ортиқча ва мураккаб нормаларни бартараф этиш, шунингдек солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлаш бўйича тадбирларни ҳам амалга ошириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишида кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган [1].

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлда “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сон Фармони қабул қилинди [2].

Мазкур Фармон билан “Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти ва солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш бўйича” чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш ҳамда солиқ маъмуриятчилиги ва солиққа тортишнинг замонавий усулларини, солиқларнинг тўлиқ йиғилувчанлиги ва бюджетга ўз вақтида тушиши устидан самарали назорат механизмларини жорий этиш орқали солиқ-бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш, бюджет жараёни шаффофлиги даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5214-сон фармойиши қабул қилинган бўлиб, ушбу фармойишда солиқларнинг йиғилувчанлиги даражасини ошириш, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва йиғимларнинг тўлиқ ҳажмда тушишини таъминлаш, солиққа тортилишдан бўйин товлаш имкониятини истисно қилиш асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабридаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Биргина мазкур Қонун асосида бир неча қонунлар, шу жумладан Солиқ кодексининг 47 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қайд этиб ўтишимиз керакки, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида солиқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш ва солиқ муносабатларини такомиллаштириш, солиқ назоратининг шакллари ва уларнинг амал қилиш

ҳолатини илмий таҳлил қилиш муҳим ва долзарб муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Солиқ назорати давлат ва жамият ҳаётида жуда муҳим ўрин тутади, чунки унинг воситасида давлат олдида турган иқтисодий ва ижтимоий-маданий вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган моддий-молиявий ресурслар жамланади, ялпи ички маҳсулотнинг зарур қисми давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ажратилади. Солиқ назорати мамлакатдаги назорат тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва шу сабабли солиқ қонунларига риоя этилишига эришишни таъминлаш қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ тартиботига риоя этилишига эришишни англатади. Солиқ назорати ҳуқуқий тизимнинг ажралмас таркибий қисми сифатида адолат, демократия каби тамойилларга амал қилади.

Рус олимларидан Л.Миронованинг фикрига кўра, солиқ назорати давлат солиқ сиёсатини амалга оширишга ваколатли бўлган органлар томонидан солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига амал қилишлари устидан контрол функциясини амалга оширилишида намоён бўлади [3].

Солиқ назоратининг асосий вазифаси - белгиланган солиқ ва йиғимларни ўз вақтида, белгиланган ҳажмда йиғилишини таъминлаш йўли билан давлат бюджети даромадларини шакллантиришдан иборат [4].

Солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қилишда солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилаётган маълумотлар, ўтган йиллардаги маълумотлар, статистик маълумотлар асосида солиқ тўловчиларнинг солиқ ва мажбурий тўловлари устидан мониторинг олиб бориш талаб этилади.

Мазкур вазифани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги маъмурий ва молиявий назорат комиссиялари ва кўмиталари ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг аъзолари хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк ва бошқалар давлат назорати субъектлари ҳисобланади.

Иқтисодчи олимлар Б.Тошмуродова ва С.Элмирзаевлар фикрига кўра солиқ назорати деганда давлат солиқ органларининг солиқ тўловчилар фаолиятини ўрганишга қаратилган фаолияти ва бу борада уларнинг амалга оширадиган ишлари тушунилади [5].

Бунда солиқ назорати солиқ тўловчиларнинг амалдаги солиқ қонунчилигига риоя қилиш даражасини ўрганишга, солиқ ҳуқуқбузарликларига қарши курашишга қаратилади.

И.Завалишина солиқ назоратига “Солиқ назорати – давлат солиқ хизмати органларининг солиқ қонунчилиги бажарилиши, пенсия ва бошқа мажбурий тўловларнинг (жумладан, пенсия ажратмаларини) бюджет ва бюджетдан ташқари (жумладан, Пенсия жамғармасига) тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини таъминлашдан иборат” деб таъриф беради [6].

Солиқ назорати ўқув қўлланмасида “Солиқ назорати – солиққа тортиладиган субъектлар ва объектларни ҳисобга олишининг, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, солиқларнинг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия ва Республика йўл жамғармаларига мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишдан иборат” деб таъриф берилган [7].

Г.Г.Нестеровнинг фикрича, кенг маънода солиқ назорати тушунчаси ваколатли органларни барча фаолият доирасини (солиқ тўловчиларни давлат рўйхатидан ўтказиш, солиқ ҳисоби, солиқ текширувлари, шу билан бирга, солиқларни ундириш билан боғлиқ назорат қилувчи органлар фаолияти ҳам) қамраб олади [8].

Шу билан бир қаторда, тор маънода солиқ назорати ваколатли органлар томонидан бевосита ўтказиладиган текширишларни англатади.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини мамлакатдаги назорат тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва шу сабабли солиқ қонунларига риоя этилишига эришишни таъминлаш қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ тартиботга риоя этилишига эришишни амалга оширади.

Солиқ назоратини такомиллаштириш, уни тўлаш интизомига қаттиқ риоя қилиш, солиқ қонунбузарлигига йўл қўймаслик, солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ходимларининг маънавиятини юксалтириш корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини таъминлашда муҳим омиллардан саналади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида солиқ назорати тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.

Шунингдек, мазкур модданинг 2-қисмига мувофиқ Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, солиқ текширувлари воситасида ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Мазкур таърифдан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, солиқ назорати орқали солиқ тўловчиларнинг ва давлат солиқ органлари ходимларининг солиқ тўғрисидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига қай даражада амал қилинаётганлиги назорат қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 98-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси тўғрисида”ги низомига кўра Давлат солиқ кўмитасининг асосий вазифаларига давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ қонунчилигига, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишига, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлашдир.

Бугунги кунда солиқ назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш;
- солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш;
- бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш;
- камерал назорат;

нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи;

хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг;

солиқ текширувлари;

фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш;

акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш;

давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш;

бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат қилиш.

солиқ мониторинги [9].

Божхона органлари товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича солиқ назоратини ўз ваколатлари доирасида Солиқ кодексга ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг 48-боби бевосита божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликка бағишланган бўлиб, мазкур бобда божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликнинг юзага келиши, божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни тўлаш тўғрисидаги талабнома, божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорлик ўз вақтида тўланмаганлиги учун пеня, божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни ундириш, божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни тўловчининг банк ҳисобварақларида турган пул маблағлари ҳисобидан ундириш ҳамда божхона тўловларини тўлаш бўйича қарздорликни тўловчининг мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағлари ҳисобидан ундириш билан боғлиқ нормалар ёритиб берилган.

Солиқ назоратига оид муносабатларни тартибга солишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ва уни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган 1997 йил 29 августда “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги ва 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги, 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сон “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 870-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартиби (VI бўлим) ҳамда “Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар — юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомларнинг қабул

қилиниши солиқ назорати ҳуқуқий негизларини янада мустаҳкамлади. Ушбу қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ундиришни ташкил қилишда солиқ идоралари ходимларининг ҳуқуқ, вазифа ва мажбуриятлари, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш, текширишлар ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар баён этилган.

Бугунги кунда демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган изчил ислохотларни амалга оширишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, амалдаги қонунчиликни либераллаштириш муҳим ўрин тутар экан, бунда, аввало, солиқ назорати шакллари ва услубларини такомиллаштириш солиқ маъмурчилигининг муҳим кўрсаткичи сифатида ҳақур илмий-концептуал асосларини ишлаб чиқиш ҳамда қонунчиликка синдириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунга мувофиқ, мамлакатни модернизация ва ислох этиш, иқтисодий эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда солиқ назорати шакллари ва услубларини такомиллаштириш солиқ маъмурчилигининг муҳим қисми сифатида илмий тадқиқ этиш ҳамда амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш учун қуйидаги таклиф ҳамда тавсиялар берилади.

Биринчидан, “камерал назорат” тушунчасини “камерал текширув” тушунчаси билан алмаштириш.

Юқоридаги ўзгартириш ва қўшимчалар камерал назоратнинг мазмунига таъсир қўрсада ва унинг текширувдан фарқли жиҳати қолмайди деган фикрлар юзага келиши мумкин. Қонун ҳужжати мазмунида қарама-қаршиликлар юзага келишининг олдини олиш учун “камерал назорат” тушунчасини “камерал текширув” тушунчаси билан алмаштириш мумкин.

Камерал текширувларнинг солиқ текширувларидан асосий фарқли жиҳати шундаки, унинг натижаларига кўра солиқ тўловчига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилмайди. Аксинча, кейинчалик солиқ тўловчига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган турли ҳуқуқий таъсир чораларининг олди олинади.

Иккинчидан, солиқ назорати соҳасидаги муаммолардан бири солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ. “Қайд қилинган манзил” тушунчасининг тартибга олинмаганлиги ҳамда ноқонуний фаолият бошлагани учун жазонинг кучли эмаслиги турли солиқдан қочиш учун турли қонунбузарликларни амалга оширувчи “бир кунлик” фирмаларнинг ташкил бўлишига олиб келмоқда. Улар ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлардан ва ноаниқ манзилдан фойдаланадилар. Улар турли ноқонуний операцияларни амалга ошириб, солиқларни тўлашдан кўра корхонани “ташлаб кетиш”ни маъқул кўрадилар. Ушбу корхонанинг солиқ қарзларини ундириш учун корхона мол-мулкларини топиш солиқ органи учун катта меҳнат ва харажатларни талаб қилади. Шунингдек, уларни суд орқали ёпиш ва қарзларни ундириш ҳам вақт ва харажатни талаб қилади. Шу тўғрисида янги очилаётган юридик шахсларни рўйхатга олувчи инспекциялар томонидан ҳар тарафлама ўрганилиши ва тақдим этилаётган маълумотлар ҳаққонийлигига, яъни кўрсатилаётган манзилгоҳининг ҳақиқийлиги, моддий техника базасини мавжудлигига эътибор кучайтирилишини мажбурий йўлга қўйиш

механизмини ишлаб чиқиш ва уни қонунийлаштириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, фикримизча Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасига (ушбу кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар) молия-ҳўжалик фаолияти тушунчасини белгилловчи қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ:

“22¹-модда. Ушбу кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар.

“Молия-ҳўжалик фаолияти” атамаси остида корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб ва товарга илова ҳужжатларини юритиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш фаолияти тушунилади”

Тўртинчидан, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 22-моддасига (ушбу кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар) солиқ маъмуриятчилиги тушунчасини белгилловчи қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ:

“22-модда. Ушбу кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар.

“Солиқ маъмуриятчилиги – солиқлар ва солиқ объектларини ҳисобга олиш, солиқ назоратини амалга ошириш, солиқ оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгилаш, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва солиқ муносабатлари иштирокчиларининг мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бўйича давлат фискал органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизими тушунилади”.

Бешинчидан, мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган суд-ҳуқуқ, солиқ ислохотлари, соҳа қонунчилиги мазмун-моҳияти юзасидан кенг аҳоли қатлами, айниқса, эндигина ўз фаолиятини бошлаган ёш тадбиркорлик субъектлари орасида ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот, тушунтириш ишлари олиб боришни кенгайтириш, давлат солиқ хизмати органлари томонидан ташкил қилинадиган семинарлар, давра суҳбатларида иштирок этишга жалб қилиш орқали уларнинг олиб борилаётган ислохотлар, янгилıklarга нисбатан онгли муносабатини ошириш, уларнинг солиқ маслаҳатчилари ва аудиторлик ташкилотлари хизматларидан кенгроқ фойдаланишига кўмаклашиш, солиқ соҳасига оид муаммолар ёки тушунмовчиликлар вужудга келганда давлат солиқ хизмати органлари ёки Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Республика ахборот маслаҳат марказига мурожаат қилиш тартиби билан таништириб бориш тавсия этилади.

Олтинчидан, тадбиркорлик субъектлари ҳажмига (йирик, ўрта ва кичик) мувофиқ равишда Солиқ кодексига режали солиқ текшируви муддатига доир қоидаларга тегишли ўзгартиш ва кўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ижтимоий муносабатлар ривожига мутаносиб тарзда солиқ қонунчилиги нормалари такомиллаштирилган экан, бу орқали солиқ тўловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққий этишига эришилади. Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнесни юритиш – 2018: самарадорлик доирасидан чиқиб” (Doing Business – 2018: Going Beyond Efficiency) номли навбатдаги йиллик маърузасида Ўзбекистонда ҳисобот даврида энг сезиларли даражада яхшиланган соҳа солиқ

тизими бўлиб, мамлакатимиз бу кўрсаткич бўйича рейтингда ўтган йилга нисбатан юқорига кўтарилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. - №29. 684-модда.
3. Миронова Л.В. Повышение эффективности налогового контроля в процессе обеспечения. – М.: Издательство “Юрайт”. 2011. - С.7.
4. Алимардонов И.М. Юсупов А.Ч. Қулматов А.О. Солиқ тизимини ислоҳ қилиш шароитида солиқ назоратининг шакллари ва уни такомиллаштириш йўллари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар: - 2012. - № 3. - Б.2.
5. Тошмуродова Б, Элмирзаев С. Корпоратив солиқ менежментида ички солиқ назорати ва таҳлили. // “Молия” илмий журнали. - 2010. - №3.
6. И.Завалишина. Солиқлар: назария ва амалиёт. - Т: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, - 2005. 74 бет.
7. А.Тагаев, Ф.Хашимото, Ф.Рўзиев, К. Хотамов. Солиқ назорати. Ўқув-қўлланма. - Т.: Янги аср авлоди, 2010. - Б.4 (ДСҚ Солиқ академияси).
8. Нестеров Г.Г. Развитие механизмов налогового контроля в системе обеспечения экономической безопасности: автореф. дис. ... д.э.н. – М., 2010. – С. 45.
9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2007. - №52 (I); - 2008. - №52, 512-модда; - 2009. - №37, 403-модда; 404-модда; - №52, 555-модда; 556-модда; - 2010. - №20, 149-модда; - №35-36, 300-модда; - №37, 313-модда; 314-модда; 315-модда; - №40-41, 343-модда; - №51, 485-модда; - 2011. - №1-2, 1-модда; - №37, 374-модда, - №52, 555-модда, 556-модда; - 2012. - №15, 164-модда; - №37, 421-модда; - №52, 584-модда; - 2013. - №1, 1-модда; - №41, 543-модда; - №5, 685-модда; - 2014. - №4, 45-модда; - №36, 452-модда; - №49, 579-модда; - №50, 588-модда; - 2015. - №33, 439-модда; - №52, 645-модда; - 2016. - №1, 2-модда; - №17, 173-модда; - №39, 457-модда; - №52, 597-модда; - №52, 598-модда; - 2017. - №1, 1-модда; - №16, 265-модда; - №24, 487-модда; - №37, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.10.2017 й., 03/17/448/0126-сон, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.01.2018 й., 03/18/454/0493-сон), 30.12.2017 й., 03/18/455/0492-сон), 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон).

Д.М. Караходжаева,
Заведующий кафедрой «Бизнес право» ТГЮУ,
доктор юридических наук, профессор

АКТУАЛЬНОСТЬ РЕФОРМ ИНСТИТУТА ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ НА ЗЕМЛЮ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: характеризуются правовые основы реформирования института частной собственности на землю, в условиях инновационной экономики.

Ключевые слова: право частной собственности на землю, вещное право, право собственности, инвестиция, предпринимательство, инновация, самовольная постройка.

Аннотация: инновацион иқтисодиёт шароитида ерга бўлган хусусий мулк институти ислохотининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: ерга бўлган хусусий мулк ҳуқуқи, ашёвий ҳуқуқ, мулк ҳуқуқи, инвестиция, тадбиркорлик, инновация, ўзбошимчалик билан уй қуриш.

Annotation: characterized by the legal framework for reforming the institution of private ownership of land in an innovative economy

Keywords: private ownership of land, property right, investment, entrepreneurship law, innovation, unauthorized construction

Мы живем в новое время смелых реформ, нацеленных на позитивные результаты для нашей страны. Буквально каждый день принимаются изменения, направленные на улучшение инвестиционного климата и повышение благосостояния сограждан.

Текущий год в Узбекистане был объявлен «Годом поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий», что ознаменовалось кардинальными правовыми реформами в сфере права собственности и иных вещных прав.

Учитывая изменения в рыночной сфере, а также динамику развития инвестиционной привлекательности нашей страны в последние годы, нельзя не затронуть такой аспект как институт права собственности на землю. Происходящие в стране реформы направлены на привлечение технологий, развитие инноваций, освоение капиталов. Однако, важно понимать, что зачастую при реализации крупных проектов важен не только операционный доход, но и капитализация бизнеса, которая полноценно невозможна без привязки недвижимости к земельному участку. Рыночная экономика неизбежно рано или поздно поставит вопрос о рассмотрении земельных участков в качестве основного вида недвижимости.

Очевидно, что с момента изначально принятой позиции законодателя, не допускающей частной собственности на землю, прошло много лет. Думается, что в настоящее время, в реалиях современного Узбекистана конструкция частной собственности на землю, полагается быть как минимум переосмысленным на основе изучения и рассмотрения возможности частичного применения позитивных решений из опыта зарубежных стран.

Более того, за весь период развития независимого Узбекистана отдельные шаги в этом направлении были сделаны. Так, в 2006 году была предпринята по-

пытка провести второй этап приватизации. Принят указ Президента от 24.07.2006 года №УП-3780 «О приватизации земельных участков, занятых зданиями и сооружениями юридических лиц и граждан». Планировалось предоставить право собственности на участки, занятые зданиями, сооружениями и объектами производственной инфраструктуры, а также индивидуальными домами граждан. Однако практических шагов за этим не последовало.

Еще ранее проводилась приватизация объектов торговли и сферы услуг вместе с земельными участками, на которых они размещены. Это проводилось в соответствии с действующим ранее Законом «О земле» (утратившим в последующем силу) и постановлением Кабинета Министров от 11.04.1995 года №126 «О порядке реализации в частную собственность объектов торговли и сферы обслуживания вместе с земельными участками, на которых они размещены, и земельных участков в пожизненное наследуемое владение». В результате, в принятом позднее Земельном Кодексе (ст.18) отразили право собственности на земельные участки за юридическими и физическими лицами, участвовавшими в этой приватизации. Помимо этого, в качестве актуального примера можно привести ситуацию с реформами в сфере туризма, инвесторами в гостиничной сфере, где сейчас правительством рассматривается вопрос о возможной льготе предоставления земельного участка, на котором располагается гостиничный комплекс в частную собственность.

Однако, настоящим прорывом, задавшим дальнейшее направление реформ в сфере частной собственности на землю, явился Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан» от 1 августа 2018 г. за №УП-5495, в котором был реализован ряд мер, направленных на либерализацию экономики и обеспечения защиты, имущественных прав как отечественных, так и зарубежных инвесторов. Было обозначено внедрение новых механизмов по предоставлению земельных участков: долгосрочная аренда участка сроком до 50 лет для сельскохозяйственной деятельности, реализация права постоянного владения участка для строительства объектов недвижимости.

В обеспечение положений данного Указа планируется разработка и принятие порядка предоставления в аренду земельных участков, а также внедрение права частной собственности на земельные участки с выработкой правовых механизмов введения их в гражданский оборот.

Так, 17 октября 2018 года вынесен на обсуждение проект Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по поэтапному внедрению права частной собственности на земельные участки несельскохозяйственного назначения», в котором обозначено, что начиная с 1 июля 2019 года, юридические лица Республики Узбекистан смогут приватизировать земельные участки, на которых расположены принадлежащие им на правах собственности здания и сооружения, объекты производственной инфраструктуры, а также прилегающие к ним земельные участки в размерах, необходимых для осуществления своей деятельности, с учетом применяемых технологических процессов, градостроительных норм и правил. Что касается граждан, то они будут вправе приватизировать земельные участки, выделенные им для индивидуаль-

ного жилищного строительства и обслуживания жилого дома.

Планируется, что принятие данного проекта позволит Республике стать более привлекательной для иностранных вложений и мобилизовать внутренние инвестиции в экономику, устранить устаревшие нормы земельного законодательства, а также будет способствовать вовлечению земельных участков в гражданский оборот.

Согласно Указа с 1 сентября 2018 годаснос жилых, производственных помещений, иных строений и сооружений, принадлежащих физическим и юридическим лицам, при изъятии земельных участков разрешается после полного возмещения рыночной стоимости недвижимого имущества и убытков, причиненных собственникам в связи с таким изъятием;

Стоит также отметить, что ранее 20 апреля 2018 года Президент Узбекистана подписал Указ «О дополнительных мерах по социальной поддержке граждан и проведении разовой общегосударственной акции по признанию права собственности на самовольно построенные жилые помещения».

В указе отмечается, что проведенная органами землеустройства и кадастра инвентаризация недвижимого фонда республики выявила системные упущения и серьезные недостатки в вопросах обеспечения законности в сфере индивидуального жилищного строительства, особенно в сельской местности.

В частности, несмотря на наличие законных механизмов приобретения и строительства жилья, тысячи граждан на протяжении многих лет незаконно возводили индивидуальное жилье на самовольно занятых земельных участках. Имеются многочисленные факты сговора фермерских и дехканских хозяйств по незаконному предоставлению земельных участков гражданам для жилищного строительства за определенную плату.

Исходя из этого, была объявлена общегосударственная разовая акция по признанию права собственности на жилые помещения физических лиц, возведенные на самовольно занятом земельном участке или без получения разрешения на строительство.

При этом, устанавливается, что до 1 мая 2019 года право собственности на жилое помещение, возведенное до момента принятия настоящего указа на земельном участке, не отведенном для этих целей, или без получения разрешения на строительство, признается за лицом, добросовестно, открыто и непрерывно владеющим этим объектом как своим собственным имуществом.

Таким образом, вполне очевидно, что с момента изначально принятой позиции законодателя, не допускающей частной собственности на землю прошло много лет. Происходящие в стране ныне реформы направлены на привлечение технологий, развитие инноваций и освоение капиталов.

При этом особенностью правового регулирования вещных прав на землю, как объекта является то, что это осуществляется нормами одновременно двух отраслей права: гражданского и земельного. Так, если гражданское право регулирует отношения, возникающие в результате совершения сделок с землей, то такие вопросы, как отнесение земель к категориям, охрана земель, ведение мониторинга земель, землеустройство, перевод земель из одной категории в другую и иные, основанные на отношениях между физи-

ческими или юридическими лицами с одной стороны, и государственными органами с другой стороны, регулируются наряду с земельным правом, нормами административного права.

В этой сложной системе особенно важно наличие ясной картины, четких и исчерпывающих определений, избежание противоречий, равно как и разграничение «сфер влияния» различных нормативных актов.

В силу, этого заслуживает внимание, то обстоятельство что сейчас на стадии обсуждения находится вопрос о признании утратившими силу законов Республики Узбекистан «О собственности в Республике Узбекистан» и «Об аренде», которые в настоящее время содержат не актуальные трактовки, которые сегодня не только не соответствуют законодательству, но и духу времени. Существенная часть норм устарела, либо дублируются в ряде иных актов (Гражданский кодекс, Семейный кодекс, Жилищный кодекс и т.д.).

В частности, обозначены как устаревшие, такие конструкции, как «хозяйственное объединение предприятий и организаций», «кооперативное имущество», «собственность коллективного предприятия» и др.

Применяемые до сегодняшнего дня договорные конструкции использования земельных участков не соответствуют современным реалиям. Возможное применение конструкции вещного права застройки, вместо договора аренды, имеет явные экономические преимущества, поскольку оно может выступать предметом залога, что открывает возможности для банковского кредитования строительства соответствующего объекта. В свою очередь длительный срок такого института, как право застройки, допускает снос старого здания и возведение нового с учетом быстрого развития строительных и иных технологий.

Отмечая необходимость переосмысления института частной собственности на землю, обозначенные выше акты, по нашему убеждению, соответствуют современным тенденциям регулирования рыночных отношений и благоприятно скажутся на улучшении инвестиционного климата нашей страны.

Список литературы:

1. Гражданское право. Общая часть. Учебник // Под ред. Х.Р.Рахманкулова. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 899 с.
2. Гражданское право. Особенная часть. Учебник // Под ред. Х.Р.Рахманкулова и И.Б.Закирова. – Т.: ТГЮИ, 2009. – 864 с.
3. Суханов Е.А. Проблемы вещного права в современном российском праве // Журнал российского права. – 2016. – №4. – С. 36.
4. Комментарий к Гражданскому кодексу Республики Узбекистан (часть вторая). Профессинальные комментарии. Т.1. – Т.: Министерство юстиции Республики Узбекистан, Vektor-Press, 2010. – 768 с.
5. McKendrick Ewan. Contract Law: Text, Cases / and Materials. – Oxford Academ, 2014. – 450 с.
6. Cees van Dam. European tort law. Oxford University Press (2013) Second Edition published in 2013.
7. Суханов Е.А. Проблемы вещного права в современном российском праве // Журнал российского права. – 2016. – №4. – С. 36.

О.А.Камалов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси
бошлиғи, ю.ф.д., доцент

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ ОЛДИ-СОТДИНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА

Аннотация: мақолада тадбиркорлик фаолиятида кенг тарқалган шартнолардан бири – етказиб бериш шартномасидан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Хусусан, етказиб бериш шартномасини бошқа тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган шартномалардан фарқи батафсил таҳлил этилган. Шунингдек олди-сотдининг тури сифатида етказиб бериш шартномасини тузиш ва амалга ошириш тартибини белгилловчи амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: етказиб бериш, олди-сотди, қонунчилик, шартнома, тадбиркорлик.

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы, связанные с использованием в предпринимательской деятельности одного из распространенных договоров – договора поставки. В частности, подробно анализируются особенности договора поставки, позволяющие отличить его от других, используемых в предпринимательской деятельности договоров. Поднимаются вопросы совершенствования существующего законодательства, регламентирующего порядок заключения и выполнения договора поставки, как одной из разновидностей договора купли-продажи.

Ключевые слова: поставка, купля-продажа, законодательство, договор, предпринимательство.

Annotation: the article deals with problems relating to the use in the business activity of one of the diffused contracts – contracts of delivery. Particularly the author minutely analyzes the peculiarities of the contract of delivery that makes it possible to distinguish it from the other contracts used in the sphere of business activity. The questions of improvement of existing legislature, regulating the order of concluding and execution of contracts of delivery, are brought up as one of the varieties of contracts of purchase and sale.

Keywords: delivery, purchase and sale, legislation, contract, entrepreneurship.

Мамлакатимизда бугунги кунда маҳсулот етказиб бериш шартномасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий ва ривожлантириш, уни либераллаштиришга катта урғу берилиб, шу ўринда маҳсулот етказиб берувчи субъектларнинг орасида тадбиркорларга бир қатор имконият, преференция ва имтиёзлар яратилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг парламентга мурожаатида ҳам мазкур масалага алоҳида тўхталиб ўтди: “Бозор шароитида маҳсулот етказиб берувчи ҳам, истеъмолчи ҳам ўз шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажариши керак” [1]. Демак, маҳсулот етказиб берувчи ўз меҳнатини ҳаққини тўлиқ олсагина, унинг кейинги фаолияти ривожланишига имкон яратилади.

Шу нуқтаи назардан олганда, маҳсулот етказиб бериш шартномаси сотувчи ва сотиб олувчи

ўртасидаги етказиб бериладиган товарнинг тури, ҳажми, сифати, етказиб бериш муддати кабиларни ифода этувчи муносабатларни тартибга солишга қаратилган олди-сотди шартномасининг алоҳида турларидан биридир.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ушбу тури тадбиркорлик фаолиятида кенг қўлланиладиган шартномалардандир. Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудида, шу билан бирга унинг ташқарисида товар муомаласининг аксарият қисми ушбу шартнома орқали амалга оширилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга, бозор муносабатларининг жадал суръатлар билан ривожланиб бориши, ўз навбатида, миллий цивилистика фани олдида ушбу шартнома турини такомиллаштириш бўйича янги ишланмалар ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқариши табиий. Зеро, маҳсулот етказиб бериш шартномаси мустақил иқтисодий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида товар алмашуви соҳасида бозор муносабатларини ташкил этишнинг асосий воситаси, шартномавий тартибга солиш эса – маҳсулот етказиб бериш бўйича ўзаро алоқаларни ташкил этишнинг мустақил институтидир [14, 5-с]. Ҳ.Раҳмонқулов тўғри таъкидлаганидек, у малакали сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасида улгуржи товарлар олди-сотдиси бўйича муносабатларни бевосита ифодалайди [11, 67-б].

А.Гаврилованинг фикрича, маҳсулот етказиб бериш шартномаси ва олди-сотди шартномаси ягона иқтисодий мазмун ва мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи (бошқа эгасвий ҳуқуқлари)нинг ўтишини таъминлаш; мулк эгаси алмашувининг узил-кесиллиги; ҳақ эвазига тузилиши; жавоб тариқасида пул кўринишида нархнинг тақдим этилиши каби ягона намунавий (турга хос) ҳуқуқий белгиларни бирлаштиради [8, 11-б]. Бу ўринда, фикримизча, ушбу белгилар қаторига ҳар иккала шартномада ҳам муайян товарни фойдаланиш учун топшириш мажбурияти ҳам намоён бўлишини эътироф этиш зарур. Чунки олди-сотди шартномасида ҳам, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ҳам сотувчи ёки маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи ҳам товарни мулк қилиб топшириши талаб этилади.

Олди-сотди шартномасидан фарқли ўлароқ, маҳсулот етказиб бериш шартномаси тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун товарларни етказиб бериш мақсадида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида тузилади. Дарҳақиқат, манбаларда таъкидланганидек, маҳсулот етказиб бериш шартномаси, биринчи галда, бошқа шартномалардан уни тузиш мақсади билан фарқ қилади [13, 28-б].

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг ўзига хос муҳим хусусиятлари ҳақида сўз юритганда қуйидагиларга эътиборни қаратиш муҳимдир:

Биринчидан, ушбу шартнома учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 437-моддасида махсус субъектлар таркибининг назарда тутилганлиги. Жумладан, маҳсулот етказиб берувчи сифатида ҳар доим тадбиркорлик фаолиятининг субъекти (яъни тижоратчи юридик шахслар ёки ўз устав мақсадларига эришиш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тижоратчи бўлмаган юридик шахслар ёхуд яқка тартибдаги тадбиркорлар ёйинки юридик шахсларнинг бирлашмалари (уюшмалар, иттифоқлар) иштирок этиши лозим. Маҳсулот етказиб берувчи

товарни сотиб олувчига етказиб бериш мақсадида уни ёки ишлаб чиқариши ёхуд ўз контрагентларидан сотиб олиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, маҳсулот етказиб бериш шартномаси анъанавий олди-сотди шартномаларидан субъектив таркиби билан ҳам фарқланади [12, 14-б].

Ўз навбатида, сотиб олувчи ҳам фақат тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиши мумкинлигига эътиборни қаратиш муҳимдир. Бу борада ФҚда қатъий белгилаб қўйилмаган бўлсада, аммо топшириладиган товарнинг хусусияти ва топшириш мақсади ушбу талабни тақозо этишини англаш мумкин. Бошқача айтганда, товарлар сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзгорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топширилади. Бундан эса кўриниб турибдики, сотиб олувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши талаб этилади.

Бундан ташқари, маҳсулот етказиб бериш шартномасида “шартномада олувчи сифатида кўрсатилган шахс” деб номланадиган мустақил субъект ҳам иштирок этиши мумкин (ФКнинг 441-моддаси). Бу ўринда олувчи шартнома тарафларидан бири бўлиб ҳисобланмасада, аммо унга муайян мажбуриятлар, энг аввало, товарларни қабул қилиб олиш мажбурияти юклатилади (ФКнинг 446-моддаси).

Иккинчидан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси объектининг ҳам ўзига хос хусусиятга эгаллиги. Объект кенг маънода “моддий объект” сифатида тушуниладиган товарлар, яъни истеъмол қилишга қаратилган ҳамда бозорда сотиш учун тайёрланган маҳсулотлар ҳисобланади. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг объекти сифатида одатда бир турдаги товарларнинг гуруҳи иштирок этади. Бинобарин, айнан битта товар ҳам маҳсулот етказиб бериш шартномасининг, ҳам олди-сотди шартномасининг объекти бўлиши мумкин. Аммо олди-сотди шартномасининг объекти ҳар қандай ашё бўлиши мумкин, маҳсулот етказиб бериш шартномасида эса тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ҳам яроқли бўлиши талаб этилади.

Учинчидан, бозорда товарларни етказиб бериш нуқтаи назаридан маҳсулот етказиб беришда бир қанча махсус талаблар тақдим этилиши мумкин. Назаримизда, ушбу талабларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Чунончи биринчи гуруҳ истеъмолчилар манфаатларига мос ҳолда кўрсатиладиган ҳамда товарларни мажбурий тартибда сертификатлаштиришдан иборат бўлган талабларни қамраб олади. Ҳозирги пайтда мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори [5] билан тасдиқланган бўлиб, уларга болалар учун товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, трикотаж буюмлари кабиларнинг муайян турлари киритилган. Айни пайтда “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни талабларига мувофиқ мувофиқлик сертификати бўлмаган тақдирда, ушбу товарлар маҳсулот етказиб бериш шартномасининг объекти бўла олмайди, мазкур шартнома тузилган ҳолларда эса ФКнинг 116-моддаси бўйича ҳақиқий эмас деб

топиш лозим. Бошқача айтганда, ушбу қоидалар ўзининг амал қилиш доирасида мажбурий характерга эга, уларга амал қилмаслик тегишли жавобгарликларни келтириб чиқаради [2].

Иккинчи гуруҳ талабларига эса маҳсулот етказиб беришнинг алоҳида турларига тааллуқли бўлиб, улар товарлар келиб чиқилишининг очиқлигини тасдиқлаш зарурлигини тақозо этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги 285-сон қарори билан тасдиқланган “Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги низом [4] этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгилайди. Низом талабларига кўра этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг расмийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар таркибида мувофиқлик сертификати, гигиена сертификати, ишлаб чиқаришнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулосалар, ишлаб чиқариш бўйича таклиф этилаётган қувватларни фойдаланишга топширишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ҳамда белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги тўғрисида ҳулоса кабилар бўлиши талаб этилади. Мазкур ҳужжатларнинг барчаси товарларни уни улгуржи савдога етказиб беришга қадар бўлиши лозим.

Тўртинчидан, маҳсулот етказиб бериш шартномасининг муҳим хусусиятларидан бири – бу уни бажаришга оид ҳамда шартномада белгиланган муддатлар ҳисобланади. Зеро, муддат давомида ҳуқуқ соҳиби субъектив ҳуқуқ асосида ўзида мавжуд бўлган имкониятларни амалга оширишга ҳақли бўлади. Субъектив ҳуқуқларни тегишли муддат давомида амалга оширмаслик муддатнинг ўтиши билан бу ҳуқуқнинг йўқотилишига олиб келади [10, 13-б].

Бу ўринда шартноманинг ўзига хослиги товарларни етказиб бериш бир марталик ҳаракатларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, муайян давр мобайнида (масалан, йил давомида) келишилган туркум (гуруҳ) маҳсулотларни етказиб бериш бўйича босқичма-босқич амалга оширилишида намоён бўлади. Босқичма-босқич амалга ошириш эса, назаримизда, товарни маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ёки уни сотиб олувчининг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, муносабатларнинг узоқ давом этиши – алоҳида аҳамиятга эга бўлган объектив омил бўлиб, у тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас. Бундай ҳолларда фақат тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ фақат шартномани бажариш муддатлари доирасида ўзгартишлар киритилиши мумкин, холос. Бу борада И.Г.Вахнин: маҳсулот етказиб бериш шартномаси узоқ муддатга мўлжалланганлигидан қатъи назар, у шартноманинг мустақил тури сифатида ўзининг яхлитлигини йўқотмайди [7, 30-с], деб айтади. Сирасини айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида шартномани тузиш, уни расмийлаштиришга тайёргарлик кўриш бўйича узоқ келишувлар давом этиши табиий ҳолдир. Бу ўринда оферта йўллаш ёки бошқа тарафнинг акцептига қарши оферта тақдим этиш, одатда, ҳар доим ҳам амалга ошмайди, балки бир қанча “раунд”лар давомида шартнома лойиҳаси устида аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар ва унинг

муайян қисмлари бўйича келишувга эришиладиган босқичма-босқич жараён кузатилади [6, 219-р].

Шу билан бирга, фикрмизмача, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бугунги кунда нафақат тадбиркорлик фаолияти, балки маҳсулот етказиб беришга оид фаолиятнинг янги турини қамраб олишини қонунчиликда белгилаш вақти келди. Жумладан, мазкур фаолият нафақат бозор иқтисодиёти шароитида кенг тарқалган, балки миллий қонунчиликда ҳам белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 180-моддаси иккинчи қисмига кўра агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади. Зеро, муассасаларнинг мол-мулки мулкдори томонидан смета бўйича ажратиладиган маблағ воситалари ҳисобига сотиб олинган мол-мулклардан ва мустақил хўжалик ёки бошқа йўналишдаги фаолият ҳисобига олинган воситалардан шаклланиши мумкин [3].

Бинобарин, даромад олишга қаратилган тадбиркорлик фаолияти билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлар даромад келтиришга йўналтирилган бошқа фаолият турини амалга оширишлари мумкин. Аммо ушбу мезон фуқаролик қонунчилигининг маҳсулот етказиб беришга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормаларида инobatга олинмаган.

Юқоридагилардан, шу билан бирга маҳсулот етказиб бериш шартномасини амалиётда қўллаш бўйича тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, Фуқаролик кодексининг 437-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш лозим:

“437-модда. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси

Маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ даромад келтирадиган фаолиятнинг бошқа тури билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.”

Келтирилган ушбу таърифнинг янгиллиги, биринчидан, у фойда келтиришга қаратилган фаолиятнинг янги турини ўзида акс эттиради; иккинчидан, шартномадан кўзланган асосий мақсад – “доимий тарзда даромад олиш” ўзининг “эксклюзив”лигини йўқотади, яъни маҳсулот етказиб бериш шартномаси доимий тусга эга бўлмаган тарзда фойда олиш мақсадида ҳам тузилиши мумкинлигини назарда тутлади.

Бундан ташқари, амалиётда маҳсулот етказиб беришга оид шартнома муносабатларида сотиб олувчи тарафлар ўртасида келишилган айнан бир товарни олиш истагига эга бўлган ҳолларда қарздор томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни ихтиёрий равишда бажармаслик ҳолатлари ҳам учраб

туради. Мазкур ҳолатда сотиб олувчи ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш юзасидан судга мурожаат қилиши ва бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш орқали “мажбуриятни лозим даражада бажарилиши”ни талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 11-моддаси). Бу ўринда, назаримизда, сотиб олувчида мажбуриятни натура ҳолида бажаришга мажбур қилишни талаб қилиш ҳуқуқидан, қачонки хусусий аломатларга эга бўлган ашё мажбурият предмети бўлган тақдирда, фойдаланиш мумкин. Зеро, мажбурият предмети турга хос аломатлари билан белгиланган ашё бўлган тақдирда кредитор мустақил тарзда худди шундай ашёни сотиб олиши мумкин. Чунончи, маҳсулот етказиб бериш шартномасининг предмети муомаладан чиқарилмаган ҳар қандай ашё бўлиб, бу борада Ю.К.Толстой ва А.П.Сергеевлар таъкидлаганларидек, турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар олди-сотдига оид муносабатларнинг предмети бўлиши мумкин [9, 30-с].

Хулоса қилиб айтганда, маҳсулот етказиб бериш шартномаси олди-сотдининг бир тури сифатида ўзига хос муҳим хусусиятларга эга. Айни пайтда демократик бозор ислохотларининг ривожланиб бориши, ушбу шартномани ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини мунтазам равишда такомиллаштиришни тақозо этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига шарҳ. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси биринчи қисмига шарҳ. (Профессионал (малакали) шарҳлар). Адлия вазирлиги. – Тошкент, 2010 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – № 52. – 391-м.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – № 18. – 178-м.
6. Farnsworth A. Precontractual Liability and Preliminary Agreements: Fair Dealing and Failed Negotiations // Columbia Law Review, Volume 87, March 1987. – №.2. – 380 p.
7. Вахнин И.Г. Учет целей договора и целей деятельности сторон при формировании условий договора поставки // Законодательство. – 2000. – №1 – С.30-36.
8. Гаврилова А.М. Договор поставки в условиях рыночной экономики: Автореф. дис. ... канд.юрид.наук. – Саратов, 2001. – 90 с.
9. Гражданское право. Учебник / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. – М., 1998. Часть 2. – 580 с.
10. Ибратова Ф.Б. Фуқаролик ҳуқуқий муддатларнинг аҳамияти, моҳияти ва муаммолари: юрид. фанлар номзоди ... диссертацияси. – Т.: Тошкент давлат юридик институти. – 2008. – 60 б.
11. Раҳмонқулов Ҳ. Олди-сотди шартномаси. Ўқув қўлланма. – Т., Адолат, 2000. – 120 б.
12. Саматов Т. Етказиб бериш шартномаси // Huquq va Burch. – 2006. – № 3. – Б.14-16.
13. Хикматов А. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси ва унинг хусусиятлари // Korxonani boshqarish–Управление предприятием. – 2012. – № 9. – Б.28-30.

14. Шевченко Л. И. Проблемы формирования договорных отношений поставки в условиях становления в Российской Федерации рыночной экономики: Автореф. дис. докт. юрид. наук. – 2001. – 30 с.

М.Болтаев

ТДЮУ “Бизнес ҳуқуқи” кафедраси катта ўқитувчиси, ю.ф.н.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ИХТИЁРИЙ ТУГАТИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада тадбиркорлик фаолиятини ихтиёрий тугатишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилган. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ихтиёрий тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ва таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: тугатиш, банкротлик, лицензия, корхона.

Аннотация: в этой статье рассматриваются правовые основы регулирования добровольной ликвидации предпринимательской деятельности. Проанализированы и выделены отличительные особенности добровольной ликвидации предпринимательской деятельности в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: ликвидация, банкротство, лицензия, предприятие.

Annotation: in this article studied the legal basis for regulating the voluntary liquidation of business activities. Analyzed and highlighted the distinctive features of the voluntary liquidation of business activities in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: liquidation, bankruptcy, license, enterprise.

Сўнги йилларда юртимизда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини ташкил этиш, уларга имтиёз ва енгилликлар бериш, текширишларни қискартириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ислохотлар натижасида кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди, амалдагиларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бироқ тадбиркорлик фаолияти субъектларини тугатиш билан боғлиқ масалаларни истисно ҳолат сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки бу йўналишдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш нисбатан сустр амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш масаласи улар фаолиятини тугатиш билан чамбарчас боғлиқ ва ҳуқуқ нормаларини такомиллаштириш икки йўналишда параллел равишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигига кўра юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келиши белгиланган (ФКнинг 53-моддаси биринчи қисми). Ҳуқуқ ва бурчларнинг бекор бўлиши тугатишнинг асосий мезонидир. Ш.Асьянов таъкидлаганидек, юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у ташкил этилган пайдан бошланади ва у тугатилган пайдан тўхтатилади [1].

Ш.Нуриддинованинг ёзишича, “бекор бўлиш” - қайта ташкил этиш ва тугатишнинг йиғиндиси эканлиги илмий нуқтаи назардан асосланрилиши ва фуқаролик қонун ҳужжатларида “бекор бўлиш” атамасини киритишнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқиш зарур [2, 5-6]. Назарий жиҳатдан юридик шахслар тугатиш ёки қайта ташкил этиш оқибатида бекор бўлади.

Ҳуқуқий ворислик масаласига келсак, юридик шахс қайта ташкил этилиши натижасида ҳуқуқ ва бурчлар бошқа шахсга ўтади. Қайта ташкил этиш – илгари мавжуд бўлган корхонанинг бекор қилиниши ва янги ҳуқуқ субъекти сифатида тадбиркорлик фаолиятининг давом эттириши демакдир. Тугатишдан фарқли ўлароқ қайта ташкил этишда мулк сақланади, мулкий ҳуқуқий ва мажбуриятлар ҳам мавжудлигини йўқотмайди. Ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳам ё қисқарган ёки йириклашган ҳолда фаолиятини давом эттиради. Қайта ташкил этиш ҳар доим ҳуқуқий ворислик билан боғлиқ бўлиб, бунда мулкий ва бошқа ҳуқуқлар бекор қилинган бир ҳуқуқ субъектидан бошқасига, қайтадан вужудга келтирилган корхонага ўтади. Юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулк янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади [3].

Шу нуқтаи назардан “тугатиш” тушунчасининг моҳиятини ёритишда “ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан” сўзларидан фойдаланишга зарурат йўқ.

Юридик шахсларнинг тугатилишида, худди уларнинг пайдо бўлишидаги сингари ташкилотнинг ўзи бўлса ҳам унинг ўз ҳуқуқини йўқотиши билан шу ташкилотнинг бутунлай тугатилиши ўртасидаги фарқни англомоқ зарур. Ҳуқуқ лаёқатининг йўқолиш шакллари унинг келиб чиқиш усулларига боғлиқ [4].

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш ёки унинг фаолиятини тугатишнинг мазмуни очиб берилмасдан, фақат тугатиш қандай шаклда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Тугатиш тадбиркорлик субъектини ташкил этиш каби кенг тушунча бўлиб, у бир нечта чора-тадбирларни ўз ичига олади. Масалан, тугатувчини тайинлаш, рўйхатга олувчи органга ҳужжатларни тақдим этиш, банкдаги ҳисоб рақамларни ёпиш кабилар.

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

“тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш – тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқ ва бурчларининг бекор бўлишига олиб келадиган чора-тадбирлар тизими”.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида юридик шахсларни, яъни тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрий ва мажбурий усулда тугатилишини кўришимиз мумкин.

Ихтиёрий усулда тадбиркорлик субъектларини (юридик шахсларни) тугатиш қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

- муассислар (иштирокчилар) ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ (ихтиёрий тугатишнинг кенг тарқалган усули);
- юридик шахснинг фаолият юритиш муддатининг тугаши билан (бу ҳолатни камдан-кам учратиш мумкин);
- уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан;
- юридик шахсни ташкил этиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганда;

- муассислар (иштирокчилар) ёки юридик шахс органи томонидан ташкилотни тугатиш учун етарли бўлган бошқа сабабларни тан олиши билан.

Муассислар (иштирокчилар) ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ тугатиш ихтиёрий тугатишнинг кенг тарқалган усулидир. Фаолият юритиш муддатининг тугаши ва уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан тадбиркорлик субъектини тугатиш ҳолатлари деярли вужудга келмайди. Чунки тадбиркорлик фаолиятининг муддати одатда олдиндан белгилашга зарурат йўқ, деб ҳисобланади (лицензия ёки рухсатноманинг муддати бўлиши мумкин). Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришиш учун амалга оширилмайди, балки у доимий равишда фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Бошқа сабаблар билан тадбиркорлик субъектини тугатиш масаласи баҳсли ва бу ҳолатда қонун чиқарувчи айнан қайси вазиятларни назарда тутганлигини аниқлаш мушкул. Шуларга асосан айтиш мумкинки, муассислар (иштирокчилар) ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган шахснинг қарори билан тугатиш тадбиркорлик субъектини ихтиёрий тугатишнинг энг мақбул йўлидир ва ихтиёрий тугатишнинг бошқа усулларини қонун ҳужжатларида баён қилиш шарт эмас. Муассислар (иштирокчилар)нинг қарори билан ихтиёрий тугатишнинг бошқа йўллари ҳам ўз ичига олиши мумкин. Ихтиёрий тугатиш тадбиркорлик субъектининг иродасига боғлиқ ва у ўз фаолиятини нима сабабдан тугатишини ҳам ўзи белгилайди.

Юридик шахсни тугатиш мураккаб ва кўп вақт талаб қилувчи иш ҳисобланади. Шунинг учун юридик шахсни тугатиш тартиби жараёни бир неча босқични ўз ичига олади. Юридик шахс унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига биноан тугатилиши мумкин.

Одатда муассислар ҳам иштирокчилар ҳам ўз ихтиёрлари билан ҳар қандай вақтда тугатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишлари мумкин. Бу уларга берилган ҳуқуқдир. Лекин шу билан биргаликда тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш улар учун мажбуриятни ҳам келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53–56-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 49-моддасида кўрсатилган нормалардан ташқари тадбиркорлик фаолияти субъектларини тугатиш билан боғлиқ муносабатлар бир нечта қонун ости ҳужжатлар билан тартибга солинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон қарори билан Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган. Ушбу низомнинг қоидалари тўловга қобилиятсизлик белгиларига эга бўлган корхоналарга тадбиқ этилмайди. Мазкур низом тугатувчи (тугатиш комиссияси ёки жисмоний шахс)нинг ваколатлари ва уларни тўхтатиш, давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-ҳўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиби, яқка тартибдаги тадбиркор фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш каби масалаларни ўз ичига олади. Низомга молия хўжалик фаолиятини амалга ошираётган ва амалга оширмаётган

корхоналарни ихтиёрий тугатиш схемалари илова қилган.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган бу ҳақда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга дарҳол ёзма хабар беришлари керак, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахс тугатиш жараёнида эканлиги ҳақидаги маълумотларни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўяди.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган тугатувчини – тугатиш комиссиясини ёки жисмоний шахсни тайинлайдилар ҳамда ушбу кодексга мувофиқ тугатиш тартиби ва муддатини белгилайдилар. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор суд томонидан қабул қилинган тақдирда, тугатувчи юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тайинланади.

Тугатувчи оммавий ахборот воситаларида юридик шахснинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон беради. Бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайдан бошлаб икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзини олиш чораларини кўради, шунингдек кредиторларни юридик шахс тугатилиши ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади, бу баланс тугатилаётган юридик шахс мол-мулкнинг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар рўйхати, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Оралиқ тугатиш баланси юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки орган томонидан тасдиқланади.

Агар тугатилаётган юридик шахс (муассасалардан ташқари) ихтиёридаги пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи юридик шахснинг мол-мулкни кимомди савдоси орқали суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотади. Юридик шахснинг кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулки унинг шу мол-мулкка ашёвий ҳуқуқларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳуқуқларга эга бўлган муассисларига (иштирокчиларига) агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, топширилади.

Юридик шахс тугатилаётганида биринчи навбатда фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришдан ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш ҳақидаги талаблари, шунингдек ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказганлиги учун тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари ҳам тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади.

2007 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш (фаолиятини тўхтатиш)нинг соддалаштирилган тартиби жорий этилган. Шунингдек, рўйхатдан ўтказган орган

тадбиркорлик субъектини – юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб корхонанинг молия-ҳўжалик фаолияти тўхтатилади, шу муносабат билан ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи, шунингдек барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилади; муассислар (қатнашчилар)нинг ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти – юридик шахснинг мажбуриятларини бажаришга йўналтирилаётган маблағларидан солиқ олинмайди.

Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг кейинги иш кунидан кечикмай:

а) рўйхатдан ўтказган органга – ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

б) корхонанинг талаб қилиб олинмаган асосий депозит ҳисоб рақамига (кейинги ўринларда асосий ҳисоб рақами деб аталади) хизмат кўрсатувчи банкка ва корхонанинг хорижий валютадаги маблағлари жамланадиган ваколатли банкка:

ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини;

имзолар намуналари ва тугатувчи муҳрининг босма изи қўйилган, нотариал тасдиқланган карточкаларнинг икки нусхасини;

в) корхонанинг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисоб рақамларига, жамғарма депозит ҳисоб рақамларига ва муддатли депозит ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатувчи банкларга – уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани;

г) корхонанинг хорижий валютадаги талаб қилиб олинмаган депозит ҳисоб рақамлари, жамғарма депозит ва муддатли депозит ҳисоб рақамлари очилган банкларга – уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини унинг депозит ҳисоб рақамларига, унинг миллий валютадаги асосий ҳисоб рақами очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олинмаган депозит ҳисоб рақамига ёки агар унинг асосий ҳисоб рақамига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олинмаган депозит ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани жўнатади.

Тадбиркорлик субъекти унинг тугатилиши ҳақидаги ёзув рўйхатдан ўтказувчи органнинг тегишли давлат реестрига киритилганидан кейин, яъни давлат реестридан чиқарилгандан кейин тугатилган ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини тугатиш (тўхтатиш) унинг рўйхатдан ўтказган органга тақдим қилган аризаси асосида амалга оширилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги хулосаси. Хулоса давлат солиқ хизмати органи томонидан тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс мурожаат қилгандан кейин икки иш кунидан кечиктирмай, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар мавжуд бўлганда эса улар тўлангандан кейин икки иш кунидан кечиктирмай берилади;

муҳр ва штамплар, агар улар мавжуд бўлса;

барча лицензиялар (руҳсатномалар)нинг асл нусхалари, агар улар мавжуд бўлса;

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

агар мавжуд бўлса, асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисидаги банк маълумотномаси.

Тадбиркорлик субъекти сифатида фаолиятининг тўхтатилиши жисмоний шахсни кредиторлар олдидаги унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятларидан озод қилмайди.

Юқорида билдирилган фикрларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– ҳуқуқ ва бурчларнинг бекор бўлиши тадбиркорлик фаолиятини тугатишнинг асосий меъзонидир;

– тадбиркорлик фаолияти субъектини тугатиш – тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқ ва бурчларининг бекор бўлишига олиб келадиган чоратадбирлар тизими;

– муассислар (иштирокчилар) ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган шахснинг қарори билан тугатиш тадбиркорлик субъектини ихтиёрий тугатишнинг энг мақбул йўлидир ва ихтиёрий тугатишнинг бошқа усуллари қонун ҳужжатларида баён қилишга зарурат мавжуд эмас;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ – 630-сон қарори билан Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида низом қоидаларини янги ташкил этилган ҳуқуқий механизмлар (давлат хизматлари, электрон имзо ва бошқалар)га мувофиқ такомиллаштириш лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. Асъянов Ш. Юридик шахс тушунчаси ва унинг ҳуқуқ лаёқати. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 1996. № 10/11. – Б. 17.

2. Нуриддинова Ш.Т. Юридик шахсларнинг бекор бўлиш усуллари ва уларни қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. Юрид. фан. ном. ...дис. – Т.: 2008. – Б. 5.

3. Tadbirkorlik (biznes) huquqi. Darslik. Mualliflar jamoasi // Mas'ul muharrir: y.f.n., dots. X. Azizov. – Т.: TDYU nashriyoti, 2018. – В. 90.

4. Шукуруллаев А.Х. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиниши. Юрид. фан. ном. ...дис. – Т., 2001. – Б. 97.

Б.М.Ҳамроқулов

ЖИДУ “Халқаро хусусий ва фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси ю.ф.н.

ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада шартномавий муносабатларда маънавий зиённи қоплашнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Бу йўналишдаги қонунларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган. Фуқаролар тузадиган ҳар қандай шартнома шартларини бажармаслик оқибатида унга нафақат моддий зарар балки маънавий зиён ҳам етказилиши мумкин деган хулосага келинган.

Таянч сўзлар: зарар, маънавий зиён, жисмоний зиён, азоб, шартнома, шартномавий ҳуқуқий муносабат, шартномадан ташқари ҳуқуқий муносабат, истеъмолчи, интеллектуал мулк, товон.

Аннотация: в статье изучено особенности возмещения морального вреда договорных правоотношений. Дано предложение об усовершенствовании законодательства в данном направлении. Представлено заключение о том, что в случае если сторона подписавшая договор с физическим лицом не выполняет договорных обязательств, пострадавший может требовать возмещение не только материального вреда но и морального вреда.

Ключевые слова: вред, моральный вред, физический вред, страдание, договор, договорные правоотношения, внедоговорные правоотношения, потребитель, интеллектуальная собственность, компенсация.

Annotation: this article studies the peculiarities of compensation for moral damage of contractual legal relations and offers proposal of improving the legislation in this sphere. It concludes that in the event that a party that has signed a contract with an individual does not fulfill contractual obligations, the victim may claim compensation not only for material damage but also for moral damage.

Keywords: damage, moral damage, physical damage, suffering, contract, contractual legal relations, non-contractual legal relations, consumer, intellectual property, compensation.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг маънавий зиённи ҳуқуқий тартибга солувчи моддаларига назар ташласак, бир қарашда бундай муносабатлар фақат шартномадан ташқари муносабатларда (делект) юзага келади деган хулоса қилишимиз мумкин. Бундай хулоса қилишимизга сабаб Фуқаролик кодексининг 58-бобининг (“Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар”) “Маънавий зарарни қоплаш” деб номланган 4-§ да баён этилганлигидир. Республикамиз ҳуқуқшунос олимлари ҳам маънавий зиён шартномадан ташқари муносабатларда ҳамда номулкий ҳуқуқлар бузилиши оқибатида келиб чиқади деган фикрларни илгари сурадилар [1, 12-14 бетлар].

Маънавий зиён нафақат шартномадан ташқари (делект) муносабатларда, балким шарномавий муносабатларда ҳам келиб чиқиши ва қўлланиши

мумкин. Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома уни имзолаган томонлар учун мажбурий ҳуқуқий муносабатлар вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи юридик факт ҳисобланади. Томонлар шартномада белгилаб қўйилган мақсадга эришиши уни деликт (шартномадан ташқари) муносабатлардан фарқлайдиган асосий ҳолати ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, ушбу масала эътиборга молик ҳисобланади ва алоҳида тадқиқот ўтказилишини талаб қилади, чунки шартномавий муносабатларда маънавий зиённи қоплаш масаласи миллий цивилистикада деярли ўрганилмаган.

Шартномаларнинг аксарияти, айниқса, бозор муносабатлари шароитида тузилган шартномалар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги мулкӣ муносабатларни тартибга солишининг асосий, айрим ҳолларда эса, ягона воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шартнома предмети сифатида фуқаролик ҳуқуқи объектлари бўлган ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 81-моддасида фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари белгиланган, улар қаторида шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий ҳамда номоддий бойликлар ҳам назарда тутилган.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматларига шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлари қиради. Фуқаролик кодексининг 99-моддасига мувофиқ улар тартиб олинмайди ва ўзга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Шахсий номулкий ҳуқуқлар деганда, шахсдан ажратиб, бегоналаштириб бўлмайдиган, мулкӣ характерда бўлмаган ҳуқуқлар тушунилади [2, 87-бет]. Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар шартномавий муносабатлар предмети бўлиши мумкин эмас.

Шартномавий муносабатлар предметида шахсий манфаатлар билан бевосита боғланган номоддий манфаатлар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, номоддий неъматлар бўлган интеллектуал фаолият натижалари билан боғлиқ шартномаларни айтишимиз мумкин. Бироқ, шартномавий мажбурият ўз моҳиятига кўра доимо мулкӣ ҳуқуқий муносабатлар натижасида юзага келади.

Шартнома манфаатдор томонларнинг ўз олдидарида турган мақсадларига эришишлари учун тузилади. Бу мақсадлар шартномаларнинг алоҳида турларида турлича кўринишда бўлади. Шунинг учун ҳам, бизни биринчи навбатда, шартнома тузган томонлардан бири фуқаро бўлган шартномалар қизиқтиради. Агар шартнома имзолувчиларнинг бир томони ўзига юклатилган вазифани виждонан бажармаса иккинчи томонга зарар етказиши табиий ҳол.

Маънавий зиён шартноманинг бир томони фуқаролар бўлган чакана олди-сотди, маҳсулот

етказиб бериш, энергия таъминоти, кўчмас мулкни сотиш, маиший ва қурилиш пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномалари ва Фуқаролик кодексига назарда тутилган бошқа турдаги шартномалардан келиб чиқиши мумкин. Маънавий зиённи келиб чиқишига асосий сабаб шартнома имзолаган томонлардан бири ўзига юклатилган вазифани лозим даражада бажармаслигидир.

Умумий қоидага кўра, маънавий зиённи қоплаб бериш мажбурияти ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилгани туфайли фуқарога маънавий (руҳий) ва жисмоний азоблар етказилиши натижасида юзага келади.

Фуқароларга шартномавий муносабатларда етказилган маънавий зиён асосан “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунинида белгиланганидек товарлар етказиб берилиши, иш ва хизматлар бажарилиши оқибатида намоён бўлади.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 22-моддасида истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим [3] лиги белгиланган.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилганида маънавий зиён қопланиши имкониятини кўзда тутган. Қонун зарарни қоплаш мажбурияти вужудга келишини товар (ишлар, хизматлар) тақдим этувчи шахснинг ҳаракатларида айб мавжудлиги билан боғлайди.

Қонунга мувофиқ истеъмолчи бу фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс).

Қонун чиқарувчи “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасида истеъмолчининг маънавий зиён қопланишига бўлган ҳуқуқини белгилаган ҳолда ушбу масала ечими бўйича қарор чиқаришни бутунлай судга ҳавола қилган. Судлар эса, ўз навбатида, жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, ўз амалиётида маънавий зиён қоплаш бўйича нормаларни кенг қўламда қўлламоқдалар. Фикримизча судларнинг бундай қарашини тўғри. Истеъмолчининг моддий ҳуқуқлари, номоддий ва бошқа номоддий неъматлари бузилиши оқибатида унга маънавий зиён етказилиши мумкин.

Брагинский М.И., Витрянский В.В бу масалага нисбатан бошқача нуқтаи назар билдирган, уларнинг фикрига кўра “маънавий зиённи қоплаш шартномавий мажбуриятлардан келиб чиқиши мумкин эмас. Маънавий зиён миқдори шартномада назарда тутилиши мумкин эмас, бу миқдор суд томонидан белгиланади. Демак, фуқарога етказилган маънавий зиённи қоплаш шартномадан ташқари (делект) муносабатлардаги жавобгарликнинг бир тури деб қабул қилиш мумкин” [4, 632-бет]. Олимнинг фикриги унчалик қўшилмаймиз, ҳақиқатдан ҳам Фуқаролик кодекси 1022-моддасига асосан маънавий зиённинг миқдори суд томонидан аниқланади. Бироқ шартномани имзолувчи томонлар ўзаро келишиб шартнома шартлари бажарилмаслиги оқибатида етказилган маънавий зиённи қоплаш миқдорини

белгилашлари мумкин. Бундай келишув ихтиёрий бажарилмайдиган бўлса, томонлар ўртасида низо келиб чиқса, суд бу масalani мазмунан кўриб адолатли қарор чиқариши мумкин.

Қонуннинг 22-моддаси мазмунида қонун чиқарувчи орган истеъмомолчининг айнан қайси ҳуқуқлари – мулкый, номулкий ёки уларнинг жамланмасини – назарда тутаётгани аниқ белгиланмаган. Умуман олганда, ушбу норма бланкет тусга эга ва кўйилган саволга аниқ жавоб бермайди, сабаби, истеъмомолчи ҳуқуқини истеъмомолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали аниқлашни тавсия қилади.

Шартномавий муносабатларда зарарнинг вужудга келиши истеъмомолчи ва бирон товарнинг сотувчиси, маълум ишларни ёки хизматларни бажарган шахс ўртасидаги нормал мулкый-ҳуқуқий боғланишлар бузилиши оқибатида юзага келади. Бундай зарар барча ҳолатларда мулкый зарар деб тан олинади.

Истеъмомолчининг товар (ишлар, хизматлар) сифати бўйича асосланган талаблари қондирилмаган тақдирда унга маънавий зиён етказилиши мумкин. Ушбу ҳолатда истеъмомолчи ижтимоий хусусиятга эга ноқулайликларга тўқнаш келади – ўз даъволарини баён этиш мақсадида сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан учрашиш учун ишдан жавоб сўрайди, унга хизмат кўрсатилишини кутади, ўзининг мулкый даъволарини тақдим этиш учун навбатда туришга вақт сарфлайди. Ушбу ноқулайликларнинг барчаси тўғридан-тўғри маънавий зиён етказилишига олиб келади. С.В.Марченконинг таъкидлашича, “маънавий зиённинг моҳияти шундан иборатки, зарар етказувчининг ҳаракатлари жабрланувчининг онгида ўз аксини топиши, муайян руҳий реакцияни ҳосил қилиши керак” [5]. Яъни, мулкый йўқотишлар, бирон буюм ёки мулкнинг йўқ қилиниши, бузилиши ва шу кабилар билан ифодаланувчи мулкый зарардан фарқли ўлароқ маънавий зиён фуқаронинг жисмоний ва руҳий хусусиятга эга азобланишларидан иборат.

Агар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмомолчининг бир неча мурожаатларидан кейин унга қонунчиликда кўзда тутилган ҳимоя чораларини қўллаш ҳуқуқини рад этса, харидор ўзининг моддий талабларини ҳимоя қилишнинг кўшимча чораси сифатида маънавий зиённи қоплаб берилишини талаб қилишга ҳақли бўлади. Бизнинг фикримизча, истеъмомолчи томонидан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи)га мурожаат қилинганида, сотувчи номулкий тусга эга шахсий зарар етказиш деб баҳоланувчи харидорга нисбатан кўпол муомалада бўлса, истеъмомолчи томонидан маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги талаб қўйилиши мумкин.

Фикримизча Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмомолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида соғлиққа зарар етказилганида (масалан, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмомол қилинганида), яқинлари вафот этганида, тиклаб бўлмайдиган йўқотишлар содир бўлганида (масалан, телерадиоаппаратура ёниши ёки портлаши натижасида, истеъмомолчи мулкни ташиш вақтида йўқотилишида) истеъмомолчиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини маънавий зиённи қоплаш йўли билан кўшимча ҳимоя чораси сифатида назарда тутилган.

Бу каби ҳолатларда зарар, одатда, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни (ишлар, хизматлар)ни (бу каби товар, ишлар ва хизматлар

қаторига ошиқча хавф манбаларини киритиш мумкин) истеъмомол қилиш жараёнида етказилади. Бунда шартномавий жавобгарлик истеъмомолчи ҳаёти, соғлиғи ёки (ва) мулкига зарар етказиши мумкин бўлган муҳим камчиликлар оқибатида юзага келиши мумкин. Нуқсонга, муҳим камчиликка эга товарлар (ишлар, хизматлар) билан фуқаро – истеъмомолчининг ҳаёти, соғлиғига (номоддий неъматларига) зарар етказилган барча ҳолатларда жабрланувчи шахсий номулкий зарар кўради. Бундай зарар пул кўринишида тўлов амалга оширилиши орқали энгиллаштирилиши лозим.

Шуни алоҳида назарда тутиш керакки, истеъмомолчи ҳар доим ҳам шартнома имзоламайди, айрим ҳолатларда товар, (иш, хизматни) шартнома имзоламасдан қабул қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳам истеъмомолчи маънавий зиённи қоплашни талаб қилиши мумкин.

Истеъмомолчи талаблари бажарилмаган барча ҳолатларда маънавий зиён қопланиши лозим. Истеъмомолчининг маънавий ёки (ва) мулкый зарарни қоплаш тўғрисидаги барча талаби асосланган ва ҳақли бўлиши лозим, акс ҳолда, ўз ҳуқуқларини суистеъмомол қилишга ва бошқа томон ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлади. Бундай чегаранинг мавжудлиги жуда муҳимдир, сабаби, “Истеъмомолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда ва Фуқаролик кодексида баён этилган зиддиятлар фуқаролик ҳуқуқининг маънавий зиён қоплаш каби янги институти татбиқ этилиши билан тақдим этиладиган ҳуқуқлар суистеъмомол қилинишига олиб келиши мумкин.

Айрим муаллифлар истеъмомолчига етказилган маънавий зиён қопланишининг салбий оқибатлари тўғрисида сўз юритадилар. Масалан, Н.А.Колоколов ва В.Богдан қуйидагича фикр билдирганлар: “Истеъмомолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда кўзда тутилган ва инсофсиз ижрочиға нисбатан қўлланиладиган санкциялар жуда қатъий ва кескин хусусиятга эга эканлиги яққол кўзга ташланadi”. Қонун чиқарувчи ўз фуқароларининг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш баробарида оммавий манфаатларни ҳам ҳимоя қилиш заруратини ҳисобга олиши лозим. Бу ерда Н.А. Колоколов ва В.Богданиннинг “суд истеъмомолчи фойдасига қарор чиқара туриб, ўз қарорининг ижтимоий оқибатларини ҳам албатта ҳисобга олиши шарт. Қурилиш пудрати шартномаси бўйича кўп қаватли уйда аризацияга ўхшашлардан унтаси, ҳаттоки юзтаси бўлиши мумкин. Энди тасаввур қилиб кўринг, ўз ҳисобига қурилган турар-жойга жойлашган ҳар бир одам пудратчидан квартиранинг бир ярим баробари нархидаги жарима ундирилишини сўраб судга мурожаат қилса... Ушбу суммаларни ҳисоблаш шарт эмас, чунки ҳисоб натижалари битта яқунга эга бўлади – ишлаб чиқарувчи (пудратчи) муқаррар банкротликка учрайди” [6, 32-бет]. Тадқиқотчи фикрига қўшилиб бўлмайдиган, чунки кўп қаватли уйда яшовчи фуқаролар уни қуришда ўз улушлари қўшишган ва қурувчи ташкилот сифатсиз қурилиш ишларини олиб борганлиги учун албатта қонунда белгиланган тартибда нафақат моддий жавобгар балки улушдорларга етказилган маънавий зиённи ҳам қоплаб бериши лозим.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси “Истеъмомолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 22-моддасига шартномавий ва шартномадан ташқари жавобгарлик ўртасидаги аниқ чегарани белгилаш имкониятини берувчи ўзгартишлар киритиш лозим. Бизнингча, 22-модда янги

таҳрирда қуйидагича бўлиши керак: “Муҳим камчиликлар ва нуқсонга эга товар (иш, хизмат)дан фойдаланиш натижасида истеъмолчи ҳаёти, соғлиғи ёки (ва) мулкига зарар етказилганида, истеъмолчи (жабрланувчи) маънавий зиён қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Маънавий зиён учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди”.

Маънавий зиён учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи (жабрланувчи) кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

Судлар бундай мазмундаги ишларни кўраётганларида, биринчи навбатда, камчиликларга, муҳим камчиликларга ёки нуқсонларга эга товарлар (ишлар, хизматлар)дан фойдаланиш натижасида юзага келган оқибатларни ҳисобга олишлари зарур. Ана шундай оқибатлар аниқланганидан кейингина маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги масала кўриб чиқиши мумкин. Бунда сотувчи (ишлаб чиқарувчи, бажарувчи)нинг айбли ҳаракатлари истеъмолчи учун кўшимча харажатлар (масалан, дори-дармон сотиб олиш, шифокор чақирилишига ҳақ тўлаш ва ҳк.) келтириб чиқишини ҳам эътиборга олиш зарур.

Йўловчи, багаж ва юк ташиш бўйича шартномалар – хизмат кўрсатиш соҳасида энг кўп учрайдиган шартномалардан биридир. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фуқаролик қонунчилигида бундай шартномалар бўйича аниқ жавобгарлик кўзда тутилган. Фуқаролик кодексининг 718-моддасига мурожаат қилсак, унда қуйидаги ҳолат баён этилган, яъни: “Ташишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли суратда бажармаган тақдирда, тарафлар Фуқаролик кодексига, транспорт уставлари ва кодексларида, шунингдек тарафларнинг келишувида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар”. Ташиш автотранспорт, темир йўл ва ҳаво йўллари орқали амалга оширилади.

“Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни [7], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрдаги 232-сон Қарори билан тасдиқланган “Темир йўл устави” [8], Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси [9], Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 29 июнда 2238-сон билан рўйхатга олинган “Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш Қоидалари” [10], “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни [11], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш Қоидалари” [12] да маънавий зиён қоплаш билан боғлиқ бирон-бир норма назарда тутилмаган. Фикримизча ташиш натижасида етказилган маънавий зиённи ундириш учун Фуқаролик кодекси 718-моддасида белгиланган норма етарли. Бундан ташқари кодекснинг 725-моддасида “йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун ташувчининг жавобгарлиги, агар қонунда ёки шартномада кучайтирилган жавобгарлик назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 57-боби қоидалари бўйича белгиланади” деб қўйилган.

Йўловчи, багаж ва юк ташишда иштирок этаётган фуқарогина маънавий зиённи қоплаш субъекти бўлиши мумкин, агар бундай шахс ташиш жараёнида вафот этган бўлса, унда яқин қариндошлар маънавий зиённи қоплашни талаб қилишлари мумкин.

Йўловчи, багаж ва юк ташиш билан боғлиқ муносабатларда фуқарога ташувчи ташиш чоғида

йўловчининг ўлими ёки соғлиғининг ёмонлашувига олиб келгадиган даражада зарар етказса, йўловчининг багажи ташишга қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан то у қабул қилувчига берилгунигача ёки бошқа ваколатли шахсга топширилгунигача қадар унинг йўқолганлиги, камомади ёки унга зарар етказилса, йўловчининг ёнидаги буюмлар йўқолса ёки уларга зарар етказилса, ташувчи, ташиш шартномасини бажаришда йўл қўйган нуқсонлар ёки ўзининг ходимлари томонидан уларнинг хизмат вазифаларини бажариш пайтида атайин қилинган хатти-ҳаракатлари натижасида йўловчига руҳий озор берган бўлса, йўловчиларни ташувчи рейслар кечиккан ёки бекор қилинган тақдирда етказилса, агар бу зарарларнинг олдини олиш учун ташувчи барча зарур чораларни кўрганлигини ёки бундай чораларни кўришнинг иложи бўлмаганлигини исботлаб бера олмаса, маънавий зиённи етказилиши мумкин.

Бундан ташқари ташиш натижасида фуқаро вафот этадиган бўлса, унинг яқинларига етказилган зарар тўланади. Масалан 2015 йил 31 март куни Россия фуқароларидан иборат йўловчилар Мисрдан уйларига қайтаётганларида, «Қоғалымавиа»га тегишли Airbus А321 ҳаво кемаси ҳалокатга учраши натижасида 224 фуқаро вафот этди. Натижада халок бўлганларнинг яқинларига етказилган барча моддий ва маънавий зиён тўланиб берилди. Бунда ҳар бир фуқарога Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ 2 млн рубл авиакомпаниянинг жавобгарлиги, 715 минг 800 рубл фуқаро ҳаётининг мажбурий суғурта суммаси, юк ва багажлари қиймати тўлаб берилган.

2015 йил 26 май куни “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун ижросини ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 266-сонли [13] қарор қабул қилди ва унда ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули битта йўловчига 11 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда белгиланишини, улардан:

- 10 минг АҚШ доллари - йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун;

- 1 минг АҚШ доллари - йўловчининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун белгиланди.

Бу суммалар фақат моддий зарарни қоплаш учун ўрнатилган. “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида маънавий зарар етказилганлиги оқибатида ташувчи фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси бўлмаслиги белгиланган. Демак ташиш натижасида етказилган маънавий зиён томонлар келишувига кўра ёки суд белгиланган миқдорда жавобгар шахсдан ундирилади.

Ташувчи йўловчиларнинг ташиш шартномасидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаган учун жавобгарлигининг қопланиши қонунийлиги тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор бериш лозим. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда истеъмолчига етказилган зарар қонун ёки шартномада белгиланган неустойка (пеня)дан ташқари тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги кўрсатилган. Қонун чиқарувчи шартномавий мажбуриятлар бузилганида ва, хусусан, ташиш бўйича шартномалар бузилганида

истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида маънавий зиённи қоплашни назарда тутди. Агар истеъмолчига мулкий зарар ёки номулкий тусга эга (ҳаёти ёки соғлиғига) зарар етказилса, у ҳолда амалдаги Фуқаролик кодекси қоидаларига мувофиқ жавобгарлик вужудга келади. Демак, истеъмолчи моддий ва маънавий зиён ундирилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Исталган шартнома шахсий манфаат ёки уни қондириш имкониятини ифодаловчи моддий неъматлар бўйича тузилади. Лекин, юқорида кўрсатилган вазиятда ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра мажбуриятларини бажара олмагани учун ташувчи истеъмолчи олдида жавобгар бўлмаслиги керак. Ундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ташувчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажармаслиги ёки тегишли тарзда бажармаслиги учун бир қатор моддий тўловлар назарда тутилган. Яъни, шартномада кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилмаса ёки лозим даражада бажарилмаса, шартнома томонлари биринчи навбатда мулкӣ ҳуқуқлари ва манфаатларига путур етказилади. Ушбу ҳуқуқ ва манфаатлар неустойкани тўлаб бериш, зарарни қоплаб бериш каби фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари қўлланилиши натижасида қопланиши зарур.

Йўловчиларни ташишда уларнинг ҳаётига, соғлиғига зарар етказилиши судда энг кўп кўриладиган ишлар сирасига киради. Таъкидлаш зарурки, бундай номоддий неъматларга номулкий зарар етказилган ҳолларда маънавий зиённи ундириш амалиёти судлар томонидан тўғри қўлланилмоқда. Бу ҳолат йўловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қонунда янада қатъийроқ жавобгарлик белгилангани билан шартланади, сабаби, ташувчи ошиқча хавф манбаси оқибатида йўловчи соғлиғи учун жавобгар ҳисобланади ва бу жавобгарлик айб мавжуд ёки йўқлигидан қатъи назар вужудга келади. Судлар Темир йўл устави, Ҳаво ва бошқа кодексларда кўзда тутилган шартномавий жавобгарлик нормаларини асосланган ҳолда қўлламадан, истеъмолчи ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилишидан келиб чиқувчи деликт жавобгарлик нормаларини қўллайдилар.

Фуқароларга маънавий зиён етказилиши мумкин бўлган яна бир шартномавий муносабат бу туризм соҳаси билан боғлиқ. Туризм деганда жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) тушунилади [14].

“Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида туристнинг ҳуқуқлари белгиланган. Улардан бири шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда моддий зарарнинг тўланиши, шунингдек маънавий зиённинг ўрни қопланишни талаб қилиши мумин. Томонлар ўртасида имзоланган шартнома шартлари эркин белгиланади. Шартномада томонлар транспорт хизмати кўрсатишни, яшаш, овқатлантириш, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, спорт дастурларини ташкил этишни, меҳмонхоналарни банд қилиш, ҳаво ва темир йўллари чипталарини сотиб олиш, туристларни олиб юриш учун транспорт ташкилотлари билан шартномалар тузиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олувчи ўзга мажбуриятлар назарда тутилиши

мумкин. Бундай мазмундаги шартнома тузишга ва туристик хизмат кўрсатишга белгиланган талабларга мувофиқ саёҳатларни ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасида фаолият олиб бориш учун лицензияга [15] эга бўлган юридик шахслар имзолашлари мумкин.

А.М.Эрделевскийнинг “туризм хизматлари кўрсатишда туристга етказилган маънавий зиённи қоплаш мумкинлиги унинг истеъмолчи деган мақоми билан белгиланади, агар қонун чиқарувчи туристга етказилган зарарни қоплаш имкониятини кўзда тутмаганида, у ҳолда бундай қоплашга бўлган ҳуқуқӣ фуқароларнинг кенг кўламдаги ҳуқуқӣ муносабатларини қамраб олувчи “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонундан келиб чиқар эди” деган фикрларига қўшилиш мумкин [16]. Ушбу фикрга қўшилишимизга сабаб, “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида туристга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахс деб таъриф берилган. У истеъмолчи сифатида туристик хизматлардан фойдаланиши мумкин.

Агар туристик хизмат кўрсатувчи ташкилот имзолаган шартнома шартларини бажармаса туристга етказилган маънавий зиённи қоплаши шарт. Турагент ёки туроператор турист олдида ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаслиги натижасида турист безовталиқ ва кўрқинч ҳисси, депрессия, кўнгли совиши, уят, камситилиши ва бошқа салбий руҳий кечинмаларни бошидан кечирishi ва яъни жазирама иссиқ ҳаво, юқори намлик, совуқ, тиқилнч ва тор хоналарда истиқомат қилишлари, сифатсиз егулик ва тартибсиз овқатланиш, шовқинли муҳитдаги уйқусизлик ва шу каби бошқа ноқулай шароитлардан келиб чиқувчи кўнгли айниши, оғриқ, нафас сиқилиши каби жисмоний азобланишларга дучор бўлишлари мумкин. Бундай азобланишлар қаторига жароҳат олинганидан кейинги оғриқларни, соғлиққа салбий таъсир қилувчи бошқа омилларни, шунингдек қайталаган ва кучайиб кетган касалликларни киритиш мумкин.

Туристик компаниянинг мижозга бевосита дам олиш сифати билан боғлиқ маълумотларни (масалан, иқлимий шароитлар, маршрут ва учил шароитлари) тақдим этмаслиги, меҳмонхона номерининг ёки бошқа белгиланган яшаш жойининг етарлича қулай бўлмаслиги, багажнинг йўқотилиши, саёҳат учун зарур бўлган ҳужжатларнинг (чипта, йўлланма, суғурта полиси ва ҳқ.) тақдим этилмаслиги, меҳмонхона, овқатланиш режими, умуман мамлакат ҳақида тўғри, батафсил ва тўлиқ маълумотлар, шунингдек хизмат сифатининг пасайиб кетиши ёки туристик компания ходимлари ёки таржимонларнинг одобсиз хулқ-атвори туристлар маънавий азобланишларига сабаб бўлиши ва маънавий зиён қопланишига олиб келиши мумкин.

Туристик компания ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаганлигини ёки тегишли тарзда бажармаганлигини шартноманинг маълум бандларига риоя қилинмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, меҳмонхона хизматлари учун ҳисобварақлар, номерларда яшаш нархлари кўрсатилган прайс-лист ва фотосуратлар билан исботлаш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш мумкин, юқорида кўриб ўтилган шартномавий муносабатлардан ташқари

жисмоний шахс томонидан тузилган ҳар қандай шартнома шартлари тегишли тартибда бажарилмасанга нафақат моддий зарар балки маънавий зиён ҳам етказилиши мумкин. Томонлар ўртасида имзоланаётган шартномаларда ўзаро келишувга асосан етказилган маънавий зиёни қоплаш миқдорини назарда тутувчи норма киритиш мумкин ва уни имзолувчилар ўз ихтиёрлари билан ижро этишлари мумкин. Агар шартномада бундай норма назарда тутилмаган бўлса фуқаро (жабрланувчи) ўзига етказилган маънавий зиёни суд орқали амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ундириб олиши мумкин. Бундай маънавий зиён жабрланувчига қонунда белгиланган тартибда қопланиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Насриев И. Маънавий зарар: назария ва амалиётдаги муаммолар. Адвокат ижтимоий-ҳуқуқий, ижтимоий-оммабоп журнал. 4-сон, 2017 й. 12-14 б.
2. И.Зокиров, О.Оқюлов, М.Баратов. Фуқаролик ҳуқуқи: саволлар ва жавоблар. -Т.: ТДЮИ. 2003. -87 бет.
3. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси", 1996 йил, 5-6-сон, 59-модда.
4. Договорное право. Книга первая: Общие положения / Брагинский М.И., Витрянский В.В. - М.: Статут, 2011. – Стр.: 632.
5. Марченко С.В. Компенсация морального вреда в Российской Федерации //Адвокатская практика. 2002. № 6.
6. Колоколов Н.А., Богдан В. Десять лет на страже потребителя // Юрист. 2006. № 9. С. 32.
7. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси", 1999 й., N 5, 118-модда.
8. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 й., N 43, 436 – модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 6-сон, 247-модда.
10. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 26-сон, 275-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, N 9, 174-модда.
12. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003 й., 11-сон, 108-модда.
13. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2015 йил 21 сентябрь, 37-сон, 487-модда.
14. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси", 1999 йил, 9-сон, 227-модда
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 06 апрелдаги 189-сон Қарори билан тасдиқланган "Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 10 апрель, 14-сон, 231-модда.
16. Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда. –М., БЕК. 2000. –С. 99.

О.А. Дадаходжаев,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

ТАШУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ СУБЪЕКТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектлари сифатида ташувчи, суғурталовчи, йўловчи, жабрланувчи ва наф олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суғуртанинг ушбу турида уларнинг ҳуқуқий ҳолати таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ташувчи, суғурта, суғурталовчи, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, суғурта субъектлари, йўловчи, наф олувчи, суғурта пули, суғурта товони, суғурта бадали, суғурта мукофоти.

Аннотация: в данной статье проанализированы права и обязанности страховщика, страхователя, пассажира, потерпевшего и выгодоприобретателя в качестве субъектов обязательного страхования гражданской ответственности пассажира, их правовой статус в рассматриваемом виде страхования.

Ключевые слова: перевозчик, страхование, страховщик, гражданско-правовая ответственность, субъекты страхования, пассажир, выгодоприобретатель, страховая сумма, страховой платеж, страховой полис, страховые выплаты.

Annotation: Article analyses the rights and obligations of the insurer, insurer, the passenger, the victim and the beneficiary as subjects of obligatory insurance of civil liability of the passenger, their legal status in the considered type of insurance.

Keywords: carrier, insurance, insurer, civil responsibility, subjects of insurance, passenger, beneficiary, insured sum, insurance payment, insurance policy, insurance payments.

Ҳуқуқий муносабат субъектлари унинг асосий элементларидан бири бўлиб, ўзининг эрки-иродаси билан ушбу муносабатга киришган, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиланган, улар доирасида ҳаракатланиши лозим бўлган шахслар ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳисобланадилар. Фуқаролик ҳуқуқида "шахслар" атамаси фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектларига хос бўлган умумий ва йиғма атама саналади. Шахслар сифатида фуқаролар (жисмоний шахслар), юридик шахслар ва давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси бўлишлари мумкин. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда қатнашар экан, шахслар ушбу муносабатнинг мазмунини ташкил этувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш ҳамда ўзлари учун субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар олишлари мумкин. Бу ҳолат шартномавий муносабатларда ҳам қўлланилади.

Суғурта шартномаларида ҳам суғурта ҳуқуқий муносабат субъектлари суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ҳисобланади. Албатта, бу ўринда суғурта фаолияти субъектлари ва муайян турдаги суғурта шартномаси субъектларини фарқлаш лозим. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддаси иккинчи қисмига кўра, суғурталовчилар, суғурта воситачилари, аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, шунингдек ассистанс суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидир [1].

Ушбу субъектлар суғурта бозорида фаолият олиб борадиган, ҳамда суғурта хизматларини ташкил этиш ва бевосита суғурта қилдирувчилар билан ҳуқуқий муносабатга киришувчи шахслар ҳисобланади. Бундан фарқли равишда суғуртанинг муайян турида, хусусан, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда субъектлар доираси нисбатан аниқ белгиланган ва ушбу субъектлар айна пайтда шу турдаги суғурта шартномасининг тарафлари ҳам ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси иккинчи қисмига биноан, ташувчи, суғурталовчи, йўловчи, жабрланувчи ва наф олувчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектларидир [2].

Ушбу нормада санаб ўтилган субъектларнинг ташувчини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашдаги иштироки ва уларнинг мақомини алоҳида ҳолда кўриб чиқамиз:

1. Ташувчи – ушбу шартнома бўйича суғурта қилдирувчи мақомига эга бўлган шахс ҳисобланади. Унинг ушбу муносабат субъекти сифатидаги тушунчаси мазкур Қонуннинг 3-моддаси сўнги бандида белгиланган. Унга кўра, ташувчи – шаҳар йўловчилар транспортида, темир йўл, ҳаво, автомобиль, дарё транспортида ва бошқа транспортда йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкни тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи ва бунинг учун махсус рухсатномага (лицензияга) эга бўлган юридик шахсдир [3].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари”нинг 6-бандида белгиланишича, ташувчи — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида автотранспорт воситасига эга бўлган, тижорат асосида йўловчилар, багаж ташиш хизматини кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик шахсдир [4].

Ўзбекистонда ташиш фаолиятини тартибга солиш тизимини мувофиқлаштириш ва бу борада йўловчиларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тизим яратилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Жумладан, ҳозирда мамлакатимизда “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги (1997 йил 25 апрель), “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги (1999 йил 15 апрель), “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги (1999 йил 19 август) қонунлар ва кўплаб қонуности ҳужжатлари амал қилмоқда.

Шу билан бирга, 2007 йилда Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ташкил этилган. Мазкур департамент Тошкент вилояти ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси бўлсада, лекин эксперимент тариқасида ташкил этилганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Департаментнинг асосий функция ва вазифалари қаторидан Тошкент вилояти ҳудудида йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини мувофиқлаштириш, йўналишлар тармоғини тартибга солиш ва мақбуллаштириш, шаҳарларда ва шаҳарлар атрофида йўловчилар ташиш фаолиятини лицензиялаш ҳуқуқи билан йўловчи ташиш бўйича буюртмачи функцияларини бажариш, шунингдек

Тошкент вилояти доирасида йўловчиларни шаҳарларда, шаҳарлар атрофида ва шаҳарлараро ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерларни ташкил этиш вазифаларини бажариш кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин [5].

Транспорт хизматлари кўрсатиш ижтимоий хизматлар ишлаб чиқариш соҳасида етакчи ўринни эгаллаб нафақат унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўзгариши, балки натурал кўринишдаги фаолият кўрсаткичларининг ўзгаришини ҳам таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки транспорт тизимининг ривожланиши иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқлари ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, унга ушбу тармоқлар томонидан юк ва йўловчилар ташиш ҳажми ҳамда сифатига қўйилувчи талаблар билан бир қаторда, соҳанинг ўз-ўзини ривожлантира олиш имкониятлари, яъни етарлича даромад олиши ва унинг ҳисобидан соҳага инвестициялар жалб қила олиш талаблари қўйилади. Ташиш тезлиги ва сифатининг ошиши, транспорт хизмати баҳосининг арзонлашуви транспорт-иқтисодиёт алоқалари ривожланишини рағбатлантиради, аҳоли ҳаракатчанлиги ва турмуш шароитининг яхшиланишига олиб келади [6].

Автомобил ва дарё транспорти агентлигининг маълумотига кўра, охириги 15 йил давомида республикаимизда фаолият кўрсатаётган йўловчи ташиш йўналишлари сони қарийиб 2322 тага ошиб, ҳозирги кунда 4326 тага етди. Уларнинг 995 таси шаҳар, 2712 таси шаҳар атрофи ва 619 таси шаҳарлараро йўналишларни ташкил этади.

Дарҳақиқат, автотранспорт воситалари мамлакат иқтисодиёти ва аҳолининг маданий ва моддий эҳтиёжларини қондиришида ўзига хос ўринга эга бўлиш билан бирга, улар ортиқча хавф манбаи ҳам ҳисобланадики, бу ҳол автотранспорт воситалари билан фуқароларнинг мол-мулки, ҳаёти ва соғлиғига, юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқларига кўплаб зарарлар етказилиши мумкинлигини англатади. Бинобарин, ортиқча хавф манбаи сифатида автотранспорт воситалари техник ривожланишнинг юқори даражасида ҳам инсон назорати остидан ташқарида бўлади ёки уларни тўлиқ назорат этишининг имкони бўлмади, шу сабабли автотранспорт воситаларининг инсон ҳаёти ва соғлиғи учун ёки моддий неъматлар учун катта зарар этиш хавфи юқоридир [7].

“Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, ташувчи ташиш пайтида йўловчининг ҳаёти ёки соғлиғига шикаст етказилганлиги учун, агар у шикаст жабрланувчининг қасди ёки енгиб бўлмас куч туфайли юз берганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади [8].

Фуқаролик кодекси ташувчи (автотранспорт воситаси) жавобгарлигига асос бўлган қуйидаги ҳолатларни санаб ўтади: ташувчининг транспорт воситаларини бермаганлиги (ФКнинг 719-моддаси), йўловчини жўнатиб юбориш кечиктирилганлиги (ФКнинг 720-моддаси), юк ёки багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ва уларга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) (ФКнинг 721-моддаси). Мазкур ҳолатларда ташувчининг жавобгарлиги транспорт уставлари ва кодексларида белгиланиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда йўловчи ташиш йўналишлари сонининг кўплиги ва унда кўплаб ташувчилар йўловчиларга хизмат кўрсатаётганлигини ҳисобга

олсак, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг ўрни ва аҳамият нечоғли юқори эканлигини кўрсатади. Шу боис ташувчи мақомига эга бўлган, яъни қонунчиликда белгиланган тегишли рухсат асосида ташиш хизматларини кўрсатаётган ҳар қандай шахс ташувчи сифатида ўзининг йўловчилар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш лозим.

2. Суғурталовчи – “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси биринчи қисмига кўра, тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс суғурталовчи деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган “Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги низомига асосан тегишли тартибда лицензияга эга бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтган шахслар суғурталовчи сифатида фаолият олиб боришлари мумкин.

“Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, суғурталовчи — тижорат ташкилоти бўлган, мажбурий суғурта қилишни амалга оширишга ҳақли юридик шахсдир.

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш фаолиятини амалга ошириш учун суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон қарори билан тасдиқланган “Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида”ги низомнинг 10-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сонли “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, мажбурий суғурталаш бўйича фаолият юритаётган суғурталовчиларнинг устав капиталининг энг оз миқдори 2014 йил 1 июлдан 3 миллион еврога ташкил этиш зарур.

Дарҳақиқат, жаҳон суғурта бозорининг глобаллашуви натижасида миллий суғурта ташкилотларининг ўз устав фондиди ошириш орқали суғурта майдонидаги ўрни мустаҳкамланиб бормоқда. Шунингдек, талабга жавоб бермайдиган, устав фонди кам бўлган суғурта ташкилотлари бирлашиб ягона суғурта ташкилотлари шакллана бошланди. Натижада суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиб борди.

1990–1999 йилларда жаҳон миқёсида қайта ташкил қилинган суғурта ташкилотларини бирлаштириш натижасида бирлашган суғурта ташкилотларининг товон пули 1,04 трлн. АҚШ долларидан ошиб кетди. Европа Иттифоқи доирасида эса 1957 йил мартда Рим шартномаси тузилиб, ушбу шартнома асосида иттифоқчилар ҳудудида ягона суғурта бозори ва ягона суғурта қонунчилиги шакллантирилди. Бу жараёндан кўзланган асосий мақсад қиймати жиҳатидан катта бўлган корхоналарни суғурталаш эди [9].

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, суғурталовчилар тегишли лицензия асосида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш лозим бўлган юридик шахслар сифатида фаолият олиб борадилар ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли турлича бўлиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган суғурта компанияларининг аксарияти ҳужалик жамиятларининг турли шаклларида фаолият олиб бораётганликларини кузатиш мумкин.

3. Йўловчи – ташувчининг хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахс ҳисобланади. Йўловчи ташиш шартномасига кўра ташувчи йўловчини белгиланган манзилга етказиб бориш вазифасини олади. Шунингдек, шартномада йўловчининг бағажини ушбу шартномани бажариш доирасида элтиб бериш мумкинлиги кўзда тутилади. Йўловчи ташиш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Бу ҳолатда шартнома тузилганлиги чипта ва бағаж паттаси билан гувоҳлантирилади. Шартноманинг ушбу тури ўз хусусиятига кўра оммавий ҳисобланишини таъкидлаш лозим [10].

4. Жабрланувчи ва наф олувчи. Жабрланувчи — соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган, суғурта товони олиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчи ҳисобланади, наф олувчи эса йўловчи суғурта ҳодисаси туфайли вафот этган тақдирда суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсдир.

Умуман олганда, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш субъектлари ушбу муносабатларда муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар, бунда ташувчи суғурта бадалини тўлаш мажбуриятини олса, суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурта товонини тўлашни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади. Йўловчи жабрланганда ўзига етказилган зарарни суғурта пули ҳисобидан қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси иккинчи қисми. // www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси иккинчи қисми. // www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддаси сўнгги банди. // www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш Қоидалари”нинг 6-банди. // www.lex.uz.
5. Тешабоев Ж. Ўзбекистонда йўловчиларни автомобиль транспортида ташиш соҳасидаги давлат бошқарувининг ислоҳ қилиниши, амалий натижалари ва такомиллаштириш масалалари // BIZNES - ЭКСПЕРТ. 04.03.2015 | Номер: №1(85)-2015.
6. Қодиров Т. Транспорт тизимининг ривожланиш ҳолати таҳлили ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини баҳолаш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. - 2014. -№ 1.
7. Ғайбуллаев А.И. Автотранспорт воситалари билан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари: юрид. фан. номз. дис. ... – Тошкент; 2012. – Б.4.

8. “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддаси. // www.lex.uz.

9. Холмахматов Э. Суғуртачиларнинг имкониятлари кенгаймоқда // www.vto.uz

10. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ. 2-жилд. – Тошкент: Baktria press, 2013. – 650 б.

У.М. Сайдахмедов,
Бўз туманлараро иқтисодий суди раиси в.б.

Б.Б.Худайбергенов,
ТДЮУ докторанти

БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: ушбу мақолада банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд амалиёти ўрганилган ва таҳлил қилинган. Шунингдек, банкротлик тўғрисидаги ишда суд фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: банкротлик, кредитор, қарздор, тўловга қобилиятсизлик

Аннотация: в статье анализируется практика по рассмотрению дел о банкротстве. Кроме этого, разработаны рекомендации, по совершенствованию деятельности суда в деле о банкротстве.

Ключевые слова: банкротство, кредитор, дебитор, неплатежеспособность

Annotation: this article examines and analyzes the practice of examining bankruptcy cases. In addition, recommendations have been developed related to the improvement of the court's activity in the bankruptcy case.

Keywords: bankruptcy, creditor, debtor, insolvency

Банкротлик тўғрисидаги ишда суднинг роли ўзига хослиги билан ажралиб туради. Суд иш қўзғатилгандан кейин қарздор тўлов қобилияти тикланиб, кредиторлар талаблари қаноатлантирилгунча ёки қарздор банкрот деб топилиб, давлат реестридан чиқарилгунга қадар барча таомилларни назорат қилиб боради. Суд бир иш доирасида иқтисодий, меҳнат, корпоратив низоларни кўриб чиқади, содир этилган маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгилайди.

Суд ўзи тайинлайдиган суд бошқарувчилари орқали банкротлик тўғрисидаги ишда қарздор мол-мулки бут сақланишини таъминлайди, кредиторлар манфаатлари тўқнашувини ҳал қилади ва кредиторлар талабларининг қаноатлантириш учун тегишли чораларни кўради. Агар банкротлик тўғрисидаги иш суднинг ваколатидан ташқарида амалга ошириладиган бўлса, қарздор мол-мулки кредиторлар томонидан адолатсиз эгалланиши, талабларни қаноатлантириш навбатига риоя этилмаслиги, ходимлар ва таъсисчилар (иштирокчилар)нинг ҳуқуқлари поймол этилиши, қарздор тўлов қобилияти тикланмасдан банкрот бўлиши каби салбий оқибатлар пайдо бўлиши табиий.

Бугунги кунда судлар томонидан банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2005 йилда 3603 та [1, 6-бет], 2007 йилда 4539 та, 2011 йилда 8910 та юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркор банкрот деб топилган [2, 12-бет]. 2017 йилда жами 11276 та банкротлик тўғрисидаги иш судлар томонидан кўриб чиқилган, шу ишлардан 11010 та ишда қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритиш таомили қўлланган, 6 та ишда келишув битими тузилган, 132 та ишда ариза рад қилинган, 34 ишда иш юритиш тугатилган [3].

Сўнгги беш йил ичида суд санацияси таомили жами 11 та ишда жорий этилган. Банкротлик тўғрисидаги ишларда суд санацияси таомилининг нисбатан кам

қўлланилаётганлигини қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар ва тўсиқлар билан изоҳлаш мумкин.

Суд санацияси қўлланган кам сонли ишларнинг аксариятида суд санацияси муддатидан олдин тугатилиб, қарздор банкрот деб топилган. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий суди томонидан 2016 йил 11 апрелда кўзгатилган 23-1606/3840-сонли банкротлик тўғрисидаги ишда кредиторлар йиғилиши қарздорни банкрот деб топиш ва унга нисбатан тугатишга доир иш юритиш таомилини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома тақдим қилиш ҳақида қарор қабул қилган бўлсада, суд кафиллик шартномаларига асосан ўзининг ташаббус билан суд санациясини жорий этган. Қўлланган суд санацияси ўзини оқламаган ва кейинчалик қарздор банкрот деб топилган.

Суд банкротлик тўғрисидаги ишда ҳолис ва мустақил бўлиб қатнашиши керак. Папе Г. таъкидлайдики, суд ишга қандайдир ташкилий жиҳатдан ҳалал бермаслиги лозим [4, 21-бет]. Степанов В.В. ёзадики, таомил йўналиши (тугатиш ёки тиклаш) иш юритишнинг барча иштирокчилари иродасига боғлиқ [5, 21-бет]. Суд кузатув таомилдан кейин кредиторларни четлаб ўтиб қарор қабул қилган тақдирда, уни реализация қилиш учун ҳаракатлантирувчи куч бўлмайди [6, 143-144 бетлар].

Кузатувдан кейин у ёки бу таомилни танлашда суднинг ташаббускорлиги ҳақидаги масала ниҳоятда баҳсли. Айрим олимлар таомилларни ўтказишда суднинг ташаббускор бўлишини ижобий ҳодиса деб ҳисоблаб туриб, бу банкротлик таомилларида қонун бузилишлар имкониятини бартараф этиши ва кузатувнинг мантиқан яқунланишига хизмат қилишини таъкидлашади [7, 189-бет]. Ҳақиқатдан ҳам, қонун бузилишларни бартараф этишда суднинг ўрни беқиёс. Бироқ таомилларни танлаш масаласини процесс иштирокчиларида қолдириш адолатлидир.

Судда кредиторлар йиғилиши қарорининг қонунийлиги кўриб чиқилиши мумкин. Агар зарурий фактларга аниқлик киритиш лозим бўлса (хабар бериш, овоз беришда иштирок этиш, овозлар сони), унда кредиторлар йиғилиши қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга мурожаат қилинади. Амалдаги қонунчиликка кўра, таомилларни танлаш масаласи дастлаб кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилишини ҳисобга олсак, суд кредиторлар иродасидан ташқарида банкротлик таомилини жорий эта олмайди, суд санацияси бундан мустасно.

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш иқтисодий суд томонидан кўриладиган алоҳида тартибдаги иш ҳисобланади. Унинг алоҳидалиги бир қатор вазиятларда намоён бўлади. Масалан:

- судга даъво аризаси эмас, ариза тақдим қилинади;
- судга ариза келиб тушгандан кейин уни беш кун ичида қабул қилиш масаласи ҳал қилинади, ўн кун ичида кузатув жорий этилади;
- ариза иш юритишга қабул қилингандан кейин икки ой (кузатув муддати) ичида кўриб чиқилади;
- ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича етти хилдаги ҳужжатлар қабул қилинади;
- суд бошқарувчилари фаолияти назорат қилинади ва бошқалар.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, судларда кўриладиган банкротлик тўғрисидаги ишларнинг кўриб чиқилиши, унинг алоҳида жиҳатлари юқорида санаб ўтилган бўлсада, бошқа турдаги ишларнинг кўриб чиқилишидан катта фарқ қилмайди. Катта фарқ

банкротлик тўғрисидаги ишни тайинлашдан тортиб, кредиторлар талаблари қаноатлантирилгунгача қўлланиладиган барча жараёнларда намоён бўлиши керак.

Банкротлик тўғрисидаги ишда икки ойдан кейин ҳал қилув қарорини қабул қилиш керакми деган савол пайдо бўлади. Йўқ, албатта. ИПКнинг суд муҳокамасини ўтказиш, суд томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар билан боғлиқ қоидаларини банкротлик тўғрисидаги ишга татбиқ қилиш масаласи ниҳоятда баҳсли. Бошқа турдаги ишларда бир марта ёки икки марта суд муҳокамасини ўтказиш орқали низони ҳал қилиш мумкин. Банкротлик тўғрисидаги иш доирасида бир неча бор суд муҳокамасини ўтказишга зарурат пайдо бўлади. Иштирокчилар ўртасида пайдо бўладиган келишмовчиликлар, қарзни узиш жадвалига ўзгартиш киритиш, суд бошқарувчисини алмаштириш, бир таомилдан иккинчи таомилга ўтиш масалалари суд мажлисида муҳокама қилинади. Банкротлик тўғрисидаги ишнинг мураккаблиги, узоқ давом этиши ва кредиторлар талабларини қондириш бирламчи аҳамиятга молик масала эканлигидан келиб чиқиб, Банкротлик тўғрисидаги қонуннинг 48-моддасидаги фақат бир марта бўладиган суд муҳокамасига тайёрлаш билан боғлиқ нормаларни чиқариш ва унинг ўрнига суд мажлисида кўриладиган барча масалаларга татбиқ этиладиган умумий қоида киритиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий суд банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд санациясини жорий этиши ёки уни муддатини узайтириш ҳақида ажрим қабул қилиши мумкин. Тегишли таомилнинг жорий этилиши ишни кўриб чиқиш натижаси эмас, унинг бошланишини аниқлатади. Шу ўринда банкротлик тўғрисидаги ишда қандай ҳужжатлар қабул қилинишини муҳокама қилиш, суд санациясининг бошланиши ва якуни бўйича қабул қилиниши лозим бўлган ҳужжатларга ойдинлик киритишга ёрдам беради.

Банкротлик тўғрисидаги Қонуннинг 50-моддасига кўра, суд банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича икки шаклдаги ҳужжат қабул қилади:

- қарор (қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш, қарздорни банкрот деб топишни рад этиш);
- ажрим (суд санациясини жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш, ташқи бошқарувни жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш, банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдириш, келишув битимини тасдиқлаш).

Қонунда фақат тугатишга доир иш юритиш таомили қўлланганда ва қарздорни банкрот деб топиш рад этилганда қарор, қолган барча ҳолатларда ажрим чиқарилади.

ИПКнинг 5-моддасига асосан биринчи инстанция судида ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинади. Иш мазмунан ҳал этилмасдан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари ажримлар шаклида бўлади. Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан иқтисодий суд кўрилган ишнинг якуни бўйича ҳал қилув қарори қабул қилади. Банкротлик тўғрисидаги иш доирасида якуний ҳужжат кузатувдан кейин қабул қилиниши мумкин эмас. Иқтисодий судлар амалиётида қарздор банкрот деб топилганда ва банкрот деб топиш рад этилганда қабул қилинадиган ҳужжат ҳал қилув қарори шаклида расмийлаштирилади.

Қозғоғистоннинг Республикасининг “Реабилитация ва банкротлик тўғрисида”ги Қонуни 55-моддасига кўра,

қарздор банкрот деб топилганда ҳам, реабилитация қилиш бошланганда ҳам қарор қабул қилинади. Шунингдек, банкротлик ва реабилитация якуни бўйича ҳам суд томонидан “қарор” шаклидаги ҳужжат чиқарилади.

Фикримизча, банкротлик тўғрисидаги ишда таомилларнинг бошланиши ва якуни бўйича алоҳида суд ҳужжатларини қабул қилиш мантиқан тўғри бўлади. Банкротлик тўғрисидаги иш доирасида якуний ҳал қилув қарорини қабул қилиш лозим бўлган босқични белгилаб олиш ниҳоятда муҳим. Қонун чиқарувчи қарздор банкрот деб топилганда ва банкрот деб топиш рад этилганда ҳал қилув қарори қабул қилиниши керак деб ҳисоблаган (гарчи банкротлик тўғрисидаги қонунда қарор деб кўрсатилган бўлсада). Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий мақсади кредиторлар талабларини тўлиқ ва адолатли қаноатлантириш экан, фақат қарздорнинг банкрот деб топилиши якуний босқич бўла олмайди. Чунки қарздорнинг банкрот деб топилиши узоқ давом этадиган жараённинг бошланганлигини билдиради. Кредиторлар талаблари қондириш банкротлик тўғрисидаги ишнинг ажралмас қисмидир. Кредиторлар талаблари тўлиқ қаноатлантирилганда ёки кредиторлар талабларини қаноатлантириш бўйича бажарилган тадбирлар натижа бермаганда банкротлик тўғрисидаги иш якунига етади ва шунда ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғри бўлади.

Шуларга асосан айтиш мумкинки, кузатувдан кейин тегишли таомилни жорий этиш бўйича ажрим қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Иш доирасида таомилни бошлаш ва унинг муддатини узайтириш ҳақида ажримлар таомил яқунланганда, яъни суд бошқарувчисининг якуний ҳисоботи суд томонидан тасдиқланганда ҳал қилув қарорларини қабул қилиш лозим. Ушбу механизмнинг амалга татбиқ қилиниши банкротлик тўғрисидаги ишларга нисбатан судьяларнинг масъулияти ошишига олиб келади, таомилларнинг кутилган даражада ўтказилишига хизмат қилади.

Юқорида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда, “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 50-моддасини қуйидагича баён қилиш таклиф этилади: “Банкротлик тўғрисидаги ишда қабул қилинадиган суд ҳужжатлари

Банкротлик тўғрисидаги ишда суд қуйидаги ажримларни қабул қилиши мумкин:

қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақидаги ажрим;

суд санациясини жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим;

ташқи бошқарувни жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш тўғрисидаги ажрим;

банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим;

банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим;

келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим.

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича иқтисодий суд қуйидаги суд ҳужжатларидан бирини қабул қилади:

суд санациясини тамомлаш ҳақидаги ҳал қилув қарор;

ташқи бошқарувни тамомлаш ҳақидаги ҳал қилув қарор;

тугатишга доир иш юритишни тамомлаш ҳақидаги ҳал қилув қарор;

банкротлик тўғрисидаги ишда талабни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарор.

Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, дарҳол ижро этилиши лозим. Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатининг кўчирма нусхаси суд томонидан дарҳол қарздорнинг турган жойидаги (яшаш жойидаги) давлат ижрочисига юборилади.”

Юқоридагиларга асосан, суд томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларга аниқлик киритиш, таомилни танлашда суднинг ваколатларини камайитириш, бир марталик суд муҳокамаси билан боғлиқ қоидаларни қонунчиликдан чиқариш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Лопева Н.В. Правовые последствия признания юридического лица банкротом: дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: 2006. – С. 6.

2. Ибратова Ф.Б. Айрим тоифадаги қарздорлар банкротлигининг ҳуқуқий муаммолари. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2012. – Б. 12.

3. Тошкент давлат юридик университетининг 2017 йил 24 октябрдаги №09/1984-28-сон хати асосида Ўзбекистон Республикаси Олий судидан олинган статистик маълумот.

4. Папе Герхард. Институт несостоятельности: общие проблемы и особенности правового регулирования в Германии. Комментарии к действующему законодательству. / Пер. с нем. – М.: Издательство БЕК, 2002. С. 21.

5. Степанов В.В. Несостоятельность (банкротство) в России, Франции, Англии, Германии. – М.: «Статут», 1999. С. 21.

6. Ўша ерда. С. 143-144.

7. Комментарий к федеральному закону о несостоятельности (банкротстве) / Под. Ред. Проф. Залеского В.В. – М.: Издание г-на Тихомирова М.Ю., 2003. С. 189.

И.Джураев,
ТДЮУ бошқарма бошлиғи,
юридик фанлар номзоди

РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: В статье были проанализированы научные и теоретические основы координации органами прокуратуры деятельности правоохранительных органов по предупреждению преступлений на основании опыта зарубежных стран.

Ключевые слова: координация, прокуратура, предупреждение, преступление, зарубежные страны.

Аннотация: Мақолада хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида прокуратура органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятларни олдини олиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришнинг илмий ва назарий асослари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: координация, прокуратура, олдини олиш, жиноят, хорижий мамлакатлар.

Annotation: Article analysis scientific and theoretical bases of coordination by bodies of prosecutor's office of activities of law enforcement agencies for prevention of crimes on the basis of experience of foreign countries.

Keywords: coordination, prosecutor's office, prevention, crime, foreign countries.

Жаҳон тажрибасининг қиёсий таҳлили кўрсатишича, ҳозирги вақтда дунёда прокуратуранинг икки асосий модели: а) прокуратура жиноят-ҳуқуқий таъқиб органи сифатида; б) прокуратура қонунийликни назорат қилиш органи сифатида майдонга чиқадиган моделлари қарор топган.

Биринчи моделга роман-герман ҳуқуқий оиласига кирувчи мамлакатларнинг мутлақ кўпчилигида амал қилинади. Унга кўп жиҳатдан АҚШнинг атторнейлик хизмати институти ҳам мос келади. Мазкур мамлакатларда прокуратура одатда жиноий қилмиш содир этган шахсларни жиноий-ҳуқуқий таъқиб этиш, судда ошқора айбловни қувватлаш, шунингдек жиноятларни дастлабки тергов қилиш ва шахсларни озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақлашнинг қонунийлигини назорат қилиш функцияларига эга бўлган органдир.

Иккинчи модель моҳиятига кўра, прокуратуранинг назорат функцияларидан бошқа вазифаларни ҳам (жиноий-ҳуқуқий таъқиб, терговга процессуал раҳбарлик қилиш, судда айбловни қувватлаш ва ҳоказолар) амалга оширувчи кўп функцияли орган сифатида намоён бўлади (ХХР, КХДР, Куба, Вьетнам, қатор МДХ давлатлари).

Аксарият ғарб давлатларида прокуратуранинг назорат функциялари йўқлигини айрим ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар ривожланган мамлакатларда ҳуқуқ, ҳуқуқий маданиятнинг жамият ва давлатнинг барча тузилмаларида қарор топганлиги билан изоҳлайдилар. Гўё ушбу мамлакатларда фуқаролик жамияти аллақачон яратилган, унинг ўзини ўзи тартибга солувчи мурувватлари, жумладан барқарор ҳамда барча муҳим ҳодисаларни камраб олувчи қонунлари шаклланиб улгурган, қонунга ҳурмат ва унинг олдидаги

масъулият каби ҳуқуқий аънаналарга амал қилинмоқда [25, 34-с].

Айни вақтда бир қатор давлатларда прокуратуранинг назорат вазифалари мавжудлигини уларда ҳуқуқий маданият ва қонунга итоаткорлик даражасининг пастлиги, ҳуқуқий нигилизмнинг юқорилиги, демократик жамият аънаналарининг суст ривожланганлиги билан тушунтирилади.

Фикримизча, бунинг сабабларини объектив жиҳатга эга бўлган анча чуқур тарихий ва маданий фарқлардан излаш керак. Мазкур ўринда муайян қонуният кўзга ташланади: агар бирор мамлакатда “кучли” давлат аънаналари, “ижтимоий масъулият” қанчалик ривожланган бўлса, прокуратуранинг функциялари шунчалик кенг, давлат институтлари тизимидаги аҳамияти юқори бўлади. Бироқ маълумки, кенг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш хусусий айблов, суд назорати каби аънаналарга эга бўлган. У ерда прокуратура институтининг мавжуд бўлишига эҳтиёж туғилмаган. Ҳозир унинг вазифасини Оммавий таъқиб хизмати муваффақиятли бажармоқда [7, 17-с].

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат ҳокимиятининг мавқеи масаласи Европа қитъасида доимо Британия оролларидагига қараганда анча юқори аҳамиятга эга бўлган. Қитъа давлатлари жиноят-ҳуқуқий таъқиб функциясининг Англияда бўлгани каби адвокатлар томонидан бажарилишини ўзига муносиб кўрмаган. Бироқ Ғарбий Европа мамлакатларида давлат ҳокимияти (аввал қирол, сўнгра ижроия ҳокимияти) хусусий манфаатлар соҳасига фаол аралашушга ҳеч қачон журъат этмаган. Хусусий шахслар ҳуқуқларининг ҳимоясини анча кучли ва обрўли судлар таъминлаган. Яна бир хусусият шундаки, XIX асрга қадар деярли барча Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларига партикуляризм (норасмийлик, давлатдан мустақиллик) хос бўлган. Кўп ҳолларда ҳар бир шаҳар ва ҳар бир қишлоқ округи ўзининг мустақил ҳуқуқига (қонунларига) эга бўлган. Бундай шароитда “қонунийликни умумий назорат қилиш” ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин бўлмаган.

Шунга қарамадан, худудийлик усулининг (*grab rule*) асосий мақсади миллий жараёнлар, миллий қонунлар ва миллий кредиторларни ҳуқуқларини қиймат қилишдан иборат [6]. Банкротлик институтининг алоҳида бир давлатнинг миллий ҳуқуқ тизимидаги энг аҳамиятли жиҳати, ушбу соҳанинг аксарият ҳолларда чет эл юрисдикцияси билан мураккаблашиш эҳтимолининг юқорилигида намоён бўлади.

Худудийлик усулини ўз қонунларида қатъий мустақамлаб унга амал қилиб келаётган давлат сифатида Японияни мисол келтириш мумкин. Мазкур давлатнинг миллий қонунчилиги тўғридан-тўғри қуйидаги икки қонун мустақамлайди: биринчидан, Япония давлатида очилган банкротлик жараёни, қарздорнинг фақат Япония давлати ҳудудида жойлашган мол-мулкка нисбатан татбиқ этилади; иккинчидан, чет эл давлати ҳудудида очилган банкротлик иши Япония давлати ҳудудида жойлашган мол-мулкка нисбатан татбиқ этилмайди [7].

Шу билан бир қаторда, худудийлик усулини қўллашнинг айрим ижобий жиҳатлари ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, биринчи навбатда, ушбу давлат кредиторлари эътиборини юқори даражада ўзига тортади, чунки қарздорнинг банкротлик ҳолати вужудга келганда уларга берилган имтиёзлар чет эл кредиторлариники билан таққосланганда кўпроқ бўлганлиги сабабли, уларга анча паст қийматдаги кредит таклиф қилиниши мумкин [4]. Ҳақиқатан ҳам, бу инвестицион муҳитдаги имкониятлар қарздорнинг чет эл кредиторларига зарар етказиши, чунки мазкур вазиятда бундай қарздор ўз давлатига янги кредиторларни жалб қилгунча қадар ўзининг миллий кредиторларига эга бўлган бўлса, банкротлик вазиятида амал қилаётган худудийлик усули, автоматик равишда дастлабки кредиторлар ҳуқуқларини биринчи навбатда таъминланишини назарда тутати.

Трансчегаравий банкротликка оид муносабатларни тартибга солишнинг иккинчи таянч усули (назария, принцип, модель) бу, аънанавий равишда банкротликка доир ягона иш юритуви усули (*the principle of the unity of bankruptcy*) деб номланиб, у қоида тартибда қарздорни бошқа юрисдикциялар томонидан тан олинадиган талаблар асосида тижорат фаолиятини олиб бораётган жойда банкрот деб топишга доир фақатгина ягона иш юритуши амалга ошириш мумкинлигини назарда тутати [8]. Мазкур тизимда асосий бошқарув маркази чет элда жойлашган компаниянинг бўлинмаларига нисбатан банкротлик ишини алоҳида кўришни талаб қилишнинг имкони бўлмайди [2]. Ягона иш юритуви усули (универсаллик) банкротлик ишини кўришни ягоналик таълимотига (*single entity doctrine*) асосланади. Бу таълимотга кўра, қарздорга нисбатан унга тегишли бўлган барча мол-мулк қаерда жойлашганидан қатъи назар, миллий суд томонидан очилган банкротлик иши билан қамраб олинди, барча кредиторлар қаерда жойлашганидан қатъий назар ўз талабларини мазкур иш доирасида билдирадилар [2].

Ягона иш юритуви усули банкротлик жараёнининг бошқа универсаллик усули (*universality*) билан ҳамбарчас боғлиқдир. Чунки универсаллик усулида ҳам агар қарздор бўйсунадиган юрисдикция аниқланган бўлса, банкротлик тўғрисидаги қарор тўловга қобилиятсиз қарздорнинг мол-мулклари ва бўлинмалари жойлашган бошқа давлатлар ҳудудида бирон-бир қўшимча (банкрот деб) тан олишларсиз

кўчга эга бўлади. Шундай қилиб, бир томондан чет эл элементи билан мураккаблашган банкротлик ишини кўриш жараёнида миллий судни ваколати сезиларли даражада ортади. Унинг ваколатлари доирасига қуйидагилар киради:

– банкротлик жараёнини кўришнинг барча масалалари (кредиторлар талабларини ва уларнинг қарздорлари эътирозларининг асослигини кўриб чиқиш, тугатувчи бошқарувчини тайинлаш ва б.);

– аниқ бир банкротлик иши билан боғлиқ ҳолда вужудга келмайдиган, бироқ уни кўриб чиқиш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган низоларни кўриш (жараён билан боғлиқ битимни ҳақиқий эмас деб топиш; бошқарувчининг ҳаракатларидан шикоят қилиш; қарздорни банкрот бўлишига сабабчи бўлган масъул шахсни субсидиар жавобгар сифатида ишга жалб қилиш тўғрисидаги талабни кўриш ва б.);

– жараёндан қўзланган мақсадга эришиш мақсадида вужудга келадиган, низоларни табиатига кўра алоҳидалиги [5, 48-49-бетлар.]. Бошқа томондан, банкротлик жараёнидаги универсаллик усулида қарор учинчи давлатлар томонидан (кредиторлар давлатида, қарздорнинг мол-мулки жойлашган давлатда ва банкротлик жараёнини кўришда тўзиладиган шартномаларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тегишли бўлган давлатда) тан олинishi фараз қилинади. Бундай фараз қилинишига сабаб, биринчидан, банкротлик ишини очган суднинг халқаро юрисдикцияга эга эканлиги, иккинчидан, мазкур жараён доирасида чиқарилган қарорларнинг юридик кучи, ҳар қандай бошқа юрисдикциялар томонидан тан олинishi, учинчидан, ўз ҳудудида чет эл ҳуқуқини қўллаш имконини беришидир.

Шундай қилиб, ягона иш юритув (универсаллик) усули муҳим белгиларининг соф кўринишлари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, қарздорга нисбатан фақат битта банкротлик жараёнини олиб борилиши :

иккинчидан, қарздорга нисбатан параллел ва қўшимча жараёнларни олиб борилишига йўл қўйилмаслиги;

учинчидан, жараёнга жойлашган жойидан қатъий назар қарздорнинг барча мол-мулклари жалб қилиниши;

тўртинчидан, чет эл элементи билан мураккаблашган банкротлик ишини тартибга солишда миллий қонунчилик билан бир қаторда халқаро манбалар ҳам тан олинishi.

Адабиётларда ягона иш юритув усулининг афзалликлари билан бир қаторда айрим камчиликлари ҳам мавжудлиги қайд этилган [9]. Хусусан, ягона иш юритуви усулининг энг асосий муаммоларидан бири унинг амалиётга жорий қилишнинг ниҳоятда қийинлиги билан тавсифланади. Чунки, чет эл рақобат ҳуқуқи асосидаги чет эл банкротлик жараёни юзасидан чиқарилган чет эл суди қарорини ўз ҳудудида тан олинishiга йўл қўядиган давлат, амалда ўзининг суверенитетининг бир қисмидан воз кечиш, ўз суверен ҳокимиятининг мухторлиги тамойили асосида муносабатга киришади. Шу боис, универсаллик (ягона иш юритув) усулини амалиётда қўлланилишини таъминлаш учун давлатлар ўртасида ўзаро юқори даражадаги ишонч ва банкротлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган тизимларнинг ўзаро яқин бўлиши талаб қилинади. Бироқ, В.Степановнинг фикрига кўра, амалиётда трансчегаравий банкротликка оид ишларни кўришда

универсаллик усулини тўлиқ қўллаш учун давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий ишонч даражаси етарли эмас [10].

В.Кулешов бу муаммоли вазиятни бартараф этишнинг йўли деб, илгари сурилаётган ечимлар ичида энг мақбули бу, давлатлар ўртасида тегишли халқаро келишувларни тузилишига эришиш лозим деб кўрсатади [5].

Ягона иш юритув усулининг асослари ХХ асрнинг бошлариданоқ яратила бошланган бўлиб, халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича 1902–1904 йилларда бўлиб ўтган Гаага конференциясида банкротлик тўғрисидаги конвенция лойиҳасини ишлаб чиқилиши режалаштирилган эди. Конвенцияни кўп томонлама шартнома сифатида қабул қилиниши назарда тутилмаган эди. У алоҳида давлатлар ўртасида тузиладиган икки томонлама битимлар ёки бир томонлама шартномалар учун намуна сифатида хизмат қилиши лозим бўлган [11].

Бу соҳада халқаро келишувларни тузиш учун қилинган ҳаракатлар сони кўп бўлса-да, бироқ ўзининг таъсир доирасига кўра нисбатан кўп ҳудудни қамраб олган кўп томонлама шартномаларга Лотин Америкасининг 1933 йилдаги Банкротлик масалалари бўйича Скандинавия конвенцияси ва Монтевидео ва Бустанманте конвенцияларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин [12]. Хусусан, Филип Р.Вуднинг таъкидлашича, Банкротлик масалалари бўйича Скандинавия конвенцияси банкротликка оид қонунчилик тизимлари алоҳида бўлган давлатларни, шу тоифадаги ишларни ҳал қилиш йўлида бирлаштирувчи энг мақбул ҳужжат сифатида мисол бўла олади [9].

Мазкур соҳадаги халқаро шартномаларни тузишдан қўзланган асосий мақсад бир давлат ташкилотининг иккинчи давлат ҳудудида банкрот деб топиш билан боғлиқ муносабатларда кредитор ва қарздорларни ҳуқуқларини тенг таъминланишини кафолатлашдан иборат. Чунки халқаро шартномалар тузишда ҳар бир давлатнинг тенг ҳуқуқлиги ва мустақиллигини ҳурмат қилиш тамойилига амал қилинади [13].

Бугунги кунда ҳудудийлик усули ва ягона иш юритув усули ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишнинг энг кўп тарқалган йўли бу, уларни ўзаро бирикиши ҳисобланади. Ягона иш юритув (универсаллик) ва ҳудудийлик усуллари соф ҳолатда, трансчегаравий банкротликни тартибга солиш зарурати вужудга келганда, айниқса давлатларда банкротлик соҳасидаги қонунчиликни шакллантиришга йўналтирилган амалиётда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашда намоён бўлади. Фласчен Эван бу масалада “трансчегаравий банкротликни тартибга солиш механизмини яратиш учун ягона иш юритув ва параллел ҳудудий иш юритиш кўрсаткичларининг аҳамиятли элементларини бирлаштириш талаб этилиши лозимлиги”ни айтиб ўтган [14]. Ҳозирги кунда ушбу тажриба амалиётда кенг қўлланиб келинмоқда. Чет эл элементи иштирок этган банкротлик муносабатларини, шу тартибда кўриб чиқилишини тартибга солиш тизими амалиётда “юмшатирилган универсаллик” деб ном олган. Улар қоида тариқасида, (мисол учун) қарздорни бош офиси жойлашган бир давлатда очилган банкротлик тўғрисидаги асосий иш билан бир қаторда, қарздорни чет элда жойлашган бўлинмалари ёки мол-мулклари юзасидан алоҳида (иккинчи даражали) банкротлик ишини олиб бориш имконини беради. Шундай қилиб, маҳаллий иш юритув асосий иш юритувга нисбатан ёрдам бериш хусусиятига эга бўлади. Ҳудудийлик ва универсаллик

усулини аралашуви миллий даражада қандай содир бўлса, халқаро даражада ҳам худди шундай содир бўлади. Трансчегаравий банкротликни тартибга солинишини аралаш кўриниши АҚШнинг трансчегаравий банкротликка оид қонунчилигида яққол акс этган. Яна мисол тариқасида халқаро манбалардан ЕИнинг банкротликка оид ишларни юритиш тўғрисидаги №1346/2000 Регламентини келтириш мумкин [15].

Келажакда миллий қонунчилигимизнинг халқаро хусусий ҳуқуққа оид қонунчиликни ва рақобат қонунчилигини такомиллаштирилиши, шубҳасиз трансчегаравий банкротлик масалаларини тартибга солишга қаратилган нормаларни ҳам ишлаб чиқилишини талаб қилади. Шу боис трансчегаравий банкротликка оид ишларни кўриб ҳал қилишга доир миллий қонунчилигимизни яратиш ва такомиллаштиришда энг самарали усулни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, мазкур соҳадаги Ўзбекистон Республикасининг банкротликка доир ички қонунчилигида ягона иш юритув ва ҳудудийлик усулининг аралашган кўринишини танлаш нисбатан мақбул усул бўлиши мумкин. Шунингдек, қонунчиликда алоҳида ҳолларда халқаро шартномалар мавжуд бўлган тақдирда универсаллик усулининг қўлланилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилиши лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. Lore Unt. International Relations and International Insolvency Cooperation: Liberalism, Institutionalism and Transnational Legal Dialogue // Law and Policy in International Business. – 1997. – P.75.
2. Devos D. Specific Cross-Border Problems Regarding Bank Insolvencies and European Harmonization Efforts // International Bank Insolvencies - A Central Bank Perspective. – 1999. – P. 311.
3. Westbrook Jay Lawrence. Choice of avoidance Law in Global Insolvencies. 17 Brook. J. Int'l – L., 1991. – P. 499, 516.
4. Lucian Arye Bebchuk, Andrew T. Guzman. An Economic Analysis of Transnational Bankruptcies. NBER Working Paper 6521. April 1998. – P. 4. <http://www.nber.org/papers/w6521>.
5. Кулешов В.В. Унификационные тенденции правового регулирования несостоятельности (банкротства) в странах Европейского союза. Дис. ... канд. наук. М., 2002. – С. 83.
6. Westbrook Jay Lawrence. Choice of avoidance Law in Global Insolvencies. 17 Brook. J. Int'l L. 1991. – P. 514.
7. Shoichi Tagashira. Intraterritorial Effect of Foreign Insolvency Proceedings: An Analysis of "Ancillary" Proceedings in the United States and Japan. 29 Tex. Int'l LJ (1994). – P. 1, 6 – 9.
8. Trautman Donald T., Westbrook Jay Lawrence, and Gaillard Emmanuel. Four Models for International Bankruptcy // The American Journal of Comparative Law. 1993. Vol. 41. – P. 575 – 576.
9. Philip R Wood. Principles of International Insolvency. L., 1995. P. 228.
10. Степанов В.В. Правовые системы регулирования банкротства. Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1998. – С. 194.
11. Ануфриева Л.П. Международное частное право. В 3-х т. Т.3. – М., 2001. – С. 24.

12. Nierop E., Stenstrom M. Cross-Border Aspects of Insolvency Proceedings for Credit Institutions - a Legal Perspective // International Seminar on Legal and Regulatory Aspects of Financial Stability. Basel. 2002. – P. 6.

13. Олий ўқув юртлари учун дарслик \\\\ Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва бошқ. Халқаро хусусий ҳуқуқ. / Ҳ.Б.Бобоев, М.Х.Рустамбоев, О.Оқюлов, А.Р.Раҳмановларнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002. – Б.27.

14. Flaschen D. Evan. The Role of the Examiner as Facilitator and Harmonizer in the Maxwell Communication Corporation International Insolvency. Current Developments in International and Comparative Insolvency Law. – Oxford, 1994. – P. 621.

15. Кулешов В. Банкротство по нормам Европейского союза, // Бизнес-адвокат. – 2001. – № 11. – С. 25 – 31.

А.Якубов,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ МИСОЛИДА

Аннотация: В статье были проанализированы вопросы правового регулирования внешнеэкономической деятельности в соответствии с законодательством Республики Узбекистан и Южной Кореи.

Ключевые слова: внешнеэкономическая деятельность, право, законодательство, экономика.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея қонунчилиги асосида ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ташқи иқтисодий фаолият, ҳуқуқ, қонунчилик, иқтисодиёт.

Annotation: Article analysis legal regulation of foreign economic activity according to the legislation of the Republic of Uzbekistan and South Korea.

Keywords: foreign economic activity, right, legislation, economy.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқи савдо соҳасидаги ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги, мавжуд қонунчилик тизимни “ёпиқ иқтисодиёт” қобиғи аторофида шаклланганлиги, ташқи савдо бўйича тажрибанинг етарли эмаслиги, экспорт инфратузилмасининг ривожланмаганлиги ва бошқа бир қатор омиллар туфайли маҳсулотлар экспортини амалга оширишда муайян камчиликларга йўл қўйилди. Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимиз ҳукумати томонидан ташқи савдо фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, жумладан, ташқи савдо соҳасида мослашувчан экспорт сиёсати юритила бошланди. Бу ислохот интенсив маркетинг сиёсатини юритиш, молиялаштиришнинг муқобил манбаларини танлаш, маҳсулот экспорти жўғрофиясини кенгайтиришга қаратилди. Муҳими бугунги кунга қадар ташқи савдо фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи тизим яратилди ва у ижтимоий муносабатлар ривожланишига мутаносиб равишда такомиллашлатириб борилмоқда.

Бу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги “Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–2613-сон Фармони ўз даври учун экспортини янада рағбатлантиришнинг энг мақбул ечими сифатида эътироф этилган.

Ушбу Фармонга мувофиқ экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, уларни мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, амалдаги солиқ имтиёзларини тартибга солиш ва экспортга мўлжалланган рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шундай имтиёзларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида экспорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектларга бир қатор имтиёзлар жорий қилинган.

Хусусан, экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғини тўлаш тартиби умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товарлар, ишлар, хизматлар экспортидаги (ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган жойдан қатъи назар) улушига боғлиқ ҳолда экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида — белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 30 фоизга камайтириш, экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида — белгиланган фойда солиғи ва мулк солиғи ставкалари 50 фоизга камайтирилиши назарда тутилган.

2017 йилнинг 22 – 25 ноябрь кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.

Ушбу ташриф якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма баёнотни имзолади. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Корея Республикаси Инсон ресурсларини бошқариш вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми, икки мамлакат адлия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми, Ўзбекистон Ташқи савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирликлари ўртасида Ўзбекистонда Миллий электрон савдо платформасини жорий қилиш бўйича ҳамкорлик битими, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларо меморандум, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2018–2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан Корея Стратегия ва молия вазирлиги ўртасида билимлар алмашинув дастури бўйича англашув меморандуми, 2018–2020 йилларда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси кредитлари бўйича ҳукуматларо ҳадли келишув ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди билан Корея экспорт-импорт банки ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисида келишув каби олтимдан ортиқ муҳим ҳужжат имзоланди [11].

Шу жиҳатдан мазкур мақолада мамлакатимизнинг стратегик шерикларидан бири бўлган, иқтисодиёти ривожланган Жанубий Корея Республиксининг ташқи савдо фаолияти соҳасида эришган натижалари таҳлил қилинади ҳамда ташқи савдо масалаларида солиқ имтиёзларидан ташқари давлатнинг бошқа альтернатив қўллаб-қувватлаши натижасида халқаро савдони ривожлантириш механизми кўриб чиқилади.

Корея республикасининг иқтисодиёти энг тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва кучли давлатлардан бири бўлиб, у ҳозирда ЯИМнинг номинал қиймати бўйича Осиё – Тинч океани минтақасида 4-ўринни, дунёда эса 10-ўринни эгалламоқда. Жанубий Корея иқтисодиётининг тез суръатлар билан ўсиши XX асрнинг 60-йилларида мамлакат ҳукумати томонидан “Мамлакатни ривожлантиришнинг биринчи 5-йиллик Режаси” (1962 – 1967) қабул қилиниши билан бошланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармонини ҳам дунёнинг ривожланган мамлакатлари, хусусан, Жанубий Корея

тажрибасида ўзини оқлаган, самарали ютуқлари билан илғор хорижий тажрибага айланган йўл сифатида баҳолаш мумкин.

Аммо ушбу Фармонинг бошқа илғор хорижий тажрибалардан устунлиги шундаки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида нафақат мамлакатнинг иқтисодий солоҳиятини, балки давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда ҳуқуқ ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сўбат соҳасидаги устувор йўналишларда туб ислоҳотларни амалга оширилиши белгилаб берилганлиги мамлакатни комплекс ислоҳ қилиш мақсад қилинганлигини аниқлатади [3].

Кореяда шу вақтдан бошлаб сўнгги 35 йил мобайнида мамлакат иқтисодиёти тубдан ислоҳ қилинган ва унинг ўсиш суръатлари йилига ўртача 9% ни ташкил қилган. Бунда асосий урғу қишлоқ хўжалик соҳасидан кўп тармоқли оғир саноат соҳасини ва юқори технологияли электротехникани ривожлантиришга қаратилган. Мазкур давр оралиғида ялпи миллий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши 1963 йилдаги 100 АҚШ долларидан 2008 йилгача 20 000 АҚШ долларигача ўсган [8, 34-с].

Корея Республикаси икки авлод алмашинувидан камроқ вақт оралиғида кemasозлик, автомобилсозлик соҳасида, яримўтказгичлар ва электротехника ишлаб чиқариш соҳасида дунёда етакчилардан бирига айланди. Бундан ташқари, дунёдаги кучли ахборот технологияларни ривожлантириш маркази сифатида танилди.

1. Ташқи савдони тартибга солиниши

Корея Республикаси ташқи савдо ҳажмини ўсиши 60-йилларда иқтисодиётни ривожлантиришни экспорт стратегиясига ўтиши билан бошланган.

Экспорт қилувчиларни рағбатлантириш ташқи бозор учун фаолият олиб борадиган йирик компанияларни қўллаб-қувватлашда намоён бўлган. Шу сабабли ҳам экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда Жанубий Корея бизнесининг етакчилари бошқа тижорат соҳалари билан солиштирганда бир мунча имтиёзларга эга бўлганлар.

Сўнгги 30 йил давомида Корея Республикаси йилига ўртача 22,4% ўсишни қайд этган натижа билан экспортни ўсиш суратлари бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Дунё экспортида Жанубий Кореянинг улуши 293,8 млрд. АҚШ доллар билан 2.6% фоизни, жами ташқи савдо ҳажми 532,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғидир.

Корея Республикасининг асосий савдо шериклари, умумий ташқи савдо оборотида юқори улушлар билан АҚШ, Япония, Хитой, Гонконг ва Тайвань давлатлари саналади. Корея экспортида товар сифатида асосан яримўтказгичлар, автомобиллар, компьютер ва уяли алоқа воситалари ҳамда юк ташувчи сув кемалари савдоси устунлик қилади. Юқоридаги маҳсулотларнинг барчаси асосан ташқи бозор учун ишлаб чиқарилган.

Ишлаб чиқарилган автомобилларнинг тахминан ярми, сув кемаларининг эса ҳаммаси четга сотилади. Импорт бўйича эса мамлакатга олиб қириладиган товарлар хомашё ва технологиялар ҳиссасига тўғри келади.

Кореяда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда давлатнинг аралашуви минимал даражада ўрнатилган. Агарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот мамлакатнинг иқтисодиёти ёки муҳофаа салоҳиятига таҳдид қилмаса, шунингдек халқаро экспорт назорати ва лицензия олиши талаб қиладиган фаолият билан боғлиқ бўлмаса, ушбу фаолият билан шуғулланишга жиддий чекловлар татбиқ этилмайди.

Ҳар йили “Экспорт ёки импорт қилишга мўлжалланган стратегик аҳамиятга эга маҳсулотлар рўйхати тўғрисида оммавий хабарнома” чоп этиб борилади ва унда қайси турдаги маҳсулотларга нисбатан чекловлар мавжудлиги эълон қилиб борилади. Мазкур маълумотлар инглиз тилида бўлиб, барча эркин танишиб чиқиши учун очиқ сайтга жойлаштириб борилади [12].

Бугунги кунда Республикамизда ушбу масала ҳукумат қарори орқали тартибга солиниб, маълум бир давр ўзгаришига таяниб қолинганлиги бозор муносабатлари доирасидаги ўзгаришларга муносиб ҳисобланмайди, назаримизда.

Ўзбекистонда ҳам стратегик аҳамиятдаги товарларни экспорт, импорт қилишдаги оммавий оғоҳлантириш, маълум қилиш тизимини йўлга қўйиш бу соҳада шаффофликни таъминлайди. Бундан ташқари, “хуфёна иқтисодиёт”нинг олдини олиш, мамлакат инвестиция жозибадорлигини янада оширилишига хизмат қилади. Бу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг расмий веб-сайтга жойлаштириб бориш тавсия этилади.

2018 йил 1 январь ҳолатига Корея Республикаси томонидан 21 турдаги импорт товарларига “тўғирланадиган (корректирующих) божхона тўловлари” миқдори ўрнатилган, 43-турдаги маҳсулотларга нисбатан квоталаш, 1074 турдаги маҳсулотларга нисбатан эса экспорт назоратига тушадиган товарлар рўйхатига кўра тарифсиз чекланадиган товарлар қоидалари татбиқ этилади.

Бутунжаҳон савдо ташкилоти олдидаги мажбуриятлар доирасида ҳимоя чорлари тўғрисидаги Келишувга мувофиқ экспорт қилинадиган 778 турдаги маҳсулот рўйхатига (бунинг ичидан 90% квоталанади, қолган 10 % маҳсулотларни экспорт қилишда табиий ресурсларни ёки саноат мулки намуналарини асраб қолиш учун лицензия талаб қилинади) экспорт чеклови ўрнатилган. Корея Республикасидан 13 турдаги товарлар (мисол учун кит гўшти, қайта ишланадиган ит териси ва мўйналари)ни олиб чиқиб кетиш таъқиқланади [13].

Экспортерларни қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим турларидан бири бу экспорт (айниқса машинасозлик ва асбоб-ускуна етказиб бериш билан боғлиқ) битимларини **давлат томонидан кредитлашда** намоён бўлади. Бунда фаолиятни кредитлаш Корея Республикаси Экспорт-импорт банки (КоЭксимбанк) ва Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш Корпорацияларининг фоизлари юқори бўлмаган, 3 йиллик имтиёзли даври билан 8 йилга мўлжалланган кредит линиялари бўйича амалга оширилади.

Одатда энг қулай шартларда давлат томонидан кредитлаш иқтисодиёт ва молия вазирликлари томонидан назорат қилинадиган Иқтисодий ҳамкорлик

ва тараққиёт фонди маблағлари доирасида тақдим этилади.

2002 йилдан бошлаб маҳаллий экспортни ривожлантириш мақсадида экспорт ва импортни тижорий кредитлаш, шу жумладан дастлабки аванс тўловини амалга ошириш учун бериладиган кредитлар учун (180 кунгача бўлган) барча вақтинчалик чекловлар бекор қилинган.

Экспорт ва импорт қилишнинг ҳажми, шу жумладан воситачилик фаолиятида ҳам чекловлардан воз кечилган. Халқаро савдо фаолияти билан шуғулланиш учун рўйхатдан ўтиш учун камида 10 млн. вон миқдорда капиталга эга бўлган корпорация ва компаниялар, шунингдек камида бир ойлик муддатда кунига 10 млн. вон миқдордаги пулни ўз ҳисобрақамида ушлаб туриш имкониятига эга бўлган жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин бўлган [13].

Маълумот ўрнида 2002 йил 1 июль ҳолатида 10 миллион Корея вони тахминан 8267 АҚШ долларини ташкил этган [15]. Бундан кўриниб турибдики, ташқи савдо фаолияти билан шуғулланиш учун унча катта бўлмаган миқдордаги пул билан фаолият бошлашга имкон берилган ва бу чеклов “номигагина” татбиқ этилганлигидан далолатдир.

Бундан кўзланган мақсад асосан ташқи савдо муносабатларида тўловга қобилиятлиликни намойиш этиш ҳисобланиб, тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказмасдан туриб ҳам жисмоний шахсларга халқаро савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи тақдим этилганлиги Кореянинг ўзига хослигини намоеъ этади.

Кореяда ташқи савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритиш “декларатив” (шунчаки расмиятчилик учун) характерга эга ҳисобланади. Ҳукуматнинг Экспорт ва импорт қилинши чекланган товарлар тўғрисидаги расмий рўйхатида бўлмаган товарлар “автоматик рухсат этилган” деб тан олинади ва ушбу товарлар билан савдо муносабатларига киришишда масъул банкнинг ортиқча оворагарчиликка йўл қўймайдиган рухсатини олиш кифоя. Корея Республикаси ҳаттоки иқтисодий кризис пайтида ҳам халқаро ҳамкорликни имкон қадар ривожлантириш ва кўшни мамлакатлари билан яқин иқтисодий ҳамкорлик қилиш сиёсатини олиб борди ва бугунги кунга қадар ҳам G-20 гуруҳига кирувчи мамлакатлари билан икки томонлама валюта своп-операциялари схемасини кенгроқ ёйишни давом эттиришдан манфаатдорлигини маълум қилиб келмоқда.

2009 йил 4 май куни Тайланда бўлиб ўтган Осиёнинг 13 та мамлакат иқтисодиёт вазирлари томонидан келишув имзоланган бўлиб, унга мувофиқ Осиё мамлакатлари кризисга қарши валюта фонди ташкил қилиш назарда тутилган. Мазкур фонд 80 млрд АҚШ долларини ташкил қилиб, ушбу захира маблағларнинг 80% Япония, Хитой ва Жанубий Корея бадаллари ҳисобидан, қолган 20% маблағлар эса Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари Ассоциациясига аъзо ҳисобланувчи 10 та мамлакат томонидан киритилиши назарда тутилган. Иқтисодчиларнинг баҳолашича мазкур фонд Халқаро валюта фондининг эквиваленти сифатида фаолият олиб бориб, юқоридаги мамлакатлар учун ХВФнинг таъсир ўтказиш доирасини камайитиришга хизмат қилиши мумкин [7, 26-с].

Корея Республикаси билан аксарият ривожланган мамлакатлар ҳамкорликда уч томонлама шартномалар тузиш орқали бир неча йўналишларда ўзаро ташқи

савдо муносабатларини йўлга қўйишни ўз олдларига мақсад қилганлар. Бундан ташқари Корея Шарқий Осиё мамлакатлари (асосан ASEAN блокига кирувчи) билан эркин савдо муносабатлари олиб боришга жиддий киришган.

2. Хом ашё импортини тартибга солиниши

Корея Республикасига келажакда экспорт қилиш назарда тутилган маҳсулотни ишлаб чиқриш учун хом ашё олиб кирилганда (импорт қилинганда) унга нисбатан божхона тўловлари ва маҳаллий солиқларни компенсация қилиш тизими (customs drawback system) қўлланилади. Ушбу тизимнинг асосий мақсади ташқи бозор учун рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини оширишни ўз олдига мақсад қилган маҳаллий экспортларни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

1975 йилнинг ўрталаригача импорт қилинадиган хом ашё материалларини агарда уларни келажакда қайта ишлаб, экспортга йўналтириш кўзланган бўлса, мазкур хом ашё материалларидан божхона тўловлари ундирилмаган. Иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсиши мазкур тизимнинг жиддий камчиликларини намоеъ қилди. Хусуан, ички бозорда тузилган битимлар сонининг ортиши божхона расмийлаштирувидан ўтган товарлар оқимини ва уларнинг мақсадли сарфланишини тўла назорат қилиш имконини бермади.

Экспорт қилиш назарда тутилган маҳсулотни ишлаб чиқриш учун хом ашё товарларини олиб кириш Корея Республикасининг “Экспортга олиб кирилган хом ашё учун божхона тўловлари ва бошқа солиқларни қоплаш тўғрисидаги” Қонуни (Act on special cases concerning the drawback of customs duties, and other taxes levied on raw materials for export) билан тартибга солинади. Мазкур қонун миллий экспортни самарали қўллаб-қувватлаш ва саноатни мувозанатда сақлашга йўналтирилган алоҳида қоидаларни амалда татбиқ этишни назарда тутди [10, 346-с].

Қонунга мувофиқ экспорт маҳсулоти ишлаб чиқариш учун олиб кирилган хом ашёга тўланган тўловлар қуйидаги ҳолларда: Корея Республикасининг “Божхона тўғрисида”ги Қонуни (Customs Act)га талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ва божхона назоратидан ўтган; мамлакат бош вазири фармони билан аниқланадиган, эркин экспорт зоналари ва бождан холи зоналар (беспошлинных зонах)да жойлашган резидент-корхоналар томонидан етказиб берилганда копенсация қилинади.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда яна: корейс ташкилотларининг хорижий ҳамкорлари билан миллий кемасозлик ва авиация қурилиши соҳасидаги шартномалар бўйича маҳсулот етказиб берилганда; балиқ овлайдиган кемалар қурилиши учун маҳсулот етказиб берилганда; АҚШнинг Кореядаги ҳарбий кучлари учун етказиб берилган маҳсулотларга нисбатан; ҳукумат қарори билан амалга ошириладиган, ҳаққи хорижий валютада тўланиши белгиланган мамлакат ичида бажариладиган қурилиш пудрати шартномаларини бажариш учун олиб кириладиган хом ашё материалларига; ҳукумат қарори билан аниқланадиган ва бошқа экспорт шартномалари юзасидан ҳам битим учун тўланган божхона тўловлари компенсация қилиниши белгиланган [14].

Айни шу соҳада учинчи бир давлат–Хитой Халқ Республикасидаги вазиятга баҳо берадиган бўлсак, солиққа тортиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жуда кучли тўсиқларни кўришимиз мумкин. Уларга мисол

қилиб: маъмурий тўсиқлар, антидемпинг чоралари, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни субсидиялаш, экспорт учун маъмурий ва солиққа оид тўсиқлар, бухгалтерия ва юридик тартибга солиш жараёни шаффофлигидаги муаммолар, импортни чеклашга қаратилган чоралар, инвестиция чоралари, стандартлаштириш ва лицензиялаш тизими, давлат харидларини тартибга солишдаги чоралар, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг мушкуллиги ва бошқалар Корея иқтисодиёти, хусусан, ташқи савдо фаолиятини тартибга солишдан тубдан фарқ қилади [6].

Кўриниб турибдики, Корея Республикаси иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг аралашуви ўз даври учун ижобий жиҳатлари билан бирга бир қатор салбий оқибатларга ҳам олиб келган. Бизнинг вазифамиз масалани ҳуқуқий ечимини кидирганда ривожланган мамлакатларнинг илғор ва ижобий тажрибаларини миллий иқтисодиётни ва минтақанинг иқтисодий ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олиб, уларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда миллий қонунчиликка тақлифлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

3. Антидемпинг сиёсати

Демпинг, яъни ташқи бозорда товарларни ички бозордаги нархдан паст нархга – айрим ҳолларда маҳсулот таннархидан ҳам арзонга сотиш ҳисобланади. Демпинг натижасида келиб чиқадиган зарар одатда ички бозорда монополия натижасида олинувчи жуда катта миқдордаги фойда ҳисобига қопланади [16]. Демпинг фаолиятида бюджет маблағлари ҳисобига демпингни амалга оширишга ҳам мисол келтириш мумкин.

Антидемпинг – демпингга қарши сиёсат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги “Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №129-сон қарори билан тасдиқланган “Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божларини қўлланиш мақсадида текшириш ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ Агар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига демпинг нархлари бўйича товарни импорт қилиш иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфини туғдираётганлиги текшириш натижалари бўйича аниқланган бўлса, ана шундай импорт предмети бўлган товарга нисбатан антидемпинг божи қўлланиши мумкин [1].

Қорееда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ва экспортёрларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, шунингдек ички бозорни ҳимоя қилиниши қуйидаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади: Ташқи савдо тўғрисидаги Корея Республикаси Қонуни, Инсофсиз савдо амалга оширилганда текширув ўтказиш ва маҳаллий саноатга етказилган зарарнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қонун, Экспорт сўғуртаси тўғрисидаги Қонун, Божхона расмийлаштируви тўғрисидаги Қонун [12] ҳамда юқорида санаб ўтилган қонунларни қўллаш бўйича идоравий йўриқномалар ва низомларни келтириш мумкин.

1986 йилда Корея Республикасининг Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги ҳузурида Савдо бўйича комиссия тузилган. Ушбу Комиссия маҳсулот импорт қилиниши натижасида маҳаллий саноат, ишлаб

чиқариш соҳаларига етказилган зарар юзасидан текширувлар ўтказиш ва шу юзасидан қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган бош орган этиб белгиланган. 1992 йилда эса демпинг факти аниқланганда петиция эълон қилиш, шунингдек антидемпинг тадқиқотларини ўтказиш бўйича ташаббус билан чиқш ҳуқуқлари берилади. 1996 йилга келиб, аввал Корея Республикаси Божхона хизмати ваколатларига кирган антидемпинг текширувларини ўтказиш бўйича тўлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ваколатлари тўлалигича ушбу комиссияга ўтказилган [5, 214-с].

Ўзбекистонда эса бу масала билан алоҳида бир комиссия эмас, балки вазирлик шуғулланиши мазаланинг ўзгача тарафини намоён этади. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида”ги Қонуни 4-моддаси 1-қисми мазмунига кўра “Текширув Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган ваколатли орган томонидан ўтказилади” деб қайд этилган [2].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги 129-сон «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ваколатли орган сифатида акс этирилган [4]. Комиссиянинг шакллантирилиши, унинг ваколат доираси ва муддатлари, аъзоларининг комиссия ишидаги иштироки доираси нуқтаи назарда баҳо берилса, малакатимизда тегишли вазирликнинг ушбу масала билан шуғулланиши юқоридаги келиб чиқиши мумкин бўлган эҳтимолий вазиятларни йўққа чиқариш, масалага профессионал ёндашиш имконини беради.

Корея қонунчилигига кўра инсофсиз савдо амалга оширилганда текширув ўтказиш ва маҳаллий саноатга етказилган зарарнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қонуни талабларига мувофиқ Комиссия инсофсиз савдо фаолияти билан шуғулланганлик ҳолатлари, шунингдек импортнинг ўсиши, демпинг ҳолатларини юз берганлиги ва субсидиялар тақдим этилганлиги натижасида маҳаллий ишлаб чиқаришга зарар етказганлик ҳолатлари бўйича текшириш ўтказиш ва қарорлар қабул қилишга доир барча вазифаларни бажаради. Комиссия маҳаллий саноат ишлаб чиқаришни рақобатбардошлигига импортнинг таъсири тўғрисида текширишлар ўтказишга масъул ҳисобланади.

Маълум бир турдаги маҳсулотларнинг импорт қилиниши маҳаллий саноат тармоқларига зарар етказган ёки етказиши мумкин бўлган ҳолатларда шу ва шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи саноат тармоғидан манфаатдор бўлган исталган шахс Комиссияга мазкур ҳолат бўйича текширув ўтказишни сўраб мурожаат қилиши мумкин. Бунда мурожаат қилган шахс текширув ўтказиш учун барча маълумотларни ва етказилган зарарни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Комиссия раиси маълумотлар тақдим этилган вақтдан 30 кун ичида тақдим этилган маълумотларга асосан текшириш ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиши ва бу ҳақида мурожаат қилган шахсга маълум қилади. Текширув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда 4 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда Комиссия маҳаллий саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун зарар етказилганлиги ёки

шундай зарар етказиш реал хавфи мавжудлиги юзасидан бир тўхтамга келиши лозим. Алоҳида мураккаб ҳолларда мазкур қарорнинг қабул қилиниши бир мартаба, икки ойдан ошмаган муддатга узайтирилишига йўл қўйилади.

Мабодо маҳаллий саноатга сезиларли даражада зарар етказилганлиги аниқланганлиги тўрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Комиссия ҳимоя чораларини назарда тутувчи қуйидаги: божхона тарифларини кўтариш; мазкур турдаги товарларнинг импорт қилиш миқдорини чеклаш; шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қуватлаш ёки уларга нисбатан белгиланган солиқ имтиёзларини тақдим этиш; саноатнинг мазкур тармоғида машғул бўлган ишчиларни бюджет маблағлари ҳисобидан малакасини ошириш; саноатнинг мазкур тармоғини технологик жиҳатдан янгилаш, ривожлантириш учун кўмак бериш тўғрисидаги қарорлардан бирини ёки бир нечтасини қабул қилади.

Жанубий Кореядан фарқли ўлароқ Ўзбекистон Республикаси Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисидаги Қонунига мувофиқ ваколатли органнинг текшируви натижалари асосида фақатгина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан муҳофаза чоралари қўлланилади.

Кореяда ҳимоя чораларининг амал қилиш муддати 4 йилдан ошиб кетмаслиги лозим. Мавжуд ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб чекловнинг умумий муддати Комиссия ҳулосаси билан узайтирилган тақдирда ҳам 8 йилдан ошмаслиги лозим. Шунингдек, Комиссия ўрганиш ва текширув жараёнида вақтинчалик чеклов ўрнатиш чораларини ҳам қўллаши мумкин ва ушбу қисқа муддатли чеклов 200 кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Кўриниб турибдики, импорт маҳсулотларини оқимини давлат томонидан назорат қилиниши ва бу соҳада фаолият олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини маълум маънода чеклаш ҳам вақтинчалик аҳамият касб этиши намоён бўлади. Бундан кўзланган мақсад глобаллашув шароитига, ижтимоий муносабатларнинг ўзгарувчанлиги ва таъсирчанлигига тез мослашишга бўлган интилишдир. Ижтимоий муносабатларнинг инструментлари доим ҳам бир текисда ҳаракатда бўлмайди. Табиийки, иқтисодий чоралар ва ташқи савдо муносабатларини тартибга соладиган қонунчилик ҳам мутаносиб равишда ўзгарувчан–“эгилювчан” бўлиши лозим.

Мамлакатимизда муҳофаза чоралари товар импорти кўпайганлиги оқибатида иқтисодий тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун зарур бўлган миқдорда ва муддатда қўлланилади. Ушбу нормада муҳофаза чораларининг минимал ёки максимал миқдорининг белгиланмаганлиги ушбу нормани қўллашда бошқа факторларнинг аралашуви имконини ва бу кўзланган мақсаднинг шаффоф амалга оширилишига тўсқинлик қилади. Ҳимоя чораларининг амал қилиш муддати 4 йилни, алоҳида узайтирилган ҳолларда 8 йилни ташкил қилади.

Божхона расмийлашируви тўғрисидаги қонун нормалари мазмунига кўра Корея Республикаси молия ва иқтисодий вазирлари ўтказилган текширув натижаларига қараб қуйидаги божхона тарифларидан бирини қўллаш тўғрисида қарорга келадилар:

“компенсация қилиналиган” тарафлар – маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни импорт маҳсулотларидан ҳимоя қилиш мақсдида дотация қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларга татбиқ этилади (бугунги кунда амалда эмас);

“жазолаш” тарифлари – Корея Республикасининг савдо манфаатларига зарар етказган мамлакатлардан товар импорт қилинганда, етказилган зарар доирасида қўлланилади (бугунги кунда амалда эмас);

“фавқулодда” тарифлар – муайян маҳсулотларнинг импорт ҳажмини кескин ошиши билан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга зарар етказадиган ёки шундай хавфни келтириб чиқарган ҳолларда қўлланилади (ҳозирги пайтда майдаланган, музлатилган, сирка кислотасида қайта ишланган саримсоқ пиёзни экспорт қилишда қўлланилмоқда);

“махсус фавқулодда” тарифлари қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, чорвачилик маҳсулотларининг импорт ҳажмини кескин ошиши ёки кескин тушиб кетиши билан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўлланилади;

“квоталанган” тариф – маҳаллий саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда ички бозордаги нарх-навони барқарорлигини таъминлаш учун муайян турдаги маҳсулотларни импорт қилинишини рағбатлантиришга эътибор қаратилади. Бунда белгиланган квота доирасидаги импорт қилиналиган товарларга “ноль” қийматида ёки пасайтирилган божхона қийматлари татбиқ этилади. Худди шундай бунинг акси сифатида муайян товарларнинг импорт қилиниши салбий оқибатларни юзага келтириши кузатилганда, ушбу товарларнинг импорт қилиш ҳажмига нисбатан квота (чегара) белгилаш орқали мамлакатга шу турдаги товарларни олиб кириш ҳажмини чеклаш имконияти пайдо бўлади.

“мавсумий” тарифлар – маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш учун муайян турдаги маҳсулотларнинг нархларида мавсумий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда уларнинг имортини чеклаш учун қўлланилади (ҳозирда мазкур тариф қўлланилмайди) [12].

Демпингга қарши текширувни ўтказиш жараёни бўйича шуни айтиш мумкинки, Корея Республикаси молия ва иқтисодий вазирлари номига манфаатдор шахслар томонидан демпинг факти юз берганлиги гумони бўйича текширув ўтказиш ташаббусини кўзгатиш тўрисида мурожаат йўлланади. Мазкур мурожаат билан демпингга йўл қўяётган етказиб берувчи тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар, ички бозордаги бу соҳадаги вазият ҳамда ҳолатни баҳолашга тааллуқли барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиб Савдо бўйича Комиссияга топширилади.

Шу мазмундаги мурожаат келиб тушгандан бошлаб бир ой ичида Комиссия текширув ўтказиш бошлашни мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақида молия ва иқтисодий вазирини хабардор қилади. Комиссия томонидан ижобий қарор қабул қилинган (мурожаат инобатга олинган) тақдирда Комиссия бу ҳақида мурожаат қилувчини, маҳсулот импортини амалга оширган мамлакат ҳукуматини, етказиб берувчиларни ва бошқа манфаатдор тарафларни хабардор қилади, шунингдек ҳукуматнинг расмий матбуотида қабул қилинган қарорни чоп этади.

Ҳукуматнинг расмий нашрида чоп этилганидан уч ойлик муддат ичида Комиссия дастлабки текширувларни ўтказиш ва текшириш натижаларига кўра тегишли чораларни кўришнинг мақсадга

мувофиқлиги тўғрисида молия ва иқтисодиёт вазирларини огоҳлантириши лозим. Дастлабки текширув натижаларига кўра молия ва иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддат ичида импорт қилинадиган товарларга нисбатан вақтинчалик антидемпинг божларини қўллаш-қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Мазкур муддатни фақат бир маротаба қўшимча равишда 20 кунгача узайтиришга рухсат этилади.

Дастлабки текширув натижалари хусусида молия ва иқтисодиёт вазирлигини хабардор қилингандан кейинги кун Комиссия якуний текширув ўтказишга киришиши лозим. Бунда Комиссия текширув якуни натижалари бўйича уч ойдан ортиқ бўлмаган муддат ичида молия ва иқтисодиёт вазирлиқларини хабардор қилиши лозим. Алоҳида ҳолларда ушбу муддат энг кўпи билан бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Мазкур вазирлиқлар якуний текширув хулосаларини олгандан бошлаб бир ой муддат ичида антидемпинг божларини жорий этиш, уларнинг миқдорини белгилаш, шунингдек бошқа барча лозим ҳаракатларни амалга ошириш бўйича якуний қарор қабул қилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, Корея Республикаси ташқи савдо муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда ўзага хос йўлни босиб ўтган. Стратегик шерик сифатида ушбу мамлакатнинг бу соҳадаги илғор тажрибасини ўрганган ҳолда қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин.

1. Тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан туриб ҳам ташқи савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси қўшни мамлакатлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш баробарида иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар билан стратегик шерикчилик муносабатларини ўрнатиши ва ривожлантириш лозим.

3. Ўзбекистонда ҳам стратегик аҳамиятдаги товарларни экспорт, импорт қилишдаги оммавий огоҳлантириш, маълум қилиш тизимини йўлга қўйиш. Бу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигининг расмий веб-сайтга жойлаштириб бориш тавсия этилади.

4. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, экспорт ҳажминини ўстириш мақсадида экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий тадбиркорлар фаолиятини давлат томонидан имтиёзли шартлар асосида кредитлаш тизимини йўлга қўйиш лозим.

5. Экспортни рағбатлантириш механизми сифатида келажакда экспорт қилиниши назарда тутилган маҳсулотни ишлаб чиқриш учун хом ашё олиб кирилганда (импорт қилинганда) унга нисбатан божхона тўловлари ва маҳаллий солиқларни компенсация қилиш тизими жорий этиш таклиф қилинади.

6. Халқаро савдони амалга ошириш учун муайян блокларга, молиявий, иқтисодий бирлашмаарга аъзо бўлишдан кўра стратегик ҳамкор давлатлар, шунингдек давлатлар билан ўзаро юқори манфаат келтирадиган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали “эркин савдо шартлари” билан савдо муносабатларига киришиш самарали ва хавфсиз саналади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005 – № 21. 149-модда
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – № 1,-2. 4-модда
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи. – 2017.– 8 февраль – №28 (6722).
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005.– № 21. 149-модда.
5. Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. Учебное пособие для вузов. – М.: Международные отношения. – 2008. – 480 с.
6. Кукла М.П. Роль КНР во внешней торговле Республики Корея. <http://www.globalwindow.org/wps/portal/gw2/kcxml/>
7. Потапова Р. Возможно ли азиатское евро? // Азия и Африка сегодня. – 2009. – № 5. – С. 26-28.
8. Толорая Г. Корейская стабилизация // Коммерсант-Деньги. – 2009. – № 4 – С. 34-36.
9. Торговое представительство Российской Федерации в Республике Корея <http://www.economy.gov.ru/merit/countries/korea.htm>
10. Турбан Г.В. Внешнеэкономическая деятельность. – М.: Инфра-М, 2009. – 420 с.
11. <http://president.uz/oz/lists/view/1274>
12. <http://www.korea.polpred.ru/>
13. <http://www.economy.gov.ru/merit/countries/korea.htm>
14. https://elaw.klri.re.kr/kor_service/lawView.do?hseq=41215&lang=ENG
15. <https://myfin.by/currency/cb-rf/01-07-2002>
16. <https://ru.wikipedia.org>

Э.Ахунджанов,
ТДЮУ докторанти

ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖЛАРИ АМАЛИЁТИДА ҚўЛЛАНАДИГАН ҲУҚУҚНИ ТАНЛАШ

Аннотация: В статье на основе мнений ученых проанализированы теоретические и практические аспекты выбора применимого права на практике международных коммерческих арбитражей.

Ключевые слова: практика, арбитраж, применимое право, спор, договор.

Аннотация: Мақолада олимлар фикри асосида халқаро тижорат арбитражлари мисолида қўлланиладиган ҳуқуқни танлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: амалиёт, арбитраж, қўлланиладиган ҳуқуқ, низо, шартнома.

Annotation: Article analysis theoretical and practical aspects of the choice of applicable law in practice of the international commercial arbitration on the basis of opinions of scientists

Keywords: practice, arbitration, applicable law, dispute, contract.

Қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш муаммоси ҳуқуқ доктринаси ва амалиётда энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Битим, арбитраж келишувнинг ҳақиқийлиги, ишни мазмунан ҳал қилиш ва бошқалар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда арбитраж қайси ҳуқуққа таяниши борасидаги масала кенг баҳс ва мунозаралар предмети ҳисобланади [4, 365-с]. Жумладан, машҳур венгер ҳуқуқшуноси И. Сасн айтишича, халқаро хусусий ҳуқуқда қатор мунозарали, ҳанузгача ечимга эга бўлмаган муаммолар мавжуд. Арбитраж соҳасида бу каби энг мураккаб, мавҳум масалалар сирасига у арбитраж ҳуқуқий табиати муаммоси, арбитраж келишувнинг ҳақиқийлиги ва юридик кучини тартибга солувчи ҳуқуқни аниқлаш муаммоси, шунингдек ушбу келишувнинг мустақил тусга эгаллиги муаммосини киритади [4, 77-с].

Таъкидлаш лозимки, олимларнинг арбитраж келишувига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ муаммоси бўйича турли ёндашувлари, бизнингча, шартномавий, процессуал, аралаш ва автоном арбитраж ҳуқуқий моҳияти назариялари мавжудлиги билан боғлиқ. “Шартномавий” назария тарафдорлари (Ф. Мерлэн, Ф. Клейн ва бошқ.), арбитражни фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга ходиса сифатида эътироф этиб, тарафлар арбитраж муҳокамани ўтказиш тартибини ўзлари мустақил белгилаши мумкинлиги ҳақидаги хулосага келишади. Тарафлар арбитраж муҳокама тартибини белгиламаган ҳолларда, коллизиявий масала қўйилиши мумкин. Ф.Клейн, масалан, айтган эдики, арбитраж муҳокама ўзининг барча бошқичларида тарафлар ихтёрига асосланган ягона жараён бўлгани туфайли, арбитражнинг ягона мақоми белгиланиши шарт, бу ўз навбатида, мазкур арбитраж билан боғлиқ барча коллизиявий масалаларни ягона коллизиявий ҳаволани қўллаш орқали ҳал этиши имкон беради.

“Процессуал” назария тарафдорлари (А. Лене, А. Пийе, П. Браше ва бошқ.) учун арбитраж билан, шу жумладан арбитраж келишув боғлиқ масалаларни ечишда, улар кўриб чиқилаётган давлат ҳуқуқи қўлланади, бунда чет эл ҳуқуқига мурожаат этиш

истисно этилади, боиси, халқаро хусусий ҳуқуқда умумий эътироф этилган қоидага мувофиқ, бирор ходиса, шу жумладан процессуал ҳолатни квалификация қилиш, коллизиявий масалани қўйишни ҳамда суд ёки арбитраж жойи давлати қонунини қўллашга йўл қўйилмаслигини келтириб чиқаради.

Таъкидлаш лозимки, амалиётда ушбу халқаро хусусий ҳуқуқда урф бўлган қоидадан, баъзида истисноларга руҳсат берилади. Масалан, халқаро хусусий ҳуқуқда процессуал асос устуворлик касб этган Англияда, James Miller and Partners Ltd. v. Whiteworth Street Estates (Manchester) Ltd. иши бўйича апелляция суди қарор чиқариб, унда Шотландияда ўтказилган арбитраж муҳокамага нисбатан, Англия ҳуқуқининг арбитраж тартиб-таомилларни йўлган қўядиган нормалари қўлланиши зарурлиги хусусида қайд этган. Суд бундай қарорни шунга асосланиб чиқаргани, контракт инглиз ҳуқуқи нормаларига бўйсунган арбитраж ҳаволани кўзда тутган эди.

Ваҳоланки, ушбу қарор инглиз ҳуқуқшунослари томонидан кескин ва асосли танқид қилинган. Улар, бундай қарорнинг чиқарилиши халқаро арбитраж соҳасида кутилмаган оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини айтиб ўтган. Бу қарор Англияда мавжуд арбитраж муҳокама ўтказиш устидан арбитраж келишув бўйсунган ҳуқуқ давлати томонидан назорат ўрнатиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўларди. Кейинчалик Лордлар Палатаси апелляция судининг ушбу қарорини бекор қилган, ҳамда тарафлар бошқача қоида кўзда тутмаган бўлса, Шотландияда ўтказилаётган арбитраж муҳокама, шотланд ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиниши зарурлигини кўрсатиб ўтган.

Шунингдек, инглиз суди амалиётда шундай бир ҳолат бўлганки, бунда суд, шотланд арбитражида кўриб чиқилаётган иш масалаларидан бирини special case тартибида унга ўтказишни талаб қилган. Арбитраж, шотланд ҳуқуқи бўйича бу мажбурий ҳисобланмайди, деган ваз билан инглиз суди қарорини бажаришни рад этган. Лордлар Палатаси, шотланд арбитри вазлари билан келишиб, кўрсатиб ўтилган special case тартиби шотланд ҳуқуқи бўйича ҳақиқий эмас эмаслигини қайд этган.

“Аралаш” концепциянинг айрим тарафдорлари (Дж. Сосе Халл ва бошқ.) чет эл ҳуқуқи қўлланиши мумкинлигини тан олади. Уларнинг фикрича, ушбу масала мазкур арбитраж келишувни ўз ичига олган ҳамда тарафлар томонидан келишув учун танланган ҳуқуқ асосида ҳал этилиши шарт [5, 82-с].

Аксинча, арбитражнинг автоном тусга эгаллиги ҳақидаги назария тарафдорлари (Ж. Рюбеллэн-Девизи ва бошқ.) бирор миллий ҳуқуқ тизимларини тан олмайди, бу эса, ўз навбатида охир-оқибат давлат суверенитети принципига қарши чиқади [4, 307-с].

Амалиётда кўрсатиб ўтилганидек, ташқи иқтисодий битимларни тузишда, тарафлар ўртасида битимга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш масаласи турганида, ҳар қайси ҳолатда тарафларнинг бири учун чет эл ҳуқуқи ҳисобланган ҳуқуқни танлаш хусусида боради. Бунда ҳар бир тараф, қўлланиладиган ҳуқуқ бўлиб, унинг давлати қонуни бўлишига интилади, бошқа тараф деярли доимо қаршилиқ қилади. Тарафлар ўзининг миллий ҳуқуқини танлашга интилиши сабаблари турлича бўлиб, уларга, биринчидан, мафкуравий, иккинчидан, психологик, учинчидан, ўз ҳуқуқини яхши билиш, тўртинчидан, оддий ўрганиш, одат бўлиши мумкин. Бироқ, қатор

ҳолларда, тарафлардан бири қаттиқ туриб, танлаган миллий ҳуқуқ, ушбу тараф учун салбий оқибатлар келтириб чиқарган, ваҳоланки чет эл ҳуқуқини қўллаш орқали буни олдини олиш мумкин бўларди.

Муболаға эмас, қариб барча мамлакатларда судларнинг чет эл судининг чет эл ҳуқуқини қўллаш ёки, ҳар ҳолда, лозим даражада қўллаш ёки ҳар ҳолда наъмунали қўллашдан бўйин товлаши муаммоси мавжуд. Бу каби амалиёт хорижий ҳуқуқий адабиётда ҳаққоний тарзда одилонга танқидга учрамоқда. Масалан, Х.Шак таъкидлашча, асосий процессда қўлланиши шарт бўлган хорижий ҳуқуқ ўрнига Германия ҳуқуқига мурожаат этиши хато суд қарори чиқарилишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, кўп ҳолларда чет эл ҳуқуқи мурқабликлари ҳисобга олинмайди, яъни у примитив (оддий) тарзда, муҳим жиҳат ва ҳолатларни инobatга олмасдан квалификация қилинади.

Бунинг сабаблари кўп. Уларнинг баъзиларини аниқлаш учун, мисол учун, Англия судлар амалиётига мурожаат этиш мумкин. Как отмечается в английской юридической литературе, применение иностранного права не только влечет за собой дополнительные неудобства и расходы, Бизнингча, бу вазият, судья томонидан ушбу қоидаларни тўғри тушуниш имконини шубҳа остига қўяди, боиси унинг асосида ётган принциплар ва таклифлар унга нотаниш ва бегона ҳисобланади. Айни чоғда ҳуқуқни нотўғри қўлланиши ҳам тарафлар, ҳам адлия манфаатларига зид бўлади. Ваҳоланки, инглиз судлари амалиётда аксарият ҳолларда судлар чет эл қонунчилиги билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишни бошлайди, бунда улар аввалроқ унинг мазмуни қай тарзда ишончли белгилашни аниқлаб, сўнг процесс юритувига қараб, конкрет низлни ишни кўриб чиқиш учун қанчалик фойдали эканлигига аниқлик киритилади, ҳамда қўлланидиган чет эл ҳуқуқи масаласи ҳал этилади. Баъзан чет эл ҳуқуқидан воз кечиш шу билан изоҳланадики, кўплаб мамлакатлар ҳуқуқ тизимлари асосан, айниқса тижорат масалаларида, бир-бирига анча ўхшаш.

Судларни чет эл ҳуқуқини қўллашдан бўйин товлаши сабабларидан яна бири шуни кўрсатиш мумкинки, аксарият ҳолларда суд буни тўғри бажара олмайди: ўзининг миллий ҳуқуқида судья профессионал сифатида ҳаракат қилади, аммо чет эл ҳуқуқи билан эса бошланғич босқичдаги каби ишлайди. Баъзан судлар тегили давлат ҳуқуқ тизимини билмай туриб, чет эл ҳуқуқини мазмунини тўғри тушуниш мумкин эмаслиги туфайли, ушбу ҳуқуқни қўллашдан воз кечишади. Шу муносабат билан чет эл ҳуқуқини аниқлаш қийин ҳоллар билан чет эл ҳуқуқини аниқлаш ва қўллаш мутлақо имконсиз ҳолларни ажратиш муҳим, масалан, конкрет вазиятда оммавий тартиб тушунчаси қўлланиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳолатида.

Америкалик олимлар (Т.Ламброс, Л. Фридман ва бошқ.) чет эл ҳуқуқи қўлланидиган яна бир сабабни кўрсатишади. Гарчи умумий жиҳатдан муносабат чет эл ҳуқуқи томонидан тартибга солинса ҳам, судлар ўз ҳуқуқининг (*lex fori*) даъво муддати тўғрисидаги нормаларини қўллашади. Гап шундаки, АҚШда, худди бир қатор бошқа мамлакатларда сингари, бу нормалар процессуал ҳисобланади, улар ҳимоя қилинаётган ҳуқуқ асос бўлган қонунда бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Худди шу муаммога Р.Фентиман ҳам эътибор қаратади. Чет эл ҳуқуқини қўллашдан қочишнинг яна бир усулидан бири, ёздаи у, тегишли қоидаи ҳам процессуал, ҳам моддий ҳуқуққа тегишли эканлиги юзасидан таснифлашдан иборат [4, 45-46-р]. Бунда, албатта *lex fori* қўлланади. Мисол учун, инглиз судида француз ҳуқуқига бўйсунган контрактдан келиб чиққан низо кўриб чиқилади. Агар исботлаш оғирлиги процессуал масалага киришидан келиб чиқсак, бу ҳолда мазкур масала инглиз ҳуқуқи билан тартибга солиниши лозим, шунга қўоа контракт бўйича француз ҳуқуқини лозим даражада қўллаш учун тўсиқ пайдо бўлади. Ваҳоланки, 1980 йилги Шартномавий мажбуриятларга нисбатан қўлланидиган ҳуқуқ тўғрисидаги Рим конвенцияси, исботлаш мажбурияти, даъво муддати ва шу каби бошқа масалалар контракт бўйсунган ҳуқуқ билан тартибга солинишини кўзда тутади. Шунинг учун, конвенцияни қабул қилгандан сўнг, бирон баҳона, масалан, исботлаш мажбурияти – бу процессуал масала деган ваз билан чет эл ҳуқуқини қўллашдан қочиш мумкин бўлмайди. Бироқ, чет эл ҳуқуқи фақатгина исботлаш мажбуриятига оид нормалар мажбурият ҳуқуқида мавжуд бўлса, қабул қилиши мумкин. Хуллас, моддий ҳуқуққа доир масалаларни кенгайишига объектив тенденция мавжуд, бу эса ўз-ўзидан чет эл ҳуқуқи қўлланишини келтириб чиқаради.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш зарурки, судларнинг чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллашни рад этиши сабабларидан бири, ушбу нормаларни қўллаш оқибатлари тегишли давлатнинг ҳуқуқ-тартиботи асослари (оммавий тартиб)га яққол зид бўлишидан иборат. Масалан, ЎЗР ФКнинг 1164-моддасида белгиланишича, “қўлланиши оқибатлари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот асослари (оммавий тартиб)га яққол зид бўлган тақдирда, чет эл ҳуқуқи нормаси қўлланилмайди. Бундай ҳолатларда Ўзбекистон ҳуқуқининг тегишли нормаси қўлланади”. Бу ерда чет эл ҳуқуқи нормалари Ўзбекистон қонунчилиги императив нормаларига мувофиқ эмаслиги хусусида боради.

Швед ҳуқуқи ҳам, низо Швецияда кўриб чиқилаётган вақтда, чет эл ҳуқуқини қўллаш оммавий тартибга мувофиқ бўлмаса, яъни чет эл ҳуқуқи нормалари швед ҳуқуқининг асосий принципларига зид бўлса, чет эл ҳуқуқини қўлламасликка асосланади. Бу каби принциплар ичда доктринада императив нормалар тушунилади, хусусан валюта айирбошлаш, экспорт-импорт назорати, баҳолар устидан назоратга доир чекловлар, шунингдек монополияга қарши қонунчилик ва бошқа соҳаларга оид нормаларни кўрсатиш мумкин. Швеция ҳакамлик судлари томонидан чет эл ҳуқуқини қўллашдан воз кечиши формал жиҳатдан чет эл ҳуқуқини швед ҳуқуқи (*lex fori*) билан алмаштиришни аниқламайди, гарчи амалиётда Швеция ҳуқуқи нормалари қўлланади. Швециянинг 1999 йил 4 мартдаги янги Арбитраж тўғрисидаги қонунида шундай қоида мавжудки, башарти арбитраж келишув бўйича чет эл ҳуқуқини қўллаш шарт бўлса, у, низо арбитрлар томонидан Швеция ҳуқуқига мувофиқ ҳал қилиниши имкони бўлмаганда, қўлланади.² Айнан шу “оммавий тартиб” шаклидан бири ҳисобланади.

² Бу ерда сўз низо предмети арбитрабеллиги ҳақида боради. Низоларни ҳал этишда арбитрабеллик мавжуд бўлмаслиги – чет эл ҳуқуқи бўйича кенг тушунча бўлиб, бу нафақат швед ҳуқуқига, балки бошқа ҳуқуқ тизимларига ҳам тегишли. Чет эл

Шундай бўлсада, айтиш жоизки, 1958 йилги Нью-Йорк Конвенциясида арбитрабеллик ва оммавий тартиб доктринаси ўртасида бир хиллик белгиси ўрнатилмади. Бу масала – фақатгина мазкур доктринанинг хусусий ҳолати бўлади, албатта, бу ҳолат алоҳида аҳамият касб этади. Бу ерда А. Ван ден Бернинг, Конвенция II-мод. қайд этилган арбитрабеллик масаласини, оммавий тартиб доктринасини тўлиқ қамраб олиш нуқтаи назаридан шарҳлаш лозимлиги хусусидаги ёндашув билан келишиб бўлмади [2, 268-с].

Кўрсатилган муаллифнинг нуқтаи назаридан, Конвенция II-мод. арбитрабелликка оид қоидаларига (шу каби ушбу модданинг арбитраж келишувнинг ҳақиқийлиги, кучини сақлаши ва ижрога лаёқатли эканлиги ҳақидаги қоидаларига) нисбатан, улар оммавий тартиб доктринасига ҳавола қилиш мумкин бўлган барча ҳолатларни қамраб олиши мақсадида кенг талқин бериш шарт. Бундай талқин этиш учун асос тариқасида, оммавий тартиб бузилгани муносабати билан у бўйича чиқарилган қарор ҳар қайси ҳолатда ижро этилиши мумкин бўлмаган ишни, арбитражда кўриб чиқиш учун ўтказиш маънога эга эмаслиги кўрсатилади.

Тарафлар томонидан ёки арбитраж қароридан коллизиявий норма талабига асосан қўлланидиган ҳуқуқи танловида танланадиган моддий ҳуқуқ қўлланишига оид тақиқлар ва чекловлар ҳисобга олинмиши шарт. Чет эл ҳуқуқини танлаш ва қўллашда бевосита арбитражлар учун қийинчиликлар пайдо бўлади. Арбитраж амалиётида тез-тез шундай ҳолатлар вужудга келадики, тузилган битим бўйича қўлланиши лозим бўлган чет эл ҳуқуқи сифатида тарафлар танлаган ҳуқуқ, арбитражларга бегона ёки унча таниш бўлмаган ҳуқуқ бўлиб чиқади. Чет эл қонунини айтсак, албатта, арбитраж хорижий давлат қонунини билиши шарт ва мумкин эмас, ҳар ҳолда, низони лозим даражада ҳал этиш учун зарур бўлган ҳажмда. Р. Фентиман, қатор илмий тадқиқотларга асосланиб, чет эл ҳуқуқи мазмунини аниқлашда инобатга олиш лозим бўлган бир қатор жиҳатларни келтиради: унинг замонавий қўлланиши; тегишли давлат конституциясига мувофиқлиги нуқтаи назаридан амалда эканлиги; унинг контексти; қонунлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан шарҳлаш; нормаларни ҳуқуқнинг бошқа тушунчалари ва бошқа ҳуқуқ тизимлари билан қиёсий таҳлили; ўзга юридик атамалар ва бегона юридик тафаккур шароитларида норма мазмунини англаш ва тушуниш [1, 309-с].

Мазкур сабабларга кўра чет эл қонунини мазмунини аниқлашда, уни шарҳлашда суд учинчи шахсларга, шу

жумладан ишда иштирок этаётган тарафларга кўмак олиш учун мурожаат этишга мажбур бўлади. ЎЗР ФКнинг 1160-моддасига кўра, суд чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш мақсадида ёрдам ва тушунтиришлар сўраб, Ўзбекистон Республикаси ва чет элдаги ваколатли органлари ва ташкилотларига мурожаат этиши ёхуд экспертларни жалб қилиши, шунингдек чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини исботлаш зиммаси тарафларга юклатилганида, улардан олинган чет эл ҳуқуқи нормаларини тасдиқловчи ҳужжатларга асосланиши мумкин. Шунга кўра мазкур модданинг 1 банди диққатга сазовор, унда қайд этилишича, “Чет эл ҳуқуқини қўлланишда суд унинг нормалари мазмунини ... аниқлайди”, унга кўра: чет эл ҳуқуқи нормаси мазмунини аниқлаш, энг аввало, суд мажбурияти ҳисобланади. Айни чоғда, шу модданинг 2-бандига кўра, суд ваколатли органлари ва ташкилотларига мурожаат этиши ёхуд экспертларни жалб қилиши, тарафлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга оид талабларни кўриб чиқишда, уларнинг зиммасига чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини исботлаш мажбуриятини юклаши мумкин, демак – шарт эмас. Айтгандек, худди шундай норма 1991 йилги Фуқаролик қонунчилиги асослари 157-модда 1-бандига ҳам мавжуд бўлган.

Демак, қонун чиқарувчи шундан келиб чиқадики, чет эл ҳуқуқ нормаси мазмунини аниқлаш усули сифатида арбитражнинг мустақил тадқиқоти ҳисобланади. Албатта, шуни ҳам қайд этиш зарурки, бу каби фаолият юқорида қайд қилинган ҳар қандай чет эл ҳуқуқи нормаси мазмунини аниқлаш усулларидан фойдаланилганда амалга оширилади. Шу билан бирга, назаримизда, кўрсатиб ўтилган усулларни тизимли таҳлил қилиш мақсадида, суднинг мустақил тадқиқот фаолияти усулини алоҳида ажратиш асослидир.

Халқаро (ташқи иқтисодий) битимга нисбатан қўлланидиган чет эл ҳуқуқи манбалари, энг аввало, мажбурият ва шартномавий ҳуқуқ қоидаларидан иборат. Инглиз-америка мамлакатларида (Англия, Буюк Британиядаги Уэльс, АҚШ (Луизианадан ташқари), Канада (Квебек провинциясидан ташқари), Австралия, Янги Зеландия ва Ирландия, Осиё, Африка ва Кариб бассейни ҳудудидаги собиқ инглиз мустамлакалари) асосий ҳуқуқ манбаи сифатида суд прецеденти, яъни суд томонидан конкрет иш бўйича чиқарилган қарор ҳисобланади, унинг асоси худди шу ёки қуйи бўғин судлари учун худди шундай ишларни ҳал этишда мажбурий тусга эга қоидага айланади. Прецедент ҳуқуқини қўллайдиган органлар, суд қарорини тўлиқ эмас, балки қарорга асос бўлган принципиал қоидалар берилган қисмидан фойдаланади. Прецедент кучи вақт ўтиши билан йўқолмайди. Бироқ суд прецеденти инглиз-америка ҳуқуқи мамлакатларида, башарти суд тарафлар келишган шартлар, императив нормаларга зид эканлиги ҳамда уларни суд тартибида бажариш мумкин эмас деган хулосага келган тақдирда, қонун ёки юқори турувчи суд томонидан рад этилиши мумкин. Учунчидан, конкрет контрактда барча вазиятларни олдиндан билиш ва мос равишда турмуш вазиятларини киритиш имконсиз.

Инглиз-америка ҳуқуқи давлатларида доимо энг муҳим суд қарорларини умумлаштириш ва чоп этиш борасида иш олиб борилади. Масалан, АҚШда Америка ҳуқуқ институти томонидан АҚШ шартнома ҳуқуқи тўплами ишлаб чиқилган («Restatement of the of

ҳуқуқи, жумладан қуйидаги ҳолларда ушбу асос бўйича қўлланилмайди: а) монополияга қарши (трестга қарши) қонунчилик мавжуд бўлса (Россия Федерацияси, АҚШ, ЕҲ ва бошқ.); б) низо қимматли (фонд) қоғозларга оид бўлса; в) айрим турдаги саноат мулки, ноу-хаудан ташқари, ҳақиқийлиги ёки ҳақиқий эмаслиги (патентлар, товар белгилари ва бошқ.); г) мисол учун россиялик юридик шахслар томонидан жойидан қатъий назар, содир этиладиган ташқи иқтисодий битим шакллари; д) АҚШнинг трестга қарши қонунларнинг баҳоларни ўрнатиш, бозорни монополиялаштириш, рақобат ва бошқаларга оид қонунлари ҳам экстерриториал тусга эга; е) юридик шахсларнинг лаёқатли эканлиги, бу уларнинг рўйхатга олиш жойи бўйича аниқланади; ж) кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ҳақида сўз борганда; з) бошқа ҳолатлар, боиси кўрсатилган рўйхат якуни эмас.

Contracts»). Тўплам АҚШда ҳуқуқ манбаи сифатида қўлланмайди, аммо унга қарор чиқаришда баъзида қўшимча ваз сифатида ҳавола қилинади. АҚШда фуқаролик муносабатларини тартибга солидиган ягона қонунчилик мавжуд эмас, ҳар бир штатда ўз фуқаролик ҳуқуқи мавжуд. Айрим штатларда фуқаролик кодекслари қабул қилинган (масалан, Калифорнияда), бошқаларида алоҳида қонунлар мавжуд, улар қонун тўпламларига бирлаштирилган. Қабул қилинган кодекслар, континентал ҳуқуқ маъносидаги кодекслар эмас, кўпроқ қонун тўпламидир. Улар фақат амалдаги прецедент ҳуқуқини бироз тизимлаштирган ҳолда мустақамлаб, вужудга келган ҳуқуқий аҳволни ўзгартиришга уринмайди. Баъзан қонун (статут) судлар шарҳи туфайли прецедентга айланади. Федерал миқёсда АҚШ Ягоналашган савдо кодекси (келгусида ЯСК) қабул қилинган, у тавсиявий тусга эга. Аммо хатто ЯСК мавжудлиги ҳам фуқаролик-ҳуқуқий нормалар унификациясига олиб келмайди, боиси ЯСК нормалари штатларда амалдаги суд амалиётига хос тарзда шарҳланади. АҚШда сўнги пайтда кучайган қонун ижодкорлиги прецедент ва статус аралаш тизим яратилишига олиб келди, аммо, умуман, прецедент ҳуқуқи барибир устуворликка эга.

Англияда фуқаролик ҳуқуқи ҳанузгача кодификация қилинмаган. Прецедент асосий ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Аммо айрим масалалар бўйича қонунлар (статутлар) чиқарилади, масалан, 1979 йилги Товарлар олди-сотдиси ҳақидаги қонун (Sale of Goods Act), 1982 йилги ўтказиладиган векселлар ҳақидаги қонун (Bill of Exchange Act) ва бошқалар. Тарафлар 1967 йилги Халқаро товар олди-сотдиси ҳақидаги ягоналашган қонун қўлланиши хусусида ўзаро келишиб олиши мумкин, аммо амалий жихатдан шундай бўлиш эҳтимоли паст. Прецедент ҳуқуқи статут билан ўзгариши мумкин, аммо улар чекланган доирага эга бўлиб, сўзма-сўз жуда тор талқин қилинади, шунинг учун статут ҳуқуқи («statute law») прецедент ҳуқуққа («case law») нисбатан камроқ аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, инглиз ва америка ҳуқуқида шартнома – бу ҳуқуқ билан таъминладиган ваъда ёки қатор ваъдалар ҳисобланади, яъни мажбуриятни ўз зиммасига олган тарафнинг ихтиёрий иродасини ифода этади. Агар шахс ўз бўйнига у ёки бу ҳаракатни соир этишни олган бўлса, ҳеч қандай ҳолат, хатто табиий офатлар, Худонинг хоҳиши («Act of God») ҳам уни жавобгарликдан озод этмайди. Бу ваъдани беришда шахс барча ҳолатларни ҳисобга олганлиги назарда тutilади. Ўз мажбуриятини бузган қарздор кредиторга барча зарарни қоплаши шарт. Шахс берган ваъда, кафолат тусига эга, бажармаслик оқибатида келтирилган зарарни қоплаш, объектив жиҳатдан ҳар доим бўлиши мумкин. Қарздор жавобгарлиги, умумий қоидага кўра, айбдан қатъий назар, ҳар доим вужудга келади. Бу шунга олиб келдики, шартномавий жавобгарлик санкция эмас, фақат компенсация функцияси ҳисобланади. Бу ҳолатда, неустойка компенсация тусга эга бўлиб, шартнома бузилиши натижасида тўланиши шарт бўлган сумма, «аввалдан ҳисобланган зарар» («liquidated damages») деб номланади. Жарима тусига эга шартлар, ҳақиқий эмас деб тан олинади ва ундирувга йўл қўйилмайди.

Инглиз-америка шартномавий ҳуқуқининг негизи – «consideration» доктринаси (қарши талаб). Қарши талаб – бу ҳуқуқ нуқтаи назаридан қийматга эга барча нарсадир. Қарши талаб вужудга келиши учун тарафлар қарши ваъда ҳақида келишиб олиши лозим:

ваъда берувчи ўзининг ваъдаси ўрнига ижро этишга интилади (бераман, сен ҳам беришинг учун принципи бўйича). Бунга қарши талаб номинал, рамзий маънога эга бўлиши мумкин. Мажбуриятни бир тарафлама ижро этилишини кўзда тутадиган шартномалар ҳам суд ҳимоясидан маҳрум бўлади. Бу ҳада шартномаси ва бошқа шу каби эвасиз шартномаларга тегишли. Бир тарафлама мажбуриятлар (яъни қарши талабсиз) судда ҳимояга эга бўлиши учун, улар ҳужжатда акс этиб, уларда «L.S.» («locus sigilli») ёки «Seal» («печать») сўзи ёзилган бўлиши, ёхуд ҳужжатга махсус қизил рангли ёрлиқ ёпиштирилган бўлиши шарт. АҚШ аксарият штатлари қонунларига кўра, «муҳр ортидаги» шартномалар бекор қилинган бўлиб, қарши талабсиз ваъда бериш («consideration»), гарчи «муҳр ортидаги» ҳужжатларда мавжуд бўлса ҳам, ҳақиқий ҳисобланмайди.

Континентал ҳуқуқ мамлакатларида фуқаролик, жумладан шартномавий ҳуқуқ кодификация қилинган. Асосий манба – бу фуқаролик кодексидир. Континентал Европа айрим мамлакатларида фуқаролик кодекси билан бирга савдо кодекслари ҳам қабул қилинган. Айрим давлатларда шартномалар фуқаролик кодекслар доирасидан четга чиқиб, алоҳида қонунлар билан тартибга солинади, мисол учун Швейцарияда 1881 йилги Мажбуриятлар қонуни амал қилади (бошқача номи – Мажбурият ҳуқуқи кодекси). Умуман, континентал ҳуқуқ мамлакатлари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ мамлакатлари ўз қонунчилигини 1990 йилги Германия фуқаролик низомида берилган принциплар асосида қуради (герман ҳуқуқ оиласи), иккинчиси – 1804 йилги Француз фуқаролик кодекси негизида қуради (роман ҳуқуқий оиласи). Герман ҳуқуқига Греция (ФК 1940 й.), Япония (ФТ 1898 й.) асосланади.

Арбитраж амалиёти кўрсатганидек, низоларни кўриб чиқишда миллий коллизиявий норма амал қилиши туфайли ёки тарафлар танловига асосан қўлланиши лозим бўлган чет эл ҳуқуқи мазмунини аниқлаш имкони мавжуд эмаслиги билан боғлиқ муаммолар вужудга келади. Бундай ҳолда қоида тариқасида lex fori, яъни суд давлати ҳуқуқи қўлланади.³

Lex fori қўлланиши турли хил концепциялар билан асосланиши мумкин. Бу - «фикция» концепцияси, унга кўра, арбитражное келишув ҳакамлик суди ва тарафлар ўртасида асосий мажбурият бўйича келишув бўлиб, бунда ҳакамлик суди, ижроси шартнома мазмуни учун ҳал қилувчи тусга эга эга бўлган тараф сифатида чиқади. Бу - «яқинлик» ҳуқуқи концепцияси бўлиб, унга кўра, арбитраж келишув, асосий мажбурият тарафлари ўртасида учинчи шахслар учун мажбурият яратувчи келишув ҳисобланади. Ушбу келишув учун энг яқин ҳуқуқий тартибот суд тартиботи ҳисобланади (ҳакамлик келишуви амалга оширилаётган ҳудуд давлати).

Бизнингча, энг мақбул – бу «фикция» концепцияси кўринмоқда, боиси ҳакамлик суд юритуви билан боғлиқ муносабатларни, икита ўзаро алоқадор шартнома

³ Lex fori қўлланиши: 1) Моддий муносабат билан «яқинлиги» учун эмас. Суд мамлақати ҳуқуқи билан муносабат ўртасида алоқа бўлмаслиги ёки жуда кам бўлиши мумкин; 2) Миллий ва мазмуни аниқланмаган чет эл ҳуқуқи бир хил эканлиги учун эмас. Бундан ташқари, агар чет эл ҳуқуқи миллий ҳуқуқ билан бир хил бўлса, нимага чет эл ҳуқуқини аниқлаш зарур деган савол туғилади;

сифатида кўриш мумкин. Биринчи шартнома – бу тарафлар ўртасидаги офертани амалга ошириш бўйича шартнома (арбитраж келишув) ва иккинчи шартнома – бу тарафлар ва суд ўртасидаги келишув бўлиб, унинг шартлари арбитраж келишув ва арбитраж регламент билан белгиланади. Биринчи келишув ҳақиқийлиги, тарафлар танлаган ҳуқуқ ёки *lex fori* бўйича белгиланади, иккинчи шартнома билан боғлиқ арбитраж муҳокаманинг асосий масалалари – фақат *lex fori* бўйича, боиси ҳакамлик суди, иккинчи келишувга киришганда, унинг ишттирокидаги муносабатлар фақат суд давлати ҳуқуқи билан тартибга солиниши хусусидаги умумий эътироф этилган императив коллизиявий нормадан четлашиши мумкин эмас.

Таъкидлаш лозимки, *lex fori* умумий коллизиявий ҳавола сифатида устуворлиги, 1985 йилги ЮНСИТРАЛ халқаро савдо тижорат арбитражи тўғрисидаги қонуннинг 34-мод. 2-қисми 1 –банди «а» кичик банди, 36-мод.

1-қисми, 1-банди «а» кичик бандида; 1961 йилги Ташқи савдо арбитражи тўғрисидаги Европа конвенцияси IX-мод.:да белгиланган [3, 65-с].

Айни вақтда, *lex fori* бўйича квалификация қилишга қарши эътирозлар мавжуд бўлиб, улар шунда намоён бўладики, бу каби квалификация қилиш, биринчидан, “оқсоқ” муносабатларга етаклайди; иккинчидан, суд қарорлари халқаро мувозанати бузилишига олиб келади. Бир давлат судига мурожаат этилганда, муносабат бир тарзда, бошқа давлат судига мурожаат этганда эса – мутлақо бошқача квалификация қилиниши мумкин. Муносабатнинг чет эл ҳуқуқига тортиб кетишининг ўзи ҳам муносабатни чет эл ҳуқуқи бўйича квалификация қилишни талаб этади.

Хуллас, контракт тартибга солинадиган ҳуқуқнинг танлови, низоларни мазмунан ҳал қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Халқаро тижорат арбитраж амалиёти кўрсатадики, қўлландиган ҳуқуқни танлашда икки хил услуб мавжуд, уларга кўра қўлландиган ҳуқуқ қуйидагича танланиши мумкин: контрактга нисбатан қўлландиган ҳуқуққа кўра, тарафлар ўртасида келишув мавжуд бўлмаса, тарафлар томонидан яширин равишда танланган ҳуқуқни аниқлаш нуқтаи назаридан контрактни текшириш юклатилган арбитражлар томонидан амалга оширилади (ўзига хос махфий ёки кўзда тутилган ҳуқуқ танлови), бундай ҳуқуқ бўлмаса, қўлландиган ҳуқуқ масаласи уларнинг ихтиёрига асосан ҳал этилади.

Низо моҳиятига нисбатан қўлландиган ҳуқуқни аниқлаш учун арбитражлар аксарият ҳолларда, биринчидан, арбитраж жойи коллизиявий нормаларини⁴; иккинчидан, арбитраж мазкур вазиятда қўллаш мумкин бўлган коллизиявий нормалар⁵; учинчидан, ушбу низога таааллуқли коллизиявий нормалар⁶; тўртинчидан, «тўғридан-тўғри» услуб, у арбитражлар томонидан коллизиявий нормаларга

⁴ Ушбу усул узоқ вақт давомида турли арбитражлар арбитражлари томонидан кенг қўлланилган (ВТАК, ХСП Арбитраж суди ва ҳок.). Ҳозирда у эскирган бўлиб, амалиётда тоза шақда кам қўлланади. Фақат Цюрих Арбитраж суди Арбитраж регламенти бу услубни сақлайди.

⁵ Ушбу усулга кўра арбитражлар арбитраж мамлакат ҳуқуқи коллизиявий нормаси билан боғланган эмас, ҳамда моддий ҳуқуқни аниқлаш учун ҳар қандай коллизиявий нормаларни қўллашга ҳақли.

⁶ Жуда кенг равишда *ad hoc* арбитражи ва институционал арбитражлар арбитражлари амалиётида қўлланади.

мурожаат этмасдан қўлландиган ҳуқуқ нормаларини танлашда ифодаланади.⁷

Башарти тарафлар бирор сабаб туфайли қўлландиган ҳуқуқни танламаса, суд уни ўз қонунчилиги коллизиявий нормаларидан келиб чиқиб, аниқлаб олиши шарт. Айнан шундай усул ЎзР ФКнинг 1190-моддасида берилган: тарафларнинг қўлланиш ҳуқуқи тўғрисидаги келишуви мавжуд бўлмаганда, шартномага энг узвий боғлиқ бўлган мамлакат ҳуқуқи қўлланади. Агар қонундан, шартномадан, иш ҳолатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, бундай ҳуқуқ сифатида шартномани мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга ижро этадиган тараф ҳуқуқи тан олинади.

Ўзбекистонда амал қиладиган қонунчилик, жаҳондаги бошқа мамлакатлар ҳуқуқи каби шундан келиб чиқадики, ташқи иқтисодий битим тарафлари қўлланиш ҳуқуқини танлашда эркин бўлади. Аммо бунда айрим муаммолар туғилади. Аввало, бу шу билан изоҳланадики, турли хил ҳуқуқ тизимларида ва миллий қонунларда бир хил масалаларни ҳал этиш борасида ҳамда уларни қўллаш амалиётида жиддий фарқлар мавжуд. Масалан, агар сўз халқаро товар олди-сотди шартномалари хусусида борганда, арбитражлар улар белгиланган коллизиявий нормага боғлиқ ҳолда қўлланиш ҳуқуқи сифатида: сотувчи мамлакатни ҳуқуқи, харидор мамлакатни ҳуқуқи, битимни амалга ошириш жойи ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқни танлаши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Fentiman R. Foreign Law in English Courts. Oxford, 2008. – 480 p.
2. Van den Berg, A.J. The New York Arbitration Convention of 1958. Towards a Uniform Judicial Interpretation. - Kluwer, 2011. – 468 p.
3. Белов А.П. Применение иностранного права международным коммерческим арбитражем. - Право и экономика. 2001. № 7. - С. 65-70.
4. Белов А.П. Международное предпринимательское право: Практическое пособие. - М.: Юридический Дом «Юстицинформ», 2011.- 465 с.
5. Минаков А.И. Арбитражные соглашения и практика рассмотрения внешнеэкономических споров. - М., Юридическая литература, 2005. – 280 с.
6. Шак Х. Международное гражданское процессуальное право: Учебник. / Пер. с нем. - М.: Издательство БЕК, 2001. – 320 с.

7.

⁷ «Тўғридан-тўғри» услуб – арбитражлар томонидан қўлланиш ҳуқуқи еормаларини бирорта коллизиявий нормага мурожаат этмасдан танлаш.

А.Ибрагимова,

ТДЮУ катта ўқитувчиси, мустақил изланувчи (PhD)

ЭКСПОРТНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Аннотация: мақолада экспортга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари ўрганилган. Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлашда хориж тажрибаси таҳлил қилиниб, таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: экспорт, ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, ахборотларни таҳлил қилиш, экспортни қўллаб-қувватлаш, концепция.

Аннотация: в статье изучены вопросы правовой поддержки экспортной деятельности. Проанализирован опыт зарубежных стран по обеспечению правовой информацией экспортной деятельности субъектов предпринимательства и разработаны предложения.

Ключевые слова: экспорт, обеспечение правовой информацией, анализ информации, поддержка экспорта, концепция.

Annotation: The article considers the issues of legal support for export activities. The experiences in legal supporting of foreign countries in providing legal information for business entities has been analyzed and developed proposals.

Keywords: export, supporting with legal information, information analysis, supporting export, conception.

2017 йил натижаларига кўра экспорт ҳажми бўйича Хитой бутун дунёда энг биринчи ўринни АҚШ иккинчи ўринни, Германия учинчи ўринни эгаллаган[1]. Мазкур давлатлардан Хитой ва АҚШ ўз ҳудудининг улканлиги ва табиий бойликларининг кўплиги билан характерланади. Япония, Корея Республикаси, Франция, Италия каби мамлакатлар экспортни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ва узоқ муддатга мўлжалланган сиёсати орқали юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил январь - сентябрь ойларида экспорт ҳажми 9 367,6 млн. АҚШ долларига (0,4%га камайган) тенг бўлди. Экспорт таркибида товарларнинг улуши 75,9%га эга бўлиб, булар асосан энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (20,2%), озиқ-овқат маҳсулотлари (8,8%), шунингдек кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (7,3%) гуруҳлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хизматлар экспорти ҳажми 2257,3 млн. АҚШ долларини ёки жами экспорт ҳажмининг 24,1%ини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,9%га ўсганлиги кузатилди. Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши транспорт хизматлари, туризм хизматлари, телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари, молиявий хизматлардан иборат.

Республикадан экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 37,1%ини ташкил қилади.

Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерациясига экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташланса, асосан энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларидан иборат эканлигини кўриш мумкин[2].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг жаҳон стандартларига жавоб берадиган товарлар, ишлар ва хизматларни тақдим этишга нисбатан рағбатлантириш орқали дунё бозорини эгаллаш, миллий брендлар ҳамда "Made in Uzbekistan" ёрлиғи остидаги маҳсулотларнинг жаҳон бўйлаб кенг ёйилишига эришиш назарда тутилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган бўлсада, экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш даражаси қониқарли ҳолатда эмас. Тадбиркорлик субъектлари ташқи бозорни ўзлари таҳлил қилишларига тўғри келмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг барчасида ҳам ташқи бозордаги ҳолатни тўғри ва профессионал даражада баҳолай оладиган, бозордаги талабнинг аниқ доирасини ва миқдорини белгилай оладиган, хорижий мамлакатлар қонунчилигини, айрим ҳолатларда эса миллий қонунчиликдан ҳам ҳатто етарли даражада хабардор бўлмаслик натижасида экспорт қилиш жарёнида мураккабликлар юзага келмоқда.

Айрим ҳолатларда эса тадбиркорлар томонидан экспорт қилиш мақсадида етиштирилган маҳсулотлар (айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари)га талабнинг кескин тушиб кетиши туфайли зарар кўрилаётгани ёки товарнинг хорижий мамлакатда ўрнатилган талабалар (техник, фитосанитар, ўрам ва қадоқлаш тартиби ва бошқалар)га тўла жавоб бермаслиги натижасида сотиб олувчи томонидан шартноманинг бекор қилиниши ҳоллари ҳам учраб турибди.

Масалан, 2016 йилда Россия Федерациясининг Новосибирск вилоятига экспорт қилинган 9 тоннадан ортиқ шафтоли ҳашаротлар билан зарарланганлиги туфайли тегишли фитосанитар назоратдан ўта олмаганлиги учун Ўзбекистонга қайтариб жўнатилган[3].

Шунингдек, мамлакатда тармоқлар бўйича экспорт стратегияси аниқ ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "2018 – 2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг ишлаб чиқилиши, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни юқори даражада маҳаллийлаштиришга йўналтирилган иқтисодийнинг истиқболли соҳаларини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш зарурияти назарда тутилган бўлсада, бундай концепция қабул қилингани йўқ.

Россия Федерациясида 2025 йилга қадар автомобиль саноатида экспортни ривожлантириш бўйича Стратегия[4], Беларусь Республикасида 2018–2020 йилларга мўлжалланган таълим соҳасида хизматларни экспорт қилишни ривожлантириш Концепцияси[5] ишлаб чиқилган.

Россия Федерацияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги эса янада ўзига хос "йўл" орқали Хитой Халқ Республикаси (этиборлиси шундаки, нафақат тармоқ бўйича ихтисослашув, балки аниқ бир мамлакат даражасида ихтисослашув) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш учун 20 миллион рубль мукофот эълон қилган[6]. Концепцияда Хитой бозорига 2024 йилга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат

маҳсулотлари ва ичимликлар экспортини ривожлантириш режаси ишлаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида аниқ турдаги маҳсулотлар экспортига оид бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган[7], аммо улар соҳанинг қатъий ва тизимли ривожланиши аниқ чора-тадбирларни ўзида тўлақонли акс эттира олмаяпти.

Шу жиҳатдан экспорт фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар фаолиятини турли йўллар ва воситалар билан қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борадаги жаҳон тажрибасининг илғор ютуқларидан келиб чиқиб тизимли чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Айрим мамлакатлар ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлашда институционал тузилмаларни ташкил этишга эътибор қаратганлар. Бу борада АҚШ Давлат департаменти хорижда ўз тадбиркорларини давлат даражасида қўллаб-қувватлаш бўйича барча вазирликлар ва идоралар, давлат ташкилотлари ва уларнинг хориждаги вакилларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Давлат департаментининг раҳбарлиги остида ташқи иқтисодий фаолиятга тааллуқли масалалар турли кўмиталарда бевосита тадбиркорлар иштирокида муҳокама қилиб борилади. АҚШда хорижий бозорга чиқишни истаган исталган компания бепул равишда контрагент-мамлакатнинг бозор шароитлари ҳақида маълумот билан таъминланади. Шу билан биргаликда, экспортни ривожлантириш марказларида унча кўп бўлмаган маблағ эвазига тадбиркорлар экспорт объекти юзасидан комплекс маркетинг тадқиқотлари, контрагентнинг барча керакли реквизитлари кўрсатилган маълумотлари, унинг кредит тарихи, шунингдек кучли ва заиф жиҳатлари тўғрисида маълумотларни тайёрлаб берадилар.

Буюк Британияда ташқи иқтисодий сиёсат давлат сиёсатининг бир қисми сифатида алоҳида эътироф этилади. Мамлакатда деярли барча вазирликлар ушбу масала билан шуғулланишади. Ташқи иқтисодий ҳамкорлик борасида, айниқса, турли вазирлик ва идораларнинг вакилларидан иборат дипломатик миссиялар катта роль ўйнайди. Уларнинг ҳар бири бир вақтнинг ўзида савдо маслаҳатчилари вазифасини ўтайди. Экспорт бўйича британия миллий кенгаши экспорт қилувчиларга – “савдо дарча” лари очиб беришда амалий ёрдам кўрсатади. Британиялик экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига тегишли хорижий бозорни илк бора ўзлаштириш жараёнида кўрғазма-экспозицияларни ташкил этиш юзасидан ташкилий-молиявий кўмак кўрсатилади.

Корея Республикасида 1995 йилдан бери Корея инвестициялар ва савдо агентлиги (КОТРА) бутун дунё бўйича корейлик тадбиркорлар учун ташқи савдо масалаларида ҳамкорлар топишда кўмаклашиб келмоқда. Мазкур ташкилот дастлаб 1962 йилда Корея Республикаси ҳуқуқати томонидан ташкил этилган бўлиб, корей товарлари экспортини ошириш мақсадида тузилган. Ҳозирги кунда 70 дан ортиқ мамлакатларда ўз ваколатхоналарига эга [8].

Японияда ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатувчи тизимнинг ташкилотчиси сифатида давлатнинг ўзи фаол иштирок этиб, мазкур фаолият бевосита давлат томонидан молиялаштирилади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тармоқли характер акс этиб, маркетинг ахборотларини тўплаш ва таҳлил қилиш, ахборот-консултация хизматларини кўрсатиш, реклама-кўрғазма ишларини ташкил этиш, ташқи иқтисодий фаолиятга янги иштирокчиларни жалб этишдан иборатдир. Японияда 1962 йилдан бери

Ташқи савдо ва саноат вазирлиги томонидан ташкил этилган, хорижий мамлакатларнинг иқтисодий аҳоли ҳаётидаги маълумотларни тўпловчи тузилмалар фаолият юритиб келмоқда. Японияда ташқи иқтисодий фаолиятни ахборот билан таъминлашга, хорижий мамлакатларнинг тижорат ахборотларини тўплаш ва таҳлил қилишга Ташқи ишлар вазирлиги ҳам жалб этилади.

Япония тадбиркорлари экспортини қўллаб-қувватлашда Япониянинг ташқи савдо бўйича ҳамкорликни ривожлантириш бўйича нотижорат ташкилоти – JETRO (Japan External Trade Organization)нинг аҳамияти каттадир. Мазкур ташкилот тўлақонли равишда ҳукумат томонидан молиялаштирилиб, дунё бозорини ўрганиш, маркетинг ахборотларини тўплаш ва таҳлил қилиш, хорижий мамлакатларда япон товарларининг кўрғазмаларини ташкил этиш билан шуғулланади. Ташкилот 1958 йилда Япония экспортини кенгайтириш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган [9].

Асосий мақсади Япония ташқи савдосига кўмаклашиш бўлган JETRO компаниясининг ҳозирги пайтда 54 та мамлакатда 73 та ваколатхонаси, фақатгина Япониянинг ўзида 37 та минтақавий идораси мавжуд.

JETROнинг фаолият йўналишлари куйидагиларни қамраб олади:

Япония экспортини яхшилаш учун воситачилик ва ахборот-маслаҳат ёрдамни кўрсатиш. Бунинг учун савдо фирмалари ва тадбиркорлик субъектларининг вакилларидан ташкил топган кўмиталар мавжуд бўлиб, Япония товарларини экспорт қилишнинг аниқ масалалари ўрганиб чиқилиб, турли ечимлар ишлаб чиқилади. Япония товарларининг намуналарини сотиш ва уларнинг кўрғазмаларини ташкил этишга катта эътибор берилади. Ташкилот ўзига хос “маълумотлар банки” бўлиб, япон бозорининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ахборот материаллари тайёрлайди ва хорижий компанияларни мазкур ахборотлар билан таъминлайди. JETROнинг яна бир жуда муҳим вазифадан бири Японияга ўз товарларини экспорт қилмоқчи бўлган хорижий компанияларнинг таклифларини (йилига 300 мингтагача) ўрганиб чиқади, Японияга экспорт қилиш истагида бўлган бизнесменларга бепул консултациялар беради;

Хорижда япон товарларининг кўрғазмаларини, шунингдек миллий маҳсулотларни мамлакатнинг турли минтақаларида сотиш учун савдо кўрғазмаларини ташкил этади, бундай кўрғазмаларда хорижий компанияларнинг ҳам иштирок этишларини рағбатлантириб келади;

Япониянинг ишбилармон доираси ва хорижий мамлакатлар тадбиркорлари вакиллари ўртасида алоқалар ўрнатади;

Мамлакатда ва хорижда товарлар экспорти ва импортига оид муаммоларга бағишланган семинарлар (йилига 200 тагача) ўтказилади;

Инглиз тилида турли даврий ва махсус (айнан бир мавзуга бағишланган) нашрларни чоп этишга қаратилган нашриёт-матбаа фаолияти. Уларнинг қаторига Япониянинг иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, савдо ва импорт тизимига бағишланган (ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун) ҳар ойда чоп этиладиган нашрлар ҳам мавжуд. Бундан ташқари, мунтазам равишда Японияда бизнес юритишга оид маълумотлар ва тавсиялар (солик, меҳнат ва бизнеснинг бошқа масалаларига бағишланган 11 та рисола) чоп этилади, 18 та рисоладан иборат махсус нашр эса

япон бозори ҳақида ахборотлар, Японияга экспорт қилишга оид муаммоларга бағишланади [10].

Францияда ташқи иқтисодий фаолият юзасидан ахборотлар олишнинг кўплаб манбалари мавжуд. Ҳукуматнинг асосий вазифаси мазкур ахборотларни тўплаш ва қайта ишлашни мувофиқлаштиришда кўрилади. Ушбу вазифани бажаришда асосий ижрочи Молия вазирлиги ҳисобланади. Ҳаттоки 1992 йилда экспортга йўналтирилган корхоналар манфаатини кўзлаб иқтисодий маълумотларни такомиллаштириш бўйича махсус ассоциация ҳам ташкил этилган [11].

Испаниянинг “СОРСА” (**Каталония савдо бўйича ҳамкорлик консорсиуми**) консорсиуми дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларида ваколатхоналаи мавжуд бўлиб, каталониялик тадбиркорларнинг манфаатларини кўзлаб бутун дунёда бизнес-платформаларни яратишга интилади [12].

Шу жиҳатдан юқоридагилардан келиб чиқиб куйидаги масалаларга эътибор қаратиш долзарб деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, мамлакатимизда ҳам экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларига кўмаклашувчи нодавлат нотижорат тузилмаларнинг ташкил этилиши ҳамда улар томонидан тадбиркорлик субъектларига потенциал ҳамкорлар ҳақида ахборотлар банкнинг шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, бундай нодавлат нотижорат ташкилотнинг фаолиятини Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан қўллаб-қувватланиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги ЎРҚ – 483-сонли Қонунининг 12-моддасига кўра, Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектларига шерикларни, янги бозорларни излашда ва ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни ташқи бозорларга олиб чиқишда, экспорт турларини кенгайтириш ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашади.

Иккинчидан, республиканинг экспорт сисъатини аниқ белгилаб берувчи концепциянинг, яъни Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган “2018 – 2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш Концепцияси” қабул қилиниши, шунингдек унинг асосида аниқ турдаги маҳсулотларни экспорт қилишга оид бўлган қонунчиликнинг замон ва бозор талабидан келиб чиққан ҳолда тизимлаштирилган шаклга келтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари учун ахборотлар банкни яратишда маркетинг тадқиқотларини олиб боровчи молиячи-иқтисодчилар билан биргаликда юридик мутахассисликка эга бўлган профессионал ходимларнинг иштироки ҳам ниҳоятда муҳим. Чунки экспорт фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тизимлаштирилган ҳолатга келтирилиши, тадбиркорлик субъектлари томонидан қайси давлатга қандай маҳсулотни қандай ҳуқуқий нормаларга риоя этган ҳолда экспорт қилиниши ҳақида аниқ маълумотлар базасини шакллантирилиш лозим. Шунингдек, хорижий бозорларни ўрганишда, хорижий қонунчиликка мувофиқ равишда хорижий мамлакатнинг импортга оид қонунчилиги ҳам таҳлил этилиши лозим. Бундай ахборотлар банкнинг шаклланиши экспорт фаолияти билан шуғулланувчи

тадбиркорлик субъектлари учун хорижий бозорларни эгаллашда дастурул умал бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.statista.com/statistics/264623/leading-export-countries-worldwide>
2. <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/4899-tashqi-savdo-8>
3. <http://rshn-nso.ru/news>
4. Распоряжение от 31 августа 2017 года №1877-р. Стратегией определены приоритетные направления развития экспорта автомобильной промышленности, меры поддержки отрасли, целевые показатели и ресурсное обеспечение. // <http://government.ru/docs/29095/>
5. <http://www.belta.by/society/view/v-belarusi-razrabotana-kontseptsija-razvitiya-eksporta-uslug-v-oblasti-obrazovaniya-na-2018-2020-gody-287523-2018/>
6. <https://torg94.ru/news/kontseptsiya-razvitiya-eksporta-selhozproduksii-v-kitaj-obojdetsya-minselhozu-v-20-mln-rub-2018-10-01/>
7. Донни қайта ишловчи корхоналарни қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори №684 Қабул қилинган сана 24.08.2018 Кучга кириш санаси 25.08.2018; Таркибида мис бўлган маҳсулотлар экспортини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори №ПҚ–3768 Қабул қилинган сана 04.06.2018 Кучга кириш санаси 05.06.2018; Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор №ПҚ–3693 Қабул қилинган сана 03.05.2018, Кучга кириш санаси 04.05.2018; Республикада каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори №ПҚ – 3617 Қабул қилинган сана 20.03.2018 Кучга кириш санаси 20.03.2018 в.б.
8. <http://www.kotra.uz>
9. <https://www.jetro.go.jp/en/jetro/>
10. <https://www.jetro.go.jp>
11. Приходько С.В. и авт. кол. Стимулирование экспортной деятельности в зарубежных странах и практика поддержки экспорта в России.– Москва, 2007 – С 7.
12. Приходько С.В. и авт. кол. Стимулирование экспортной деятельности в зарубежных странах и практика поддержки экспорта в России.– Москва, 2007 – С 8.